

Шарк Ҳаётузи

1999

I

68-йил чиқиши

Адабий-ижтимоий
журнал

Бош муҳаррир
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати

Омон Мухтор,
Бахтиёр Карим,
Юсуф Файзулло,
Мурод Мансур,
Икром Отамурод,
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон,
Асад Дилмурод

Жамоатчилик кенгаши

Нуриддин Зайниев,
Холмуҳаммад Нуруллаев,
Ихтиёр Ризо,
Адҳам Каримов,
Раҳима Ҳақимова,
Аҳмад Турсун,
Қуронбой Матризаев,
Наби Жалолоддин

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ



Азиз дўстлар!

“Шарқ юлдузи” журнали мухлислари!


*Мана, бизга Сиз билан яна Янги Бир Мулоқот на-
сиб этди. Бу йил ҳам журналимиз Сизнинг эътибо-
рингизга адабиётимизнинг энг сара намуналарини
ҳавола қилади. Ўзбекистоннинг жаҳон тараққиёти-
даги ўрни, бу тараққиётга қўшаётган ҳиссаси ва бу
кунги шон-шукуҳи тўғрисида, шунингдек, ҳаётимиз-
даги долзарб муаммолар ҳақида ҳикоялар, лавҳалар,
суҳбатларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Булар-
дан ташқари, журналнинг айрим сонларини бу йил
мамлакатимизнинг узоқ-яқин жаҳон мамлакатлари
билан турли жабҳалардаги ҳамдўстлик-ҳамкорлиги-
га бағишлаш ниятидамиз. Журналнинг режалари ул-
кан. Сизнинг меҳр-эътиборингизни қадрлаб, юксак та-
лабингизга жавоб бериш биз учун доим муҳим бўлиб
келган. Шундай бўлиб қолади. Журнал Сизнинг
кўнглингиз, хонадонингизни ҳар қачонгидек ёритса,
чинакам СУҲБАТДОШга айланиб, Сизга руҳ бахш
этса, биз буни ўз бахтимиз деб биламиз...*





Усмон Азим

ХАЛҚНИНГ МАНГУ ГУРУДИ



Машҳур дostonларимиз ҳам, ўқиладиган китобларимиз ҳам, Худога минг қатла шукр, анчагина. Катта тўй-томоша бераётганимиз – «Алпомиш» бу қаторда алоҳида ўрин эгаллайди. Негаким, менинг назаримда, у ўзбекининг бош китобларидан бири. эҳтимол энг бош китобидир.

У мавзу жиҳатидан ҳам, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати жиҳатидан ҳам бошқа дostonлардан ажралиб туради. Дoston қаҳрамонлари бугунги кунда ҳам баъзи юртдошларимизга танқис бўлиб турган туйғуда — юрт ташвишида ўрганадилар. Бу туйғу эса эзгу туйғуларнинг энг юксаги ва ноёби сифатида ҳаммиша энг юракли ва энг бахтли элга насиб қилади.

Минглаб номаълум даҳо шоирлар асрлар оша бугунги кунгача олиб келган бу дostonнинг қадри шундаки, у ўзбекларга эл-юртининг қадру қийматини, ор-номусини мудом эсга солиб турди, ёвга бош эгдирмади, қаҳрамонликларга чорлади, насли-насабини ўзгаларга хор қилмасликка ўргатди — «Ватан» деган улуғ сўзга доғ тегдирмай, авлодлардан авлодларга васият қилиб қолдирди.

Мен «Алпомиш»нинг тўйи ҳақида гапирганда, унинг ёши ҳақида атайлаб гапирмадим. Бу алоҳида мавзу. («Тафаккур» журналида бу ҳақда ўз фикримни билдирганман). Фақат ўзбекининг илдизи етти қават ернинг тагида эканлигини эсдан чиқармайлик.

Муҳими, фахру ғурур билан олам аро довруғ солиб, бу дostonни кўз-кўз қилишимиздир. Ўзбек азал-азалдан юрти учун жонфидо эканлигини яна бир ҳис этиб, кўксимизни нури ҳаяжонларга тўлдиршимиздир...

Азиз журналхон! Менинг болалигим «Алпомиш» оҳангларига жўр бўлиб ўтди. Бойсун-Қўнғиротда туғилганимданми, ўзимни бу дostonга, унинг қаҳрамонларига бир қадар яқин тутдим. Худога минг бор шукрки, мана энди унинг тўйини кўрай деб, бел боғлаб турибман.

Тўйга қуруқ қўл билан бормаслик мақсадида Алпомиш мавзуларида бир наср китоби, «Алпомиш» драмаси, «Алпомиш ва Ойбарчин» операси учун либретто, шунингдек, ўзбек киночилари суратга олмоққа бел боғлаган бадий кинодoston учун сценарий ёздим...

«Шарқ юлдузи» журнали бу кинодostonни сизга ҳадя этяпти. Мендан зериксангиз ҳам, Алпомиш сизни зериктирмайди, деб ўйлайман.

Муаллиф

АЛПОМИШ

Кинодостон

Дўмбиранинг босиқ, жонўртар садоси.

У бизни олис томонларга -- эртақ оғушида қолиб кетган мозийга -- ҳойнаҳой Алпомиш билан юз кўриштиргани олиб кетаётгандай...

Онасини соғинган кўзичоқ маъраши эшигилади. У ўртаниб-ўртаниб онасини чорлайди. Экранда баҳорги булутлар югургилаган осмон кўринади. Осмоннинг булутлардан озод парчалари мовийдан ҳам мовий...

Сўнг кўйининг боласини чорлаган соғинч тўла тасалли маъраши янграйди. Сўнг унинг овозига бошқа кўю кўзиларнинг бўзлашлари жўр бўлади. Йилқиларнинг кишнашию туяларнинг ўкириши кўшилади...

Камера бу товушларни излаётгандай осмондан айланиб, чексиз-адоқсиз кўм-кўк қиру адирларга ўтади. У баҳор елида тўлғониб ётган ранго-ранг гуллар ва турфа ўт-ўланларнинг тўлғоншига ҳайрат ичра лол қолгандай бир зум қараб туради-да, бир-биридан гўзал манзаралар қошида сеҳрлангандай уларни кузата-кузата, аста-аста юрина бошлайди. Дант, сойлар, қирлар, тепаликлар... Кўкимтир ғуборлар орасидан Асқар тоғи кўринади...

Қиру адирларда ёйилган сурув-сурув қўйлар. Арчазорларга туташган дараларда, қирларда баҳор кўбидан қони қизиб, ўйноқлаган уюр-уюр йилқилар... Даштнинг бир четида отларини салт қўйган Бойсун-Қўнғирот қизлари гул териб юришибди, бир четида ёш-яланлар от чоптириб, пойга қўйишяпти. Бир тарафда бўз болалар давра олиб, ҳайқириб, кураш тушаётган икки тенгдошларига ишқибозлик қилмоқдалар.

Бахши овози: Бурунги замонда ўн олти улуғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди...

Экранда Қўнғирот элининг баҳорги юрти кўринади. Сон-саноқсиз ўтовлар. Ўтовлар элида бедов отлар, кўганларда тизилган кўзи-улоқлар...

Бахши овози: ...Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан икки ўғил дунёга келди: каттасининг отини Бойбўри, кичкинасининг отини Бойсари қўйди...

Ўтовлар орасида қарама-қарши тарафда икки ҳашаматли оқ кигиз ёпилган ўтовлар кўзга ташланди. Уларнинг туғ кўтаргани Бойбўри бийники, туғсизи эса Бойсариники...

Бахши овози: ... Бойсари бой эди, Бойбўри шоҳ эди.

Улкан чинор. Чинорнинг тагида туғ кўтарган мазор. Бойбўри ва Бойсари Шоҳимардон пирнинг равзасини тавоб қилмоқдалар.

Бойбўри: -- Эй, Шоҳимардон пирим! Оллоҳдан бизга бир фарзанд сўраб беринг!

Бойсари: -- Қирқ кундан буён Худога йиғлаямиз! Фарзандимиз бўлмаса, бизга бу дунёнинг кераги йўқ!

Чинорнинг барглари ногоҳ шовуллайди. Бойбўрининг ва Бойсарининг юзлари қаёқдандир тушган ёрудан ёришади. Улар бутун вужуди билан чинорнинг шовуллаётган баргларига тикиладилар. Бирдан равзадан овоз келади:

-- Бойбўри! Сенга Худойим бир ўғил, бир қиз берди -- ёлғиз эмас, эгиз берди: Бойсари! Сенга Худойим бир қиз берди -- эгиз эмас, ёлғиз берди! Бундан берсаларинг, фарзанд кўрсаларинг, халойиқни йиғсаларинг, тўй-тамошалар берсаларинг, тўйга қаландар бўлиб бориб, болаларингнинг отини ўзим қўйиб келаман...

Бойбўрининг шоҳона ўтовидан сарой аҳли ўтирибди. Бойбўри тўрда хос либосда... Ташқаридан шодибна ғала-ғовур эшитилади. Эшик очилиб, Қултой элликбоши киради.

— Суйинчи беринг, бегим! Суйинчи беринг!

--- Қултой элликбоши, қандай хушxabар келтирдинг?

-- Сизга қувонч устига қувонч келтирдим, шоҳим! Кеча тонг чоғида Кунтуғмуш бекач қўш фарзанд кўрдилар! Бир қиз, бир ўғилнинг отаси бўлдингиз!

Бойбўри қувончдан ўрнидан туриб кетади. Сарой аҳлининг “Меросхўр муборак!”, “Шаҳзода қутлуғ бўлсин!” деган қувонч қутловлари эшитилади. “Қуллуқ, қуллуқ” деяётган Бойбўрининг кўзлари ёшланган...

Шу маҳал қувончли шиддат билан Бойсари киради.

Ака! Мен фарзандли бўлдим! Фарзандли!.. Қиз кўрдим!

Бойбўри яна ўрнидан сакраб туради:

Ука, мен ҳам фарзандли бўлдим! Эгиз! Бир қиз, бир ўғил!

Шодон ҳолда бир-бирлари билан маҳкам қучоқлаб кўришадилар.

Чақалоқларнинг бешик тўйи.

Сўқимлар сўйиляпти, қозонларда ош дамланаяпти, бахшилар дўмбираларини эмантириб, дostonлар айтаптилар. Леги қизларнинг базмида чанқовузлар “биёв”лаган, дафлар даранглаган... Бир томонда кўпкари қанча бекваччалар отларини совитиб турибди, қанчаси улоқ талашиб, гурилляпти.

Қирқ увуқли икки оқ ўтовнинг олдида, ранго-ранг кигизу гиламлар тўшалган суна устида уч бешик. Икки чеккадаги қизалоқларга мўлжалланган бешикларнинг ёнингичлари қимматбахо қизил матодан. Гуллар гикиб безатилган. Ўртадаги ўғил боланинг бешиги эса босиқроқ рангли шоҳона ёнингичларда. Бу бешикнинг бошида жиғаси ҳам бор.

Сунанинг ўтовларга юзма-юз тарафида Кўнғиротнинг катта-кичиги ўртасида Бойбўри ва Бойсари турибдилар. Уларнинг кайфи чоғ. Атрофни отлиқ-шиёда халойиқ босган.

Оқ ўтовдан аввал бекалар — икки бийнинг хотинлари чиқадилар. Улар Бойсари ва Бойбўрига, тўйхўрларга ва ўн олти уруғ Кўнғиротга таъзим қилишгач, ўтов эшигининг икки тарафида ўтадилар. Энди ичкаридан бирин-кетин оқ салла ўраган уч энага чақалоқларни кўтариб чиқадир. Аввал ўғил чақалоқни кўтарган энага чиқади, унинг либоси босиқ рангда. Сўнг қизалоқларни кўтарган энагалар чиқадилар — уларнинг либослари оловдай қизил рангдадир. “Фарзанд куллуқ бўлсин, бийлар!”, “Шаҳзоданинг умри узун бўлсин!” деган овозлар дунёни тутиб кетади.

Бойсари ва Бойбўрининг тилларида қуллуқлари, қўллари кўксиди: икки бека эса яна халққа таъзим қиладилар. Энагалар қўлларидаги — йўртақдаги чақалоқларни бир қадар кўтариб, халққа кўрсатган бўладилар. Сўнг Бойсари ва Бойбўрининг олдида — юзкўрсатарга элтадилар. Бийлар чақалоқларни юзларини очадилар-да, тавоб қиладилар.

Шу пайт осмондан, “Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!” деган бир масгона овоз эшитилади. Ҳамма осмонга қарайди. Овоз ерга — олисларга кўчгандай бўлади. Барча орқасига ўгирилиб қарайди. Бийларнинг тетрасидаги халойиқ иккига бўлинади. Бийларнинг ёнидагилар ҳам икки тарафга чекинадилар... Даштнинг тўрида “Ё Оллоҳ”лаб келаятган қаландарлар кўринадилар.

Бир қаландар Оллоҳ ишқидан маст бўлиб айтганча, тўғри энагалар турган чақалоқларнинг қаршисига ўтиб боради. Сўл томонда турган энаганинг олдида тўхтади. Ҳамду санодан тиниб, бир зум фалакдан ниманидир эшитаётгандай туради. Сўнг эълон қилади:

— Бу чақалоқнинг оти Қалдиғоч!

Сўл тарафдаги энаганинг ёнига ўтади. Унинг қўлидаги чақалоққа қараб сеҳрлангандай қолади:

— Бу қизалоқнинг номи — Ойбарчин!

Қаландар ўртадаги энага қошига келади. Унга ишора қилади. Энага чақалоқни ечинтиради. Қаландар ундан чақалоқни олиб, баланд кўтаради. Қаландар чақалоқнинг ўнг кифтига беш панжа уради. Чақалоқнинг кифтида беш панжанинг изи қолди.

— Бу чақалоқнинг исми Ҳакимбек! Алломиш деб оламга машҳур бўлмай — дейди қаландар. — Эту юртининг доғини дунё турганча оламга таратадиган шу Алломишдир! Юрагининг ҳар бир зарби бахшилар тилида дoston бўлади. Дўмбираларнинг тори “Алломиш” деб, инграб узилади, дунёнинг кўзларидан ёши тизилади, ёмонлик вайрон бўлиб бузилади, унинг ғайратидан кўп яхшиликлар тузилади! Унга ҳеч ким бас келолмайди! Ҳакимбек билан Барчиной бир-бирларига кўнгил берадилар, умрларининг тикану гулларини бирга терадилар!..

Шу маҳал дашт тарафдан Тарлон биянинг кишнаши эшитилади. Ҳамма яна дашт томонга қарайди.

Даштда Тарлон бия қулунлаб турибди. Бир чипоргина тойчоқ тарлон бия оёғининг тагида ётибди. Тарлон бия уни ялаб-юлқаркан, кишнаб кўяди. Бир кишнаганида, тойчоқ қалтирабгина оёққа туради. Иккинчи кишнаганида, авайлабгина юра бошлайди. Учинчи кишнаганида, онаси атрофида, сўнг дала-дашт бўйлаб югура бошлайди...

Бу — Бойчибор! — дейди қаландар.

Бойчибор оқ ўтов — Алломиш тарафга қараб кишнади. Энага қўлидаги чақалоқ кўзларини катта-катта очади.

— Қаландар! Бойчиборнинг не шуҳрати бўлмай! — деб сўрайди Бойсари.

Аммо қаландар йўқ — ғойиб бўлган...

Бешик тўйи давом этапти.

Икки-уч ёшли чақалоқлар Барчин ва Алломиш ўтовлар орасида ўйнаб юрибдилар.

Беш-олти ёшли икки норасида қўй-қўзилар ичида.

Ана, улар мактабда таълим олаяптилар...

Ана, отда овулларига бирга қайтаптилар...

Барчин соғилаётган қўйнинг қўзисини ушлаб турибди. Кўгандаги қўзи-улоқлар навбатларини кутиб, аянчли уринадилар. Қўйлар болаларига меҳрлари ийиб, интиладилар. Хотинхалаж уларни ҳайдайди... қўй соғиб бўлинади. Барчин қўзини бўшатиб, онасининг елинига ютоқиб ташланган қўзичоққа қувониб термулади. Сўнг яна кўгандаги қўзиларга қарайди. Бориб битта-битта уларни бўшата бошлайди... Уларнинг маъраганча дикирлаб бориб, онаси елинига ташланишлари, қўйларнинг қўзичоқларини искаб-ҳиллаб роҳатланишларидан завқ олиб кулади... Унинг кўзи қир томонга от суриб кетаётган Ҳақимбекка ва унинг ёнидаги Қосимбекка тушади... Ҳақимбек ўн тўрт ботмон ёйни елкасига тақиб олган.

Алпомиш ва Қосимбек баланд қир томонга елиб бормоқдалар.

— Болам, эҳтиёт бўл! Бу ёйни фақат бобонг Добонбий кўтаролган! Буни отолган алп бўлади, отолмаган даф бўлади... Эҳтиёт бўл!

Ҳақимбек кулади. Улар қир устига чиқадилар. Отдан тушадилар. Ҳақимбек ўқ жойлаб, ёйни тортади-да, қўйиб юборади. Ўқ яшиндай бўлиб кетади. Асқар тоғнинг бир чўққисини юлиб ўтади. Овозаси оламга етади.

— Бойсун-Қўнғирот! — наъра тортади Қосимбек — Ҳақимбек бобоси Добонбийнинг ўн тўрт ботмонлик ёйини тортди! Ҳеч ким қилолмаган ишни қилди! Ҳақимбек Алп бўлди! Алп! Алпомиш дунёга келди! Алпомиш!..

Қосимбек дунёга жар солганича от солиб, Бойсун-Қўнғирот овуллари, дала-қирлари ора-лаб от чоптириб кетади.

Барчин қир устидан отини етаклаб тушиб келаётган Алпомишнинг қаршисига югуриб чиқади.

— Ростдан сен отдингми?

— Ҳа, мен отдим...

— Сен энди алпмисан? Алпомишмисан?

Ҳа, мен алпман! Алпомишман! Сен эса Барчин... Барчин!..

Барчин бўлсам... нима бўпти?

Фурур билан гапиринаётган Алпомиш бирдан уялиқирайди:

— Барчин.. — дейди у зўриқиб, — энг сулув исм...

Улар бир-бирига қараб қоладилар.

Бойбўри аркони давлати, уламолар билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Қани, менга айтинглари-чи, — дейди у, мамлакатимизда қандай янгиликлар бор? Элнинг аҳволи қалай? Фуқаро тинчми?

— Мамлакат тинч, қўнғиротларнинг улуғ бийи! — дейди таъзим билан Саид маҳрам.

Фақат...

Нега тилингни тишладинг, Саид маҳрам?

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

— Кечдим, Саид маҳрам, кечдим.

Саид маҳрам яна таъзим қилади:

Кеча чўпонларингиз яйловларингиздан ҳайдалибди...

Жимлик чўқади. Бойбўрибий тахтда бир тўлғонади.

— Ким бизнинг чўпонларга қўл кўтарди, Саид маҳрам?

Укангиз Бойсарибийнинг чўпонлари!..

Бойсарибийга бу мажорони етказдиларингми? Чўпонларига жазо бергандир?

— Етказдик. Аммо... чўпонларга жазо берилганини сезмадик...

— Бойсари яхши иш қилмапти...

— Худо ва подшо олдида Қўнғиротнинг катта-кичиги тенгдир. Аммо Бойсарибий, мана, неча йилки, ҳатто закот тўлашни ҳам эздан чиқариб қўйди...

— Закот ҳам бермаяпти дегин?..

Бойсарибий ғазабда ўртаниб, буйруқ беради:

— Саид маҳрам, закотчиларни Бойсарибийнинг қошига юборинг. Подшоликнинг закотини бугун кечгача олиб келсинлар! “Қўнғиротнинг катта-кичиги Оллоҳ ва подшо олдида тенг” деб айтсинлар!

Барчин от миниб, овулидан чиқиб, мактабга бораяпти. Қўлида китоб жилди. Баҳор. Даладашнинг умри қисқа телба баҳори. Гулу майсалар қизилу яшил очилиб, қулф урган пайт. Бир қир орқасидан Алпомиш чиқиб, Барчинга эргашади. Олдинда баҳорга маҳлиё бўлиб, отини ўз эркига ташлаб кетаётган Барчин. Барчиндан анча нарида унга эргашиб келаётган Алпомиш... Барчин ниманидир сезиб, ортига бурилиб қарайди. Алпомишни кўради. Кулим-

сирайди. Алпомишни кўрмагандай йўлидан кетаверади. Ва бирдан қамчи тортади-да, отини учириб кетади. Бир пасдан сўнг отини секинлатиб орқасига қарайди. Алпомиш яна ўша масофада бемалол келаяпти. Барчин отини жиловини тортиб, кўндаланг қилиб тўхтатади.

— Бий бобомнинг ўғли! — дейди Барчин. — Қариндошнинг сендан меҳрибонини кўрмадим... Барчин кўрқмасин деб, кўриқлаб юрибсанми?

— Топдинг, амакимнинг қизи! Бу даштларда ким кўп --- ўғри кўп, ким кўп саёқ юрган кўп... Сени биров хафа қилмасин дейман-да!

— Тўғри қиласан, амакимнинг ўғли! Алпомишдай алп элининг қизларини кўриқламаса, ким кўриқлайди?! — дейди кулимсираб Барчиной. — Аммо олисдан кўриқламасдан, ёнимдан юриб кўриқласанг дуруст бўлар эди. Мен сендан “қароқчимикан” деб қочиб юрибман.

— “Барчиннинг эси кўп”, деб эшитган эдим, айтганлари чин экан. Эсинг кўп экан, Барчин...

Шу сўзларни Алпомиш гапириб, шавқи-завқда кўпириб, от суриб, биқинига уриб, Барчиннинг ёнига бориб, иккаласи бирга кетаяптилар. Уларнинг кетиши баҳорга ярашиқ --- гуллар ичида гулдай очилиб бораяптилар. Улар аввал секин-секин, сўнг от чоптириб жўнайдилар... Шу аснода дўмбира овози эшитилади. Бахшининг овози унга жўр бўлади...

Барчин билан Алпомиш мактаб-мадрасага етиб келадилар. Барчин отдан тушади.

Бўлмаса, яхши бор, бий бобомнинг ўғли! Кўришгунча саломат бўл, --- дейди у Алпомишга бир беғубор --- қизларга Худо ато этган бир ифбатли ноз билан.

— Йўқ, — дейди Алпомиш, сабоғнинг тугагунча, шу ерда сени кутиб тураман. Сўнг уйингга элтиб, кўнглим тинчиб қайтаман. Бу дунёда ким кўп --- эгри юрган кўп, бу дунёда ким кўп --- ёмон юрган кўп...

— Алпомиш, бир қизни кўриқлаш ҳам алпнинг иши бўптима? Бор, Алпомиш! Юртингни кўриқла! Элингни кўриқла!

— Ҳа, Барчин! Мен сени эси бор қиз десам... Қиз бола элнинг номуси! Элнинг ори! Бир алп эмас, минг алп кўриқлашга арзийди... Мактабингга беҳавотир борабер, сени кўриқламасам бўлмайди!..

Барчин мактабга кириб кетади.

Уюр-уюр йилқилар, сурув-сурув қўйлар, қатор-қатор ўтовлар... орасидан ўтиб, Бойбўрининг ўн тўрт закотчиси боряпти. Улар Бойсарининг шоҳона ўтовига яқинлашадилар.

Хизматкорлар отларнинг жиловидан ушлайдилар, закотчиларнинг кўнглини хушлайдилар. Аммо закотчилар отдан тушмасдан, тираниб турадилар.

— Бойсарибийга айт, --- дейди бири, --- биз Бойбўрибийнинг закотчиларимиз! Ўрнидан туриб, бизга пешвоз чиқсин! Подшоликнинг закотини олгани келдик!

Бойсарибий закотчига эмас, меҳмонга пешвоз чиқади, --- дейди ясавулбоши. Яхшиликча кириб, ҳурматини қил-да, ишингни битириб кетавер!

Ҳалиги закотчи ғазбланиб, ясавулбошининг устига от суради...

Барчин мактабнинг деразасидан қарайди. Алпомиш от устида, баҳор куёшида эриб турибди. Қизнинг юзига бир қувонч табассуми югуради...

Бойсарибий ўтовига зап бийлар билан қимиз ичиб, базм қилиб ўтирибди.

Ясавулбоши кириб келади. Усти-боши қон...

— Бойсарибий, бийлигининг писанди қолмади! Ўз юртимизда хор бўлдик! Оёқ ости бўлдик!..

Бойсари унга ғазб билан қарайди:

— Тилингни тий, ясавулбоши, кимнинг оёғининг остида бўлдик?

— Аканг Бойбўрибийга оёқ ости бўлдик!

— Адашаяпсан, ясавулбоши... --- дейди Бойсари бирдан хавотирга тушиб,

— Ана, чиқиб қара, Бойбўрининг закотчилари қочмагани уриб, қочгани суриб юрибди! Закот сўраб, оч итдай улиб юрибди!..

— Ким кимга закот бериши керак экан? — деб бир совуқ титроқ билан сўрайди Бойсари.

— Сен --- Бойсарибий аканг Бойбўрибийга закот бермоғинг керак экан! --- дейди ясавулбоши уни аямай.

Бойсарини ҳалиги совуқ ғазб тамом қамраб олган:

— Молимизга шу пайтгача закот бўлмаган эди. Энди акамиз ўғилли киши бўлиб, дарров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да!.. Ушланглар Бойбўрининг закотчиларини!.. Ярмини қорнига қозик қоқиб қатл қилинглар! Ярмини қулоқ-бурнини кесиб, отларига тескари миндириб, Бойбўрибийга тортиқ қилиб жўнатинглар!

Барчин мактабдан чиқади. У, гўё Алпомишни кўрмагандай, отига минади-да, жўнайди. Алпомиш орқасидан эргашади. Яна ўша аҳвол: Барчин олдинда, Алпомиш орқада боради.

Яна баҳордан маст бўлиб, кўкариб ётган қир-адирларга чиқиб кетадилар... Алпомиш узилиб қолмайди, боғлаб қўйилгандай бўлиб, Ойбарчиннинг ортидан келаяпти.

Отларига тескари миндирилган, қулоқ-бурни кесилган закотчиларни қий-чув кўтариб, ҳайдаб юбормоқдалар. Ёш-яланглар отда чоңқилаб, закотчиларнинг отини қамчилаб, чўлнинг тўрига Бойбўри қўновига қараб қувмоқдалар. Халқ тўпланган. Биров ачиниб, биров кулиб турибди. Ора-чира одамларнинг гурунги қулоққа чалинади:

Қўнғиротда ҳеч кимнинг ҳеч кимга ошириб қўйгани йўқ...

- Закот зўрлик билан олинмайди!

Бойбўри подшо бўлса ҳам, Бойсарининг жигари эди...

Бойсари закотчиларнинг ортидан қараб туради. Алчиғидан тушган. Нима воқеа рўй берганини англаган. Бироқ кўринишидан бир синиқ қарор балқиб турибди. У ўгирилиб одамларга қарайди...

Ўн минг уйли қариндош! Қўнғирот эли! Бу юртда тургилигимиз қолмади! Ўз акамга закот бергунча, ўзга элда жузья бериб юрганим дуруст эмасми? Мен билан ўгли бор бойдай гаплашди. Ахир, закот дегани бу элларда йўқ! Энди Бойсун-Қўнғирот элини сабил қолдириб, Қалмоққа кетаман!.. Ўн минг уйли Қўнғирот эли! Маслаҳат бер!..

Жимлик. Бойсари ҳамманинг кўзига бир-бир қарайди. Беклар, бойлар, уламолар, олимлар, хотин-халажлар, ҳозиргина қий-чув кўтариб югургилаган ёш-яланг, чўпон-чўлиқ, камбағал-бечора... -- барча жим. Ҳеч кимдан сазо чиқмайди. Шунда чопони йиртилган, ковуши титилган бир кимса:

Ҳеч кимдан маслаҳат чиқмади... Маслаҳатни, Бойсарибий, биздан эшит! — деб ўрнидан туради.

Яртибой! Юраги бой, кўнгли бой! Майли, сен гапир! — дейди Бойсари.

Бойсари! Эй, Қўнғиротнинг сардори! Сенга маслаҳат беролмаймиз! Биринг ака, биринг укасан! Биринг Бойсун-Қўнғиротнинг шоҳи, биринг бийисан! Сенларнинг ўртангга ким тушолади? Ихтиёр ўзингда!

Бойсун-Қўнғиротим! -- дейди Бойсари. -- Юзимнинг ёруғи, ишимнинг йўриғи элим! Яртибойнинг айтгани ростми -- нима десам, ихтиёр мендами?

Халқ бир оғиздан гуриллаб жавоб беради:

Ихтиёр сенда!

Бойсари уларга разм солиб қарайди.

Эй, ўн минг уйли Қўнғирот эли! Ундай бўлса, қароримни эшит! Ўз элимизда хор бўлгандан кўра, ўзга юрларда зор яшаган минг марта аъло! Ҳеч кимдан эшитмаган таънамни акамдан эшитдим. Бу ердан кўчиб, Қалмоқ юрти сари равона бўлайлик! Чилбир чўлини бориб макон тутайлик!..

Барчин бир тепа устига чиқади. Ва ҳайронликдан жилов тортиб тўхтади. Унга эргашиб келаётган Алпомиш ҳам отининг жловини тортади. Барчин бирдан шошиб, қамчи уради-да, отини тепадан пастга учуриб кетади. Алпомиш ҳовлиқиб, отини қичаб, тепа устига чиқади. Пастда, Бойсарибийнинг баҳор юртида тўполон. Ўтовлар бузилаяпти, туяларга юклар ортилаяпти, аёллар қий-чув кўтаришган, болалар югуришган, хизматкорлар туяларни қайириб ҳалак, оқсоқоллар буйруқ беришган -- “урҳо-ур” кўчишга тушганлар...

От чоптириб кетаётган Барчин ортига бурилиб қарайди. Алпомиш тепада турибди...

Бойсарининг ўтовларини ҳам бузишмоқда. Барчин етиб келади. Сандиқлари, бўғчаю мапирачлари, хазинаю бисотини -- жами бойлигини чўкиб ётган туяларга ортмоқдалар. Хотин-халаж -- Барчин ва энаси -- бойбекач отланишини кутиб ҳозирланиб турибдилар. Барчин отдан тушиб, энасига рўбарў бўлади.

-- Эна! -- дейди у. -- Қаерга кўчаямиз?

- Қалмоққа кўчаямиз! Бегона юртга кўчаямиз! Чилбир чўлига равона бўлаямиз, болам!

— Эна, Қалмоқда бизга нима бор?!

-- Ўз юртимизга сиғмай қолдик, болам. Бойбўрибий шоҳлигини билдирди, юрак бағримизни тилдирди -- биздан закот сўради... Отангни Бойсун-Қўнғиротда юргилиги қолмади, болам! Сен ҳам отлан!.. Бор, бийнинг қизига ўхшаб кийин, болам!

--- Эна, бий бобом билан бий отамга нима бўлди? Бу кўчиш, сезиб турибман, менинг шўрим бўлади, эна! Бошимга не савдолар тушади бу кетишимизда... Эна, отамга айтинг, элдан ажралмайлик. Ҳаммамиз бир кун пушаймон бўламиз! Қалмоқнинг азобларини Худо кўнглимга солиб турибди, эна!

Энаси босиқ бир жаҳлда Ойбарчинга қарайди:

— Отанг Бойсарибийнинг гапни эл ерда қолдирмади... Сен анди ақл бўлма!..

Барчин тепа томонга бурилиб қарайди. Алпомиш турибди.

Барчин ва қирқин қизлари уловларга минаяптилар... Энаси ҳам от устида — бойвуччалару бекачлар, кайвони аёллар ўровида отланиб туришибди... Барчин от устидан тепага қарайди. Алпомиш тепада турибди...

Туяларга кўч-кўронлар ортилган, охир-адоқсиз қўйлар суруви, йилқилар уюри, қорамоллар подаси яйловларини бўзлаб ташлаб кетаяпти... Эркакларнинг юзлари жиддий. Туяларда бола-чақалар, хотин-халажлар йиғилиб, ортларига қараб-қараб, Бойсун-Қўнғирот билан хушлашиб, ёшларини тўкиб, қадларини букиб кетишади... Бойсари аркони давлати орасида боши ҳам боради. Барчиннинг энаси овозсиз йиғлайди. Барчиннинг елкалари титрайди. Кетаётганларнинг ҳаммаси жим. Дўмбира ноласи эшитилади. Ундан таралаётган оҳанг кетаётганлар ҳасратининг армони каби чексиз дала-даштни, қиру адирларни Асқар тоғини, Ойдин кўлини — бутун дунёни тутайди.

Суворий аёллар тепадан ошиб борадилар, Барчин бурилиб, қарайди. Алпомиш келаяпти...

Кўчаётганлар даштдан ўтаяптилар. Барчин яна қарайди. Алпомиш бир тепада турибди...

Кўчаётганлар тоғдан ошаяптилар. Барчин яна қарайди. Алпомиш ҳамон келаяпти...

Бойбўрининг ўтови. Бойбўри уламолар билан гурунглашиб ўтирибди. Кайфи чоғ.

— Эй, Қўнғиротнинг улуғ бийи! Шошилиш чопар келди!

— Кирсин! — дейди Бойбўри!

— Улуғ бий! Сизнинг закот ҳақидаги фармонингиздан норози бўлиб, Бойсарибий ўн минг қавми билан, Қўнғирот элининг кўпи билан юртдан бош олиб, Қалмоққа кетаяпти.

Бойбўрибийни хуш кайфият бирдан тарк этади. У оғир ўйга толади. Ҳаммага “чиқиб туришлар” деб ишора қилади. Қултой эллиқбошини ва мирзабошини имо билан тўхтатади.

Мирзабоши, ёз!.. “Бойсарибий! Қўнғиротда бир мақол бор: яхши хотин эрдан чиқмайди, эрдан чиқса ҳам элдан чиқмайди... Бойсун-Қўнғиротда яшаб ўтган авлод-аждодларимиз ҳурмати, энди дунёга келадиган авлодларимиз иззати, Қалмоқ сафаридан қайтинг! Эл-юрт билан бирга бўлинг!..”

Мирзабоши хатни шоҳона қоғозга ёзиб, ўрайди.

Қултой... — дейди Бойбўри.

— Лаббай, улуғ бий!

— Ҳозир бизнинг узримиз битилган номани элиб Бойсарибийга етказасан. Қайтсин! Ўйлаб кўрсам, ака-укачиликка ярашмайдиган иш бўлибди...

— Кўп яхши ўйлабсиз, улуғ бий!

Қултой таъзим қилиб, чиқиб кетади.

Қултой минган от Бойсарибийга етгани ўқдай учиб жўнайди.

Кўчаётганлар тоғу чўллар ошиб кетаяптилар. Аёллар Барчинга, Барчин ортига қарайди. Алпомиш ҳануз келаяпти.

— Ким у изимиздан келаётган? — деб сўрайди Барчиннинг энаси. Тавба, на етишади, на орқага қолади...

Барчин жим.

— Ойбарчин, сендан сўраяпман! Ортинга қараганинг қараган... Ким у?

Барчин жавоб бермайди. Ерга қарайди.

Энаси уларнинг йўл юришига тоқат қилиб, узилмай келаётган Алпомиш тарафга қарайди.

Тун. Кўчкинчиларнинг тунги қўналғаси. Аёллар қўналғасида ўнлаб, юзлаб (балки минглаб) гулханлар ёниб турибди. Бир гулхан атрофида Барчин ва энаси ўтирибдилар. Барчин бир четда — олисда — аллақандай тўлғониб ёнаётган ёлғиз гулхан томонга тикилиб қолади.

Энаси ҳам ўша гулхан тарафга кўз ташлайди.

— Бугунги эргашиб юрганми?

Барчин “ҳа” дегандай бош тебратайди.

— Ким у?

Энаси бир хуш гапни сезгандай Барчинга кулимсираб тикилади.

— Алпомишми?..

Барчин энасининг кўзига қарайди. Унда илиқ порлаб турган меҳрни сезгач, маъқуллаб бош қимирлатади.

— Алпомиш...

Энаси қизини бағрига босади. Бошларини силайди.

Бойсари боёнлари даврасида сукутга чўкиб кетяпти. Уларнинг йўлини от чоптириб Қултой эликбоши тўсиб чиқади. Бойсари ва ҳамроҳлари отларининг жиловини тортадилар. Қултой отдан тушади-да, таъзим билан келиб, Бойсарининг қўлига номани тутқзади. Бойсари номани ўқиб кўради. Сўнг жуда жиддий бир тарзда атрофдаги одамларга номани ўқиб беради.

— Ихтиёр ҳали ҳам мендами? — деб сўрайди Бойсари ҳамроҳларидан.

— Сизда, Бойсарибий, сизда! — деб жавоб беради улар.

— Энди ғишт қолипдан кўчди! — дейди Бойсари Қултойга қараб. — Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди. Акамга бориб айт, биз Қўнғиротни унга топшириб, Қалмоққа — Кашалга кетдик!

Ҳамроҳлари унинг гапини тасдиқлайдилар:

— Бойсун-Қўнғиротни закот қилиб Бойбўрига бердик!

— Укасини танимаган, бизни танийдими?!

— Инсофли шоҳ душманини йиғлатар, беинсоф шоҳ эл-юртини тугатар!..

Бойсари номани елкасидан ошириб отиб юборади-да, отини ниқтаб, йўлга тушади. Ҳамроҳлари ҳам кўзғаладилар. Қултой отларнинг туёғи босиб ўтаётган номага қараб турганича ёлғиз қолади.

— Худонинг паноҳига! — дейди у тўсатдан овози титраб. — Қариндошлар! Бошларинг тошдан бўлсин!

Бу гапни эшитиб Бойсари ва ҳамроҳлари бирдан тўхтайдилар.

Бойсари отини буриб Қултойга ўгирилади.

Яхши қол, Қултой! — дейди у овозини идора қилолмай. — Бойсун-Қўнғиротни Тангрим ёрлақасин! Юртимиз ёмон кун кўрмасин! Яхши бор, Қултой!..

Бу сўздан кейин Бойсари ва ҳамроҳлари буриладилар-да, бегона юрт — Қалмоқ сари от қўйиб жўнайдилар.

Қултой кўчкинчиларнинг дуч келган тўдаси билан хайрлашиб хушлашиб келяпти.

У Бойсарибийнинг ва боёнларнинг оиласи карвонига дуч келади.

— Ассалому алайкум, чеча! Омон боринг! — дейди у Бойсарининг хотинига.

— Э, Қултой қайниммисан? — дейди Бойсарининг хотини. — Ҳамма яхшилар юртни ташлаб кетаётганда, сен нега зинкайиб қайтиб бораяпсан?

— Бойсун-Қўнғиротдаям бир яхши қолсин деяпман-да!

Бий қайнағам бу гапингни эшитса, тилингни қирқибгина олар эди-я, Қултой!

Қултой отини жилдирмоқчи бўлаётганини сезиб:

— Тўхта, сенда ишим бор. — дейди у бирдан ишчан кайфият-да. — Хў, ана турганини кўраяпсанми?

Қултой “чеча”си кўрсатган томонга қарайди.

Қичқирса, аранг овоз етадиган масофада от тўхтатиб, уларнинг суҳбати тугашига тоқат билан қараб турган кимсага кўзи тушади.

— Ие, Алпомиши? — дейди Қултой! — Уям кетаяптими?

Бойсарининг хотини отни ҳайдаб чеккага чиқади.

— Ортимиздан бир ҳафтадан буён итдай эрганиб келаяпти! — дейди у етишган Қултойга. — Қултой қайнаға, уни Бойсун-Қўнғиротга қайтар!..

— Аввал нимага буйтиб юрганини билай-да, янга! Бу болани ё калласи айниган, ё бирор санқиб юрган жин-пин чалиб кетган...

Бойсарининг хотини ним табассум қилади:

Ҳеч нарса бўлгани йўқ! Барчиндан кўнгил узолмай юрибди...

Улар Барчинга қарайдилар. Барчин дунёни унутиб, Алпомиш томондан кўз узолмай турибди.

Бир иш кўрсат, Қултой қайнаға! Алпомишни Бойсун-Қўнғиротга олиб қайт!

Гапимга кирармикан, янга? Кўнгил иши оғир иш — Қултойга ўхшаганларнинг гапи қулоғига кирмас-ов...

— Сен қулоғига кирадиган гапни топиб айт, қайнаға! Топиб айт...

Қултой от йўрттириб, Алпомишнинг олдига етиб келади. Алпомиш унга нарво ҳам қилмайди. Ичига ботган икки кўзи — Барчинда, кўнглида, ғуссасида!..

Бахай, Қўнғиротнинг алпи! Йўл бўлсин?

Алпомиш унга яна нарво қилмайди.

Сен бола, — дейди Қултой, — отанг Бойбўрини, элинг Қўнғиротни, юртинг Бойсуни

юзини ерга қаратадиган бўлдинг! Юр, кетдик! Шармандалигинг дунёга аён бўлмасдан, тезроқ юр!..

Нима дединг? — Алпомиш гезариб Қултой бобосига қарайди. Қултой бобо, тилингни тийиб, нодонлигингни қийиб сўйла? Мен нима қилдим?

— Гўр қилдинг, очиқ мазор қилдинг! — деб баттар қизишади Қултой. — “Бир қизни орқасидан эргашиб, туғилган юртини, элини, ота-онасини ташлаб кетибди”, деган номусни сен кўтаролсанг, мен кўтаролмайман! Ҳе, йигит бўлмай кет!

Алпомишнинг ранги ўзгаради.

Олдинда тўхтаб турган хотин-халажнинг кўчи йўлга тушади. Алпомиш қимирлаёлмай турибди.

Қултой бобо! — дейди у энтикиб. — Қултой бобо! Кетишаяпти...

Сўнг, бирдан отига қамчи уради-да, кетаётган кўчга қараб от солади.

Алпомиш кўчга етиб олгач, от суриб, кўч атрофини шиддат билан айлана бошлайди:

Барчин! Барчин!..

Алпомиш кўч теграсини палахмон тошидай айланар экан, унинг “Барчин”лаб ҳайқириши ҳам йиғи, ҳам гурур, ҳам ўзига ишонч, ҳам армон бўлиб янграйди. Ёшликнинг энг даҳшатли фожиаси — севги! — дала-даштлару тоғу тошларга ночорлиги ва буюклигини овоза қилиб, оламни ларзага солади...

Барчин, Барчин!.. Мени унутма! Мен излаб бораман! Мени унутма!.. Мен излаб бораман! Мени унутма!.. Барчин!.. Барчин!..

Сўнг, Алпомиш ногоҳ от бошини Бойсун-Қўнғирот томонга буриб, шамол каби елиб кетади. Унинг бу қилиғига меҳр билан кулиб қараб турган Қултой эллиқбошининг ёнидан шовуллаб ўтади-да, тепалик ортига ғойиб бўлади...

Қултой кулади, негадир кўзини артади. Сўнг қотиб қолган кўчдагиларга қараб, қичқиради...

— Худонинг паноҳига!..

Алпомишнинг ортидан қараб қолган Барчин беун йиғлаяпти — кўзидан дув-дув ёш оқади. Онаси ҳам, бошқа аёллар ҳам, бошларига қандай ҳасратли кунлар келаётганлигини сезаётгандай, ғариб бир ҳолга чўкадилар. Алпомишнинг қилиғидан эриб сув бўлган кўнгилларга, Қултойнинг бу хушлашуви алоҳида таъсир қилади:

Воҳ, Бойсун!.. — ногоҳ нола қилади Барчин!..

— Воҳ, Қўнғиротим! — эмраниб қўшилади онаси!..

— Бойсунимдан ажралиб қолдик!.. — жўр бўлади хотинлар!..

Воҳ, юртим!..

Воҳ, элим!..

Беватан қолган элим!..

Бу бўзлов аста-аста дўмбира овози қўшилади. У ҳамма овозни босиб кетади!..

Бахшнинг овози: — Шундай қилиб, ўн олти уруғ Қўнғиротнинг ўн уруғи кўчиб, молларини тўқсон тоғдан ўтказиб, олти ой деганда, Қалмоқ юртига етди!..

Қўнғиротлар кўчининг олдида кетаётган Бойсарибий ва ҳамроҳлари бир тепа устига чиқадилар. Қарайдилар: ҳамма жой кўм-кўк майса!..

Товба, — дейди Бойсарибий, — бу яйловни қаранг! На боши кўринади, на адоғи!..

Чилбир чўли шу! — дейди кимдир.

Биз шу Чилбир чўлида юрт тикамиз! — дейди Бойсари. — Молларни эса, ана, серўт, беадоқ яйловларда боқаверинглар!

Ўн олти уруғ Қўнғирот туяларини чўктириб, кўчларини тушириб, ўтовларини тикишга киришадилар!.. Кимдир кўраларни тузатган, кимдир кўганларни боғлаган, биров қозон осган, биров сўқимни сўйган!.. Ёш болалар дарҳол от миниб, “Қалмоқнинг дашти қандай бўлар экан” деб, у ёқ-бу ёққа от чошишган, қизчалар гул терган!..

Қалмоқнинг бир тўда оқсоқоли деҳқонларнинг ҳолини сўрагани Кашалдан чиқиб, ғаллазорларни айланиб келаяпти. Ҳаммаси — кўзи қисик, юзи иссиқ одамлар. Отларини ярашиққа бир-бир бостириб, ёнларига Тойчахоннинг байдоғини остириб келаяптилар.

— Бу йил ғалла йили экан! Бу ғаллани қаранг!..

Деҳқоннинг омади келибди!..

Худо хоҳласа, роса солиқ унади!

Шунда уларнинг кўзи:

Оқсоқоллар!.. Оқсоқоллар!.. — деб қирчағисини қамчилаб, пешонасидан тер томчилаб келаётган ҳовлиқма бир одамга тушади.

— Оқсоқоллар юртга бало-қазо тушди! Юртни мўри-малах босди!.. — дейди у, оқсоқолларнинг қаршисига келиб тўхтар экан.

Оқсоқолларнинг бошлиғи — семирганидан қапнайган, эринганидан шалпайган Думалоқ солиқчи бу ҳовлиқма баччағарга аранг кўз очиб қаради:

- Нимага ҳовлиқасан?
- Тақсир!..
- Менинг кимлигимни биласанми?

Шунда Ҳовлиқма бечоранинг кенг юз ичидан совуқ термулиб турган бир жуфт кўзга назари тушади.

— Биламан, дейди довдираб Ҳовлиқма, — сиз мамлакат солиқчиларининг бошлиғи-сиз...

— Билсанг, нега салом бермайсан? Ҳозир иштонинггача солиққа олиб, шини-шийдон қилиб ҳайдаб юборайми?.. Салом қани?

- Ассаломалайкум!..
- Баракалло!.. Валайкумассалом!.. Энди гапир!

Тақсир! Гапириб нима қиламан! Ана, қаранглар! Бостириб келаяпти! Экинни еб, дала-ни қип-қизил қилиб келаяпти!

Бизга буйруқ берма!.. Қани?

Оқсоқоллар эриниб яқин-атрофга, отларнинг пойига қараган бўладилар...

— Ана! Ана!.. Тақсирлар! Буринларингди тағига қараманглар-да! Узоқроққа қаранглар! Узоқроққа қаранглар!

Ҳовлиқма узоқдан далага мўри-малахдай ёнирилиб келаётган Қўнғиротнинг молларини жон куйдириб кўрсатишга ҳаракат қилади:

— Ана! Ана!..

Солиқчи оқсоқоллар билан бу манзарани бир пас томоша қилиб туради-да, сўнг:

— Майли, кетдик!.. — дейди ўлик-мажҳул оҳангда.

Улар жўнашга тушадилар.

— Оқсоқоллар! — деб қичқиради бечора Ҳовлиқма. — Мен нима қилай?

Думалоқ отининг жиловини тортади-да:

— Нима қилишини мен нима билай? — деб чиндан ажабланади.

Ҳозир ҳаммамизни бу бало еб кетади! Деҳқон яланғоч, халқ оч қолади!.. — деб зорил-лайди куйинчак Ҳовлиқма. Бир нарса деб кетинглар, Қалмоқнинг эраманлари!

Думалоқ ҳамроҳларига қарайди:

— Экинга оралаган чорва иши кимнинг бўйнида?

Бирор одам чурқ этмайди. Оқсоқолларнинг ҳаммаси кўзини олиб қочиб, ўзларининг бу ишга дахллари йўқ эканлигини билдириб турадилар.

— Кўраясанми? — дейди Думалоқ Ҳовлиқмага чиндан ачиниб, — Сенинг ишинг тушган одам саройда қолиб кетибди! Биз солиқчилармиз! Бошқа ишга аралашолмаймиз! Саройга бор! Саройга!

Ҳовлиқма отини бир ниқтайди-да, жўнайди.

— Тўхта! — дейди Думалоқ. — Бош солиқчи билан қандай хушланмоқ лозим?

Мана, бундай, тақсир, мана бундай!..

Ҳовлиқма аччиғланиб, уч-тўрт марта таъзим қилади.

Тойчахон тахтада ўтирибди. Атрофида вазирлар, оқсоқоллар, уламолар, лапкарбоши-лар...

— Хўш, — дейди Тойчахон, — мамлакатда аҳвол қалай, аҳли сарой?

Бош вазир подшога таъзим ила:

— Мамлакат тинч-осойишта, фуқаролар фароғатда, кексалар иззатда, аёллар ҳаловатда, ёшлар камолатда! — дейди.

Тойчахон аҳли саройга бир камтарин табассум билан қарайди:

— Элу юртнинг бундай гуллаб-яшнашига сабаб нима?

Сарой аҳли Тойчахонга таъзим бажо этиб, жон-қолатда жўрлик билан қичқира бошлай-ди:

— Элимизни яшнатган,

Ғам-ғуссани ташлатган,

Улуғ ишлар бошлатган —

Тойчахондир, Тойчахон!

Тойчахон уялинқираб, сарой аҳлининг дил сўзларини мажбурият остида қабул этаётган-ини биддирган тарзда, кўзини тирноғидан олмай туради.

— Агар сенлар ҳам подшоларингдай мамлакатимиз ободлиги учун меҳнат қилганларингда эди, — дейди Тойчаҳон. — юрт бундан ҳам фаровон бўларди... Мендан бошқа бировнинг ишлай демасан! Бир ўзим... Кеча демай, кундуз демай!..

Сарой аҳли мулзам туради.

— Майли, — дейди Тойчаҳон, ўзини тутиб олишга ҳаракат қилиб, — юрт тинчлигию мамлакат осойишталигиам бизга етади!..

У тинчланади.

— Ҳофизларни чақир! — бирдан хурсанд қичқиради у. — Раққосалар ҳам келсин! Юртининг тинчлиги, элнинг осойишталиги учун бир нағма қилиб беришсин!

Созандалар кириб нағма бошлайди. Раққосалар балиқдай биланглашга тушади.

Жим! — дейди бирдан Тойчаҳон! — Жим!.. Фуқароларимдан кимдир мени чақираяпти!

Сукунат ичида Ҳовлиқманинг овози эшитилади.

— Их!.. Энағар, урма! Бўлди!.. Ўлдириб қўясан!.. Их!.. Вой, энангни... Тойчаҳон!.. Юртинги ёв босди, энағар!

Тойчаҳон ғазаб билан сарой аҳлига қарайди:

— Ким бу бизни сўкаётган?

Бир жинни, тақсир! — дейди ялтоқланиб бош вазир. — Жиннини биласиз!.. Ҳозир қамчилаб даволашаяпти!..

Юртни қандай ёв босибди?

Шу жиннини айтишича, Бойсун-Қўнғиротдан кўчманчилар кўчиб келиб, деҳқонларимизнинг экинни молига едириб ётганмиш... Биз уни гапига ишонмай, мана, икки кунки даволатаямиз... Ахир, сизнинг мамлакатингизга ихтиёрингиздан ташқари шамол ҳам учиб киролмайди!..

Тойчаҳон унга қараб, ўйланиб қолади:

— Бош вазирлигингга қанча бўлди?

— Олти ой, подшойи олам...

— Аҳмоқ! Бўшайдиган пайтинг етибди!..

— Ахир, ўзингиз айтгандингиз... Юртимизга шамол ҳам ихтиёримсиз учиб киролмайди деб...

Тойчаҳон “уҳ” тартади:

— Ўша жиннини келтир!

Зум ўтмасдан Ҳовлиқма киради. Баданида қамчи изи. Кийимлари йиртилган.

— Тойчаҳон қани?! Тойчаҳон яширинмасдан, олдимга чиқсин! — деб бақиради у.

— Э, даланинг боласи! — дейди бағри кенг подшо қиёфасига кириб Тойчаҳон. — Саройни бақириб буздинг-ку! Мана, мен Тойчаҳон бўламан! Нима арзинг бор?

— Арзчи бўлмай мен ўлай! Саройингга келиб, дарвозабон-парвозабонингни қўлига топганимни бериб, ичкари кирдим, олдингга кирай десам, “яна бер!” дейишади! “Берадиганим қолмади” десам, жиннига чиқаришди. Икки кундан буён, зиндонга солиб, қамчилангани қамчиланган... Э, буларнинг энасини!..

— Сўкинма!.. Менга нима арзинг бор?

— Арзим эмас, подшойим, деҳқонларинг тайинлаган қарзим бор!

— Деҳқонларнинг экинни ёв молига бостиргани ростми?

Рост ҳам гапми?.. Адоғи йўқ чорва мўри-малахдай кўкарган нарсани ялаб келаяпти.

Чорасини қилмасанг, эрта-индин етиб келиб, ўзингни ҳам, салтанатингни ҳам, саройингни ҳам шип-шийдон қилиб, ямламасдан ютиб қўяди. Шунда умримда бир чин гап эшитган эканман, деб менга қойил қоласан!..

Тойчаҳон яна сарой аҳлига ғазабланиб тикилади.

— Подшоҳи аъзам, — дейди эшилиб бош вазир, — муборақ қулоғингизга қаттиқ тегмасин деб, бу шум хабарни сизга айтишни лозим топмагандик!..

Подшо унга қўл силтайди:

— Бош жаллод! — ҳайқиради у.

Бош жаллод киради:

— Қиличимиз қонсираган!

— Қиличинг қонсираган бўлса, ёнингга беш юз жаллоднингдан, беш юз мирғазабингдан ол-да, бориб деҳқонларнинг экинни оёғости қилган келгиндиларнинг адабини бер! Элбонисини эса дорга тортдир!

Бош жаллод чиқиб кетади.

Беш юз мирғазаб, беш юз жаллод отларини ўйнатиб, қўнғиротларнинг овулига кириб келаяпти. Улар юртни оралаб, бахмал ёпинган уйни шитоб билан ўраб, тўхтайдилар.

— Келган бой! — деб чақиради бош жаллод. — Ў, келган бой!

— Лаббай!..

Ичкаридан Бойсари отилиб чиқади. Чиққан заҳоти бош жаллод унинг бошига қамчи тушириб қолади. Мирғазабу жаллодлар Бойсарини ўртага олиб, юзинг-кўзинг демай қамчилашга тушадилар. Сўнг беш-ўнтаси отдан тушиб, Бойсари қўлини қайирмоққа тутинади. Бойсариям Қўнғиротнинг бийи эмасми, ори баланд. “ё Худо” деб, отдан тушганини ҳар томонга ота бошлайди. Буни кўриб қалмоқларнинг ҳаммаси ўзини отдан таппа ташлаб, Бойсарининг устига ёпирилади. Охир Қўнғиротнинг ёлғиз бийини йиқитишиб, қўлини орқасига бойлайдилар.

— Юр, энди! — дейди бош жаллод!.. — Юр!..

— Қаёққа юрай?.. — деб сўрайди Бойсари.

— Қаёққа бўларди, ўлимингга юр-да! Сен Худо урганни Қалмоқ подшоси Тойчахоннинг амри билан дорга тортамыз! — деб кулади бош жаллод. Бошқалари ҳам бу “ҳазил”дан завқланиб хохалайдилар.

— Айбимни айт, Қалмоқнинг жаллоди! — Бойсари тап тортмай, душманга қарайди. — Ўлимга айбимни билиб бора! Ё Қалмоққа келган мусофирни ўлдиришни расм қилганмисилар?

— Айбинг катта, ўзбак! Ҳеч кимдан сўрамасдан бу ерга кўниб, деҳқонларнинг экинини молингга едириб ўтирибсану айбингни билмайсанми?

Бойсари ҳайрон бўлиб унга қарайди:

— Э, нодон қалмоқ!.. Мени айблашга бошқа баҳонанг йўқми? Майсани Худодан бошқа ҳеч ким экмайди. Худо берганни молимга едирсам, биров эккан, деб гаранг қиласан-а?!

Бу сурбет ўзбакка қараб, бош жаллоднинг жаҳли чиқади!

— Укағар, шунча таёқ еганинг кор қилмаганга ўхшайди!.. Бу майса эмас, экин! Қалмоқнинг деҳқонлари эккан!..

Энди Бойсари ажабланади.

— Агар ундай бўлса, Қалмоқнинг зўробонлари, Бойсарибий гуноҳкор экан!.. Энди тортинмай, дорга ҳайдай беринглар!

Бош жаллод ҳам, Бойсарибийга аллатовур бўлиб қарайди.

— Ўзбак, ростданам, экинни билмасдан молга едирдингми?

— Биз қўнғиротлар молдор бўламиз, қалмоқ!.. Экинни кўрмаган бўлсак!..

— Бу ўзбакнинг бойини гуноҳи йўққа ўхшайди, — дейди бош жаллод бошини қашиб, — Ўлдирсак, гуноҳи азимга қоламиз...

— Тўғри!.. Тўғри!.. — дейди бошқа жаллоду мирғазаблар.

— Бўлмаса, қалмоқнинг жаллодлари, подшонинг олдидан яна бир ўтсак, бўлган гапни тушинтирсак... Арзимизни қабул қилса, бу ўзбакни озод этсак, бўлмаса, ўлимни эрта-кечи борми? Нима дейсизлар?

— Тўғри!.. Тўғри!..

— Ундай бўлса, подшонинг олдига ким боради?

Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Шунда бир тепадан ошиб, Ҳовлиқма кўринади.

Ана чопар келаяпти! — дейди бош жаллод. — Бермон кел!

Ҳовлиқма буларни кўриб, қирчанғисини буриб қочинга тутинади.

— Ушланглар уни! — деб буйруқ беради бош жаллод.

Беш-тўрттаси, ҳаялламай, Ҳовлиқма отининг жиловидан тутиб, бош жаллод қаршисига олиб келади.

— Сенга хизмат бор, — дейди бош жаллод.

— Мен хизматдан чиққанман! — дейди Ҳовлиқма.

— Бизнинг хизматдан чиқиб, жонингдан тўйдингми? — дейди бош жаллод. — Тойчахонни олдига борасан. Ўзбаклар билмасдан экинни паймол қилган экан, деб тушинтирасан. Подшо нима амр қилса, бизга етказасан!

Подшонг ҳам бошингдан қолсин, экиннинг ҳам! — дейди Ҳовлиқма. — Қўлинг қичиб турган бўлса, елкамга бир-икки қамчи ургин-да, жавобимни бер!..

— Бу мамлакатда сендан зўр чопар йўқ-да, бўлмаса, хизматкорнинг, ана, сони мингта! Ўйла, Тойчахоннинг олдига сен бормасанг, бир бегуноҳ ўлиб кетади!

Ҳовлиқма Бойсарибийга бир қарайди, сўнг ундан кўнгли тўлиб, рози бўлади:

Майли, борсам, бориб келай... — дейди у ва Бойсарига қарайди: — Тойчахон жўрам бўлади. Гуноҳингни подшодан сўраб келаман. Аммо энди сен ҳам экин билан майсани фарқлаб, молингни солгин-да, ўзбак!

У қирчанғисига қамчи уради. Унинг ортидан меҳр билан енгил куладилар.

— Энди отдан тушиб, меҳмон бўлинглар, — дейди Бойсари.

Бош жаллод жиддий тортади:

Йўқ, отдан тушмаймиз. Ҳар нарсага отдан тушаверса, жаллоднинг обрўйи қоладима?
— Тушаверинглар! Меҳмоннинг обрўйи жаллоднинг обрўйидан баланд. Тушаверинглар!..

Жаллодлар ва мирғазаблар обрўлари тушмасликларини аниқ билгач, отдан туша бошлайдилар.

Тойчахон тахтада ўтирибди.

Ҳовлиқма киради.

— Ассалому алайкум, подшойи олам!

— Сен... қандай кирдинг!? — дейди ҳайрон қолиб Тойчахон.

— Сиз билан таниш-билишлигим борлигини ҳамма билиб қолди, подшойим! Қўлимга ҳам, ўзимга ҳам қарашмасдан ўтказиб юборишди...

— Нимага келдинг?

— Жаллодларинг юборди. Ўзбакнинг бийи экинни билмасдан молига егизган экан... “Билмаган одамни дорга торттиравириш қандай бўлар экан?” деб сўрашаяпти.

— Биладим, билмайдими, подшонинг қанча иши бор? Ўзбакларнинг каттасини дорга тортишаверишини! — дейди аччиқланиб Тойчахон.

— Лекин, подшойим, ўзбакларнинг бийи зап одам экан!

— Қалмоқнинг подшоси ҳали ўлгани йўқ! Юртнинг дарвозаси бор! Сўрамасдан кириб келаберадими? Осилсин!

— Подшойим, аммо менинг обруйим тўкиладиган бўлди-да! — дейди Ҳовлиқма бош қашиб. — “Тойчахон жўрам бўлади, айтганимни қилади; арзингни етказаман, жонингни қутқазаман” деб, сени соя билиб, катта гапирган эдим. Энди бир ўзбакнинг олди-да бу қалмоқ лафзим бекор бўладиган бўлди... Ҳай, аттанг!..

Ҳовлиқма кал этагини қоқиб, саройдан чиқиб жўнайверади.

— Э, тўхта! — дейди Тойчахон ранжиб. — Гапни охирини эшитмасдан, тажангсиниб кетаверасанми? Сен Қалмоқнинг фуқароси бўлсанг, мен Қалмоқнинг подшоси бўламан... Майли, сазанг ўлмасин, ўзбак устингдан кулмасин, Тойчахоннинг тантилигини билсин, фуқаросининг бахтлигини билсин!.. Қўнғиротнинг бийини гуноҳидан кечдим, элини эса уч йил солиқдан озод қилдим!

— Тақсир, деҳқонлар нима бўлади?

— Улар буғдой бўлмаса, тариқ-париқ экиб олишар... Майли, уларни ҳам солиқдан озод этдим!..

Ҳовлиқма таъзим қила-қила чиқиб кетади. Тойчахон қарсак чалади. Яна созандалар, ҳофизлар, раққосалар... кирадилар. Яна базм бошланади.

Ҳовлиқма Бойсарибийнинг овулига етиб келаяпти.

Дош қозонлар осилган. Қўйлар сўйилган. Қимизлар сузилган... Бойсарибой жаллоду мирғазабларни меҳмон қилаяпти.

Бош жаллоднинг кўзи Ҳовлиқмага тушади.

Келаяпти...

Ҳамма Ҳовлиқмага кўз тикиб жимиб қолади. Қурғур Ҳовлиқмаям келаяпти — отини ихтиёрига бериб, кўкрагини кериб, подшонинг жўраси-да ундай-бундайни писанд қилмай, ўтирганларни назарига илмай...

Шошманглар... — деб ўрnidан қўзғалади бош жаллод. — Ҳовлиқмабек подшомизнинг суҳбатидан келаяптилар... Келишларидан подшомиз билан жўра бўлиб қолганга ўхшайди, ундан ҳам ўтиб, зотлари тўра бўлиб қолганга ўхшайди. Сенлар расамади таъзимни келтириб туринглар, у кишини отдан ўзим тушириб оламан!..

Бош жаллод Ҳовлиқманинг қўлтиғидан ушлаб, кўнглини хушлаб, отидан тушираяпти. Ҳовлиқмаям умрида ўзи отдан тушмаган эшондай инқиллаб, бош жаллодга суяниб, гавдасини ўнглай олмай, йиртиқ чопонига ўралиб, бир бало қолиб — отдан тушаяпти. Беш юз мирғазаб, беш юз жаллод Ҳовлиқмага таъзим қилаяпти.

Ҳовлиқма отдан тушиб, Бойсарига юзланди.

— Жўрам Тойчахон гуноҳингдан кечди! — дейди у. — Элатинг билан уч йиллик солиқдан ҳам озодсан...

— Тойчахонга минг қуллуқ! — дейди Бойсари.

Ҳовлиқманинг энсаси қотиб, Бойсарига қарайди:

Нимага... таъзим қилмаяпсан, ўзбак? — дейди у. Қара, сендан катта жаллодлар менга таъзим қилаяпти!..

— Худо хоҳласа, таъзимни ҳам ўргатасизлар! Бизда бундай одат йўқ! Ўрганиб кетамиз... — дейди мурасали кулиб Бойсарни. Дастурхонга қаранг, бегим, бир қимизхўрлик қилайлик! Ховлиқма бир-бир босиб дастурхон тарафга юради. Шўх дўмбира овози эшитилади. Базм давом этади.

Дўмбира овози бошқа босиқ оҳангга алмашган. Экранда қалмоқнинг юрти далалари, тоғлари, даралари...

Бахши овози: Энди гапни бошқа жойдан эшитинг. Қалмоқ музофотинда Сурхайл деган кампир бор эди...

Экранда катта чодирнинг эшигидан дунёга қараб, кўзи ялтираб, қўли қалтираб, ниманидир кутиб, ўтирган жойида овқат ютиб ўтирган кампир кўринади...

Бахши овози: Жуда ҳаддиди зўр кампир эди, бу кампирнинг етти ўғли бор эди, еттови ҳам номдор алп эди. Каттасини Кўкалдош дер эди, ундан кичкинасини Кўкаман дер эди, Кўкқашқа дер эди, Бойқашқа дер эди, Тойқашқа, Қўшқулоқ, кенжатайини Қоражон дер эди.

Экранда кампирнинг алп ўғиллари бир-бир намён бўлади.

Бахши овози: Шу еттовига тир қилгани Тойчохон ҳар мамлакатдан алпларни олиб келиб, тўқсон алп қилиб, Кашал ғоридан жой бериб, буларни тўқайистонда боқиб ётар эди.

Кашал ғорининг оғзи. Бир кўркам дарадаги машқ майдони. Тўқсон алп гуруллашиб машқ қилаяптилар. Икков-икков бўлиб, қиличлашгани қанча, олишгани (курашгани) қанча, танга қўйиб отишгани қанча... Нечаси от миниб, ҳунар кўрсатяпти, нечаси бошига тош уриб, майдалаб ташлаяпти...

Алплар овқатланаяптилар.

— Ўзбаклар кўчиб келти, дейди Кўкаман.

— Эшитдик, Барчин деган бир сулув қизи бор экан... дейди Тойқашқа.

Шу ўзбакнинг қизи менга муносиб бўлса керак-ов!.. дейди Кўкаман.

Барчинни қизларнинг алпи дейишади. Тағин таёқ еб юрма! Ундай қиз биздай паҳла-вонга ярашади! дейди керилиб Кўкқашқа.

Ўзбакнинг қизини мenden ўтиб, ҳеч ким ололмайди! дейди Кўкаман. — Сен нари тур, Кўкқашқа! Қўлим қичиб турибди, иним, икки бетингни ҳам қашқа қилиб қўймай!

Мен сени юзингни қашқа қиламан!

— Э, сендай ўзбакка куёв бўладиганни!..

Кўкаман билан Кўкқашқа ёқалашмоққа тутиндилар. Алплар кўплашиб, уларни ажратиб қўяди. Кўкалдош уларнинг бўйнига бир уриб:

— Жувонмарглар! Мен ҳаммангдан катта бўлсам... дейди насиҳат бериб. Менинг ҳурматимни қилмайсанларми? Барчин тегса, аввали менга тегди, укаликни билмаган нодонлар!..

Яна қайтадан, қиз талошиб, баҳс бошланади.

Бу суҳбатга Қоражон қўшилмайди. У жиддий, бу суҳбатлардан толиққан кўринади.

Тўқсон алп Сурхайл кампирнинг чодирни олдига келиб тўхтади. Ичкаридан кампир чиқади.

Нимага келдиларинг?

— Қиз кўргани кетаяпмиз, эна, — дейди Кўкалдош. Ўзбакнинг бир Барчин деган қизи бор экан...

Сурхайл кампир ўғилларидан ранжиб, жаврашга тушади:

Сен сағирларга ҳеч эс кирмади. Расум-русумини қилмасдан, қиз кўришга бораверади-ми!? Қани, чизган чизғимдан чиқиб кўринглар қани?! Аввал ўзим бораман. Ўзбакнинг юриш-туришини кўраман. Нимага бу ўлгур Тойчохон улардан солиқ олмаётганини биламан. Сўнг ёқса, бировингга қизининг бошини бойлаб келаман...

Сурхайл кампир чодирдан чиқиб, забт билан жўнайверади.

(Давоми келгуси сонда).



* * *

Қирқ йил умр кўрди бу дарахт,
Илдизи минг йиллик ўтмишга боқди.
Юксак-юксакларга термилиб карахт,
Менинг хаёлимда у қанот қоқди.

Қирқ йил умр кўрди бу шамол,
Англади, дунёда ўткинчи бари.
Сочин тузоқ қилгач бир соҳибжамол,
Кетди у жимгина сукунат сари...

Қирқ йил умр кўрди бу тупроқ — бу тан,
Ватан тупроғига жонбаста бўлиб.
Қирқ йиллик ғурбатли қоронғуликдан,
Чиқиб келмоқда у рухсори кулиб.

Қирқ йил умр кўрди — менда бу дунё,
Гуноҳу савобни қориштирганча,
Буюк бир келажак кўрсатар рўё,
Бу ғариб дилимни ёриштирганча.

Яна қирқ йил умр берсайди Тангрим,
Кимга елка, кимга бир йўл бўлардим.
Улкан бир боғ бўлса агар Ватаним,
Кўркига кўрк берар бир гул бўлардим.

* * *

Алвидо, ёр, алвидо, севги,
Хайрлашмоқ фурсати етди.
Оқ кемалар қалб қирғоғидан
Қайларгадир бош олиб кетди.

Умр кетди ному нишонсиз,
Гўё сен-ла ғайрлашгандай.
Дор остида сўнг бор кўзларим
Хаёт билан хайрлашгандай.

Хаёт бунча аччиқ ва тахир,
Хаёт сенга ўхшар бунчалар.
Бу дунёда сену менсиз ҳам,
Гул бўлади бир кун ғунчалар.

Эй тақдирим дастхатин битган,
Нечун менга бундайин икром?
Дунё, қанча буюк бўлсанг-да,
Воҳ, шу қадар ўйнайсан ғирром!

Бир шабнам бахтини бермадинг менга,
Ишқда девонаи Машраб бўлмадим.
Бутун қалбим билан сиғиниб сенга,
На-да яшамадим, на-да ўлмадим...

Алвидо, ёр, алвидо, севги!

* * *

Ҳақиқатга етмоқ учун,
Ёлғонларни енгмоқ керак.
Совиб қолган фикрларни
Иситмоғи шартдир юрак.

Ҳақиқатга етганингда,
Нима бўлар? Биласанми?
У ҳам ёлғон сўзлайверса,
Дош беролмай ўласанми?



Шукур Содиқ

ВАТАН
ТУПРОҒИГА
ЖОНБАСТА...



Ўлим нима? Ҳақиқатдан —
Ёлғон сари юриш бўлар
Ва ёлғоннинг кучоғида,
Ҳақиқатни кўриш бўлар.

Рухинг мангу яшайверар
Чексизликдан-чексизликка.
Ҳақиқатни излайвериб
Сингиб кетгунг йўқсизликка...

* * *

Ўша сўқмоқ,
ўша уй ва ўша аёл
мени хотиридан ўчирармикин?
Мен юрмаган сўқмоқ,
мен кирмаган уй
энди мени кечирармикин?
Мени кечиради,
сўқмоқ ҳам, уй ҳам...

Кечиради гулзор, гулин узмадим.
Шунча йил ўзимни кўрсатмай бунда,
ҳеч кимнинг кўнглуну бузмадим.
Энди эса кўнглум бузилди,
нега келдим,
товушсиз қадамдай —
руҳ безовта, қачондир ўлиб,
мозори кўчирилган одамдай.

* * *

Дардкаш эди кўзларинг сенинг,
Дардкаш эди кўзларим менинг.
Мен йўқ эдим сенинг дунёнда,
Меҳр истаб йиғлаган тунинг.

Ёр, ёстигинг бўлганда кема,
Кўзёшларинг тўлқини аро:
Ҳис қилмасдан сенинг борлигинг
Излар эдим мен бахти қаро.

Алданганлар дунёсида, мен,
Бахт деб билдим дардсизлигимни...
Ногоҳ, сени учратдим у воҳ,
Англаб қолдим бахтсизлигимни.

Дарё ортга оқолмайди, ёр
Ва сочларинг қораймас қайта.
Нур ахтариб бесамар тундан
Овунамиз қўшиқлар айта.

Дардкаш эрур кўзларинг сенинг,
Дардкаш эрур кўзларим менинг.
Мен йўқ эдим сенинг дунёнда
Меҳр истаб йиғлаган тунинг.





Журналимиз бир-икки йилдан буён Мубо-
рак газни қайта ишлаш заводи билан ҳамкор-
лик қилиб келади. Завод хизматчилари орасида
ижод қилувчиларнинг борлиги биродарлик ало-
қамизни янаям мустаҳкамламоқда. Хукмингиз-
га ҳавола этилаётган ушбу шеърлару ҳикоя за-
вод ходимлари ижодидан айрим намуналардир.

Таҳририят

СИМ-СИМ ЁМҒИР ТАБИАТНИ УЙФОҒЛАДИ

Тўрақул Хўжақулов

Уйғонар баҳор

Нега мунча шошиб ёғар қор,
Атроф сокин ва сархушхаёл?
Парқу либосларга беланиб
Ором олар она ер хушқол.

Паға-паға заррин учкунлар —
Шохдан-шоҳга кўчган капалак.
Ўз дардини айтолмай аста
Ёзиб кетар ерга оқ эртақ.

Хув баланддан сирганган бола
Дилларида қувонч бир дунё.
Четда юрак ҳовучлаб турган
Она қалби думалар гўё.

Яна кимдир юрак розини
Зарраларга қилади изҳор.
Деразадан нарида оппоқ
Тушлар кўриб уйғонар баҳор.

Тол тагида

Ҳазил

Илк баҳорнинг хуш ҳавоси қилади маст,
Юракларга бериб қўйиб хушнуд ҳавас,
Тол тагида кимдир имлар мени бесас,
— Олло берса шак келтирмак бўлар ирим, —
Дея борсам, не ажабки, ўз кампирим.

Бу дунёда озми дейсиз, ноз-ниҳоллар,
Кокилларин ёйиб юрган мажнунтоллар,
Унут бўлган дардларимни қўзғар еллар,
Чакалақдан аста боқсам, бермай сирим,
Тол тагида кутиб турар ўз кампирим.

Сим-сим ёмғир табиатни уйғотади,
Дов-дарахтга ўз дардини сўйлатади,
Ёшу қари, ҳаммани тенг ўйлатади,
Кокилдан тутай десам, э воҳ, шўрим,
Фунча мисол ёниб турар ўз кампирим.

Қулоқ бериб ирмоқларнинг шўх розига,
Сармаст бўлиб эрка баҳор ҳавосига,

Қолиб кетдим хиссиётнинг балосига,
Адоғи йўқ, кўринмайди борар ерим,
Тол тагида ўша турган ўз кампирим.

Не чораким, кўнгул борки, хумори бор,
Ҳар юракнинг боқий берган тумори бор,
Хумо қуши келдимми деб учиб такрор,
Қудратингга минг тасанно ўқиб, пирим,
Чиқсам ҳамон кутиб турар ўз кампирим.



Илёс Ойтуғдиев

Омон-омон

Келин келди остонага, омон-омон,
Нур таратиб тўйхонага, омон-омон,
Қадамлари бўлсин қутлуғ, омон-омон,
Бахт келтирсин шу хонага, омон-омон!

Куёв бола, бугун дўстлар, омон-омон,
Муродига етибди-ку, омон-омон,
Қаранг, гўзаллар гўзали, омон-омон,
Унга гулин тутибди-ку, омон-омон!

Ҳаётлари нурга тўлсин, омон-омон,
Келин сўзи тотли бўлсин, омон-омон,
Унинг ҳар бир юмушидан, омон-омон,
Ёру дўстлар рози бўлсин, омон-омон!

Бугун келин юзида нур, омон-омон,
Қизлар қилар шивир-шивир, омон-омон.
“Қаранг, дугонамиз ёнидаги, омон-омон,
Йигитларнинг барносидур, омон-омон!”

Айтинг-айтинг, кўз тегмасин, омон-омон,
Бугун қурган тахтларига омон-омон,
Қўша қариб, тотув бўлсин, омон-омон,
Отасию онасининг бахтларига омон-омон!

Тўртликлар

Севсам гар севгининг пири бўламан,
Ўлдирса ўламан, куйдирса кули бўламан.
“Ким эди, десалар, бу телба ошиқ?”
Билиб қўй, чин муҳаббат кули бўламан!

Нигоҳингни нега олиб қочдинг,
Оғирми шунчалар орқага қайтмоқ?
Хаёлан муҳаббат сўқмоқларидан
Оралаб яна бир бора ўтмоқ?!

То тириксан, дўст тутингин, бу дунё бир бор экан,
Дўсти мўлга тоғу дашт ҳам бир чаман-гулзор экан.
Дўсти йўқга мен ҳам ҳеч бир ганимлиқ истамам,
Балки у ўзи-ўзига бир умр ағёр экан!



Парча

1

...Пўлат бир неча кундан бери бедарак. Демакки, Бека қуртдек санаб олаётган даромаднинг тагига сув кетди. Бойвачча ҳар сафар келганида, Гўзални бошқа мижозларга кўрсатмасликни ялиниб сўрайди. Бир пулдор мижоз пайдо бўлди. Пўлат бугун ҳам келмаса, Гўзални ўшанга қўшиб кўйгани бўлсин!

Бека шундай қарорга келишини кутиб тургандек, эшик қўнғироғи жиринглади.

Бека чиқиб эшикни очди. Остонада Пўлат турар эди. Бека совуқ саломлашди. Ичкарига киришди. Эшикка тамба тушди.

— Бизнинг қизимиз меъдаларига урган экан, бир оғиз билдириб қўймайдиларми? Зўр харидор чиқиб турибди, илиб кетади-я, — ёзғирди Бека.

Пўлат сапчиб тушди:

— Ким у харидор? Мен тирик эканман, Гўзал мендан бошқаники бўлмайди!

— Ҳо, шундайми? Сиз ялло қилиб юрасиз, биз қоровуллик қиламизми?

— Тирикчилик ваядидан Москва, Ленинград тарафларга бориб келдим. Қуруқ қўл билан келганим йўқ. Мана, манави сизга, манави унга, — шундай деб Пўлат дипломатдан икки кийимлик эндигина удум бўлиб келаётган ялтир-юлтир мато чиқариб, Беканинг елкасига ташлади, қўлига бир даста пул тутқазди.

Севинч шамоллари Бека юзидаги тунд булутларни тирқиратиб ҳайдади. Сурмали кўзлар порлаб кетди.

— Ҳазилниям билмайсиз, Пўлатжон. Битта эмас, мингга Гўзал сизга тасаддуқ бўлсин!

Шу пайт, яна кўча эшикнинг қўнғироғи босиб-босиб жиринглади.

— Сиз бораверинг, Пўлатжон, — деди Бека уни шошириб. — Парингиз ўз хонасида...

... Гўзал хаёллар уммонига фарқ бўлиб ўтирганда, хона эшигида Пўлат кўринди.

— Пўлат ака.

— Лаббай, жонидан?

Гўзал сўзга оғиз очишга улгурмади. Ташқаридан нотаниш аёлнинг шанғиллаб қарғани ва эркак кишининг пардасиз сўзлар билан сўкинаётгани эшитилди.

Пўлат ирғиб турди. У шанғиллаётган аёл ўз хотини эканлигини овозидан таниб, тирчиллаб қолди. Ташқарида нимадир гупилаб йиқилди, нимадир синди. Шовқин авжига чиқди.

— Билдирмай чиқиб кетишнинг иложи борми? — Пўлат талвасага тушиб қолганди. Жувон сўзсиз йўл бошлади. Пўлат ташқари эшик олдида кўлини пахса қилиб гапирётган хотини билан қайниси-Қиёмиддинга кўзи тушди. Бека уларнинг йўлини тўсиб, ичкарига киритмасликка уринаётган эди.

— Ошхонага кириг. Ҳовли тарафга деразаси бор, — шивирлади Гўзал.

Яна бир дақиқа кечикса, Пўлатни кўриб қолишарди. Опа-ука уйга бостириб киришди. Бека Пўлатнинг деразадан тушиб, деворга сапчигани ва ими-жимиди ғойиб бўлганини кўриб қолди. У энди ўзини босиб олди.

— Эрим шу ҳовлига кириб кетганини ўз кўзим билан кўрдим, — деб тўтидек бир гапни такрорларди Пўлатнинг хотини.

— Эрингнинг урдасидан чиқмасанг, мен айбдорми?! — Пешкирилик қилиб бақирди Бека.

— Гапни чўзма, поччамларни топиб берасанми, йўқми?! — Кекирдагини чўзди укаси.

— Поччангни мендан эмас, опачангдан сўра, ҳезалак!

— Нима? У нима деди, эшитдингми! Ўлдириб қўяман ҳозир! — Йигитнинг қўлида пичоқ ялтиради. Бека бақириб, даҳлизга чиқди. Телефонга ёпишди. Опа-ука эшитсин учун шанғиллаб гапира бошлади:

— Мелисами? Қайним билан келинимни ўлдиришяпти! Ҳа, ҳа, бир аёл билан эркак. Қуролланган. Тезроқ келинлар!

Аслида Бека ҳеч кимга телефон қилгани йўқ, милиция келса ўзи учун анча кўнгул-сизлик орттиришини биледи. Аммо, унинг телефонга бақириб-чақириб гапираётгани аёлнинг ўтакасини ёриб юборди. У укасини қўлидан ушлаб тортқилай бошлади.

— Тез кетайлик бу ердан. Мен адашганга ўхшайман.

Қиёмиддин опасининг юзига тарсаки тортиб юборди:

— Аҳмоқ! Чолни кўрсанг бобом дейсанми? Сенинг гапингга кирган ҳам аҳмоқ!

Бека ҳамон зўр бериб милиция билан “гаплашарди”:

— Кетишаяпти. Қочиб кетишаяпти. Тезроқ келинлар!

Қиёмиддин Бека рўпарасида тўхтади-да, бош эгди:

— Опа, билмабмиз! Кечиринг! Манави аҳмоқнинг гапига учиб...

— Уялмасдан кечирим ҳам сўрайди-я, юзсиз...

Қиёмиддин қўлидаги қайрилма пичоқни буклаб, чўнтагига тикди, сўнг опасини олди-га солиб, шошилиб чиқиб кетди.

2

Пўлат хотинини гел қилиб кетганидан мамнун. Хотинининг эса алами ичида. Ахир, эрининг орқасидан пойлаб бориб, унинг нақшинкор дарвозадан кириб кетганини аниқ-тиниқ кўрди-ку! Эрининг кириб кетганини кузатиб, укаси Қиёмиддинни чақириб учун кетганида жўнаб қолган эканми? Ишқилиб, тутдим деганда, яна чап бериб кетди!

Аммо укасининг шапалори бир бўлди-ю, қўшмачилиқда донг таратган хотиннинг дашномлари бир бўлди. Уйга келса, не кўз билан кўрсинки, эри диванда ёнбошлаб, видео кўриб ўтирибди. Олдидаги кулдон чекиб ташланган сигарет қолдиги билан тўла. Демак, эри уч-тўрт соатдан бери уйдан чиқмаган. Аёл эрига синчков назар ташлади. Пўлат гўёки унинг келганини ҳам сезмади. Хотин “их-э” деб томоқ қиргач, эр тилга кирди:

— Қаерларда юрибсан?! У ёқ-бу ёққа борадиган бўлсанг, айтиб кетмайсанми? Бир энли хат ёзиб қолдирсанг ҳам бўларди. Суриштирмаган жойим қолмади.

— Кесатмай қўяқолинг. Барвақт келар экансиз, олдинроқ огоҳлангирмайсизми?

— А, лаббай? Тиллари чиқиб қолибдими, хоним? Балки мен йўқлигимда нима ишлар билан шуғулланаётганлигингизни билиш учун атайлаб пойлаб келгандирман?!

— Бировларга ўхшаб тили қисиклигим йўқ. Пойлаб келавермайсизми!

— Очиқроқ айт, ким ўша “тили қисик” деганинг?!

— ...

— Ҳа, гапирмайсан. Чаёндек чақасан-у кейин найзангни елкангга қўйиб, яна пайт келишини пойлайсан. Ҳай, майли, Худо ўзингга инсоф берсин, хотин!

— Инсоф бермай нима қилибман? Айтинг, инсофсиз менми, ё сизми? Ўн йилдан бери ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Бир айбим фарзандсизлигимми?

Энди Пўлатники тутди:

— Яхши, ўзинг билар экансан айбингни. Мен тенгилар эрта-индин ўғил уйлантириб, қиз чиқаради. Бирон марта бетингга солдимми?

— Бетимга сололмайсиз ҳам, бетимга солишга ҳаққингиз ҳам йўқ!

— Нима-а? — Пўлатнинг ранги бўзарди.

— Фарзандсизлигимизнинг сабаби менда эмас экан.

— Бўлмаса... менда экан-да?

— ...

— Вой, сени ўша тилларингни бийрон қилган...

— Сўкманг! Мен ҳам одамман. Қурбақани боссангиз у ҳам “вақ” этади. Мен одамман.

Нохуш жимлик чўқди. Биринчи бўлиб Пўлат тилга кирди. У синиқ товушда деди:

— Кел, хотин, хотиржам гаплашиб олайлик. Икковимиз ҳам сал тилимизга эрк берганга ўхшаймиз.

— ...

— Текширтдингми?

— Ҳа.

— Қаерда, қачон?

— Уч йилча бўлди. Тошкентда дам олганимда опамлар ҳоли-жонимга қўймай шунақа касаларни даволайдиган дўхтирга олиб боришганди.

— Дўхтир нима деди?

— Сиз соппа-соғсиз, эрингизни ҳам текшириб кўришимиз керак, — деди.

— ... Менга ҳеч нима демадинг-ку?

— Сизга бир нарса деб бўларканми? Қачон қараса ё мастсиз, ё тажанг.

— Аламимдан ичаман, хотин, аламимдан! Йигит киши учун фарзандсизликдан оғир-роқ айб бўлмаса керак.

— Аёлларга ҳам осон тутманг.

— Биладан. Тўйга деб хабар келса ич-этимни ейман. Борай десам, ҳамма мени кўрса-тиб "ана унинг фарзанди йўқ", деяётгандек бўлаверади. Бормай десам, одамгарчиликдан чиқариб ташлашади.

Жувоннинг эрига астойдил раҳми келиб кетди. Одобсизлик қилгани учун эрининг оёғига йиқилишга ҳам тайёр эди бечора.

— Мен уйланган кунимдан бери Худодан фарзанд тилайман. Мол-давлат сўрамаганман, аммо етти пуштимга етиб ортадиган давлат берди. Айт, хотин, Худога нима ёмонлик қилдимки, мени фарзандли бўлиш бахтидан бенасиб этади?

— Мен қайдан билай?!.

— Сен ҳамма балони биласан. Ер остида илон қимирласа ҳам биласан. Айт, мен нима қилай?!

— ...

— Энди мени ташлаб кетасанми? Бундай қилишга ҳаққинг бор...

— Нега ундай дейсиз? Ўзингизни текширтиринг. Даволанмайдиган дард бор эканми? Бир кун олдин бўлмаса, бир кун кейин. Худо хоҳласа, ҳаммаси унут бўлиб кетади.

Пўлат жим бўлиб қолди. Унга қараб хотини эзилди.

— Нега гапирмайсиз?

— Отпусмага чиқай, Тошкент-пошкентга бориб текширтираман.

— Отпускадан яқиндагина қайтдингиз-ку. Яна бир йил кутасизми? Ўзимизда ҳам бор эмиш зўр профессорлар.

— Қизикмисан, бу шаҳарда мени танимайдиган одам борми. Шарманда бўлайми?

— Ҳа-я, бу томонини ўйламабман. Ўз ҳисобингиздан беш-олти кунга жавоб олсангиз бўлмайдими? Хайрли ишнинг эртаси яхши.

Пўлат аниқ бир нарса демади. Нимаям десин. Мана, бугун хотини уч йил олдин дўхтирга текширтирганини бўйнига олди. Ўзи-чи? Ўзи беш йил олдин Сочида дам олаётганида профессорларга қаратган. Бир эмас, икки-учтаси, "сиз даволанмасангиз, фарзандсиз ўтишингиз мумкин. Бу касаллик сурункали дардга айланиб кетиш эҳтимоли бор", деб огоҳлантиришган. Даволанишига нима монелик қилганини эслай олмайди. Қанча аёл билан бўлган бўлса, бирортасининг ҳомилалик бўлганини эшитмади. Демак, айб хотинида эмас, ўзида.

Пўлатнинг оғир ўйларини телефон қўнғироғи бузди.

Хотини трубкани кўтарди. Пўлат "мен йўқ" ишорасини қилди.

— Алло?... Пўлат акангизлар боягина чиқиб кетган эдилар... Қачон қайтишларини айтмаганлар... Вой, тирикми ишқилиб?... Майли, майли, келган заҳотлари айтиб қўяман.

— Ким?

— Ишхонангиздан. Ҳофиз деган ўртоғингизни отиб қўйишганмиш. Касалхонага ёт-қизишибди.

— Оббо, расво бўлибди-ку?

— Ким эди у? Раисингизнинг артист ўғли эмасми?

— Ўша. Уйда ётиб ўлмайди чамамда. Ўртада раис адойи тамом бўлади.

Пўлат бир зум тарадудланиб турди. Бугуннинг фавқулодда ташвишлари ортда қолди. Боши устида момоқалди роқ гумбур-гумбур қилди-ю, унинг тадбиркорлиги натижа-сида на дўл, на ёмғир ёғмасдан ўтиб кетди. Энг муҳими, хотинининг дилида қат-қат тўпланиб қолган шубҳаларни кетказишга муваффақ бўлди.

У хотинига суқ билан боқди. Икки ўрим сочи тақимини ўпади, оппоқ сийналари кўпчиб, ўзига чорлайди. Унинг шу ҳолати ҳинд кино юлдузларини эслатади. Уни Гўзал билан қиёслади. Гўзалчалик бўлмаса-да, манаман деган жувондан қолишмайди.

Пўлат хотинини кўпдан бери бундай жозибали ҳолатда кўрмаганди. У ўрнидан ту-риб хотинининг тилла билагузуклар беаган оппоқ билакларидан ушлади.


— Қўйинг, — нозланди хотини, — ўртоғингизни кўришга боришингиз керак-ку?

— Ўлгиси келса менсиз ҳам ўлар, касофат. Сабр қилиб турса, эрта-мертан бориб кўрарман, — шуңдай деб хотинини озод кўтариб олди.

Телефон яна босиб-босиб жиринглади. Пўлат иккиланиб тўхтаб қолди. Хотинига савол назари билан тикилди. Телефон ҳамон жирингларди.

— Биз уйда йўқмиз, — деди жувон қиқир-қиқир кулар экан, оппоқ билакларини эрининг бўйнига солиб.

— Биз уйда йўқмиз, эшитяпсизларми, биз йўқмиз! — Шодон қиқирди Пўлат ҳам...



Шавкат Ҳасан

ҚАЧОНКИМ,
ЭМФИРЛАР
ҚЎШИҚ
АЙТДИЛАР...



* * *

Мен сезиб турибман, келасан бир кун,
Таъна-дашномларни бир четга қўйиб.
“Ғафлат уйқусидан уйғонинг!” — дейсан,
“Мана мен келдим!” — дейсан жилмайиб.

Тонгдами, шомдами бу сўқир кўнгул
Жунунваш, муаттар ғамга тўлади.
Ёздами, куздами, билмадим, қачон,
Бироқ оқибати шундай бўлади?!

Мен сезиб турибман, келасан бир кун,
Матлабу муродинг этиб овоза.
Сени қучоқ очиб кутиб олади,
Очиқ кўнглум каби очиқ дарвоза.

Соҳир саҳролардан ва дарёлардан,
Тоғлардан, қирлардан самумдай ошиб
Келасан, тегрангда ҳумо қушлари,
Келасан, кўнглунга тагин эргашиб.

Мевалар-чевалар, тевалар билан,
Келсанг, балки кузак кетаётган пайт —
Чанг босган кўнглумнинг дафтарларига
Балки неларнидир этажаксан қайд.

Кўнглумни сўрайсан: “Ҳолингиз нечук?”
“Шукр, — дейман, — шукр! Келдинг-а қачон?”
Лабларинг лабимга келади яқин,
Бирам яқинлашиб қолади осмон.

Кейин осмонларга чиқиб кетамиз,
Бизларни қидириб юрмас Азроил.
Биз асли самога дахлдор эдик,
Ханузки, кўнглумиз у ёққа мойил.

Бизни зориқтирган бўлади ҳаёт,
Буткул толиқтирган бўлади турмуш.
Кипригинг қадалар нигоҳларимга,
Бошингни кўксимга қўясан хомуш.

Йўқлигингда мудом кутиб яшардим
Мажруҳ юрагимнинг совушларини.
Хайрият, келяпсан, сезиб турибман,
Эшитяпман қадам товушларини.

Мен сезиб турибман, келяпсан яқин,
Замину замонни ўтларда ёқиб.
Дарёдилим, гирдоб ютган кемадай,
Мен сенинг бағринга кетаман оқиб.

Дарғасиз кемани шамоллар ҳайдаб,
Суриб чиқаради соҳилларига.
Сувўтлардан ажиб гулбарглар ясаб,
Тақиб қўяжакман кокилларингга.

Мен сезиб турибман, келасан ҳозир,
Қалбим кулбасининг зулфинин қоқиб.
“Эй зот, энди уйғонинг!” — дейсан,
“Мана, келдим!” — дейсан кўзимга боқиб.

* * *

Қачонким, қайрилма қошларинг камон
Ўқлари кўксимни айлади нишон?
Қачонким, лабингда инжу хандалар
Жисми жаҳонимни этди бандалар?
Рухимда дардларинг қачон тортди саф,
Кўзларинг оятми, юзларинг Мусҳаф?
Қачонким, ёмғирлар кўшиқ айтдилар,
Айрилиқ куйини жўшиб айтдилар?
Қачонким, тиландим сендан садоқат,
Қачонким, кўргуздинг хайри саховат?
Қачонким, сочимга оралади оқ,
Қачонким, сочларинг бўйнимда сиртмоқ?
Жисмимни куйдирган бармоқларингму,
Келмоқларингму ё бормоқларингму?
Сенки, хури малак бўлмасанг магар,
Балки, одамдирсан, лекин жодугар.
Қачонким, ақлимдан жудо бўлмишам,
Ишқингда туғилдим, қачон ўлмишам?
Қачонким, кўзларинг, ул — куйдиргилар,
Жафокаш жонимни куйдирадирлар?
Қачондан бериким соғонадирман,
Соғона ичида соғинадирман?
Қачонким, қайрилма қошларинг камон
Ўқлари жонимни айлади вайрон?

* * *

Дунё озорлари кўнглумда қолмас,
Мен ўтгач андуҳлар сўнггимда қолмас,
Тушимда қолмайди, ўнггимда қолмас,
Сенинг ёндирганинг қолади фақат!

Сенинг ёдинг билан яшарман, аммо,
Кундузлар саробу кечалар рўё,
Қақнусдек гулханда ёнурман гўё,
Сенинг ёндирганинг қолади фақат!

Ҳаёт нағмалари турфа бонгларда,
Аксу садо берар шуур, онгларга,
Барқут кечаларда, кўм-кўк тонгларда
Сенинг ёндирганинг қолади фақат!

Умиддай пажмурда, севгидай жулдир,
Армондай муҳташам, ўкинчдай гулдир,
Изтироб буржида соғинчдай дилгир,
Сенинг ёндирганинг қолади фақат!

Кўнглумни вақтида тиймаганлигим,
Ёмғирдай эзилиб ўйлаганлигим,
Менинг-ку, ўт билан ўйнаганлигим,
Сенинг ёндирганинг қолади фақат!



Омон Мухтор

МАЙДОН

Роман-ҳангома

Олисдан эшитилган нидо

*Нима учун
бунчалик азоб?!
Ҳаётда
ўрнингни олиш учунми?!
Умр ўтар экан бамисоли хоб, —
Тарихларда
қолиш учунми?!*

*Ёки,
ечилмас бир тугунми —
Сенинг этган
ҳолингни хароб?!*

*Ё
шунчаки нолиш
учунми?!
Нима учун?! —
бунчалик азоб...*

БИРИНЧИ ҲОЛАТ

ОСИЙ

I

Баъзан телефон силтаниб, одатдагидан кескин жиринглайди.
Мен узоқ ердан қўнғироқ қилинаётганини ҳис этиб, дастакни кўтараман.
— Эшитаман.

— Салом алайкум. Яхшимисиз?! Мен...

— Билдим. Тинчмисиз?! Қаердан кўнғироқ қиялсиз?!

— Килиманджародан!

"Килиманджаро қорлари" деган асарни ўқиган бўлишингиз керак — шундай бир жой бор. Асрий қор-музга бурканиб ётган юксак тоғлик у ерларда — Салима қандай савдолар билан юрибди?! Умуман, Салима Саҳройи Кабир ёки Япон денгизидаги қайсидир унут оролдан ҳам гоҳо бехосдан менга кўнғироқ қилиши мумкин! Мен ундан аҳвол сўрайман, албатта. Узуқ-юлуқ бўлса-да, Салима ўз ҳаёти ҳақида гапиради. Лекин тан олишга мажбурман, барибир ҳеч нарсага тушунмайман.

Булар бир пайтлари тўрт девор ичида қолган, чимматга ўраниб кўчага чиққан Аёлларимизга ўхшамайди. Ўзини эркакларга тенг тутган, мажлис тўрида ўтириб, ака, туринг ўрнингиздан, дейдиган аёлларга ҳам ўхшамайди. Ҳатто от ўйнатиб, қилич чопган энг қадим Аждодларга ҳам ўхшамайди...

Булар — истаган йигитни бир чўқишда қочирадиган Чарс, Янги Аёллар! Дунёнинг алламбало пучмоғида нега тентирайди, машғулоти, мақсади нима?! — тушуниш ҳам, бошқаларга буни тушунтириш ҳам қийин.

Салима мабодо икки ой, уч ой ўтиб, мени йўқламаса, хаёлим қочади. Бевовталана бошлайман. Телефонга тикилиб-термулишга тушаман. Уни соғинаманми?! — кўнглим бўм-бўшдек ҳолатни сезаман.

2

Бугун ҳам хаёлим паришон, хонада нари-бери юриб, бир гал дераза олдига келганимда тўхтадим.

Бу — йигирма етти қаватли бинонинг йигирманчи қавати.

Ярим шаҳар қафтдагидек кўзга ташланиб туради.

Дам ичида нигоҳим томлардан кўчаларга сирғаниб-ағнаб, кўчалардан қайтиб томларга чирмашди.

Шу аснода саҳнадек баланд эканлигидан, томларга баробар туюлган шаҳар марказидаги майдонга кўзим тушди.

Байрам бўлмаган кунлар одам кўп йўламайдиган майдонда негадир анча-мунча киши чумолидек қорайиб, у ён-бу ёнга суринар эди!

"Халқ нима қияпти?! Бирон муносабат бормикан?!" — деб ўйлаб, ажабландим.

Менинг майдонда ишим йўқ. Аммо қизиққаним сабабданми, хонада тоқатим тоқ бўлиб ўтирганим учунми?! — худди шу аснода, майдонни бир қур айланиб келсаммикан, деган хаёлга бордим. Шарт эшикка йўналдим.

Эшикни беркитиб, йўлак этагига қараб кета бошладим.

"Салимани шу кунлар бир кўрсам яхши бўларди!"

Ўй эмас, шундай бир хоҳишми-ҳиссиёт мени қамраб олган эди! Салима бехосдан кўнғироқ қилганидек, ўз юрти, шаҳрига баъзан бехосдан келиб ҳам қолар эди. Бироқ ҳозир менинг талпинишим бекор. Чунки, Салима келса — келгани заҳоти менга хабар берар эди!

3

Йўлак этагига етиб, девор-эшик ёнидаги тугмани босдим.

Кўп ўтмай, эшик очилди.

Осма-қутида одам оз эмасди. Лекин барчага ялпи салом бериб, мен ҳам жойлашдим.

Юқори қаватлардан пастга тушиб келаётганлар ҳаммаси менга таниш эди. Улар:

Адиб,

Ҳаким,

Мулла,

Артист,

Бемор,

Бахши,

Осий,

Аёл,

Савдогар,

Қизча,

Арбоб,

Дарвеш-масхарабоз!

Эшик қайта ёпилиб, осма-қути жилди.

Пастга тушаётганлар орасида Адиб айниқса, менинг қадрдоним. У мендан ҳол сўради. Кейин, энгашиб, қулоғимга пичирлади:

— Мен бу одамлар билан кўришишни истамасдим. Зерикарли... Аравани қуруқ олиб қочишади, лекин биронтаси ўйламайди. Ҳеч нарсани эсламайди. Кеча, бир аср, минг йил бурун нималар бўлган?! Халқ қандай яшаган?! Бугун қандай яшаймиз-у, қандай яшашимиз керак?! Изтироб, армон, орзу — ҳеч нарса йўқ. Унутишган...

Осма-қутида бафуржа гапашолмайсан. Қолаверса, менинг хаёлим майдонда эди! Адибни ранжитмаслик учун синиқ жилмайдим.

Шу пайт дабдурустдан Ҳаким қабарик кўзойнак остидаги катта кўзларини бақрай-тириб, менга тикилди:

— Хоним қалайлар?! Хоним?!

Аҳмоқ бўлиб, бир марта хотинимни Ҳакимга соғлигини билгани кўрсатган эдим. Шундан буён у қачон мени учратса, бирдек кўзларини бақрайтиради:

— Хоним қалайлар?! Хоним?!

Энсам қотиб, тезроқ пастга тушишни кутганча, эшик устидаги қаватлар рақами ёзилган тахтачага қарадим.

17...

16...

15...

14...

РОМАН ҲАҚИДА СЎЗ

Кутилмаган асарни Омон Мухтордан кутиш мумкин.

Кутилмаган, деганда “томдан тушган тараша”ни назарда тутмаяпман. Тасодиф бошқа ҳодиса, адабиётда тасодифан бир нарса яралиб қолмайди.

Омон Мухтор ўзини такрорламайди. Атай шундай қиладими ёки ушбу ҳол ёзувчининг ижод табиати билан боғлиқми, билмадим, бироқ бир нарсани пайқаш қийинмаски, Омон Мухтор ўтган, ўтаётган ва келаётган замонлар билан ҳамқадам. Бунга у қандай эришади? Менимча, оддий — бизга содда (айримларга балки жўнроқ) туялган, гоҳ ривоятни, гоҳ афсонаю эртақларни эслатадиган романларида, макон ва замон чегараларидан чиқиб ёхуд маконлар ва замонларни уйғунлаштириб, тасвирлаш орқали! Масалан, эрампиздан олдин ўтган юнон файласуфи, инқилобгача бўлган ўзбек зиёлиси, замондошимиз онги — Инсоният Тафаккури силсилаларидаги меросий бардавонлик ва биз кеча йўқотганимиз, бугун бағримизга маҳкам босиб турганимиз — Миллий Қадриятни ёзувчи бадий мушоҳада қилади (“Афлотун”).

Янги “Майдон” романи ҳам ўзгача: фалсафий мушоҳадалар оддий одамларнинг оддий, йўл-йўлакай қилган ҳангомаларига синдириб юборилган. Ҳангомани эса улар тушган вазият тақозо этади. Кутилмаган вазият, хаёлга келмаган фикрлар... Киши беихтиёр ўзини — уст-боши, саъй-ҳаракати, муомала-муносабатидан тортиб, бошидан кечган ўй-хаёлларигача тергайди: ошириб юбормадимми, одамлар нима дейишяпти, тўғри гапириб, тўғри яшайманми?.. Бундай савқитабий истиҳола “Майдон” романини тушуниб ўқиш жараёнида муттасил кўнгилда кечади. Роман бизнинг ўзимизга бир неча қирралардан туриб ташланган назар. Шу маънода у долзарб.

“Майдон”ни — ўзига хос роман-парадокс, дейиш мумкин. Юнонча бу сўз — зид келувчи, кутилмаган, деган маънони билдиради. Айни шундай маънода парадокс фалсафада, мантӣқ илмида кенг қўлланилади. Бадий адабиётдаги парадокснинг фарқи бор. Ҳикматли гаплар, сўз ўйинлари, тағдор қилиб ҳазил оҳангда айтилиб, кулгу кўзғашга қаратилган қочирлиқлар одатланилмаган, кутилмаган тушунчаларни ифодалайдики, бу парадокснинг бадий адабиётдаги хизматини белгилайди. Жаҳон адабиётида Бернард Шоу, Анатол Франс, Оскар Уайльд, ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор ижодларида парадокснинг ажойиб намуналарини кўрамиз.

“Майдон”да муаллиф асар тилига доир образли ифоданинг юксаклигини таъминлашда парадокслардан унумли фойдаланган. Умуман, бу асар композицияси парадоксга қурилган.

Омон Мухтор кимнидир ҳажв қилмайди, ниманидир инкор этмайди. “Майдон”нинг тили заҳар-ҳанда, киноядан холи. Шу маънода роман сатирик ёки юмористик асарлар сирасига кирмайди. Бироқ у реализм андозаларига ҳам тушмайди. Бу оддий-хаёлий воқеага қурилган, теран мулоҳазага даъват этадиган, муаллиф топиб номлаган “роман-ҳангома”. Дарвоқе, “майдон” ҳақида. Асар номи рамзий, энг аввал, бу — сиз ва бизнинг фикр доирамиз майдони, ҳар кимнинг қаричига мос майдон. Ва бу майдонларимиз бирлашиб, катта майдонни — тафаккуримиз, майл-одатларимиз, саъй-ҳаракатимиз майдонини ташкил этади. Унда биз нечоғлимиз, атрофимиздаги одамлар руҳияти, кайфияти, ташвиш ва сурури нечоғли? “Майдон” романида шу ҳақда сўз юритилади!.. Асар моҳиятан китобхонни одамийлик, эзгулик майдони сари етақлайди.

Аҳмад ОТАБОЙ

Яна икки-уч дақиқадан кейин биз, қутидагилар тарқалишимиз, ҳар ким ўз йўлидан кегиши керак эди. Аммо...

Осма-қути 14-қаватдан ўтиб, 13-қаватга етмасдан, шағал тўкаётгандек, қандайдир фариллади. Ва бирдан — кўргилик! — тақа-тақ тўхтади.

4

Одамлар осма-қутида "қамалиб" қолиши эскидан учраб турадиган воқеа.

Бунинг устига, ҳозир менинг майдонни шунчаки айланишдан бўлак дардим йўқ; кўчада бирон ишим, аниқ бир ниятим йўқ.

Шунга қарамасдан, кайфиятим бузилиб, қисина бошладим.

Бошқалар ҳам афтидан, шундай ҳолатда эди.

— Астаффурулло! — деди Мулла.

— Қуриб кеткур! — деди Аёл.

— Э-хе-ҳей! — деб ҳайқирди дўмбирасини қучиб турган Бахши.

— Ана холос! — деди Ҳаким.

— Приам қўлидан тушди қилич,

У нотоб! — деб, ўзининг ёд олганини ўқиб юборди Артист.

— Мен кўрқяпман. Юрагим чатоқ. Ёнингизда дори йўқми?! — Ҳакимга мурожаат қилди Бемор.

Ҳаким кифтини қисди.

Мен Беморга чўнтагимдан ҳап олиб бердим.

— Худойим! Ўзинг кечир! — гудранди Осий, шу сонияда юзини реза-реза тер босиб.

— Қўнғироқ қилиш керак! — маслаҳат берди Қизча.

— Энангни эмгур! — деб қўйди Савдогар. У қути бурчагидаги телефон дастагини кўтарди. Сим узиб ташланган эди. — Энангни эмгур! — деди яна Савдогар. У ўзининг кафтдек қўйин-телефонини чиқарди. — Мен сизларни қутқараман! — қаёқларгадир қўнғироқ қилди, натижа бўлмади. — Биронтаси жойида ўтирмайди. Энангни эмгур!

То шу дамгача жим турган Дарвеш-масхарабоз илжайиб, минғирлади:

— Қош билан қовоқ ораси,

Ош билан товоқ ораси...

— Бачканалик қилманг, ака. Ака, илтимос! — тўнғиллади Арбоб.

Булар — туғишган ака-ука эди.

— Тақиллатиш керак! — яна маслаҳат берди Қизча.

Ҳаким, Бемор, Осий, Савдогар — тўрт киши дару деворни тарақлата бошлашди. Бирок йигирма етти қаватли бинонинг бирон қаватидан "ҳув" деган овоз эшитилмади.

Чамаси, назоратчилар ўзи осма-қутининг тўхтаб қолганини пайқаб, тузатишмагунча кутишдан бўлак илож йўқ эди...

5

Дарвеш-масхарабоз озғин, ҳабашдек қора, Арбоб аксинча, семиз, оппоқ киши эди.

У акасининг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзидан хижолат чекар, уялиб қизарарди. Ва бир нарсага — одамлар нега одатда, унга нисбатан акасини кўпроқ яхши кўришлари, ҳурмат қилишларига ҳеч тушунолмас эди...

Қизча ўн ёшларда эди. Лекин ҳаммага тик қарар, ўзини катталар билан тенг тутар, шу ёшида мен дунёда билмаган ҳеч қандай сир-асрор қолмаган, деб ўйлар эди...

Савдогар — йигирма ёшлардаги йигит. Ингичка мўйлов қўйган. Сипо кийинган эди...

Аёл ёши эликдан ўтган бўлса ҳамки, юз-кўзларида қирқ ёшлардаги жувон ҳусни бор эди...

Осий ўттиз ёшларда. Нотинчми, питиракми?! — афти-ангоридан, ёшига кўра катта туюлар эди...

Бахши мўйсафид; кўзи касалми, кўрмайдими?! — илк қарашда Ҳомернинг тасвирини эслатар эди...

Бемор ўрта ёшлардаги киши. Ранги сўлғин, сочидан қош-киприкларигача эрта оқарган эди...

Артист неччи ёшда?! — диққат қилган билан, билиш қийин эди. Кўзлари тирик. Сочи бўялганми, қизғиш эди.

Мулла кичкина жуссали, аммо чайир, анча ғаюр ва кибор киши эди...

Ҳаким калта ва йўғон, бироз қўрс одам...

Адиб ёши олтмишда, кўримсиз киши эди. Бироқ кўзлари бир ҳорғин, бир чақноқ, юзи бир бужмайган, бир ёшариб-порлаган; тикилган сайин чиройи очилиб борадиган инсонлар тоифасига кирар эди...

6

Бир муддат илгари, бу одамлар билан кўришишни истамасдим, деган Адиб улар қуршовида энди шу қадар осойишта эдики! У тақдирга тан бергандек, ҳеч кимга қўшилмай, чекада ўйчан турар эди.

Мен тикилганимни пайқаб, беозор кулимсиради.

Кейин, панада, менинг соямда қўйнидан олган ёндафтарга қитирлатиб ёза бошлади:

Ният — аъзият...

Арпа — шарпа...

Марсга — дарсга...

Буларни нима учун ёзди?! Қандай маънода?! — фақат ўзи билади. Табиийки, англаёлмадим.

Адиб эса, ўйланиб қолди. Кейин, яна ёзишга тутинди:

Эй дил,

ўзингни тут,

сиринг бегона билмасин...

Жилла ўйланиб, яна ёзди:

Хок бўлайлик

оёғингиз остида, майли.

Барча унут одамларга

тенг бўлайлик биз...

Ёндафтарни ёпди. Лекин шу лаҳзадаёқ қайтиб очди ва яна қитирлатиб ёза бошлади:

Менинг умримда кунлар урда-бурда,

Кўриб минг хил ўйунлар урда-бурда.

Ёритди манглаймни йўлда офтоб,

Мени қучди қуюнлар урда-бурда.

Эмасдим ўтпараст, ўтларга кирдим,

Тутаб, бўлдим тутунлар урда-бурда.

Менингдир душманам дунёда зулмат,

На хушдир, қочса тунлар урда-бурда.

Менинг кўксимда бор ҳасратли оҳим,

Менинг бўғзимда унлар урда-бурда...

"Урда-бурда" дегани бўлиниши, "унда-бунда"нинг эски бир шаклими?! — мен яхши билмайман.

Шу паллада...

ёндафтардан нигоҳимни узиб,

беихтиёр Адиб тўғрисида ўйладим.

Мен тушунманми, тушунмайманми?! —

у ёзганларини мендан яширмайди.

Шеърми, ҳикоями?! Ҳатто ҳозиргидек ҳар хил, хаёлига келган сатрларгача менга кўрсатади. Баъзан ўзи ўқиб ҳам беради. Адибнинг оддий сатрларида ҳам унинг Адиблиги сезилиб туради! Афсуски, булар кейинчалик қайсидир дафтарда қолиб кетади. Бирон китобга кирмайди. Мен эсам, кўча-қуйда уларни бот-бот эслаб, айтиб юраман:

Сиз шахс эдингиз!

Оломонга нега эргашдингиз, тақсир?!
...

Бугун кайфиятинг негадир нохуш!

Сенга кимдир озор бердим, оққуш?!
...

Ишингиз кўп. Сиз доим менга яримта

гапирасиз. Битта гапиринг...

...

Қанотларин бунча шамолда силкитиб,
кўкка учмоқчими бечора дарахт?!
...

Бир пайт баланд шохга қўнган лайлакни кўриб,
Худо, деган сиз эмасмидингиз?! (Наузамбиллоҳ!)

...

Сен ҳали ёш — кичиксан,
Тоғдаги бир кийиксан...

...

Аудиториянинг ўзи ҳам аҳмоқ эди, —
Лекин унинг аҳмоқлигидан куларди...

Мен Адибнинг чиққан китобларини ҳам ўқийман.
Қадрдонликдан ташқари, унинг бу ишончига сабаб...
у асосан, мана, шу осма-қутида "қамалган" одамлар ва
— бу даврада, ҳаммадан кўпроқ —
МЕН ҳақимда ёзади!

"Қаҳрамон" деган сўз бачканами, эриш?! Умрингда қаҳрамонлик кўрсатмагач... Аммо
Адиб, ана, йиллар давомида менга "ёпишиб" олган. Менинг ҳаётимни кузатади. Вақти-
вақти билан, эслатгандек "Сен ҳақда ёзаяпман! Бош қаҳрамон — сен!" дейди.

Биз бир пайтлар тасодиф танишганмиз.

Ошхонада овқатланаётиб, рўпарамдаги киши билан ундан-бундан гаплашиб қолдик.
Кейин, кўчага чиқиб, суҳбатимиз давом этди.

Гап орасида у мендан касби-коримни сўради.

Ўшанда Адабиёт Муаллими эдим. Ҳали йигирма етти қаватли "қарвонсарой" да ишла-
масдим. Мени ижтимоий-иқтисодий муаммолар қизиқтирмасди. Домла билганини ўқий-
ди, бўзчи билганини тўқийди! Ўзимга муносиб, аҳволи-руҳиямга мос нималарнидир янги
танишимга гапириб, дардимни ёрган бўлдим. Тахминан... мактабда аниқ фанлар бўйича
ўқитувчилар Адабиёт Муаллимини хаёлпарастлиги, соддалиги, кўпинча уқувсизлиги учун
камситиб, туртиб юришади, дедим. Бу — маданият даражаси пастлигидан, дедим. Адаби-
ёт Муаллими тўғрисида яхшироқ бир китоб ўқимадим! Китобларда ёзишган, албатта.
Лекин улар ҳам... Ана, бир ҳикоя. Боқижон деган Адабиёт Муаллими оғилхонага кир-
ди. "Ҳайвон! Сигир эмас, ҳайвон!" — дейди. "Бу сигирни сотиб, пулига чўчка олиш
керак!" — дейди. Сал туриб: "Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да!" — деб
эзмаланади. Ўзи шундай аҳмоқ эканлиги етмагандек, бошқа бир Адабиёт Муаллимини
"аҳмоқ одам" дейди...

Ҳамроҳим чиройли — қандайдир ғамгин кулимсиради.

У ошхонадаёқ менинг исмиمنى сўраган эди.

— Кечирасиз. Исмнингиз?! — деди сал қисиниб, қизариб. — Энди унутмайман. Ваъда
бераман!

— Паноҳ...

— Паноҳ! Паноҳ... Нотўғри исм! — деди бирдан кескин, алланечук жаҳл билан. —
Одам одамга мадад бериши, ўз ҳимоясига олиши мумкин! Лекин одам одамга ҳеч қачон
паноҳ бўлолмайди... нотўғри қўйилган!

Мен анча саросималандим. Балки, унинг гапида жон бордир?! Ҳужжатларда — ту-
шунишмаганми, саводлари етмаганми?! — менинг исмиمنى "Панно" деб ёзишган. Айрим
танишларим ҳам — тиллари келишмасданми?! — мени шу тахлит "Панно" деб аташади.

— Худо Ўз Паноҳида Асрасин, деган маънода қўйишган! — тўнғилладим ўзимними,
ота-онамними оқлаган оҳангда, ниҳоят баҳсга киришиб.

— Бундай бўлиши ҳам мумкин! — деди суҳбатдошим юмшаб, ўйланиб қолганича.
Кейин, қизиқ гап қилди: — Мен сиз тўғрингизда китоб ёзаман. Бош қаҳрамон сиз...

Ана шунда, мен унинг Адиб эканлигини фаҳмладим.

Биров сен ҳақда китоб ёзиши, кишини ҳаволантиради. Биз ҳам чакки одам эмас
эканмиз, мазмунидаги арзон бир хаёл... Шунинг баробарида, кўчага яланғоч бўлиб чи-
қётгандек ҳолатни сезасан. Менга шунинг кераги борми, деб ўйлаб, кўксинг илиганига
зид ҳолда, хавотирлана бошлайсан!

Мен бу ишга оддийроқ қарашга қарор қилдим. Ҳурматли Адибни ранжитиб қўймас-
лик учун, нафасимни ичга ютдим. Кўрайлик-чи, бу ёғи қандоқ бўларкан?! — деган му-
лоҳаза билан арқонни узун ташладим.

Мана, энди ўшандан буён иккимиз қадрдонмиз.

Сўнги пайтларда "карвонсарой"нинг биргина эшигидан кириб-чиқиб ҳам турамиз.

Адиб менинг ҳаётимни ипидан игнасиғача билади... Мақтаниш эмас, пешона шўри — менга муғамбирлик, сир сақлаш аввалдан битмаган. Таёқдек тўғри одамман! Дунёда оғ-зим кўп куйса ҳамки, қатиқни пуфлаб ичишга ўрганолмадим... Адиб менинг ота-боболарим зодагон, мағрур кишилар бўлишганини ҳам, ҳаётим бироз эркалик билан кечганини ҳам эшитган. Менинг оилам бузилганини ҳам, Салима билан дўстлигим — Салимани гоҳо соғинишимгача! — ҳаммасини билади. Хабардор.

Албатта, шунча сайраганим, ўзимни ойнага солганим етади!

Бу ноқулай аҳволдан норозиланиб, Адибни бўйнига уриб, ёнимдан ҳайдаш қўлимдан келади. Унинг барча ёзганлари менга ёқавермайди ҳам...

Бироқ мен унга тирғалишимга асос йўқ! У асарларида — биринчи навбатда! мендан ҳам олдин — ўзини ёзади. Менинг феъл-атворимда нимадир ўзига яқинлик кўрган бўлса керак, холос. Унинг Бош Қаҳрамони унга ҳам, менга ҳам ўхшайди!

Яна, ҳамма бало шундаки...

мен уни яхши кўраман-да!

Анча-мунча шоир-ёзувчи билан танишиб, асарларини ўқидим. Дунёда олижаноб одам кўп! Қизиқарли асар ҳам...

Аммо менинг Адибим бошқача!

Уни ҳеч ким Адиб, деб ҳам ўйламайди.

Мен — кўчадаги бир киши, у — минбарда. Шунга қарамай, менга нисбатан унинг аҳволи тубан.

Камбағал оилада туғилиб ўсган афти-ангоридан маълум.

Ҳамон қийналиб кун кечиради.

Адиб, деган ном юкини кўтаролмаётгандек, қисиниб-қимгиниб, кўзга ташланмасликка уринган ҳолатда юради. Қишда калта қўнжли этиги, шими почалари лой. Ёзда кўйлаги ёқаси ёки енглари уринган. Қисинганиданми, кўзга ташланмаслик учунми?! — жуда тез одимлайди. Учиб бораётгандек. Умуман, ранги-рўйи ўзгараверади; бутун хатти-ҳаракати, ҳолати ЗИДДИЯТдан иборат:

Гоҳ ишонувчан хоксорлик,

гоҳ шиддатли ғурур...

гоҳ кўзларида самимият, шафқат,

гоҳ бирдан чақнаган нафрат...

гоҳ деҳқонча босиқлик,

гоҳ асабий зиёлига хос тоқатсизлик...

айниқса, ҳорғинликка қоришиқ

меҳнаткашлик...

Қаранг, ана, осма-қутида "қамалиб қолиб" ҳам, нималарнидир ёзаяпти!

Менинг билганим — меҳнат.

Ёшлиқдан келган қисмат.

Энди ўзгармайди бу!

Олис бекатма-бекат

Йўл олган поезд каби —

Ҳорғин судралиш фақат...

Мен Адибнинг барча ёзганига тушунавермаганимдек, у нега узлуксиз-тинмай меҳнат қилади?! муроиди нима?! — эканлигига ҳам тушунмайман...

У, менинг ёзганим — Адабиёт —

дунё, одамлар ҳаётига таъсир қилади!

эски шу дўконни тузатаман, одамларни тарбиялайман! —

деб ўйлайдими?! Ишонадими?!

Йўқ...

у — ўт олдида турган темирчи;

кўза ясаётган кулол.

Ўз ишини бажаради, холос.

"Адабиёт — касб эмас, ҳунар!" — дейишади.

Аслида, касб ҳам!

Хўп, у одамларни оғзига қаратиб, кейин

Дунёда Абадий қолмоқчидир?!

Йўқ...

у — банда эканлигини билади.
Бундай даъвога бормади!
Тўхта! У таъмагир бўлса-чи?! Эҳтиром,
эътибор кутаётгандир?!
Йўқ...
бу нарсалар ўткинчи; —
унинг ақли етади.
Марҳамат кутмайди!
Балки, у ўз ҳаётини ниҳоят, яхшиламоқчидир?!
уч-тўрт кун яйраб юрмоқчидир?!
Йўқ...
у камбағал оилада туғилиб ўсган.
Ҳамон қийналиб ҳаёт кечиради!
Тушунмайман...

Адибнинг ёзганлари ҳам бошқа! — бояги “урда-бурда” дегандек, ҳамма дарҳол мағзини чақолмайдиган мураккаброқ, дағалроқ, узук-юлуқ — ғалати; шу билан бирга, уларда умид ва армон — изтироб. Менга денгиз устида учган қушларнинг қийқириқ-фарёдини эслатади. Адибга эргашмай, ҳар гал, бу йўлдан бош буришга уриниб, кейин яна ҳайрат ва ҳаяжон билан унинг ёзганларини ўқийвераман! У менсиз, мен усиз яшолмаймизми?! — шунақа.

Менинг Адибим бўлгани учун! — уни бекордан тенгсиз бир юксакликка кўтармаяпманми?! Асло... Мен унинг тирик жон эканлигини яхши биламан!

7

Адиб ёндафтарни қайтиб қўйнига солиб қўйди.

Инсон — оқар сувдаги балиқ. Ботқоққа тушса, нафас ололмай бўғилиб қолади.

Осма-қутида қандай хатти-ҳаракат қилишни билмай, саросималанган одамлар шундай ҳолатни бошдан кечириб, ҳис этишмоқда эди! Улар нимадир чора топгиси келмоқда эди!

Тўрт киши — Ҳаким, Бемор, Осий, Савдогар — ҳамон вақти-вақти билан дару деворни тақиллатишарди. Бақариб-чақариб овоз ҳам беришарди. Кафтдек телефонни Савдогар ишга солишни ҳам унутмаган эди! Лекин агроф-олам уйқуга чўмгандек эди.

Осма-қутидаги менга қисматдош кишиларни кузатиб туриб,

негадир эски бир танишим —

Файласуфни эсладим.

(Бир-бирига ортиқча индамаса ҳамки, бундай паллада ҳар ким ўзича файласуф бўлиб кетади!)

У ҳеч қачон, умрида осма-қутига минган эмасди!

Ерости йўлга тушмас, тайёрами-парпарақда учмас эди!

Қачондир маълум муддат қамоқда бўлган;

афтидан,

қамалишданми, кутилмаган фалокат рўй беришиданми?! — кўрқиб яшар эди.

Умуман, у —

содда бадавий сингари

ТАРАҚҚИЁТдан кўрқар эди!

Қамалиб юрган кунларида кўрган воқеалар тўғрисида гапиришни ёқтирмасди. “Тўрт девор. Бошқа ҳеч нарса!” — деб қўя қоларди. Бироқ гапиришга тўғри келса, жилмайиб, бедар оҳангда дер эди:

— Совуқ! Белкурак, лом кўтариб, одамлар чиқиб ишлашарди. Менга мазза эди! Чой қайнатардим. Иссиқ эди. Ўтириб, китоб ўқирдим...

Бир кун икки келиб, у қаттиқ хасталаниб қолди.

Кемада кетаётгандек ҳолат...

Каюта ойнасидан ёки кемани айланиб, денгизни томоша қилиш мумкин; аммо БУ ЕРДАН ТАШҚАРИ бир ёққа боролмайсан...

Унга ҳакимлар, уйда ётасиз, бир қадам нарига жилмайсиз, рухсат бермагунча шунга чидайсиз, дейишган эди. Улар қачон рухсат беради?! Бундай кун ўзи борми?! — у билмас эди.

Толиққан. Юраги ишдан чиққан эди.

Шу пайтда элик уч ёшда эди! 53 ёш нима?! Кечагина бола эди. Кечагина кўчада

қизларга эргашган бўз йигит эди... Наҳотки, озгина фурсатда чолга айланиб қолди?! Назарида, унинг аҳволига энди маймунлар йиғлар эди...

Аввадан пойи-пиеда юришни ёқтирарди. Қамоқдан қайтганидан буён ҳар куни эр-талаб икки соат, кечқурун икки соат сайр қилмаса, кўнгли тўлмасди! Бир ерда узоқ ўтиролмасди. Ўй суриб айланишни яхши кўрарди. Кўча-кўйда таниш-нотаниш ҳар хил кишилар билан гаплашишни яхши кўрарди... Шундай одам уйдан чиқолмай қолган эди! Мана, энди назарида, унинг аҳволига маймунлар йиғлар эди...

"Уйдан бешгина дақиқага чиқсам, хув рўпарадаги сўқмоқда нарига бориб, бери-га қайтсам — шу кифоя эди! — деб ўйларди баъзан. — Ана, уй яқинида Анҳор. Сув бўйи кўм-кўк, чиройли. Биргина марта сувга, ўт-ўланга тикилсам — шу кифоя эди!"

Баъзан, Робинзонга ўхшаб қолдим, деб ҳам ўйлар эди. Кейин, ўзига-ўзи эътироз билдирарди. Йўқ, Робинзон ҳарқалай, табиат бағрида эди. Кичик бир орол бўлса-да, эркин хатти-ҳаракат қила олар, бемалол кезинарди! Мен-чи?! Яна қамоққа тушган-дек... Тўрт девор. Бошқа ҳеч нарса!

У бир пайтлар қамоқхона ҳаётидан ёзилган "Тош кийганлар" деган китобни ўқиган эди. Китоб унга ёқарди. Айниқса, номи. ТОШ КИЙГАНЛАР! Энди бот-бот шуни эслар эди.

Ахийри, чидаёлмади. Тўшакдан кўтарилди. Икки томондаги кичик деразалар олдига бирма-бир борди; икки ён кўчани томоша қилди. Ниҳоят, шиддат билан эшикка босди. Остонадан кечди, холос.

Нариёғига унинг кучи етмади...

Мен бу воқеани Адибга айтмаган эдим.

Айтсам, таъсирланиб, албатта ёзарди.

Ҳозир бекорчиликдан айтиб берардим-ку! —

биз ўзимиз

Файласуфдан яхшироқ

аҳволда эмасдик.

Йигирма етти қаватли бинонинг қоқ белида, қалин тош деворлар ичида, муаллақ бир ҳолатда турибмиз. Дарахт шохига осиб қўйилган қафасдаги қуш ҳам ўзини бунчалик ночор ва маҳзун ҳис этмайди!

Назоратчилар ухлаб қолганми?! Улар қачон осма-қути бузилганини пайқаб, тузата-ди?! Балки, ичиб олиб, соққа (нард) ўйнаб ўтиргандир?! Биронтаси шогирдига ишониб, бинони ташлаб кетган бўлиши ҳам мумкин... Қисматинг кимгадир боғлиқ, кимнингдир иродаси, кайфият-хоҳишига қараб, умидланиб туриш! — бундан ёмон нима бор?!

Эй-й! Бу ҳали ҳолва экан. Шикоят қилмай турсам бўларкан.

Осма-қути шифтидаги чироқлар кўз қисгандек, бир-икки лип-лип этди ва —

мана, энди улар ҳам

ўчди-қолди.

8

Бизнинг "қамалган" имизга бир соатдан ошган эди.

Одамлар аллақачон зерика бошлашган эди.

Ёруғлик бизни то ҳозир алдаётган эди!

Биз безовталанган, тоқатсизланган; лекин ҳали — чироқлар ўчмагунга қадар, — кўнглимизда даҳшат туймаган, бизни ваҳм-хавотир чулғаманган эди.

Мана, энди одамларни ғам босган эди.

Оғир сукунат чўккан эди.

Кўзимиз қоронғига ўргана бошлади. Аммо барибир, ҳатто ёнингдаги одамнинг афти-ангори очиқ кўринмасди. Кимнинг кимлигини фақат қораси ва овозидан билиш мумкин эди.

Бехосдан бошини адл кўтарган Мулланинг вазмин ва ғамгин нидоси эшитила бошла-ди:

"Оллоҳим! Барча мақтовлар Сенга хосдир.

Оллоҳим, Сен кенг этган оламни тор қиладиган, тор этган оламингни кенгайтиради-ган зот йўқ. Сен ҳидоят қилмаганни тўғри йўлга бошлагувчи, Сен аксинча, ҳидоятга бошлаганни йўлдан оздиргувчи топилмагай. Сен бировга бермаганингни бера оладиган ва Сенинг берганиннга мене бўладиган куч мавжуд эмас. Яқинлаштирганингни узоқ-лаштиргувчи, узоқлаштирганингни яқин келтиргувчи йўқдир.

Оллоҳим, тугамайдиган, ўзгармайдиган — доимий неъматингни истайман. Муҳтожлик кунда ёрдам кўрсатишингни, кўрқинчли кунда ҳаловат бағишлашингни истайман.

Бизга буюрган ва буюрилмаган нарсаларнинг шарридан Сенга сизгинаман, Оллоҳим! Бизга иймонни сеvimли қилгайсан. Қалбимизни безатгайсан. Куфрни, фосиқликни ва исённи ёмон қилиб кўрсатгайсан.

Оллоҳим, бизни ислом динида бўлган ҳолда вафот этдир. Муслимларни бизга сеvimли қил! Бизни солиҳ бандаларинг жумласидан айла..."

Шундан кейин, Мулла салмоқлаганча:

— Гуноҳларимиз бизни қисди! — деди.

— Бизнинг нима гуноҳимиз бор экан?! — норозиланди Арбоб.

— Топилмаса шарм дори,

Чайнаб юринг гармдори! — минғирлади Дарвеш-масхарабоз.

— Инсоннинг ўйлагани билан сўйлагани бирлашмагунича, баркамол бўлолмайди! — деб қулоғимга пичирлади ёнимда турган Адиб. — Мен бу одамлар билан кўришишни истамасдим!

Шу аснода

лаҳза ичида

осма-қутидаги кишилардан айримларининг ҳаёти тўғрисида билганларим (эшитганларим, Адибнинг китобларида ўқиганларим)

беихтиёр ёдимга тушди.

Булар олақуроқ бир тушми, хаёл парчаларими?! — эди.

БЕМОР

Сенинг муҳаббатинг, сокин саҳрода
Қуёшдан тўкилган ёрқин бир жаранг.
Бепоён заминда, чексиз самода
Гўёки олисдан эшитилган занг...

...

Қалбим жароҳатли. Раҳм айлагин, ёр,
Менда тугади сабр. Қолмади қарор.
Бир он келиб, бир он тасалли бергин,
Ҳаётда мен учун, шу сўнги мадор...

...

Яшаш — насиба.
Бахт ва бахтсизлик — насиба.
Муҳаббат — насиба.
Барчаси...

У ҳали Бемор ҳам эмасди.

У — Шариф деган йигит эди.

Дон Жуан, деймизми, бошқами?! — аввалдан аёлларни яхши кўрарди.

Ўн кунча шифохонага қатнади.

Рентгенда ошқозони тоза чиқди. Яра битган шекилли! Лекин даволовчи ҳаким, яра бўлиши керак, кўринмагандир, деди. Менинг гумоним бор, деди.

Бош ҳаким уни чақириб, койиди. Беш йилдан буён бирон марта касалхонада ётмасиз, бу қандоқ гап, деди. Бош ҳакимнинг куюниб-меҳрибонлик қилгани унга алланечук ёқди.

Касалхонада ётадиган бўлди.

Даволовчи ҳаким варақа тўлдириб, рухсатнома олиш учун уни касалхона ҳузуридagi шифохонага юборди. Торгина йўлак, бир қаватли кичик бино. Анча одам тизилиб ўтирибди.

Ёш-чиройликкина жувондан кейин навбат олди.

Жувондан, биров қизиқса, у шу ерда эканлигини айтишини сўраб, уйи яқин, нарсаларини олиб келиши кераклигини тушунтирди. Йўлақдаги жувон қандайдир беозорликми, итоаткорлик биланми, ҳеч бир малол келмай, мамнуният биланми, бошини ирғади. Қисқаси, у ярим соатлар ичида уйга бориб, ўзининг ашқол-дашқолини кўтариб келди.

Жувон билан яна, нимадир ҳақда сўзлашди. Шифохона ёки касалхонага тегишли бир гапларни сўради, чамаси. Жувон очиқ чеҳра билан жавоб қайтарди. Лекин шу дамда бехосдан...

бир чеккада жувоннинг эри ўтирганини пайқади! Жувон эри билан сўзлашиб қолди-ми?! — шундай бир хатти-ҳаракат сезилди.

Шариф жувонга қайтиб оғиз очмади.

Шифохона мудирини қоғозларга қўл қўйгач, беморларни қабул қилиш хонасига келди. Бу ерда ҳам беш-олтита одам навбатда турарди. Булар шифохона йўлагига, аввалги кишилар эди! У навбат сўради. “Яна мендан кейинсиз!” — деди бояги жувон. Энди эри, иккиси эшик ёнидаги харрақда ўтиришарди. Шариф дераза остидagi диван четидан жой олди. Эр-хотинга шунчаки кўз ташлади. Бировларнинг муносабатини (жумладан, эр-хотин эканлигини ҳам!) илк қарашдаёқ кўнглингда сезасан. Шариф ҳам буни шундай ҳис этган эди! Ҳозир эса эътибор берди. Эр-хотин иккиси ҳам ранг-рўйдан бинойи, одам-шаванда. Бироқ қизиқ жойи, уларда дилраболикми, яқинликми?! — етишмайди. Ана, бири-бирининг ёнида ўзини бегонадек тутяпти. Ҳар бири ўз ташвиши, ўз хаёли билан банд! Эр жувонни касалхонага тинч, тезроқ жойлаштириб, бўйнидаги вазифани, бурчини адо этиб, бу ердан бадар кетмоқчи. (Бўлди, сизга жавоб, десанг, югуриб чиқиб кетадигандек!) Жувон эшикка ҳорғин тикилган. Кўп ўтмай, ичкарига кириши керак! Бундан оғринганми, истамаган ҳолатда. Иложи бўлса, бу тугқунликни қабул қилмоқчи эмас...

Ниҳоят, жувон ичкарига кирди.

Шарифни ҳам изма-из чақиришди.

Ичкарида улар қон топширишди. Ҳақимлар варақага нималарнидир белгилашди. Бу гал жувон Шарифга сўз қотди. Уни яхшироқ билар, деб, касалхонадаги тартиб тўғрисида сўраган бўлса керак...

Ахийри, у жувондан олдин, касалхонанинг йўл-йўл пойжомасини кийиб, ҳовлидаги тўрт қаватли бинонинг тўртинчи қаватига кўтарилди. Уни беш кишилик катта бир хонага жойлаштиришди.

У ана-мана дегунча хонадаги беморлар билан танишиб олди.

Булардан иккиси ундан ёш, йигирмага бориб-бормаган йигитчалар эди. Бири — до-рилфунунда, бири — мусиқа мактабида ўқир экан. Учинчи ҳамхона қурувчи, қайсидир завод қурилишида заҳарланган экан. Тўртинчиси саҳройи бригадир, катта ёнидаги киши. Бошқа хонадан бу ерга бир йигит чойми, шакарми, нонми сўраб, ҳадеб илжайиб кира-веради. Сочи калта бир қиз ҳам бот-бот эшикда кўринади. Ҳалиги йигитчалардан ҳол сўрайди.

Шариф ҳамхоналари билан ярим соатда суҳбатлашиб, ҳатто толиққан эди. Айланган йўлакка чиқди.

Таниш жувонни унутган эди! Чиққани заҳоти...

жувон рўпарадаги хона эшигида турганини кўрди.

Бу жувон бутун уни аввалдан-охир таъқиб қилаётгандек эди! Ана, келиб-келиб, унга рўпара хонада ўрнашадими?! Буниси энди қисмат...

Улар бир-бирларига мулойим қараб қўйиб, йўлакнинг икки томонига кетишди.

Шариф нари-бери юриб, ўз хонасига қайтиб кирди.

Бирон соатча ухлади. Кейин, овқатланиб келди.

Кечки пайт касалхона ҳовлисида бир оз сайр қилишга чоғланди. Ҳовлига чиқаётган эди...

ЎША ЖУВОН!

— Юринг, айланамиз, — деди Шариф.

— Мен айландим, — бошини чайқади жувон. Шунинг баробарида, иккиланаётгандек эди.

— Энди бирга айлансак-чи...

Жувон яна сал иккиланиб, унга эргашди.

Улар қуюқ дарахтзор ҳовли этагига қараб юришди.

— Учрашиб қолдик. Дардимиз бир экан. Танишган зиён қилмайди, — деди Шариф. Исмини айтди. Қулди. — Қоғозбозликка ўрганган бекорчи идора! Ишлаймиз...

Жувоннинг исми Вилоят экан. Болалар боғчасида тарбиячи экан.

Ундан-бундан оз-моз гаплашишди.

Қоронғи туша бошлаган эди.

— Кеч бўлди. Қайтайлик, — деди жувон.

Улар ортга бурилишди.

Шу пайт туйқусдан уларнинг елкалари туташиб-айрилди.

Шариф тўхтади. Жувон ҳам негадир тўхтади.

Шариф жувонни бағрига босди. Ўпди.

— Уялмайсизми?! — деди жувон ва...

югурганича, ичкарига кириб кетди.

Эртаси кун и кечга томон улар йўлакда дуч келишди.

— Сизда ишим бор, — деди жувон.

Яна дарахтзор ҳовли этагига йўл олишди.

— Нега ундай муомала қилдингиз?!

— Кўзимга яхши кўриниб кетдингиз.

— Яхши кўринса... Мен ёмон аёл эканманми?!

— Мен бундай деганим йўқ. Бундай деб муомала қилганим ҳам йўқ...

Шу қабилда улар баҳслашган бўлишди.

Кейин, аламга тўлиб турган Вилоят сал юмшади.

Кейин, ҳар тўғрида гаплаша бошлашди.

Дунёнинг ёқасидан кириб, этагидан чиқишди!

Кейин, улар орасида шундай бир ҳолат пайдо бўлдики, кеча кўзга кўз тушгандаёқ икки ўртада узилмас ришта боғланган ва энди бу айниқса, очик-ойдин билингандек эди...

Шариф кўп аёллар билан танишган, уларни ёқтирган, лекин:

ишқ бошқа, ҳавас бошқа! —

у бирон аёлни

бирон пайт

бунчалик яхши кўрмаган эди.

Шариф бошқа аёллар билан дўстлашганида, ўзининг улар билан муносабатида қан-дайдир безбетлик, шармандалик борлигини ўйламаган, бу ишнинг гуноҳ эканлигини ҳам хаёлига келтирмаган эди. Кимгадир у ва кимдир ҳам унга ўзини бағишламагандек эди. Ва Шариф буни дунёнинг равиши, деб қабул қилган эди! Унинг қони-жонида энди азобли бир ҳиссиёт уйғонган эди. У Вилоятдан узоқлашолмас, орадаги яқинлик учун жавобгар эканлигини ҳам бўйнидан соқит қилолмас эди...

Ҳар қандай муҳаббат узоғи билан уч йилда тугайди, дейишади.

Бўлмаган гап!

Ана, бу бало-қазодан қутулмоқни истаб, неча йилдирки, Шариф бошини деворларга уради. Бироқ...

у кирган кўчанинг

охири йўқдек эди!

АЁЛ

Одамларни азиз билиб Ер,

Елкасида тутиб,

суяди.

Қизғанади.

Ўлгандан сўнг ҳам —

Кеткизгиси келмай НАРИҒа,

Юрагига кўмиб

кўяди...

(Муножотнинг шеъри)

...

Муножот! Телба куй! Муножот қил, деб

Сен мендан сўрайсан.

Қандайдир дилтанг.

Мен нима топардим?! — илтижо қилиб!

Сен ўзинг дунёда

ИЛТИЖО бўлсанг...

Аёлнинг исми Ирода эди.

Эри ўлиб, бошқа эр қилганди.

Энди бу эри ҳам ўлган.

Олдинги эридан бир ўғли, кейингисидан бир қизи бор.

У — кўлида телеграмма, — ҳаяжонланиб, ташвишланиб турарди.

Қизи Дилдора:

— Кимдан экан?! — деб сўради сал таажжубланиб ва унинг кўлидаги қоғозга четдан сал лоқайд қараганча.

Ўғли Ҳамид — узоқ туманда, обрўли ишда. Уй-жойли, бола-чақали. Баъзан хат, баъзан хабар юборади. Аммо ҳозир бу — бошқа.

— Бухородан! Бизни кутишяпти...

Дилдора тушунди. Бухороликлар Ҳамиднинг отаси — Муҳаммадий таваллудининг 70 йиллигини нишонлашмоқчи! Бу тўғрида олдин ҳам ёзишган эди. Муҳаммадий вақтида анча машҳур бастакор бўлган. Домла Ҳалим, Левича ҳофизлар билан унинг номи бир қаторда туради.

— Мен ҳам бораманми?!

— Бир ўзим бормайман-ку, қизим...

Улар эртаси кун Марказдан Бухорога жўнашди.

Бухорода санъаткорлар, зиёлилар уларни қаршилаб, меҳмонхонага жойлаштиришди. Узоқ тумандан Ҳамид ҳам келиб, оила аъзолари сафидан жой олди.

Икки-уч кун меҳмон бўлишди. Театр биносида Муҳаммадийни эслаб, концерт аראлаш маросим ўтказилди. Кейин, тўқин дастурхон ҳам ёзилди.

Дилдора телеграмма келган кундан буён Муҳаммадийдан кўпроқ ўз отаси — Ботирбек тўғрисида ўйлар эди. Бу — умр бўйи оддий бир муассасада ишлаган, дунёга келиб кетгани унга яқин одамларгагина билинган, камтар-камсуқум киши эди!

Ҳозир Дилдора қизиқ бир аҳволга тушган эди! Номақбул бир ишни мажбуран бажарётгандек ҳолатни сезар, гоҳ асабийлашиб, гоҳ эзиларди. Гап шундаки, Бухорода меҳмонлар катта-катта давраларга киришган эди! Бу давраларда Иродани "Муҳаммадийнинг рафиқаси" деб таништиришар, Ҳамидни "Муҳаммадийнинг ўғли" дейишгач, Дилдорани "Муҳаммадийнинг қизи" деб қабул қилишар эди! Зиғирча ёлгонга тоби йўқ, болаликдан тўғри-яккафеъл Дилдорага ўзи бошқаларга қўшилиб, ўйин кўрсатаётгандек туюлса, бундай пайтда ўзини қандай тутишини билмай, саросималаниб қолган эди. Айниқса, онажони (Ирода)ни у биринчи марта кўраётгандек эди... Бошқага тегиб, яна бола кўрган Ирода, кейинги йилларни ўз ҳаётидан ўчириб ташлагандек, Ботирбекдан Муҳаммадий "томон"га юз фойиз "ўтиб кетган" эди! Давраларда олдинги эрини эслаб, кўзёш тўкиб, узоқ хотиралар сўзламоқда эди. Унинг Муҳаммадийни қайтиб "тутиб олгани" Дилдоранинг назарида, эриш, кулгили, аянчли эди... Дилдорага бунинг бари шуҳратпарастлик бўлиб кўринмоқда эди! Одамлар нега бунчалик шуҳратга ўч?! "Шуҳрат тирикларга эмас, ўлганларга керак! — деган экан бир донишманд. — Зероки, шуҳрат тирикларни бузади!" Тирикларни бузиши бор гап! Лекин ўлганларга керакми у?! Уларга бир газ ер билан икки оғиз дуои-фотиҳа етарли эмасми?! Биз ўтганларнинг гуноҳларига янги гуноҳлар қўшиб, уларга сифинишимиз жоизми?! Демак, шуҳрат, умуман, кераксиз, даъвогами, чиранишгами ўхшаган...

Ирода қизининг аҳволини ҳис этар эди! Бироқ у...

Муҳаммадий билан оғир, машаққатли, бахтсиз ҳаёт кечирган эди. Одамдек яшаш имкони бўлмаганидан, Муҳаммадийга вақтида кўп озор ҳам етказган эди. Бунинг устига, бу одамнинг тупроғи совиб-совимай, бошқага теккан эди! Энди ўзини айбдор ва ҳарҳолда, қарздордек сезар эди...

Ҳаёт, юздада кўринганидек, жўн эмас экан-да! Сен нимани биласан, қизим?!

ОСИЙ

ЎТГАН кунлар — ЎТГАН одамларга ўхшайди.

Эслаш мумкин. Аммо қайтиб кўриб бўлмайди.

Ҳаёт эса давом этар. Оққандек сувлар.

Эски жойлар, буюмлару эски ёзувлар —

Фақатгина ЎТГАН ПАЙТдан берар далолат.

Уларда руҳ. Уларда жон. Тирик бир ҳолат...

У болаликдан қаер бўлмасин, узоқ бир жойга сайри-саёҳат қилиш орзуси билан яшар, бу ҳақда ўйлаганида, доим ҳаяжондан титраб, кўзлари жикқа ёшга тўлар эди.

Буни лекин, у ҳеч қачон, ҳеч кимга айтмаган эди. Ота-онасининг ёлғизи, эркаси эканлигига қарамай, бу тўғрида уларга ҳам миқ этмаганди. Кўнглида беркиниб ётган, мулк сингари асранган сирни очиб, муқаддас бир ҳиссиётни кўкка совуришдан қўрққан-миди? Ёки, мендан одамлар, энг яқин кишиларим ҳам қулишлари мумкин, деб хавотирланганмиди?! — билиш қийин.

Бу орзу йилдан-йил, кундан-кун кўксида тўлиб борар, унинг учун дунёда бундан арзирли, бундан азиз нарсанинг ўзи йўқ эди...

Ота-онаси уни ер-кўкка ишонилмасди.

Гоҳ кўзичоғим, гоҳ бўталоғим, деб эркалашар, у айтган ҳар бир сўз эмас, юз-кўзида акс этган ифода, кўринган хоҳишни бажаргилари келар, шунга ҳаракат қилишарди. Уни бошларида кўтариб юришарди.

Дарвоқе, унга ҳаттоки Ёлғиз деб исм қўйишган эди...

Ёлғиз билим эгаллаб, зукко йигит бўлиб ўсди.

Ақлли эканлиги-ю, тез орада яхши-ёмонни ажратганидан, ота-онасининг ортиқча "па-па"лашларидан талтайиб-айниб кетмади! Чиройли эканлигини айтмайсизми?! Камтар. Истеъдоди ҳам бор: расм солиш, шеър тўқишни билади. Куй чалади. Овози қироатли, ширин.

Унинг ҳаётида зарра губор йўқ. Чекмайди. Ичмайди. Аёлларга ҳирс қўйиб, қарамайди. Фаришта! Бегуноҳ. Олижаноб! У гўзаликни, ҳаёт лаззатини қандай, нима деб туншунади?! Атроф-оламга завқланиб қараш! Бундан чексиз баҳра топиш! — ва шунинг учун ҳам, сайри-саёҳат истаги...

Уларнинг уйи олдидан дарё ўтар эди.

Аслида, бу дарё ҳам эмас, шунчаки катта сув; одамлар эмин-эркин сузиб ўтишар, ёзда, сариқ саратонда болалар лойқага ботиб, чўмилишарди. Эни тўрт-беш қулоқ; ичига тушган кишининг сувдан боши кўриниб турарди.

Уйлари обод эди. Қишлоқнинг пеш ҳовлиси! Шаҳар этагидаги қишлоқнинг ўзи ҳам атрофдаги бошқа қишлоқларга нисбатан обод эди.

Дарёдан одамлар балиқ овлашарди. Тўрт томонда тўқайлар, қамишзор қўллар, боғлар. Қўшни қишлоқлардаги кишилар бу қишлоққа ҳавас қилишар, уларни мақташарди.

Баъзан уларникига қариндошлар бир қизчани бошлаб, меҳмонга келишарди. Қизнинг исми Байрамжон эди. Бу қиз билан Ёлғиз турли мавзуларда гаплашар, дўстлашиб олгандек эди. Лекин, катта бўлганинда уни оласанми, дейишса, қизарар, бош чайқарди: мен ҳеч қачон уйланмайман, дерди. Унга, агар уйланса, саёҳат қилиш орзуси сўниб, унутилиб кетадигандек бўлиб туюларди...

Уларнинг уйида эски бир қайиқ бор эди.

Отаси гоҳ-гоҳо қайиқда бир ерларга бориб-келиб ҳам юрарди. Лекин қайиққа яқинлашгани Ёлғизга рухсат бермасди.

Нихоят, бир куни ота-она меҳмонгами, қаергадир кетишган эди. Ёлғиз илк бора саёҳатга жазм этди!

Қайиқни бостирмадан қийналиб судраб келиб, сувга туширди. Сакраб, ўтириб олди. Оқим бўйлаб кетди, кетаверди. Қаергача боришини ўзи ҳам билмас эди.

Дарёнинг икки томони дарахтзорлар, яланг майдонлар, баланд-паст қирлар, ўтлоқлар эди.

Ахийри, олисда хонақоҳми, офтоб нурида ярақлаган зангор бир гумбаз кўринди.

Дарё энди анча кенгайган эди! Гумбазга анграйиб қараб қолган Ёлғизнинг нигоҳи пастга эниб, кутилмаганда...

у қирғоқда ўйнаётган уч-тўрт ёшлардаги қора соч қизалоқни кўргандек бўлди ва кутилмаганда...

қизалоқ сувга энгашиб, дарёда оққандек бўлди!

Лаҳза ичида Ёлғиз, шундай бир ҳолатни илғади.

Лаҳза ичида уни даҳшатми, қўрқув босди.

У қайиқни қирғоқ томон суриши мумкин эди! У ўзини дарҳол сувга отиши ҳам мумкин эди. Бунинг ҳеч хатарли жойи йўқ эди. Дарё теран ҳам, галаёнли ҳам эмасди! Бироқ ўша даҳшатми, қўрқув уни гангитган эди.

У жон-жаҳди билан қайиқни орқага бурди ва...

ит қувлаган гадо аҳволида уйга кириб келди.

Ота-она Ёлғизнинг саёҳат орзусидан беҳабар бўлишганидек, кўнглида умуман, нима борлигини ҳам билишмас эди. Унинг ўзи ҳам шу кунга қадар саёҳатдан бўлак нарсани тасаввур қилмаган, қайси шароитда ўзини қандай тутиши мумкинлигини ҳатто, ўйламаган эди! Яхши-ёмонни фарқлашга уринса ҳамки, амалда оқ-қорани танишга ўрганмаган эди...

Кейинчалик — отасидан рухсат тегиб, бунга эришиб! — у қайиқда бир неча бора дарёни бўйлади. Олис зангор гумбазни, хонақоҳни қидирди. Лекин хонақоҳ ерга кириб кетганми, осмонга кўчганми?! — тополмади.

Бир гал қирғоқда сочлари тўзғиб, югуриб юрган қандайдир аёлга кўзи тушди. Сувда оққан қизалоқнинг онаси, жигарбандини йўқотиб, ақлдан озганга ўхшайди, деган хаёлга борди.

Аслида, Ёлғиз уч-тўрт ёшлардаги қора соч қизалоқни АНИҚ кўрди! Қизалоқ АНИҚ

сувга талпиниб, оқиб кетди! Шундай ВОҚЕА чиндан рўй берди! — деб ишонч билан айтиб бўлмасди. Кенгликда, маълум масофа бор пайтда баъзан киши чалғийсан! Узоқдан одам, деб ўйлаганинг — дарахт, ерда ётган оддий тош, деб ўйлаганинг — қимирлаб, аксинча, жонли бир мавжудоод бўлиб чиқиши мумкин! Тўғри... Аммо Ёлғиз, бундай воқеа рўй бергани йўқ, деб ҳам айтолмас эди!

У қаттиқ хасталанди. Ётиб қолди. Кейин, қишлоқдаги масжидга тасодифан кириб, гоҳо кирадиган бўлди. Ибодат-илтижога берилди.

Ота-она унинг нега ўзгариб қолганига тушунишмасди. Тезроқ уйлаб қўйиш керак, деган қарорга келишди.

Ёлғиз бир куни яна қайиқни сувга судради. Ота-она унинг қўлига совға-салом тут-қазишди. Йўлда Байрамжонларни кўриб ўт, дейишди. Унг томон қирғоқда катта қишлоқ, икки соатлик йўл, дейишди.

Ёлғиз кечгача дарёда сузиб, қариндошлари яшаган қишлоқни тополмади. У ўзининг доимий излагани — хонақоҳни ҳам яна топмади!

Олган нон-суви тутаган эди. Дастурхонга ўралган патир, мева-чевани паққос тўширди. Ҳориган эди. Қорни тўйиб, шунчаки қайиқда чўзилди.

Кўзи кетиб қолган экан. Уйғониб, тонг отаётганини пайқади. Олисда ажиб улғувор обидани кўрди.

Қирғоқ томон сузиб, қайиқдан тушди.

Қадимий ёдгорликка яқинлашди.

Бу — кўздан у қидириб юрган хонақоҳга ўхшар эди! Лекин таъмирлашганми, бузиб-ўзгартирилганми?! — у бир кўрган зангор гумбаз йўқ эди! Шу боисдан, бу ўша, олдинги хонақоҳми, бошқами?! — билиш қийин эди.

Ёлғиз бир тўда майиб-мажруҳлар, тиланчиларни учратди. Улар хонақоҳ эшигида тизилиб туришарди. Бу ерда зиёратчилар ҳам бор эди. Одамлар узун-узун туғларга ип боғлашарди. Бахтсизлар бахт сўрашар, гуноҳкорлар гуноҳларини тилаб, кўзларига ёш олишар эди.

Ёлғизнинг ҳам кўзлари ёшланди. Ҳеч кимга айтмаган, айтолмайдиган дардини эслаб, эзилди.

"Сен ҳайвонлик қилдинг! — деб ўйлади у. — Дунёда шунча китоблар, шунча ажойиб куй-қўшиқлар, ҳайратга соладиган тасвирлар яратилганидан маъно нима эди?! Сен буларни ўрганиб, буюк бир инсонларга эргашгинг келганидан маъно нима эди?! Сенга одамлар, халқинг туғилган кунингдан бошлаб берган тарбиядан маъно нима эди?! Сен ҳайвонлик қилдинг..."

У яна, ҳайвон ҳам бундай қилмайди, деб ўйлади. Денгизда дўлфинлар фарқ бўлаётган одамларни устларига юклаб, қирғоққа ташиб чиқариши хаёлидан кечди. Наҳотки, инсон махлуқдан ҳам бадтар бўлса?!

Ниҳоят, Ёлғиз, ҳар қандай одам ожиз банд, гуноҳсиз яшаб ўтиш қийин экан-да, деб ўйлаб, ўзи-ўзига таскин-тасалли излади...

Уйга қайтаётиб, энди қирғоқдаги катта қишлоқни ҳам топди. Байрамжонлар уйида меҳмон бўлди. Байрамжон етилиб-очириб, чиройли қизга айланган эди! Бу қизга уйла-ниши қисмат эканлигини ҳис этди...

Унга Байрамжон эгизак — иккита қизалоқ туғиб берди.

Ҳаш-паш демай, қизчалар тилга, оёқ-қўлга кира бошлашди.

Уларнинг сочлари, қош-кўзлари қоп-қора эди!

Ёлғиз хотини, айниқса қизчаларига тикилиб қарашга қўрқар эди.

Бора-бора унга ўз кулбаси, хонадони торлик қила бошлади!

Ахийри, хотини билан болаларини ота-онасига топшириб қўйиб, қишлоқдан бош олиб кетди... Аҳён-аҳён, йилда бир ёки икки уйга меҳмондек келар ва тезда яна қишлоқни тарк этар эди...

У шаҳарда яшаб юрар, ора-орада имкон топиб, қаерларгадир сайри-саёҳатга ҳам жўнар эди...

АРБОБ

Сиз ишонмайсиз, лекин барибир, айтаман:
Мен Ерда юрган одамлардан ташқари,
Ердан анча юқорида учаётган
одамларни кўрдим!

Сиз ишонмайсиз, лекин барибир, айтаман:
Мен Ерда юрган одамлардан ташқари,

Ерда эмаклаб-судралган
одамларни кўрдим!

Эмаклаган одамлар ҳам
туриб, учишармикан, деб
Мен кутдим. Лекин улар
Ердан кўтарилмади —

Ҳатто Ерда юрган
одамларга ўхшаб...

Бу воқеа анча бурун содир бўлган эди...

Қиз Мағрибдан, йигит Машриқдан эди.

Улар топишиб, оила қуришгач, йигит ўз қариндошларини хотинига кўрсатиш ёки келинни уларга танитиш учун Машриққа боришди.

Машриқда узоқ-яқин қариндошлар уларни кучоқ очиб, қабул қилишди. Икки ёшнинг йўлига гуллардан пойандоз тўшашди. Иззат-икром устига, совға-саломлар билан сийлашди.

Кейин, навбат келинга келди. Куёвтўрани қариндошларга, қариндошларни унга кўрсатиб-танитиш учун Мағрибга боришди. Мағрибда ҳам икки ёшга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бутун эътибор қаратилди. Ҳамма ерда уларни бошларига кўтариб, тўрга ўтқазилди.

Ниҳоят, улар уйларига қайтиб келишди.

Орадан кўп ўтмай...

аслида бу оддий бир гап эди! —

Бор, товоғим, кел, товоғим,
ўртада синган товоғим...

Яна соддароқ қилиб айтадиган бўлсак:

Меҳмон кирар эшиқдан,
ризқи кирар тешиқдан...

Бунга қисиниб-эзилишнинг ҳожати йўқ!

Лекин йигитнинг капалаги учган эди.

Денгизда тўлқинлар кўтарилиб, кейин девор бўлиб бостириб келадиган бир тошқин бор. Цунама, дейди. Йўлида учраган нарсани ювиб-супуриб, емириб кетади. Хўп, у майли. Чигирткалар босқинини эшитганмисиз? Саф чекиб, йўлида учраган ўт-ўландан юксак иморатларгача илма-тешик қилиб-яблаб кетаверади! Худо асрасин...

Йигитнинг назарида, худди шунга ўхшаб, гоҳ Машриқ, гоҳ Мағрибдан одамлар, у ён-бу ёнга қарамай, аёвсиз ёпирилиб, уларнинг уйига келаётгандек бўлишди!

Албатта, икки ёшнинг қўли қисқа эди.

Албатта, шароит оғир эди. Улар бир хонали каталак-уйда туришарди.

Албатта, уйингга келадиган одамлардан бир хил ақл-идроқ, фаҳми-фаросатни талаб қилолмайсан. Ҳар ким тухумдан чиққан пайтидаёқ юқтирган феълига қараб, иш тутадилар...

Аммо йигит ҳаммани бир қарич билан ўлчамасдан, кимга қандай муомала қилиш устида узоқ бош қотириб ўтирмади! Машриқдан ҳам, Мағрибдан ҳам шаппа юзини тескари бурди.

Хотинини олиб, бошқа уйга кўчди. "Обидхўжа қаерда турадилар?!" — деб сўраган одамга "Обидхўжа ўлган!" — дейдиган бўлди. Қисқаси, озгина вақт ўтиб, на эр, на хотиннинг муомала қиладиган биронта қариндош-уруғлари қолмади...

Обидхўжанинг омади келди.

Курсига бир ўтирган эди, курсиси шифтга қараб кўтарилиб бораверди. Нақ шифтни мўлжаллаганда, тўхтади.

Ана, энди у қишда уйга кириб олган пашшадек, шифтнинг бурчагида мудраб ўтирарди.

Бир томондан...

уйининг остонаси, итининг туваги олтин. Олдинги бошоғриқ йўқ. Қийинчилик йўқ. Қўли истаган ёққа етади. Атрофида таниш-нотаниш, фикр-фикр одам. Ҳаммаси оғзига қарайди. Қўлига қарайди. Оёғига қарайди.

Иккинчи томондан...

БОШЛАЙҚ дегани одамларни бир ёқларга БОШЛАШ эмасми?!

Бу дунёда биронта одамни яхши кўрмай, халқ билан оддий бир муносабатда бўлмай, одамларни қаерга, қандай бошлаш мумкин?!

Поезд ҳақидаги латифани эшитгансиз. Бир раҳбарга, поезди тўхтаб қолди, йўл бузилган, одамлар безовта бўляпти, нима қилайлик, деса, пишиллаб-худди поезди юраётгандек қилиб кўрсатинглар, деган экан!

Обидхўжанинг фаолияти ҳам шундай эди. Арзирли ҳеч иш қилмай, ўзини дунёни тўнтараетган намойишда кўрсатарди! Мабодо кимдир гапнинг тагини кавлаштира, душманга айланарди. Яъни, эски ашула:

Ўйнашмагин арбоб билан,
Арбоб урар ҳар боб билан...

Умуман, у ўзининг роҳат-фарогатидан бошқа нарсани кам ўйларди. Бир идорада БОШ бўлиб, катта даврага кириб ҳам, Обидхўжа ҳамон Машриқ ва Мағрибдан юзини тескари бургандек ҳолатда эди! Ёшлиқдан одамлар билан ош-қатиқ бўлишга ўрганмаган Бу Зот, энди ўрганиши қийин эканлигидан фақат баъзан ич-ичида безовталанар ва баъзан, одамларданми, ўзданими?! — норозилик ҳам сезар эди.

Туғишган жигар — акаси ҳам, Арбоб учун атрофидаги одамлардан бири эди! У акаси билан айниқса, қандай гаплашишини билмай, қийналарди...

9

Осма-қутида чироқ ўчиши одамларни гангитиб қўйган эди!

Улар паришонланиб туришарди.

Оғир сукунат чўккан эди. Ниҳоят:

— Бизни қилган гуноҳларимиз қисди! — деди яна таъкидлаб, Мулла.

— Бизда гуноҳ борми?! Булмаган! Бўлиши мумкин ҳам эмас! — асабийлашди Арбоб.

— Дунёда соғ одам йўқ, — гўлдирди ўзича Ҳаким.

— Виждоним ҳаққи, менга инонинглар

Ва менга инонмоқ учун

Виждонимни ҳурмат қилинглари! — деб, ёд олганини ўқиди Артист.

— Энангни эмгур! — деб қўйди Савдогар.

— Падарига лаънат! — деди негадир Аёл.

— Ёнингизда дори қолмадимми?! Мен кўрқяпман! — бу гал менга мурожаат қилди

Бемор.

Мен чўнтагимдан унга ҳап олиб бердим.

— Узунга осмон яқин,

Калтага нарвон яқин! — минғирлади Дарвеш-масхарабоз.

— Бўлди-да, ака! Нега бачканалик қиласиз, ака?! — бўғилди Арбоб.

— Э-ҳе-ҳей! — деб ҳайқирди афтидан, зериккан Бахши.

— Кемага тушганнинг жони бир! — деди эшитилар-эшитилмас, паст товушда Осий.

Шу сонияга қадар

бошқаларга нисбатан ўзини осойишта тутиб,

менинг ёнимда ўйланиб турган Адиб

кутилмаганда гапга аралашди:

— Дарвоқе, кема... Мен ҳалок бўлган кема тўғрисида китоб ёзмоқчиман!

— Нуҳ алайҳиссалом кемаларини айтяписизми?! — қизиқсинди Мулла.

— Йўқ, у одамларни қутқарган кема эди! Оз одам бўлса-да... — деди Адиб. — Ҳалок бўлган кема кўп. Қаердадир китобдами, газетадами, кўзим тушган эди. Эслолмаяпман. Қадим замонлардан бу кунгача бутун дунёдаги ҳалокатга учраган кемалар рўйхати белгилаб, келтирилган эди.

— Бу кимга керак экан?! Рўйхат! Ҳи-ҳи... Барибир, ўлган одамни тирилтириб бўлмаганидек, улардан фойда бўлмас! — гудранди Ҳаким.

— Билмас экансиз-ку, тоға. Денгиз остида қанча жавоҳир ётади! — деди Савдогар, жаҳл билан.

— Сув остидан кўтариб, уларни тузатган, тиклаган пайтлар ҳам йўқ эмас! — тушунтирди Адиб.

— Кап-катта одам... жим туриб, эшитинглар! — маслаҳат берди Қизча.

— Сиз айтаётган кема шулардан бири эканми?! — беписандроқ кўйда сўради Арбоб.

— Айтаман, — деди Адиб. — "Ясмин" деган кема! Нега бундай аташган, билмайман. У — катта, бойлик ташиганими, сиёсий жиҳатданми?! — жаҳон аҳамиятига эга эмасдир, ҳарҳолда, қизиқиб, ҳалокатга учраганидан бўлак маълумот тополмадим... Вақтида эски бир варақадан "Ясмин" кемаси бўлганини ўқиб, биз ўзбекларга дахли борлигидан, излай бошлаган эдим! Сув йўли Бошқармаларига хат ёзиб, улардан жавоб олдим. Ҳалокатдан сўнг ЛИ-2 деган аэроплан, ЗИС-5, ЗИС-8, ЗИС-16 деган енгил машиналар неча бора сув

билан қуруқлик — денгиз устию кирғоқларда айланиб, рўй берган воқеани аниқлашга уринишган экан. Афсуски, бундан натижа чиқмабди! Яна бир Бошқармадан менга Пошшоев деган киши кема Дарғаси, Ортинов деган киши Уста-механик бўлгани ҳақида хабар қилишди. Пошшоевнинг хотини билан Ортиновнинг болалари манзилгоҳини ёзиб ҳам юборишди. Хатда, биз бошқа ҳеч нарсани билмаймиз, дейишибди. Ишни аниқлаш учун шу одамларга мурожаат қилинг, дейишибди. Мен уларга хат ёздим. Кейин, қидириб ҳам кўрдим! Маъноси бўлмади... Лекин кема тўғрисида албатта, китоб ёзишим керак!

— Кемадаги биронта одам тирик қолмаганми?! — сўради пичирлаб Аёл.

— Ким билсин...

— Ҳалокат, ҳалокат, дейсиз. Мен тушунмаяпман, — илк дафъа гап-қўйга қўшилди, чамаси четда туролмаган Бемор. — Кема бўронда синиб чўкканми ёки ўт чиқиб, ёниб чўкканми?! Нима бўлган?! Бесабаб йўқолмагандир?!

— Мен унисини билмайман, — деди Адиб. — Маълумот йўқ! Лекин айтиш мумкин...

Бирми, кўпми, гуноҳга ботган одам бўлмаган кема ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди!

— Гуноҳлари қисган! — Адибнинг фикрини эшитиб, суюнгандек бўлди Мулла.

Кейин,

осма-қутини

олдингидан минг чандон

сукунат қоплади.

Мен бир нарсани ўйладим. Назаримда, бошқалар ҳам шуни ўйлаётган эди...

Кун — жума. Ҳафтанинг охири! Одамлар одатда, эртароқ уй-уйларига ошиқадилар. Бизни зулматга кўмган бинода одам кам эканлиги аниқ! Хўп. Қайсидир қаватда осма-қутини пойлаб зардаси қайнаган битта-яримта киши, оёғига чипқон чиқмаган бўлса, зинадан тушиб ҳам кетаверади! Яна айтаверса, осма-қутилар бинонинг турли бурчакларида жойлашган. Бошқа осма-қутилар бор. Улар орқали тушаётганлар бизнинг аҳволимизни билмай қолаверадилар! Хуллас...

душанба кунигача

"карвонсарой"да биров

қандай воқеа рўй берганидан

хабардор бўлмаслиги ҳам

эҳтимолдан узоқ эмас!

Душанба кунигача

бизнинг аҳволимиз

нима кечади?!

Одамларни чорасизликка ўхшаган ҳолат

қамрай бошлаган эди!

— Гапнинг бундай тагига етмай, китоб ёзаверар экан-да ёзувчилар ҳам! — захарҳанда билан деди Арбоб. — У номаълум. Бу номаълум. Тутадиган нарса йўқ! Қаҳрамонлар йўқ. Бош қаҳрамон йўқ...

— Ҳаммаси оддий, — деди Адиб. — Тахмин бор. Хаёл бор... Қаҳрамонларни кўриб турибман! Бош қаҳрамон ҳам... — У дабудурустан менинг оч биқинимга туртди. — Мана, Паноҳ! Мен унинг кўзи билан кемада рўй берган воқеани кўрсатмоқчиман...

Мен оғзидаги нон бўғзига тиқилган одамдек, силтаниб кетдим.

Адибни ранжитмасликни истаб, МЕН ҳақимда ёзса ёзибди-да, деб, уни яхши кўриб, иш жуда-а чуқурлашибди-ку! Тиззагача келадиган ўйдим, қудуққа айлангандек... Адиб энди ана, ҳаддидан ошиб, ҳатто мен билан ҳисоблашишга эриняпти!

— Мен у кемани билмайман! — тўнғилладим дўстимнинг Ёзадиган Китобига қарши эканлигимни яширмай.

— Инсон ҳамма нарсани билиши шарт эмас, — деди Адиб.

— Мен у ерда бўлмаганман! — дедим янада кескинроқ оҳангда.

— Инсон қарда бўлиб-бўлмаганини доим билавермайди, — бўш келмади Адиб.

Бизнинг мужодаламиз ҳали давом этадигандек эди...

нима билан тугаши ҳам маълум эмасди...

тавба...

— Паноҳ! Паноҳ... — деди Осий олдингидан ҳам паст товушда...

ва...

шундан сўнг...

унинг овози

анча узоқдан

эшитилаётгандек бўлди:

"Улар турли даража-тоифадаги ҳар хил хоналар-каюталарда туришса ҳамки, кунига уч марта тамаддихонада учрашишар, бир дастурхон атрофида тўпланишарди.

Аввал жой талашиб, кейин обрў талашиб, орада совуқчилик ўтган эди! Энди ҳеч қандай муаммога ўрин қолмади. Ҳордиқ чиқариб, ўйнаб-кулиб юриш керак эди, холос. Лекин уларнинг ҳамон авзойи бузуқ эди!

Овқат пайти узуқ-юлуқ, кам гаплашишарди. Бошқа пайтлар, кема саҳни, зина ёки йўлақларда дуч келишса, бир-бирларига кўпинча саломни ҳам насия қилишар эди. Бу ерда ҳеч ким ўзини нафрат-адоватдан устун тутиб, бировга ҳурмат-илтифот кўрсатмас, буни ўйламас ҳам эди!

Мен одамларни ўзаро муносабатдаги ожизликлари учун айбламас эдим! Мен Осий эдим. Менинг гуноҳим ўзимга етарли эди.

Кема йўлга тушганидан буён негадир, у ҳалокатга учрайди, деган гап менинг хаёлимдан кетмаётган эди! Йўқ, кема дастлаб секин сузиб бораётган эди. Ҳеч нарса фалокат келаётганидан дарак бермаётган эди! Аксинча, сув офтоб нурларига чўмиб, тиниқ мавжланарди. Каттакон уйдек кема ҳатто, бир жойда тўхтаб тургандек бўлиб туюлар эди... Шунга қарамасдан, икки киши ҳалокат тўғрисида ўйлар эди.

Мендан ташқари, кема Дарғасининг ҳам кўнгли хуфтон эди.

Мен кема саҳнини айланганимда, бир неча бора у ҳам бўлмасидан чиқди. Тамаки тутатиб, бир уммон, бир осмонга паришон назар ташлаётганини кўрдим. Мен унга чурқ этмадим. У ҳам лом-ним демади. Лекин...

биз бир-биримизга қарадик ва...

ишонмайсиз! —

бир-биримизнинг ҳалокат тўғрисида ўйлаётганимизни ҳис этдик.

Менга бу ўй қаердан келди?!

Нега бундай хаёлга бордим?!

Тушунтириб беролмайман.

Дарға-чи?!

У булутсиз осмон, тинч уммонга шунчаки назар ташлаб ҳам, рўй берадиган фалокат хиди-нафасини туйган бўлиши мумкин. Бу — унинг касби эди!

Бундан бўлак, кемадаги ҳолат унга ёқмаётган эди. Нохушлик руҳи уни эзаётгандек эди! Ахир, одамлар қовушмаётгани сабабли, кемага ажина-алвастилар ўрнашиб олгандек таассурот уйғонарди.

Икки кун шу алфозда ўтди.

Учинчи кун осмонга булут чиқди.

Мен овқатлангим келмай, кема саҳнида турган эдим. Тамаддихонадан одамлар балаңд товушда гапиришаётгани эшитилди. Ким ким биландир жанжаллашиб, ёқавайрон бўлаётган эди.

Шу пайт...

кема сувдан кўтарилиб, — ҳаво кемасига айландими?! —

ўзи-ўзидан

қандайдир

уча бошлади.

Осмон ва уммон бирлашиб кетди.

Пастда қайсиси, тепада қайсиси?! — билиб бўлмас эди.

Кейин, манглайига болта билан уриб, қоқ иккига ажратгандек, кема парчаланиб, тўзиб кетди.

Бутун-бор воқеа — шу!

Мен бир тахта бўлаги устида қолганман.

Мени Ерми, Осмонданми келиб, қачон, қандай қутқаришган?! — эсламайман. Эслагим ҳам йўқ... Худо ўз паноҳида сақлаган-да...

қизиқ жойи ҳам шунда! Бошқалар фарқ бўлганида, —

мен Осий Бандга Худойим нега шафқат қилди?! Мехрибонлик кўрсатди?! БУ ҲИК-МАТнинг тагига, ўйлаб, етолмаяпман..."

— Худонинг марҳамати даргоҳи кенг! — афтидан, йиғлаганми, титроқ товушда деди Мулла.

— Мана, излаганимни менга ҳам Худо етказди! — шукрона келтирган оҳангда деди Адиб. Кейин, мақсадга кўчиб, қўшиб қўйди. — Мен китобда барибир, сизни Паноҳ деб атаман.

— Мен Осийман, — деди Осий. — Нега Паноҳ?! Паноҳ бўлолмайман.

— Бўласиз! Ўшанда маъно аниқлашади. Ўшанда ип тўғри тортилади! — тушунтирди Адиб.

— Мумкин эмас! Сиз бу галвага мени қўшманг. Истамайман! — қайсарланди Осий.
— Ҳар кимнинг ўз ўрни... Қолаверса, бизнинг кемамиз бошқа эди. "Ясмин" эмас! Денгиз эмас, биз уммонда эдик! Ўзбеклар кўп эмасди. Менга ўхшаб адашган битга-иккита бўлма-са... Бу воқеаларнинг бир-бирига дахли йўқ. Аралаштирманг! Сизга Паноҳ керак экан, Паноҳ билан гаплашаверинг...

Менинг жоним
шундоқ
ҳалқумимга келиб тиқилди!
Бу қандай гап!!!

Булар мени, бошдан юлиб олган дўппидек, у ёқдан-бу ёққа иргитяптими?! Ма, ол, ушла, деб! Менинг гуноҳим нима?! Паноҳ бўлганимми?! Бугун ўзи Салимани эслаб, нега майдонга талпиндим?! Хонада ўтираверганим дуруст эмасмиди?! Ниҳоятда кайфитим бузилди.

— Минбаъд орамиз очиқ, оғайни, — дедим Адибга. — Сиз ёзмайсиз. Мен ўқимайман! Сиз ёлгон ишлатар экансиз... Тўғри, мен Қора денгизни кўрганман. Ҳазарни, Болтиқни кўрдим. Азовни ҳам бир бўйладим. Ўзимизда Орол қуригунича, унга ҳам кирганман. Лекин мен Ёқут ёки Япон денгизини, Тинч ёки Ҳинд уммонини кўрмаганман! "Ясмин" ёки уммондаги кемада бўлмаганман! Каттароқ кемага кам минганман. Кўпроқ бир ёки икки хонали, капалакдек кема, кейин, қанотли деган кичик кемаларда сузганман, Менинг ўзимча дунё айланиб, қилган саёҳатим шу! Умримда бирон жойда, бирон пайт, Худога шукр, ҳалокатга яқин ҳам йўламаганман...

— Менга шуниси керак-да, азизим! — озор чекмай, аксинча, мени елкамдан қучиб деди Адиб. — Ўзбек энди денгизга, уммонга чиқаётган халқ! Унга Худонинг ПАНОҲИ керак! Сиз ўзингиз исмингиз тўғрисида шундай демаганмидингиз?! Сиз ёки мен, аниқ, Паноҳ бўлишимиз қаёқда! Биз барчамиз Осиймиз...

Адибнинг АДИБлиги доим сезилади. Гапни риштдек териб, эсанкиратиб қўяди! Бу дунёда мабодо Аждар бўлмасанг, у билан гаплашиб, баҳсга кириш қийин. Айниқса, мен-дек истиҳолали, мулоим одам унга албатта, бас келолмайди!

Ҳозир ҳам Адиб, ана, мени ўзига томон яна эгилишга, ўпкамни босиб олишга мажбур қилди! Лекин шу паллада...

Мен унинг бир фикрига қўшилмадим!
"Колумбда бор аламин маним!" — деган нидо...
Бизнинг аждодларимиз один, минг йил бурун ҳам —
денгизлар, уммонларга чиққан...
Биз фақат, ўзининг Катта Халқ эканлигини кўрсатолмаган
КАТТА ХАЛҚМиз!

10

Осма-кутида
шундан сўнг
қайтиб сукунат чўқди.
Одамларни чорасизликка ўхшаган ҳолат
қамраб бормоқда эди!
Шунинг баробарида, қоронғида ҳамма
пишиллаб-ухлаётгандек эди.
Бир маҳал, бошқалардан аввалроқ
Ҳаким "уйғонган"дек бўлди.

— Биродарлар! Опа-сингиллар! — деди у. — Мен сизларга айтадиган икки оғиз гапим бор... Гиппократни эшитгансизлар. Қадимги юнон табиби. Милоддан илгари яшаб ўтган! Унинг бутун аждоди тибга хизмат қилган. Ота-боболаридан ўн олти пуштдан кейин, ўн еттинчи бўлиб, у табобатга қўл урган эди! Гиппократ сайёр-табиб эди. Дунё кезиб, сайри-сафар билан табобатни қўшиб олиб борар, дуч келган ерда одамларни муолажа қилар эди. Юнонистондан ташқари, умрининг бир қисми Лўбонда, Мисрда, Қора денгиз бўйларида кечган эди. Турли мамлакатларда юриб, бошқа халқларнинг тиб соҳасидаги билимларини ҳам ўзлаштирган эди. У, бу борада ёзилган кўп китобларни тўплаган, ўзи ҳам "Бош жароҳати"дан "Ҳикматлар"гача китоблар ёзган эди! Касалликдан кўпроқ касални даволаш керак, дерди. Яъни, ҳар бир вужуднинг ўзлиги, табиий шароит, ташқи муҳитдан келиб чиқиб, хастага умумий эмас, хос тартибда дори-дармон қилиш фойдалироқ, деб уқтирганди. Гиппократ одамларни мизожига қараб, хафақон,

хушчақчақ, сержаҳл ва совуққон деган тўрт гуруҳга бўлган эди. Табобатда буни ҳисобга олиш муҳим, деб биларди. У қўли енгил жарроҳ ҳам эди! Уни тиббиётнинг отаси, дейишади... Узоқ даромаддан мурод, ҳозир беихтиёр "Гиппократ қасами"ни эсладим! Тиб оламида қаёққа борманг, — даврами, шифохонами, музейми?! — "Гиппократ қасами" рўпарангиздан чиқади. Гўёки барча, бу қасамга риоя қиладигандек. Ҳолбуки, тиб ходимларининг саксон фойизи на Гиппократни, на унинг қасамини билади! Аслида, бу қасам Гиппократники ҳам эмас. Анча олдин Мисрда яратилган. "Табиб айниқса, юксак ахлоқли бўлишга мажбур!" — деган гап. Ўз этиқодимизга кўра буни "Худодан қўрқ! Диёнатли бўл!" деб айтишимиз ҳам мумкин... Қисқаси, менинг умрим ҳар нарсага қасамд қилиш расм бўлган замонда ўтди...

Болалар қасам ичади.

Йигит-қизлар қасам ичади.

Кексалар қасам ичади.

Қасамбозлик,

кейин...

қасамхўрлик!

Мен қасамга ўргандим.

Лекин Гиппократ истаган табиб мендан чиқмади.

Умуман, менинг исмим Ҳақим, холос. Менинг ҲАКИМлигимдан йиллар давомида бировга зиён тегса, теккандир, наф теккани йўқ! Энди умр шами сўняпти... Мен бир сирни биламан. Ўзим билан олиб кетмаслигим керак! Сизларга қолдираман... Шоҳсуяк, деган нарса. Олтинга ўхшаган сариқ. Беш минг-ўн минг қўйдан биттасида бўлади! Ярим коса шўрвасини ичган киши баданидаги ҳар қандай дард-ғубор кетади. Саксон ёшли қария йигирма ёшли йигитга айланади. Албатта, уни топиш қийин. Лекин мен ёши табиблардан эшитганман. Кимдир аниқласа, менинг одамлар олдида хизматим шу...

Ҳақимнинг кўнгил розини бошқалар қандай тушуниб, қандай қабул қилди?! — билмайман, шахсан мен қизиқ ҳолатни туйдим.

Бир томонда — шоҳсуяк!

Иккинчи томонда — виро оҳанги!

Гап шундаки, осма-қутида биров юраги дош бермай, жон таслим қилиши ҳам мумкин эди. Гарчи бу оддий "қамалиш" бўлса-да, узоқ муддат ҳамманинг бунга чидаши қийин эканлиги кўриниб турарди. Умуман, аввалдан умид ва умидсизлик биз билан бирга осма-қутига кириб олганди. Булар иккиси курашар, бизнинг қисматимиз булардан қай бири жангда ғолиб келишига боғлиқдек эди! Мулланинг илтижоси, кейин ҳалок бўлган кемалар тўғрисидаги ҳикоя пайтидаёқ виро оҳанги узоқдан қулоққа чалинган, мана, энди ўзи-ўзидан авж пардага кўтарила бошлаган эди. Шунинг баробарида, одамлар қони-жонидаги ҳаётга муҳаббатми, сабр-қаноатми?! — бу оҳанг очик, баралла янграшига ҳозирча монеълик кўрсатмоқда эди! Ҳеч кимнинг юрагида ҳали умид шуъласи сўнмаган эди...

Менинг ёнимдагилардан бири қисқа-қисқа йўталди.

Диққат қилдим. Бемор экан.

Шу дамда у, мен қўрқяпман, дейишини кутаётган эдим...

— Мен жудаям қийналиб кетдим, — деди. Энди яна дори сўрармикан, деб чўнтагимга қўл суққан эдим, — чекким келяпти! Икки соатдан буён чидайман! — деди. Чўнтагида дори сингари балки, тамаки ҳам йўқдир, деб ўйлаётган эдим, — ёмон ўрганиб қолганман. Қўлим чўнтагимга боргани-борган! — деди. — Қўрқманглар, чекмайман, албатта! Ўзи ҳаво етишмаяпти. Ман ҳам қилинган! Бу ерда, бу қоронғида чекиш айниқса, хавфли. Худо кўрсатмасин, ўт чиқса... — У бир лаҳза бўғиқ йўталди. — Мен касалхонада кўп ётганман, — деди шундан кейин. — Ҳамма жойда одамлар даражаси қандай бўлса, тиб ходимлари ҳам шу! Улардан ўпкаланмаслик керак... Сиз, Ҳақим, ўзингизни ҳам, уларни ҳам айбламанг! Лекин яхши гапирдингиз... Оғир ётган одам билади. Шифокорлар баъзан сенга жонини беради! Қуйи табақа хизматчиларни айтинг. Оддий ҳамширалар, энагалар, ёш болага айланганинда, сени худди опичиб, кўтариб юришади! Шариятда шарм йўқ, дегандек одамни эркак ва аёлга ажратиб ҳам ўтиришмайди. Ярим тунларда югуриб қолишгани... Касал келиб-кетаверади. Қанча одам! Ҳар хил одам! Буларнинг бари билан муроСада бўлиш осон, деб ўйлайсизми?! Ана, биттаси махсус хона, махсус шароит талаб қилиб, катта-кичикнинг гирибонидан тутайди! Ана, бошқаси ҳеч қандай интизомга бўйсунмайди. Юқоридан келади. Пастдан келади... Ана, охири марта ётганим эди. Касалхона эшигига: "Шахсий ашёларингизга эҳтиёт бўлинг. Йўқолса, жавобгар эмасмиз!" — деб ёзиб қўйилган. Шунга қарамасдан, бириси ўйнаб юрган машина калитини йўқо-

тибди. Ҳамма ўри! Ҳамма муттаҳам! Бўлди тўполон! Даволанишга келган одамга бало борми, машина калитини қўлда ўйнаб юришга?! Машинанг билан қўшмозор бўл! Ётган ўрнимда нарса йўқолгани жанжалини эшитиб, ҳол-беҳол, судралиб йўлакка чиқдим. Бечора фаррош, ҳамшира, энага аёллар кўзидаги ёшни кўриб, шундай ғазабландимки... — Унинг овози бирдан пасайди. — Мен кўрқяпман! Мингга касалим бор. Жоним омонат. Истаган пайт портлаб кетишим ҳеч гап эмас... Биз бу ердан чиқиб кетамиз. Мен ишонаман! Биргина киши бўлса ҳам, ҳамманинг номидан чиқиб кетади. Мен сезиб турибман! Ўша узоқ яшайди. Шоҳсуякни топади... Лекин сизлардан ўтинаман. Илтимос. Агар менга бирон кор-ҳол рўй берса, мени ташлаб кетманглар! Кейин, Гиппократми, Ибн Синоми, буларнинг айтганлари, ёзганларини болаларимиз ўргансин! Жаҳон тараққиётидан айру ҳолда, бир нарсага эришолмайсан... Бизнинг Адибимиз бизни мақтаб ёзди, сўкадими, унинг китобларини ҳам ўқиш керак. У — шамол тегирмон билан жанг қилаётган Дон Кихот! У — Гулливер. Кўзига одамлар гоҳ тоғдек, гоҳ чумолидек бўлиб кўринади! Унинг касби шунақа. Унга ҳурмат билан қаранглар...

Мен донг қотиб қолдим.

Беморнинг гапни Адибга келиб боғлашини хаёлимга келтирмаган эдим.

Адибни мендан кўпроқ қадрлаб-тушунадиган одам бор экан-ку!

Бемор, мен ўқиган китобларда тўрттинчими-бешинчи даражали қаҳрамон эди. Адиб уни онда-сонда эслаб ўтар эди! Ўшанда ҳам, одатда Беморнинг фақат Беморлиги ҳақида сўз борар эди! Мен шу кунгача унинг гапдон эканлиги, кўнглида очилмаган дарди-ҳасратлари борлигидан беҳабар эдим.

Назаримда, Адиб таъсирланиб, бир оз талтайиши керак эди.

Йўқ, Адибнинг баъзан қайси томондан келишини билмайсан!

У Беморга эътироз билдирди:

— Гапнинг кейинги қисми ортиқча. Ўтлаб кетдингиз! Менга муҳаббат изҳор қилганинг билан, сиз Бош Қаҳрамон бўлолмайсиз! — Адиб ўйланиб туриб, сўзни давом эттирди. — Одамни ўқишга мажбур қилмаслик керак. Истаса, ўзи ўқийди... Қадимда бир мамлакат бўлган экан. Ёш-қари, ҳеч ким қўлига китоб олмас экан. Бора-бора халойиқ хат ҳам танимайдиган бўлиб кетибди. Тахтга янги минган подшоҳ бу ҳолатни пайқаб, жуда эзилибди. Болаларни тўплаб, бўйниларига жилд остирибди. Катталарни мактабхона, мадрасага ҳайдатибди... Бу воқеа нима билан тугаганини биласизми?! — у содда, беозор кўлди. — Бир куни подшоҳ қараса, новвой нон ёпиш ўрнига совиган тандир ёнида чўзилиб, китоб ўқияпти. Этиқдўз этик тикишни, сартарош соч-соқол олишни йиғиштириб қўйган. Табиб муолажани, бинокор бино қуришни тўхтатган. Деҳқоннинг ер билан, миробнинг сув билан иши йўқ. Ҳамма ўқишга муккадан тушиб кетган... Подшоҳ тушунибдики, энг аввал тирикчиликни ўйлаш керак! Лекин орадан кўп ўтмай, одамлар яна олдинги аҳволига қайтибди... Бир у ёқ, бир бу ёққа ўтиш бизга тупқада теккан касал. Мен ўкинмайман! Умримни елга совурдим деб ўйламайман. Менинг қисматим нималардир ёзиш эди! Ёздим...

Адибнинг ҳикояси ҳозир менга ёқмади.

Унинг ўзи аксар, халқ ўқимайди, китобга қизиқиш кам, деб ўқиниб юрар эди!

У севингандан рамгин ҳолатда бўлган пайти кўп эди!

Бироқ ҳозир унинг ҳолати ҳам менга ёқмади.

Ҳаким ва Беморнинг (ҳар қандай ҳаким ёки беморнинг) ўлим ҳақидаги гапига ортиқча парво қилмайман. Улар — бу тўғрида доим ўйлашга ўрганган! Адибнинг ҳозирги ҳолати эса бошқа эди.

Адиб ҳам аста-секин осойишталикни йўқота бошлагандек эди.

Ва, мана, ниҳоят,

унинг ҳам овозида менга

видо оҳанги

эшитила бошлагандек туюлди!

Осма-қутида, Адиб —

МЕН ва катта-кичик ҳар хил ўз

ҚАҲРАМОНлари даврасида эди!

Бейхтиёр: "Китоблардаги қаҳрамонлар туғилади. Ўлади. Адиб яшаб қолаверади!" — деган гапни эсладим. Бунга зид бир гапни ҳам эсладим: "Адиб ўлади. Дунёда унинг қаҳрамонлари қолади!"

Бизни қандай воқеа кутмоқда?!

Менинг Адибим тақдирида икки нуқтадан қай бири ёзиғлиқ?! У яшай оладими?! Биз яшай олашимизми?!

Шунинг баробарида...

шу аснода, осма-қутида, умримда биринчи бора МЕН ўзимни

Адибнинг соясидек ҳис этдим.

Эй Худо!

ЯШАШ учун инсонга ИМКОН керак!

Инсон шундай яралганки...

мингта талаби бор! Яна мингта эҳтиёжи!

Бу осма-қутида, Ер билан Осмон орасида, муаллақ ҳолатда —

қанча пайт туриш мумкин?!

Кимдир чанқаган! Кимдир оч! Кимдир чекиши керак!

ҲАЁТ — ҲАРАКАТ.

ҲАЁТ — ЧЕКСИЗЛИК!

Худойим инсонни шундай яратганки...

у КУТИЛМАГАНДА ЎЛИШНИ ҳам истамайди!

Бунга ТАЙЁРГАРЛИК кўргиси келади.

Уни биров БУНГА тайёрлаши керак!

Бу вазифа...

Муллага

юклатилган шекилли!

Мулла кимдир, балки ўзи “портлаб кетиши” мумкинлигини кўнглидан кечирди-ми, умуман бизни тоат-ибодатга ундагиси келдими?! — ҳарҳолда, узоқдан гап бошлади:

— Дунёда биргина мамлакатда, Индонезиё деган жойда ажиб тартиб бор экан. Ҳар ким истаган пайт исмини ўзгартирар экан. Одамлар умрида неча марта лаб исмидан кечи-иб, ўзига янги исм қўйиб олар экан! Мен яхши билмадим, локин бу тартиб қабила давридан қолганга ўхшайди. Бу ишга сабаб, баъзи биродарларимиз шундай қилиб, Шай-тонними, Азроилними алдаймиз, деб ўйлашар экан! Биз биронта малакни алдаёлмаймиз. Улар исми эмас, жисми танийди. Гуноҳдан фақат истиғфор қилиб, қутулмоқ мумкин! Энг сўнг нафасда қилинган тавба-тазарру ҳам инобатга ўтади. Оллоҳ раҳмли ва меҳри-бондир...

Барча, ҳатто ўзига бино қўйиб, — Худо кечирсин! — бундай нарсаларга иштибоҳ билан қарайдиган Арбоб ҳам, пичирлаганча калима ўгириб, тавалло қилишга тушди. Тўғри, уч соатга яқин вақт ўтганига қарамай, бизнинг орамиздан ҳали ҳеч ким ҳолдан кетиб йиқилмаган, ҳаётдан буткул умидини узмаган эди! Яна, муҳими, ҳеч ким аюҳаннос сол-маган, ҳар хил тарбия кўрган, турли табақа вакиллари бўлсак ҳамки, ҳеч ким ақли-ҳушидан айрилиб, бири-бирининг суягини ғажишга тушмаган эди! Одамлар шу танг ҳолатда ўзини одамга муносиб тутмоқда эди! Аммо ҳаёт билан ўлим ораси бир қадам... Ҳеч ким боз уч соатми, ўттиз соатми ўтса-ўтсин, биз шам қотиб тураверамиз, бизга зиён етмайди, деб кафолат бера олмасди! Ва ҳеч ким айниқса, тўрт девор ичида тикилиб турган, чироғи ўчган осма-қутининг энди бирон занжири узилмайди, қандайдир фало-кат-ҳалокат рўй бермайди, деб ишонч билан айта олмасди! Одамлар ҳаётлари қил усти-да эканлигини тушуниб туришарди. Ўлим олдида шоҳ ва гадо баробар! Кемага тушган-нинг жони бир...

— Дунёни тушуниб бўлмас экан! — деди шундан сўнг Осий. Кейин, у паст товушда бундай воқеани ҳикоя қилди: — Денгиз бўйидаги кичик бир шаҳарчага бориб, уч-тўрт кун қолиб кетдим. Бу ер нотинч, ҳаёт хавф-хатарга тўла эди. Қора бир куч сени таъқиб қилаётгандек, ортингдан судралиб юргандек туюларди... Инсон шароитга мос-лашади, дейишади. Тўғрироғи, шароит одамни ўзига мослаштирар экан! Бир томонда, ярим яланғоч эркак-аёл соҳилда чўзилиб ётибди. Кўчада одам гиж-гиж. Ҳар қадамда катта-кичик дўконлар. Меҳмонхона, қаҳвахона, томошахона. Шаҳарча қадимий. Чи-ройли. Дарахтзорларга қўмилган! Иккинчи томонда, кўчаларда милтиқ кўтариб юрган ҳарбийлар, тўппонча таққан миршаблар. Кечалари, баъзан кундузлари қарсиллаб яқин-узоқдан ўқ овози эшитилади. Гоҳ одамлар гур этиб, бир-бирларини туртиб-йиқитиб, қайсидир ёққа қочишади. Гоҳ гуж бўлиб, ерда ўлиб ётган бир одамми, миршаблар тутиб-қўлига банд солган бир одамними?! — қуршаб, ўраб олишади... Борган куним безориларми, алабир муҳолиф гуруҳ аъзоларими кичик кема-катерни ўғирлашган экан! Кунни бўйи бош устида парпарақ айланиб юрди. Эртаси кунни шаҳарча ташқари-сидаги тепаликни томоша қилиб қайтаётганимда, ҳозиргина отишма бўлган жойдан чиқдим. Одамлар, тиб ва миршаб машиналари энди тарқалаётган пайт эди. Ҳаводан ҳали порох ҳиди кетмаган эди... Мен ўша шаҳарчада инсон қонида буюк бир осойиш-

талиқ яшириниб ётганини сездим. Ўшанда инсоннинг чумолидек қадри йўқлиги, инсон ҳеч нарса эмаслигига ҳам қаноат ҳосил қилдим! Шу икки туйғу билан денгиз бўйидаги шаҳарчадан кетганман...

Осийнинг ҳикояси тугагач,

осма-қутини яна сукунат қоплади.

Ҳаким, Бемор, Адиб, Мулла, Осий —

бу одамларнинг ҳикоялари барчаси

нимадир жиҳатдан, ВАСИЯТГА ўхшар эди!

Буларда озми-кўпми, ВИДО ОҲАНГИ бор эди!

Одамларни энди чорасизликка ўхшаган ҳолат

буткул қамраб олган,

чирмаб-боғлаб ташлагандек

эди!

Бехос сукунатни бузиб,

Дарвеш-масхарабоз минғирлади:

— Балиққинам, тўрга тушма,

Ўлмай ўлиб, гўрга тушма!

— Ака, бачканаликни тугатасизми ёки йўқми?! — бўғилди Арбоб.

— Жиддий гапирайми?! — сўради Дарвеш-масхарабоз.

— Жиддий! — талаб қилди Арбоб.

— Бир кишини вакил қилиб юборайлик. Билиб келсин. Нега бу арава юрмапти? Нега тўхтаб турибди?!

— Қандай қилиб биров чиқади бу ердан?! Ҳаммаёқ берк-ку! Кўрмаяписизми?! — баттар эзилиб-тутақди Арбоб.

Дарвеш-масхарабознинг ҳазилидан ҳам кўпроқ одамлар, Арбобнинг бу ҳазилни тунунмаганидан завқланиб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

Шу пайт

ярқ этиб

осма-қути шифтидаги чироқлар

қайтиб ёнди.

11

Одамлар

чироқ ёнганидан

шундай бахтиёр эдиларки!

Артист муқом қилиб рақсага тушган, ҳамма унга қарсак чалмоқда эди.

Мен чироқ ёндими, ана-мана, осма-қути ҳам ўрнидан жилади, деб ўйладим! Бошқалар ҳам шубҳасиз, шундай деб ўйлашмоқда эди.

Биз ҳозироқ гўёки эшик очилиб, кўчага чиқиб кетадигандек кайфиятда эдик!

Адиб биздан ҳам ўтқариб, оламга юзма-юз ҳолатни тасаввур қилган бўлса керак, яна кўйнидан ёндафтарни олиб, қитирлатиб ёза бошлади:

Рўпарада

ажиб бир оқлик!

Зарра губор йўқдек оламда.

Чексизлик-ку! Дадил кирмоқлик

мумкин эмас.

Одам — одам-да...

Бахши шу дамгача, уч соат давомида икки марта "э-ҳе-ҳей!" деб ҳайқирган эди, холос. Даврада гап-сўзга аралашмаган эди! Аммо бизнинг бу, Ҳомер учун ҳам ёруғлик ва зулмат бирдек эмас экан. Чексизлик нафасини туйгандек, у ҳам дўмбирасини сошлаб, ниҳоят, кўнглидаги сири-пинҳонини оча бошлади:

Сан яратдингми мани?!

Оллоҳ яратган бандаман.

Балки, саңдан яхшиман,

Балки, ёмон, шармандаман...

Йигирма етти қаватли бинода бошқаларга нисбатан, Бахшини кам учратган эдим. Унинг макони асосан, юксак торлар эди. Адибнинг китобларида ҳам Алпомишми, Гўрўғлими?! — ҳақида сўз борганида Бахши номи шунчаки эсланар эди! Мен бу одамнинг юраги қайнар-булоқ эканлигини билмагандим. У ана, дам сайин тўлиб, тошиб бормоқда эди:

Узун-узун арғамчи
Йўлда ётса, ўтамиз!
Мард йигитлар ўлиги
Чўлда ётса, нетамиз?!

У остидаги от билан бирга қизиб, терлаб-пишган суворийга ўхшар эди. Энди унинг қалин тош деворлар ичида, муаллақ ҳолатда “қамалиб” турганимиз билан иши йўқ! Энди уни тўхтатиш қийин. Мўйсафиддан ёш йигитга айланган! Кўксидаги талотум-ғалаён баҳорги дарёдек шағиллаб тилига қуюлиб келмоқда эди:

Терак учига чиқсам,
Қушлар парвоз қилади.
Ҳандалақдай бўйчаси,
Лекин пардоз қилади.
Қаранг, чуғур-чуғурлаб,
Кимларга ноз қилади...

Куйчининг бўғиқ ва шунинг баробарида, титроқ-шикаста овози, дўмбира таратаётган от дупуридек садо, булар иккиси бирлашиб, кишини ҳайратга солган гурур ва нола — тор осма-қутини бехос кенгайтириб, тўйхонами, базмхонагами?! — айлантириб юборгандек эди! “Карвонсарой”да бирон тирик жон бўлса, ҳозир бу овозни эшитиб, биз томон югурганча, теграмизда тўпланадигандек, кўчадаги одамлар, ҳатто майдондаги халқ ҳам бу ёққа албатта, ёпирилиб келадигандек эди! Умри чекка жойларда ўтган, оддий, кўримсизгина бир инсон, Бахши (Ҳомер), бундай қудратга эга эканлигини ақлга сиғдириб бўлмасди!

Унинг ҳар бир термаси бир ҳикоят эди:

Тутиб бирон отми, той,
Устига бахмал ёпинг.
Жазоси бир сўлқовий
Дилдаги ёрни топинг...

...

Кичкинаман — чорбоғдаги олуча,
Кичқираман товушимни борича:
Сизга қилар арзим, янгажон, янга,
Уйдаги қора сочни беринг ман-га...

...

Ман қаро бир даштдаги чимгаштаман,
Олти ойлик ошиғи саргаштаман.
Олти ойни олти кунча билмадим,
Тўтиқушдек сув билан оташдаман...

Бахшининг термаларида замонлар, воқеалар аралашиб-қоришиб кетган, турли-туман қисматлар, дорлар, зиндонлар, ўт-тўзон оралаган одамлар бор эди. Муҳими, уларда ажабки, паҳлавонлар кураш тушганми, баҳодирлар қилич чопганми?! — ҳар ким чиқиб, ўз шаънини ҳимоя этган, ўз салоҳиятини кўрсатган, ўз сўзини айтган, ўз қиёфасини очган —

МАЙДОН! —

кафтдагидек кўзга ташланиб турарди.

Бу — бизни ҳам

тор осма-қутидан қалин деворлар оша йўналиб,

эркин кириб боришга чорлаётган —

МАЙДОН ЭДИ!

Бахши барчани янада ҳаяжонга солган эди.

Адиб ҳозиргина эшитган янги термаларни ёндафтарга ёзиб олганми?! — биздан ҳам кўра мамнун эди.

Бир гап хаёлимдан кетмаётган эди.

У қайта-қайта қулоғимга, мен бу одамлар билан кўришишни истамасдим, деган ва бунга нималарнидир сабаб қилиб кўрсатган эди! Одамлар чуқур ғафлатда эдилар-у, осма-қутида изтироб чекиб, уйғондиларми?! Ёки, гап одамларда эмас, Адибнинг улар тўғрисидаги фикри ўзгардимми?! Балки, Адиб ўзига бино қўйиб, одамларни бекордан, ноҳақ камситганини сезгандир?! Балки, қаҳрамонлари билан бирга осма-қутида “қамалиб”, у мана шу одамларга қисматдош эканлигини тушунгандир?! Балки, ўйлагандир?! — дунё-

да сенинг шулардан бошқа қахрамонинг йўқ! Сенинг бошқа жамоанг йўқ! Сенинг бошқа халқинг йўқ!

Қандай бўлмасин, Адиб ҳаммага энди шафқатли, меҳрибон тикилган; чамаси, одамларнинг хатолари, гуноҳларини ҳам унутган эди! Осма-қутида ёнган чироқлардек порлаган юз-кўзларидан, шу сонияда у — қандай инсон эканликларидан қатъи назар! — ўз қахрамонларини яхши кўриб қолганга ўхшар эди. Яна ажабланарли жойи, одатда, расом тасвиридаги одамларнинг қиёфасида рассомга монандлик бўлганидек, шу сонияда Адибнинг даврадагиларга (бизнинг барчамизга), даврадагиларнинг Адибга нуқси ургандек эди! Гўёки Адиб ёлғиз осма-қутида “қамалган”, биз эса шунчаки мадад бергани унинг теграсида тўпланган эдик.

Биз барчамиз Адиб билан бир тан, бир жон эдик! Ва барчамиз —

Адибга айланиб, алланималарни чулдираб, ҳикоя қилишга тушган эдик.

Тўғрироғи, ҳикоя қилаётган Адибми?! Биз, унинг (қайсидир) қахрамонларими?! — шу сонияда ажратиб, фарқига бориш қийин эди. (Айниқса, бу ўзи — ҳаётми ёки, шунчаки осма-қутидаги Адибнинг хаёлларими?! — билиб бўлмасди.) Бизнинг шовқинимиздан аниқ бир гапни илғаб олиш ҳам қийин эди! Бунинг айнаи дамада аҳамияти ҳам йўқдек эди.

Чироқ ёнган осма-қутида одамлар бахтиёр эди.

Улар ўз бахтидан бўлак нарсани ўйлагиси келмаётган эди. Кейин қандай воқеа рўй беради?! — ҳеч кимни қизиқтирмасди.

Яна, тўғрироғи, ҳикоя ҳали бошланмаган эди.

Бахши бизга МАЙДОНни эслатган эди.

Адиб ҳаммага шафқатли, меҳрибон тикилган эди, холос.

— Нега жим бўлиб қолдинглар?! Гаплашиб туринглар! — маслаҳат берди Қизча.

— Нимани гаплашади?! Аҳвол шусиз ҳам маълум! — тўнғиллади Ҳаким.

— Мен ўзи ёзувчи бўлишим керак эди! Талангим бор. Ҳаётни биламан. Вақт йўқ, — шикоят қилди Арбоб. — Менга қолса, қаёқдаги денгизлар, кемаларни ёзиб юрмасдим...

— Дарвоқе, денгиз! — деди Адиб ўйчан. — Ишонмайсизлар. Ҳозир ҳар қандай денгиз менинг тиззамдан келади. Лекин бир пайтлар оддий кўлмак мени фарқ қиладигандек эди... Баҳор эди. Тахминан тўрт ёшларда эдим. Дадам билан қишлоққа борганмиз. Бир жойда тўхтаб қолдик. Сув тошиб, йўлни босган. На у ёқ, на бу ёқдан юриб бўлади. “Ечиниб, орқамдан юр!” — деди дадам, калиш-махсисини ечиб, сувга кирганича. Мен кўрқаётган эдим. Инқилаб-хархаша қила бошладим. “Юр. Юр! Бўлмаса, шу ерда қолиб кетасан!” — деди дадам ва ортиқ менга парво қилмай, илгарилади. Узоқлаша бошлади. Мен ечиниб, йиғлаб-йиғлаб, қўрқиб-қўрқиб, унга эргашдим. Шу алфозда, минг азоб билан кўлмақдан ўтдим... Ўша кун ичимда дадамдан ҳафа бўлганман. Ўладими, мени кўтариб олса, деб. Кўзимга дадам шафқатсиз одам бўлиб кўринган! Энди қарасам, ўшанда дадам менга чинакам сабоқ берган экан. Худо раҳмат қилсин...

— Талантингиз бор экан! Сиздан ҳам бир нима эшитайлик, — Арбобга мурожаат қилди Артист.

— Сиз она бўлгандан кейин,

Отамиз бўлишингиз қийин! — ҳар сафаргидек, минғирлади Дарвеш-масхарабоз.

Бу гал Арбоб акасига индамади.

— Айтиш мумкин, — деди салмоқлаб. — Биласизлар, ишхонага ўз ташвишлари билан одамлар қўнғироқ қилишади. Лекин бир кун қизиқ бўлди... Бирон киши иш бўйича қўнғироқ қилгани йўқ! Эрталабдан кечгача, нега бундай, билмайман, кимлардир олдин, алақачон ишлаб кетган хизматчиларни сўраб, қўнғироқ қилишди. “Карим ака борми?!” — деб сўради биттаси. “Кечирасиз. Ким сўраяпти?!” “Оғайнилари!” “У киши марҳум бўлган!” “Эй-й...” Бошқа бири Мавлон акани сўради. “У киши ишламайди. Нафақахўр!” “Уй телефонини билмайсизми?!” “Йўқ.” Кейингиси Қаюм ака деганимизни сўради. “У киши кетган!” “Қаерга?!” “Унисини билмадим.” Кун бўйи шунақа... Кечга бориб, ўзимча ўйладим. Бировлар ҳам бизгача, шу жой абадий меники, деб курсига ёпишиб ўтирмаганмиди?! Ана, дунё... — Арбоб ўзининг ҳикоясидан ўзи роҳатланиб, кулди. — Яна қизиқ бир воқеа. Китоб қилиб ёзадиган... Номи “Ёшлик сурури”ми, “Ёшлик ғурури”ми, шундай билим юрти бор эди. Ҳозир ҳам у ўрнидами ёки ёпилиб кетдими, айтолмайман. Ҳарҳолда, олдинлар, бошқа жойга ўқишга киролмаганлар имтиҳонсиз қабул қилинади, деб газетада эълон бериларди. Ўқишга кирган кириб кетаверарди. Ҳеч нарса ни сезмасди! Лекин четдан қарасангиз, ажиб бир ҳолат сезиларди. Уятчан, мўмингина йигитчалар озгина вақт ичида ярқираган қора костюм, қора туфли кийган, у ён-бу ёнга кўзлари чақчайиб қарайдиган, баланд товушда, бепарда гапирадиган бўлиб қолишарди.

Улар майли. Бошига рўмол ташлаган, оёғи тўпигигача ёшиқ қизлар келиб, ярим йилдан сўнг кўчага кўкраклари, сонларини очиб, диркиллаб-дикиллаб чиқишарди. Буларни аввал кўрган киши танисмай қоларди. Билим юрти қайси ихтисосдан таълим бериб, одам етиштиради, қизиқиб, ҳеч тушунмаганман! — Арбоб ўз ҳикоясидан яна қаноатланиб, кудди.

— Ҳикояларингиз яхши. Сиз ҳам китоб ёзаверсангиз бўлар экан! — лутф кўрсатди Адиб. Кейин, негадир қўшиб қўйди. — Ёзувчининг нонига ҳавас қиладиган кўп. Лекин бу, қотган нон...

Ана шунда мен чидаб туролмай, узил-кесил Арбоб билан Адибнинг муносабатини аниқлаштириш учун гапга аралашдим.

— Биродарлар! — дедим. — Арбоб Адиб, Адиб Арбоб бўлса, биз оёғимизни қаерда артиб, бошимизни қаерга кўтариб борамиз?! — Яна дедимки: — Биродарлар! Биз китоб ёзолмаймиз. Қизиқ воқеани билиш, бир нарсани ёза олиш эмас! — Ва яна: — Биродарлар! Биз Адиб эмас, қаҳрамонлармиз. Китобнинг ичидамиз! — дедим. — Талабсиз, Даъвосиз ҳар ким билганини айтсин! — дедим. — Бизнинг ишимиз чулдираш! Ёққан жойини Адиб ўзлари танлаб, китобга киритаверадилар...

— Хайрият, шу Паноҳ бор. Одамни тушунадиган! — суюниб, мени кифтимдан қучди Адиб.

— Ўзлари бошласинлар. Ўзлари! Бош қаҳрамон! — деди ҳазиллашганми, мазах қилатганми оҳангда Ҳаким.

Бошласак бошлабмиз!

Биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз. Биздан ҳам ҳеч ким қўрқмайди!

— Айтаверайми?! — сўрадим Адибдан.

— Айтинг! Фақат ўтлаб кетманг, — деди Адиб.

— Бу воқеа ҳақида кўп ўйлаганман. Лекин то ҳозир оғиз очмаган эдим.

Шундай замон бўлган эди. Одамлар ота-боболари кимлигини яширишарди.

Уялмай-қизармай, эллик фоиз халқ тўғри гапдан қочади. Ёлғон тўқийди! Нега?!

Бобом, отам дин аҳлидан эди, деб бўлмасди.

Савдогар эди, деб бўлмасди.

Бой эди, деб бўлмасди.

Ҳатто табиб эди, деб ҳам бўлмасди.

Бундай зотлар душман синф, деб тушуниларди!

Энди тасаввур қилинг. Бобонгиз ёки отангиз фуқаролар урушида бош боғлаб қатнашган ёки чегарадан ўтаётган, қамоққа тушган бўлса! — буни қандай тушунтирасиз?! Ҳамма сизни рўпара келган эшиқдан ҳайдаб, кўчада қолиб кетмайсизми?!

Қисқаси, менда етти пуштим ҳақида арзирли маълумот йўқ.

Биронтасининг на сурат, на расми бор.

Тақдир тақозоси билан, бир куни уйга кифтига қути осган рассом келди.

— Менга бобонгиз керак. Искандарбек! Расмини чизмоқчиман. Музей учун!

Бобонинг номи сўнгги пайтда юзага қалққанини биламан. Лекин мен у кишининг исми-шарифини ярим-ёрти эшитганман, холос. Инсон сифатида тасаввур ҳам қилолмайман! Рассомга нима дейман?!

— Хў-ўш?! — дедим ўзимнинг нодонлигимни яшириб.

— Бобонгиз қанақа одам эди?!

— Бобом тилла одам эди!

— Мен фактсиз ишлаёлмайман. Қаерда, нимаики сақланиб қолган...

— Ҳеч нарса қолмаган! — бу гал очигини айтдим унга. — Мендан ташқари, албатта...

Хўп, рассом менга қараб бобонинг расмини чизишга қарор қилди. Аммо бу дунёда ҳар бир одам жисми-жонида ота томондан еттигадан ўн тўрт, она томондан ҳам шунча, жаъми йигирма саккизта пушти акс этади! Бунинг устига, беш йил бурунги шахс беш йил кейингига ўхшамайди. Одамнинг афти-ангорида давр муҳрланади! Давр билан бирга, алламбалолар...

Буниси майли. Бобом бой бўлганми, камбағалми?! Бекми, сипоҳийми?! Косибми, деҳқонми?! Инсон қайси табақага мансуб эканлиги усти-бошдан қиёфагача — ҳаммасида кўринади! Салла ўраб, чопон кийдириш билан иш битадими?! Шусиз ҳам, шаҳарларимиздаги ҳайкаллар, китобларга тахминан чизиб киритган расмларни қаранг. Бири-бирига ўхшаб кетмайдими?! Умуман, бизнинг ота-боболар турқи-таровати, сохт-сумбати доим бир хилда бўлганми?! Ёки, улар минг йиллар давомида бир хил кийинганми?! Масалан, араблар келишидан олдин улар қандай кийинган?! Ундан ҳам олдинроқ, ибтидоий бир даврларда-чи?!

Оддий туюлади-ку, бир гапнинг тагига етиш учун бутун тарихни кўтариш керак экан!

Мен бобом эмас, тарихни ҳам тасаввур қилолмаслигимни ҳис этдим.

Рассом эса беш-ўн кунда расмни чизиб ташлади.

У — менга ўхшайди. Рассомга ўхшайди. Лекин бобомга эмас...

Остига "Искандарбек" деб ёзилган тасвир музейлардан бирида турибди.

Мен тасодифан йўлим тушганда ҳам, музейдан етти чақирим наридан ўтаман. Ўзим-ни хунук-нораво иш қилган одамдек сезаман. Уяламан...

Менинг ҳикоям тугар-тугамас, Аргист бармоқларини қисирлатиб, бармоқлари билан, ажабо, қандайдир енгил-ўйноқи куй чала бошлади. Бармоқлардан бундай жозиб оҳанг таралишига ақл бовар қилмасди! У ниҳоят, Арбобга юзланди:

— Бизнинг бир каттамыз бор эди. Одамлар қисматини ҳал қилишни ўз қўлида деб ўйларди. Эксперимент, дейдими, одамлар устидан тажриба ўтказишга мойил эди... Мана, бошлиқ хонасида ўтирибди. Бировни ишга олиш керак! Лекин у ёш қиз бўлиши керак! Бундан ташқари, яна... Яхшиси, навбати билан.

Иш қидирган қизлар келишади.

Каттакон улардан саломга алик ўрнида сўрайди:

— Исмингиз нима?

— Ойдин.

— Бўлмайди...

— Барно...

— Бўлмайди...

— Шоҳида.

— Мутлақо, бўлмайди...

Бир куни одатдагидек, қиз исмини айтади:

— Фотима.

Каттакон ўрнидан сапчиб туради:

— Гўзал! Синглингиз йўқми?!

— Бор.

— Зухрами?

— Зухра.

— Биз синглингизни ишга оламиз!

— У ишидан тинч. Менга иш керак!

— Мен сизни олмайман. Лекин синглингиз келса, маошини икки ҳисса қилиб бераман!

Бу Зухра келмайди. Аммо ахийри, Зухра деган қиз топилади.

Идорада Тоҳир деган йигит ишлайди.

Каттакон Тоҳир ва Зухра бир-бирига бепарво, ўз йўлидан кетиши, бегонадек юрaverишини тажрибадан ўтказмоқчи! Шундай қилиб, эски муҳаббат достони устидан кулмоқчи!

У ўйлаганидек бўлиши ҳам мумкин эди.

Бироқ...

икки ёш юзма-юз келган кундан юракларига ўт тушиб, кутилмаганда шу қадар олижаноб бир муҳаббат туғиладики! Ё қудратингдан!

Каттаконнинг ўзи ёқасини ушлаб қолади.

У қиз билан йигитнинг жавобини бериб юборади, албатта.

Улар-чи?!

Улар биз шу ерда танишганмиз, деб идорадан миннатдор бўлиб қолишади.

Бизни учраштирган, деб ҳатто каттакондан ҳам миннатдор бўлиб қолишади.

Инсон белгиланган чизиқдан чиқолмас экан-да!

Артистнинг ҳикояси кўпчиликка фавқулодда таъсир қилди. Айниқса, Бемор, Мулла, Аёл, Қизчанинг кўзлари севинч ёшига тўлди. Мен эсам ҳикояга ишонмадим. негадир, бу воқеа ҳеч қачон рўй бермаган, уни Артист ҳозир тўқиб чиқарди, деб ўйладим. Балки, олдинроқ тўқигандир?! Театр атрофидаги кишилар даврасида баъзан шунақа гаплар юради. "Лутфихон ая "Фарҳод ва Ширин"да Ёсуман кампир бўлиб чиққанида, бир зобит тўппончасидан саҳнага қараб ўқ узган!" — дегандек...

Яна негадир, ҳикояга ўзим ишонмасам-да, кўнглим ишонаётгандек, ҳикоя менга Салимани эслатди! Уни бир кўргим келаётганини ўйладим. Бу истак мени шундай ўртаб юбордики!

Ва яна, бизнинг умидланганимизга зид ҳолда, осма-кути ҳадеганда ўрнидан жилма-

ётгани, интизорликнинг чеки кўринмаётганини ўйладим. Назаримда, умидсизлик аста-секин қайтиб биз томон ўрмалаб келаётгандек эди...

Беморнинг бўғиқ товуши хаёлимни бўлди.

— Кўп нарса шароитга боғлиқ, — деб ўз ҳикоясини бошлаган эди Бемор. — Кеча ақлга сиғмайдиган ҳолат бугун бемалол рўй бериши мумкин. Аксинча, бугунги ҳолат кечаги тасаввурга нисбатан нотабий туюлиши ҳам мумкин! — Шундан кейин: — Шароит одамларни баъзан бирдан ўзгартириб юборади! Ҳамма қатори юрмаганлар ночор, беъмани аҳволга тушиб қолишади! — деди. Унинг — дори ичиши керакми, чеккиси кел-яптими?! — қийналаётгани кўриниб турарди. Аммо бунга у парво қилмаётганга ўхшар эди. — Мавриди эмас, мен ҳозир жиддий мавзунга чайнаб ўтирмайман! Ўзим билган воқеани айтаман.

Бир пайтлар эшигига "Пионерлар хонаси" деб ёзилган, ранги ўчган бу ёзув ҳамон турган қироатхонада ўқитувчилар мактаб директори бошчилигида ҳар куни пешин намозини ўқишар эди. Улар чиқиб кетгач, жисмоний тарбия муаллимаси, Наргиза деган қиз ҳам эшикни ичкаридан қулфлаб, ўз намозини ўқир эди. Мактабда Содиқжон деган табиатшунослик муаллими бор. Фақат у қироатхонага кирмас эди.

Содиқжон Наргизага қачондир бир ҳазиллашган, ҳазили ўтмагач, қизни ёмон кўриб қолиб, ўчакиша бошлаган эди! Аёлларимиз кўнглига олишмасин, Наргиза деганимиз дароз, хунуқкина қиз эди. Бир сўз билан, юзини ёпиб қўйиб, гаплашадиган! Лекин билсангиз, дунёда ҳар қандай аёл ўзини пари деб ўйлайди. Аёл киши билан ортиқча ҳазиллашиб ҳам, ўчакишиб ҳам бўлмайди!

Бир куни Содиқжон яна Наргизага нимадир деб тирғалган эди, Наргиза кўзларини бақрайтириб тикилиб:

— Бенамоз! — деди.

Содиқжон саросималаниб қолди. Аҳмоқ, деса майли эди. Жинни, деса ҳам майли эди. "Бенамоз" дегани Содиқжонга "ювуқсиз" дегандан ҳам оғирроқ ботди. Унинг жони бўғизда ҳилқиллаб, товонига тушди.

— Ҳе, онагинангни..... — деб юборди беихтиёр.

Ўқитувчилар хонасида икки муаллим ўзларини ҳеч нарсани кўрмаган-эшитмагандек тутишарди. Шунга қарамай, Наргиза қўллари билан юзини беркитиб, уввос солиб, хонадан чиқиб кетди.

Содиқжонни директор ҳузурига чақиртирди:

— Нима тўполон?!

— Нега, унақа дейди?! — эзилди Содиқжон.

У тили бормай, беркитиб турган сўзни директор олиб чиқиб, офтобга ёйди:

— Намоз ўқимаганни бенамоз, дейди-да! Бошқа нима десин?!

Содиқжоннинг жони яна бир карра товонига тушди.

— Сиз эмасмидингиз, кечагина фирқа бўлиб, бўйин боғлаб, мажлисларда гуллаган?! Мени катта энам намоз ўқигани учун, эн-бўйимни ўлчаб, исканжага олган сиз эмасмидингиз?! Ҳаммадан даҳрийликни талаб қилган сиз бўлмай, ким эди?! Мен кеча диндорлик қилсам, ўзингизни қандай тутар эдингиз?! Балки, менинг эътиқодим сизларникидан мустаҳкамдир, сиз қаёқдан биласиз?! — Содиқжон ичида борини тўқди-солди.

Бироқ директор пинагини бузмади.

— Кеча — кеча эди! Бугун — бугун! — деди жилмайиб. — Сиз кеча қолоқ одам эдингиз. Орқада қолган. Ҳеч нарсага тушунмайдиган! Бугун ҳам судралиб юрибсиз... Динга муносабат сизнинг ўз ишингиз! Аёл кишини сўкканингиз учун эса жавоб беришга мажбурсиз...

Содиқжон ярим соат ичида бутун мактабга душман бўлди-қолди!

Уни мактабдан ҳайдашди. Оддий бир ишга кирди. Аммо икки йилдан буён мактабдаги ўша ғалвадан боши чиқмайди. У ёққа чақир, бу ёққа чақир...

Олдинги ҳикоядан таъсирланган кўпчилик, Беморнинг ҳикоясини лоқайдроқ қабул қилди. Ҳикоя тўқилган эмас, ҳаётий эди! Лекин Бемор кимни оқлаб, кимни қоралаётганига афтидан, одамлар тушунишмаган эди. Бизни тўнтарилиб ётган аравадан кўра, аравани қуруқ олиб қочадиган от кўпроқ қизиқтиради. Шунга ўрганиб қолганмиз! Бунинг устига, гапни товончада туйиб бермасангиз, одамлар еёлмайди. Тишлари ўтмайди! Умуман, ҳикоя тутамагандек ҳам эди.

Менга у барибир, ёққан эди. Адибга ҳам ёққан эканми?! — мен билан Артистга лом-мим демаган Адиб, Беморни мақтади:

— Тузук. Сиз анча етилибсиз! Пишибсиз! Мен бу воқеани китобга киритаман, — кейин, қўшиб қўйди. — Фақат, қаҳрамонни Бемор, деб олиш қийин. Сиз аёлларга

тирғалмайсыз. Уларни севасиз! Паноҳ, деб ҳам ололмайман. Тўғри келмайди. Намоз ўқимаган, яна аёлларни сўккан бир йигитни Паноҳ, деб бўлмайди! Осий, деб олардим-ку, ҳар нарсани унга тўнкайвериш яхши эмас! Йигит айбдор бўлмаслиги ҳам мумкин! Ана, масала қаерда... Содиқжондан ташқари, Наргиза билан директорингиз ҳам бироз ланж. Бошимни қотирыпти... Сизлар китоб ёзишни осон, деб ўйлайсизлар-да!

— Раҳмат! Ўғил бола гап шу! — деди Адибга Осий. — Ҳаммаси бекордан чулдираяпти. Булар чироқ ёнса, гапираверадиган халқ экан! Ўнгу-сўлга қарамайсанларми?! Хаёл қани?! Катта бир маъно... Алжирашга ўхшайди! Сизнинг кўлмак билан денгиз ҳақидаги ҳикоянгиздан бошқаси сариқ чақага ҳам арзимади.

— Ўтлаб кетдингиз! — деди Адиб хижолат чекиб. — Мақташ касали Бемордан сизга юқибди. Яқин турмаганингиз маъқул! Мени мақтаган билан, сиз Осийсиз! Бош қаҳрамон бўлолмайсыз...

— Бу менга барибир. Қизиқтирмайди! Лекин мен кўп ўқиганман. Тушунман. Китоб учун сир, жумбоқ керак! — Осий бир нафас ўйланди. — Масалан, қишлоққа, чолкампирникига хотини, болаларини жўнатган бир киши кечқурун қўшнига учрайди. Эртага мен ҳам қишлоққа кетишим керак, мени уйғотинг, илтимос, кейин сизга ҳар эҳтимолга қарши калитни ҳам қолдираман, дейди. Эрталаб қўшни уни уйғотишга уринади. Эшикни бир неча бора тақиллатади. Жавоб йўқ. Ўзи кетавергандир, деб ўйлайди қўшни.

Уч-тўрт кун ўтиб, ҳалиги кишининг хотини, болалари келишади. Хотин қўшнидан эрини суриштиради. Қишлоққа бормаганига ажабланади.

Ниҳоят, у эшик очиқ эканлигини пайқайди.

Ичкарига киради.

Уйда ҳеч ким йўқ.

Хотин ўз эри яхши, ҳалол одам эканлигига шубҳаланмайди. Лекин...

Хона ўртасидаги стол устида иккита шиша, икки пиёла, иккита ликобча. Икки киши чеккан папирос қолдиғи!

Хотин таажжубланади: иккинчи киши ким бўлди экан?!

У эридан ташвишланиб, миршабларга хабар беради.

Миршаблар уйни текшириб, фақат бир кишининг изларини аниқлашади. Иккинчи киши ким бўлди экан?!

Улар хотинга эрини қидириб кўришни ваъда беришади. Орадан ойлар, йиллар ўта бошлайди. Қидирув давом этади. Асосан, қидирилаётган бир киши бор! Иккинчи киши ким бўлди экан?!

Ахийри, миршаблар хотиннинг эри, ҳалиги кишини бошқа шаҳардан топиб келишади. Хотин эри билан юзлашади. Бироқ унинг кўзига эри иккинчи киши бўлиб кўринади! У миршаблар нега биринчи кишини топиб келишмаганига тушунмайди...

— Даҳшат! Баракалла! — деб юборди чамаси беихтиёр, Адиб.

Мен Осийга нисбатан бироз рашқимми, гашимми келди. Бошқа ҳикоялар ҳам дуруст эди, у бекорга камситди, унинг ҳикояси ёмон эмас, лекин оғир, мураккаб, одамлар ўқимайди, деган гапни секин Адибга айтишга чоғландим. Тилимни эндигина қайраётган эдим, ҳозиргача тек турган Ҳаким бехосдан гапни илиб кетди:

— Дунёда сир, жумбоқ кўп! Мен бир воқеани биламан. Уни одамлар, бўлмаган, деб ўйлашади. Мен бўлган, деб ишонаман. Абдужалил деган йигит бор эди...

У ҳаммадан хафа эди:

касбдошларидан ҳам,

дўстларидан ҳам,

қўни-қўшнидан ҳам,

хотинидан ҳам,

болаларидан ҳам!

Унга ҳамма оқибатсизлик кўрсатган, хиёнат қилган эди.

Касал бўлиб ётиб қолганида, касбдошлари унинг лавозимини, ўрнини шоша-пиша эғаллаб олишган эди.

Дўстлари касалхонага уни кўргани келишмаган эди!

У боққан қушларни қўни-қўшнилари ҳаммаёқни ифлос қилади, деб доим деразалари олдидан ҳайдашар, қушдан бўлак дардинг йўқми, деб у билан кунда жанжаллашишарди.

Хотини мана шу қўни-қўшни олдида унга кўпинча бақириб-чақириб танбех берар, озор етказарди.

Болалари — бир ўғли, бир қизи — ундан ўзларини ақллироқ деб билишар, насихат қилмоқчи ёки маслаҳат бермоқчи бўлса, кулишарди.

Абдужалилнинг сабри тугади. Менсиз яшаб кўринглар, шунда қандай одамни йўқотиб қўйганларингни тушунасанлар, деб жаҳл билан дунёни тарк этди.

Икки йил гўридан чиқмай ётди. Кейин, зерика бошлади.

Одамлардан бир хабар олай-чи, булар нима қилаётган экан, деган ўйда жасадини эски тўндек гўрда қолдириб, ўзи ташқарига чиқди.

У айланиб-айланиб ишхонага борди.

Айланиб-айланиб дўстлари даврасига борди.

Айланиб-айланиб таниш кўчага борди.

Таниш уйга борди.

Ҳаммаёқ жимжит.

Одамлар беғам-бепарво. Улар ўз манфаатини ўйлаб, бири-бирига оқибатсизлик қилиб, уришиб-жанжаллашиб, қушларга тош отиб тирикчиликни ўтказиб юрибди! Бир одам ўлиб кетганда ҳам, бу халқ ҳеч нарсага тушунмас эканми?!

Абдужалил олдингидан баттар хафа бўлди.

У айланиб юриб, шаҳар марказида тасодифан бири оёқ остидаги тош-кесақларни териб олаётган, бири қушларга дон сепаётган — икки болани кўрди. Катта-кичikka иши йўқ болақайлар, ўз машгулоти билан банд эди!

Абдужалил суюниб кетди. Дунёда эзгулик абадий экан!

У кўнгли тинчиб, қайтиб гўрига бориб ётди...

Мен бошлаганимдан кейин, ҳар ким билганини осойишта ҳикоя қилаётган эди! Одамларни чўчитиб, Савдогар бақириб юборди:

— Мен китоб-питобга ишим йўқ. Ўқимайман! Бошим оғрийди... Албатта, қизиқ-тирса.. ўқирдим. Ёзолмаяпсанлар! Мана, юз йил савдогарни сўқдинглар. Нима бўлди?! Савдогар гуллайпти. Ўзларинг тутаб ётибсанлар... Ҳа, майли. Энангни эмгур! — у энди сал ўпқасини босди. — Лекин савдогарни ўғри, деб ўйламанглар. Ўғри бошқа. Мен ўзим болалигимдан гоҳ у, гоҳ бу нарсамни ўғирлатиб келаман. Одамлар ўғрилиқдан негадир уялмайди. Ишхонадан тўртта тахта, тўртта темир бўлагини уйига ташимаса, кечаси ухлаёлмайди. Кўзингдан нарида ётган нарсани ҳам инсофли бир одам секин кўтариб кетаверади! Ана, мен бир парча ер олдим. Хароб жой эди. Боғ қилишга киришдим. Юзта кўчат ўтқаздим. Уч кундан кейин борсам, ҳаммаёқ теп-текис. Яккам-дуккам синган, эзилган ниҳолдан бўлак вақо йўқ. Панжара олмасам бўлмас экан, деб ўйладим. Кичик бир бостирма ҳам керак, одам борлиги билиниб турсин! Темир-терсак, гишт-семон келтириб тўқдим. Уч кундан кейин борсам, на темир бор, на кўмир, яна ҳеч вақо йўқ! Чайла қуриб, ўзим ер бошида туриб иш юритмасам, бўлмайди шекилли! Яна ниҳол ўтқаздим. Темир-терсак, гишт-семон буюрдим. Кундузи куйманаман, кечалари ухламай пойлаб чиқаман. Ишим уна бошлаган эди, бир кеча қарасам, аниқ шакли-шамойили йўқ, катта, қора бир нарса — вужудми, жисмми?! — еримда чарх уриб, эгалик қилиб ётибди. Ҳаммаёқни топтаб, дастурхонга тугтандек, бор-будимни кўтарди-кетди! Янгидан иш бошладим. Энди ишни юритаётган эдим, кечаси яна ўша — вужудми, жисмми?! — келди. "Ушла ўғрини!" — деб югуриб чиқдим. Яқинлашиб, ёқасидан тутаман, десам ёқанинг ўзи йўқ. Вужудми-жисмда на вужуд, на жисм бор! У қўл билан тутиб бўлмайдиган бир нарса экан. Энангни эмгур! Зум ўтмай, ғойиб бўлди. Лекин шу кетишда менинг усти-бошимгача шилиб кетибди. Осмонга кўтариб кетдим, ерга олиб кириб кетдим?! — билмайман. Шу кунлар ерни қалин девор билан ўраб, баъзи қадим ҳовлилардек устини ҳам ёпсаммикан, деб турибман. Лекин ўшанда ҳалиги вужудми-жисм бостириб келмаслигига ким қафолат беради?! Бирон тешиқми-туйнуқдан барибир, ўрмалаб кирмайдими?! Ахир, у булутдай, тумандай, тутундай, шамолдай, сувдай бир нарса! Тутаман, десанг бармоқларинг орасидан сизиб кетаверади. Энангни эмгур! Ўғри дегани шу...

— Ишингизга шайтон аралашибди, — деди, Савдогар ҳикоясини тугатиши билан, Мулла. — Бу ҳаммаси шайтоннинг ҳунари! Закот бермасангиз, хайр-эҳсон қилмасангиз, бир қисм мулкингизни шайтони-лаин кўтариб кетади! У баъзан одам шаклида келади. Баъзан ҳар хил ҳайвон. Ит шаклида келиши ҳам мумкин! Мен икки кишини билар эдим...

Худойберган — кофир эди.

Миркомил — мусулмон.

Улар ҳар куни юзма-юз келишарди.

Бир жойда ишлашарди.

Битта йўлак. Хоналари эшиги ҳам рўпара.

Бу етмагандек, Худойберган бошлиқ, Миркомил — унинг қўли остида хизматчи эди.

Ишдан ташқари, баъзан суҳбатлашиш, баъзан бир дастурхон бошида ўтиришга тўғри келар эди.

Бунинг барига Миркомил осойишта қарарди. Лекин гоҳо бошлиқнинг уйига ҳам бо-ришга тўғри келар эди. Шуниси унинг учун азоб эди! Худойберганнинг уйида эшақдек-ваданги ити бор. Аҳмоқ ит. Таниш-нотанишга ириллаб ташланади. Миркомил ит билан ҳам муомала қилишга мажбур эди.

Бир кун, эшик очик қолганми?! — орқадан кўчага чиқиб, Миркомилни қувди ит. Қўчада гала қушлар ҳуркиб, осмонга учдилар.

Миркомил қушларга эргашиб-югураётди, у ҳам қанот чиқаргандек учди! Учиш яхши экан. Фаройиб экан!

Қушлар орасида учаётди, бир майдонга бориб тушди...

Ҳикоя шу билан тугадими, йўқми?! — номаълум эди.

Бундан ташқари, ҳали даврада ўз билганини айтмаганлар бор эди!

Бахши ўз билганини айтмаган эди.

Аёл ўз билганини айтмаган эди.

Дарвеш-масхарабоз ўз билганини айтмаган эди.

Айниқса, одамларга маслаҳат беришга ўрганган Қизча ўз билганини айтмаган эди.

Бу — “Минг бир кеча” эди! Ҳали ҳикояга ҳикоя уланиб кетавериши керак эди.

Бироқ “майдон” деган сўз эслангани заҳоти, ҳамма —

ўзи-ўзича МАЙДОНни тасаввур қилиб тургани учундир?! —

бирдан гув этди.

Оҳ тортиб юборди.

Ҳикоя эшиттиси ҳам келмай қолди!

Бахтиёрлик тугаган эди. Қайтиб —

гамгинлик чўка бошлаганди.

Ёруғлик одамларни яна алдаган эди!

Одамлар чироқ неча бора ўчиб-ёнмасин, осма-қути барибир ўрнидан жилмаслиги, эҳтимолки, маҳқумликдан қутулиб бўлмаслигини англашган эди!

Чорасизликка ўхшаган ҳолат...

Энди нима қилдик, биродарлар?! —

12

Одамлар бундай шароитда нима қила оларди?! —

Ҳамма чуқур хаёлга ботган.

Йўқ! Бу — жила бурун рўй берган оғир видолашув ҳолати эмасди. Бу — энди бари-бир, ишонч ва интизорликнинг давоми эди. Одамлар НИМА БЎЛИШИНИ билишмасди. Шунинг баробарида, НИМАДИР БЎЛИШИНИ кутишмоқда эди.

Хаёл — эркин.

Хаёл — денгиз.

Ҳар кимнинг хаёлида бори — унинг музофоти, унинг мулки! Бир четини очса, кўра-сан. Очмаса, унинг ўзига аён. Худога аён! Кўрмайсан.

Лекин инсон шундай яратилган экан...

мен одамларга разм сола бошладим. Ва менинг тасаввурим кўзгусида уларнинг

узук-юлуқ хаёллари акс эта бошлади.

Осма-қутида ночор ҳолатдаги одамлар фақат ночорликни эмас,

бир маҳзун, бир ёркин — турли нарсаларни ўйлашмоқда эди! Таажжубки, ҳозир Адиб ҳам мен учун даврадаги одамлардан бири эди ва унинг ҳам ўрнида МЕН давранинг ҳолатини кузатмоқда эдим...

АДИБ

Менинг отам эски одам эди.

Бунинг устига, камбағал эди.

Лекин ажойиб инсон эди!

Унинг менга бирон пайт қўл кўтаргани, ҳатто пўписа учун қулоғимни бураб қўйга-нини эсламайман. Бир марта жаҳли чиққан эди. Ўшанда ҳам, менга ўпқалангандек тики-либ “эй-й” деган эди, холос...

Отамни менга, мени отамга уриб, маломат қилишларидан сақлангим келдими, камба-ғалчилик сабаб бўлдим, ҳарҳолда, китоб ёзиб, аввадан гариллаб юришга ўрганмадим! Аммо ишим яхши кетаётган эди. Шуҳрат ҳам кела бошлади. Ана шунда, бошимга бир-икки туширишди. Бунинг натижаси, менда қўлимдан иш келишига ишонч йўқолди. Ба-

рибир, ишлайвердим. Адабиёт бир дард экан-да! Қайтиб қоматимни тиклай бошладим. Шунга қарамасдан, энди, ҳозирга қадар, ўзимда йўқолган ишончни топа олмадим. Ҳамон, мен истеъдодсиз эмасмиканман, деган савол менинг хаёлимда туради... Ана, Арбобга ўхшаган одамлар ҳам, талантим бор, деб қисинмай айтaveraди. Мен айтолмайман... Баъзан ёнимга ёшгина йигитчалар, қизчалар келишади! Сал қимтинган-уялган ҳолатга кириб, бўйнини бир ёнга қийшайтириб, пичирлайди: фалончи акам ёзганимни ўқиб, сен буюксан, кашфиёт, дедилар! Кулгим келади. Бу НОСАМИМИЙ ҳолатда буюк бўлиб қаерга бординг-у, кашфиётинг нима бўлди?! Шаҳар чеккасига чиқиб қара, оталаринг, акаларинг, биз ёзган қанча китоб писта ўрашга ҳам ярамай ётибди... Дунё — томошагоҳ. Ўша, Фалончи Ака уриниб-суриниб ўзи эришган обрў-эътибор у қилган хизматга муносибми-йўқми, ўйлашга ҳам ожиз! Сенга ўхшаб, бўйнини қийшайтириб юрибди. Ёзганингни бир куни халқ супуриб ташлашидан кўрқ! Умуман... адабиётда ҳам Дарвеш-масхарабозлар, Савдогарлар, Арбоблар, Ҳакимлар кўп. Ҳаммасининг таланти бор! Сен бундан сақлан...

...

Мен она ҳақида баъзан оддий жумлани ҳам ёзолмайман...

Она ҳақида бир ёзувчи китоб ёзган! Мен "она" деган сўзни оғзимга олсам, бас, у дарҳол, мендан кўчирибди, мендан олибди, дейди. Бўғилади.

Дунёда гўёки шу ёзувчидан бўлак одамнинг онаси йўқ...

...

Мен бир аёлни севардим.

Уйи олдидан ўтиб кетаётиб, тасодифан синиқ товушда ашула айтаётганини эшитдим. Беихтиёр эзилдим.

Ёшлик йиллари у қандай ёниб, тўлиб-тошиб ашула айтгани, ўша пайтлардаги дўстона давралар ёдимга тушди.

Ҳаёт баъзан инсонни ғажиб ташлар экан...

...

Бир шеър хаёлимда айланаяпти.

Унутмаслик учун ёзиб қўярдим-ку, ҳозир ёрув бўлса ҳамки, бунга эриняпман:

Қушлар одамларга отмайдилар тош,
Дарахтлар ҳеч қачон бўлмаган ёвуз.
Мен сенга қарадим — кўзларимда ёш,
Боғларда хиромон айлаган, товус...

МУЛЛА

Мен одамлардан "беркиниброқ" яшайман.

Ҳаётимни улардан гўёки "яшираман".

Аслида бу тўғри эмас. Биз Оллоҳнинг ҳузурига яланғоч бўлиб борамиз. Бандадан истиҳола қилиш ортиқча!

Лекин уят, номус бор. Мен болаларимни қийнаб қўйдим. Хароб ҳолга солиб қўйдим... Одамлар эгрилик, ўғрилик қилиб ҳам, фарзандларини оёққа турғизишади. Тинчителишадди. Мен бундай қилолмадим! Болаларим тушунишади. Дада, хафа бўлманг, сиз имкон етганча бизни тарбияладингиз, дейишади. Лекин мен барибир, азобланаман. Суйган Худойим нега мени бунчалик ғариб, мосуво қилиб яратди?!

...

Мен кеча — одамлар диндан юз бурган даврда — Мулла бўлган эдим.

Бугун муллаларнинг ошиғи олчи. Пичоғи мой устида.

Улар менга бегона. Мен уларга.

Одамларнинг кўзи очилгани учун Худога минг чандон шукр!

Лекин менга ҳамон Худонинг мағфиратидан бўлак ҳеч нарса керак эмас! Ўзим бироз ўнглансам, фақат бировларнинг ўнгланишига кўмак берар эдим. Дунёда хасталар бор. Муҳтожлар бор. Қаршингда биров оч турганда, қандай қилиб нонни қаймоққа булаб ейиш мумкин?!

...

Яқинда аёлим вафот этди.

Юрагим куйиб ётибман.

Одамга муносиб яшаш мумкин эди. Негадир жиғи-жиғи кўп бўлди. Биз кам севиндик. Бир-биримизга кам меҳр кўргиздик... Оллоҳим, Ўзинг кечир!

...

Бу аёл мен билан яшаб, бахтсизликдан бўлак ҳеч нарса кўргани йўқ.
Мен дунёда бахт топмадим. Бировга ҳам бахт улашолмадим...

...

Ўз ташвишларим билан ўралашиб, қизчам тўғрисида ўйламай қўйган эдим.
Уйнинг қораси кўрингани сайин, хаёлим қочиб, юрагим қаттиқ ура бошлади. Менинг қизалоғим яхши юрганмикан?! Соғмикан?! Тинчмикан?! Эй Худойим...

АЁЛ

Осма-қутига Қизча ҳам мингани учун мен Худога шуқр қилишим керак!
Бўлмаса, эрсиз Аёл шунча эркаклар орасида ёлғиз қолар эдим.
Бу ерда Арбоб бор, Мулла бор, Паноҳ бор. Ҳарҳолда, кўпчилик диёнатли кишилар!
Лекин эркакларни билиб бўладими?!

...

Душанбагача бу ерда қолиб кетсак, ўғлим билан қизим олдида нима деган одам бўламан?!

Кўп ўтмай, жон таслим қилиш ҳам мумкин!
Лекин унғача — эркак билан аёл бир эмас, — одамлар бир-биримизнинг олдимизда шарманда бўлмаймизми?! Шармисор ҳолга тушмаймизми?!
Биз гоҳо артистлардек, саҳнага чиқамиз. Лекин кўпроқ парда орқасида яшаймиз...

...

Менинг биринчи эрим олдида гуноҳим бўлса, кечир, Худойим!
Иккинчи эрим олдида гуноҳим бўлса, кечир!
Икки эрга тегиб, икки болани дунёга келтиришдан бўлак ҳеч нарса кўрмадим. Ўзим учун бир кун яшаганим йўқ.
Машаққат. Муҳтожлик. Ёлғизлик.
Ҳимоясиз аёл кишига қанчалик оғир эканлигини биров билса экан?!

...

Қиз бола бировнинг хасми, дейишарди.
Менинг ўғлим бировнинг хасми! Чиқиб кетди.
Қизим билан қолдим...

...

Мен ҳарҳолда, эр кўрдим.
Жувонлар майли, эрсиз қиз кўп!
Биз турган уйда бешта қари қиз бор.
Ўзи бировни тополмайди. Сиз топган унга ёқмайди.
Қизим бахтли бўлармикан?!
Мендан у бахтлироқ яшармикан?!

БЕМОР

Бундай "қамалишим"ни билмагандим.
Кечагина касалхонада ётгандим...
Кўм-кўк. Дарахтлар ровлаб, тиқин ўсган. Ёввойи. Худди ўрмон.
Ҳолатим ланж эди! Кунда ҳаёт ва ўлим ҳақида ўйлайман:
"Бу баҳорий тиниқлик кўзларимда узоқ сақланиб қолармикан?!
Менинг кўзларимни бир лаҳза яйратган баҳорий бу БОФ абадийми?! Дунёда ўзи НИМА абадий?!

Ёмғирдан кейинги боғда ЛАҲЗА билан АБАДИЯТни ажратолмай, саргардон кезган нигоҳим, кўзларим БУ ИККИ НУҚТАдан қай бирида қўним топади?! Бу боққа тасодиф келгач, менинг эндиги қисматим қандай кечади?!"

Хаёлимни банд этган боғдан нафас ростлашга улгурмай, мени юлқиб, дарахтзордаги оппоқ бир иморатга олиб киришди.

Ҳозиргина ёққан ёмғир, ариқда шилдираётган сув ортда қолди...

...

Дунёдаги энг гўзал аёл! Нега мен сени севдим?!
Мен кимларнидир севмай яшолмадим!
Ўзимдаги қусурлар, йўл қўйган барча гуноҳларни ҳис этяпман. Биз нега ҳозиргидан
яхшироқ, гўзалроқ яшай олмаймиз?!

...

Буйрак касал.
Юрак касал.
Ичак. Ошқозон...
Соғ жойим йўқ.
Фақат руҳим соғ бўлиши мумкин. Ақлим ишлаяпти.
"Соғ танда — соғ ақл!" деганлари ёлгон экан.

...

Ўттиз йилдан ошди — чекаман.
Ёнғиндан, ўт чиқишидан кўрқаман.
Тунларда йўталиб чиқаман.
Аҳмоқ бир гапни эслайман:
"Чекишнинг учта фойдаси бор, — деган экан кўп йиллик кашанда. — Биринчидан,
оғзингизга илон кирмайди. Чунки оғзингиз сассиқ бўлади. Иккинчидан, уйингизга ўғри
тушмайди. Чунки тунда йўталиб чиқасиз. Учинчидан, умрни тезроқ ўтказасиз, ортиқча
бемаънилик қилишга улгурмайсиз. Чунки чекишнинг ўзи сизни охирги манзилга олиб
боради."

Кўни-қўшнини безовта қилганимдан уяламан.
Муттасил ўйлайман:
"Шунчалик азоб сенга шартмиди?!
Сенинг отанг банги эмасди-ку!"
Отам оддий меҳнаткаш эди. Иймонли киши эди.
Ичкиликни ҳам оғзига олмасди.
Аёлларнинг юзига бошини кўтариб қарамасди...

...

Бўлгани бўлди, дегандек кайфият, бу тушқунлик қаердан келди?!
Бунга ички иқроқ, ризолик қаердан келди?!
Наҳотки, сенда ақалли одамлар олдида масъулият йўқ?!
Ҳайвонлар, қушлар, бутун жонзотнинг табиатан "бадантарбия" билан шуғулланиши,
улардан қай бири хасталаниб-оғизланса, четга чиқишини кўргин. Маймун тинмай шох-
дан-шохга сакраши, кийиклар туёқларидан учкун сачраб, тошдан-тошга кўчишини!
Инсон ҳам, яшашни истаса, бадан ва руҳ тарбияси билан шуғулланишга мажбур.
Агар яшаш насиб этса...

САВДОГАР

Инсон қачонгача юради, қачон ўлади?! — ўзи ҳам билмайди.
Бир дўстим билан овга чиққан эдим.
Биз баланд қирга кўтарилмоқчи эдик. Лекин яқинлашсак, қир этагида, йўл устида
каттакон қамишзор кўл бор экан. Бир ёнда кўринган, уйлари паст-пачоқ қишлоққа
қараб йўл олдик.
Дуч келган ҳовлига кирдик.
Томларда пичан ва қамиш гарамлари. Ҳовлининг атрофи ҳам девор ўрнида тўқилган
сап-сариқ қамиш билан ўралган.
Оқ сочли, ориқ, узун кампир яланг пўстақда ниманидир туйиб ўтирибди. Ўн беш-ўн
олти ёшлардаги бола лой тепяпти.
— Бир коса сув, — дедим уларга. — Чанқадик.
— Қовун олиб чиқ, — деди болага кампир.
— Кўлдан ўтмоқчи эдик, ўтолмадик, — дедим кампирга.
— Кўл чуқур, — деди кампир. — Икки кун бўлди, бир йигит чўкиб ўлди.
— А? Қандоқ қилиб?! — сўради ҳамроҳим.
— Анув қишлоқдан экан, — бир томонни кўрсатди кампир. — Овчи! Отган тустову-
ғини оламан, деб кирган. Қамиш ичида тиқилиб, ботиб қолган...
Биз қовунни еб, йўлга тушдик.

Тепамизда ёввойи ўрдаклар учади. Атрофда бедана сайрайди. Қурбақа вақиллайди. Узоқ бўлса ҳамки, кўлни айланиб ўтишга мажбур бўлдик.

АРТИСТ

Устод 26 кун Ҳамлетни ўйнади.

27-куни саҳнада йиқилиб қолди.

У Отеллони ҳам маҳорат билан ўйнади. Лекин, Ҳамлет менга кўпроқ ёқади, дерди. Қорли кунларда, кўча-кўйда пичирлаб юриб, Шекспирдан ўқиганларини тушунишга уринарди. Уни жуда саводли эди, деб бўлмасди. Унинг билгани — Шекспир эди!

Устод ҳаддан ташқари содда, ишонувчан, тўғри одам эди.

Баъзан кўчада кетаётиб, бехосдан “топдим, топдим,” деб юборар, ёнидагилар нима экан, деб қизиқишса, у саҳнада бир гапни қандай айтишни топган бўлиб чиқарди. Бир нарса излаб дўконга кирар, шериклари унинг панасида туриб, сотувчига “йўқ” деган имо қилишарди. Пештахтада у излаган нарса тиқилиб ётибди, лекин устод сотувчининг жавобига ишониб, биз излаган нарса йўқ экан, деб дўкондан чиқиб кетар эди. Баъзан эса жўн тушунчаларнинг ҳам фарқига бормаётганга ўхшар эди. “Оға, машқ дафтарим уйда қолибди. Боришим 50 минут, келишим 50. Нақ бир соатда қайтаман!” — дерди...

...

Бу аёл юзини доғ-дуғ босган, қоп-қорагина эди.

Лекин унинг мулки — кўзлари, ўтли, ярқироқ, ҳис ва руҳли кўзлари эди!

У жуда эҳтиросли эди.

Унинг бор эҳтироси кўзларида акс этар эди.

Умуман, кўзлари уни чиройли қилиб кўрсатарди.

Кўзлари тирик эканлигидан, у ўн олти яшар қизни ҳам, етмиш яшар кекса аёлни ҳам саҳнада жонлантириб, сизни ишонтира оларди...

...

Гўзаллик — хатарли.

Гўзаллик — атрофига одам тўплайди.

Гўзалликнинг душмани — унинг ёнидан чиқади.

Шундай! Лекин...

Мен босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлар эдим. Мактабни тугатиб-тугатмаган пайтим. Кўзларим оламга чақноқ боқади. Шу билан бирга, кўп нарсага ақлим етмайди.

Анча йил муқаддам Зухра бўлиб ўйнаган, энди ёши қирқлардан ошган жувон босмахонага иш юзасидан гоҳ-гоҳо келиб-кета бошлади.

У ҳамон гўзал эди.

У — бир фаришта эди.

У — пари эди.

Мен ҳайрон қолганман.

Бизнинг жойимиз — эски, хароб, овлоқ бир шаҳарча эди. Босмахона ҳам шунга яраша — ярми ерга ботиб, ярми тўкилиб ётган ғарибгина маскан эди! Ҳаётимиз қора иш, ўрин алмашиб турган шовқин-сурон ва сукунат, маза-бемаза гап, асабиятдан иборат эди! Жувон-Зухра бизнинг ҳаётимизни ўзгартириб юборган эди.

Одатда, санъатга иши йўқ, бу соҳага яқин аёллар ҳақида ҳар хил гапириб юрадиган одамларнинг ўшанда ўзи-ўзидан нафаси ичига тушиб кетган. Ёш-қари, эркак-аёл — ҳамма учун Зухранинг кириб келиши байрамга айланган эди! У келадиган кунлар ҳатто, одамлар эшикка тикилиб туришар эди! Ўзини камтар, самимий, муносиб тутишимми?! Ҳамон асранган тоза-тиниқ бир гўзалликми?! — унга нисбатан бизнинг кўнглимизда ҳурмат, меҳр уйғотган эди. Фақат бу эмас. Одамлар ҳар қачонгидан яхшироқ, покизароқ намойиш касб этишган эди. У бизни гўёки шу маснадга кўтариш учун юборилган Худонинг марҳамати эди!

Орадан тахминан ярим йилча ўтгач, оиласи билан шаҳримиздан кўчиб кетдимми?! — жувон бизга кўринмай қўйди.

Лекин биз энди бошқа одамлар бўлиб қолган эдик...

МЕН

Осма-қутида “қамалган”ларнинг бир қисми шуларни эслаб-ўйлашдимми?! Билмайман. Бу — тахмин, холос. Мен КИМнинг НИМАни хаёлидан кечиришини тасаввур қилдим! Иккинчи қисмда навбат кутиб турганлар-чи?!

Мен уларнинг хаёлини ҳам тахминан ўқийман...

Ўзимга келсак, фикри-зиқрим Салима билан банд.

Мен юз берган фалокатдан қутулиш, тирик қолишдан ҳам кўпроқ Салима қаерда, қандай юрган экан, деган гапни ўйламоқдаман. Менга бўйсунмай, бутун вужудим, руҳим Салимага талпинмоқда!

Мен Салиманинг машғулоти, мақсади нима?! Ҳаёти нимадан иборат?! — билмайман. Тушунмайман! Лекин энди УСИЗ яшашни ҳам тасаввур қилолмайман...

Сиз билан ёмғирда кўришиш насиб.

Сиз билан қорларда.

Исмингизни Ердек бағримга ёзиб,

Куйлагим келади торларда.

Сиз учун тортилган бошим, гўёки

Ёмғир-қор тиклаган дорларда.

Сиздан ўтинаман, дунёни —

Ташлаб-қолдирманг, деб зорларда...

Салима — бир қуш. Кафтимга келиб қўнади. Мен уни томоша қилишга тутингач, учади-кетади! Неча йилдан буён шундай. Худойим! Бу ҳолатнинг интиҳоси борми?!

ҚИЗЧА

Катталар бунчалик ваҳимачи!

Осма-қутида одамлар “қамалиб” қолиши оддий бир нарса-ку! Кунда бўлмаса ҳамки, кун ора қаердадир шундай бўлиб туради! Кейин, барибир чиқиб кетишади. Жин ҳам урмайди! Шунга шунчалик бўғилиш керакми?!

Тўғри, осма-қути занжири узилиб, ерпарчин бўлган пайтлар бор, дейишади. Лекин бундай воқеа юз йилда бир бўлиши мумкин! Булар денгиз билан ҳалокатга учраган кемааларни эслаганига ўласанми, куясанми?!

Менга ҳикоя айтишга навбат беришмади. Қизиқ бир воқеани айтиб бермоқчи эдим! Энди биров ялиниб сўраса ҳам, айтмайман, айтмайман, айтмайман!

Бу одамларга қаердан дуч келиб қолдим?! Зинадан тушиб кетаверсам бўларкан! Буларнинг кўпи қаримай туриб, қариб қолган. Ҳаммасини дам ўтмай мудроқ босаверади, босаверади. Зерикарли. Вақт тезроқ ўтиши учун яна гаплашиб туришни маслаҳат берсаммикан?!

БАХШИ

Э-ҳе-ҳей!

Биз ҳали яшаймиз, оғажонлар. Яшаймиз, сингиллар. Кенгликлар бизники.

Мен сизларга ҳали энг яхши дostonимни айтиб бермадим.

Ўтган замонда, шу юрт томонда, Ерми ёки Осмонда қирқта қирчиллаган, оёқларида этиклари ғирчиллаган йигит бор экан. Уларнинг ҳаёти беғубор экан. Ота-оналари бошларида соябон, опа-сингиллари уларга меҳрибон экан. Мўйловлари энди сабза урган, кўзлари эндигини ҳар ёнга баҳор шамолидай югурган, қабарган кўкракларига қушлар ин қурган экан. Чор атрофдан қизлар уларга қиё қарай бошлаган, улар муҳаббатга ярай бошлаган экан. Шундай юриб, кунлардан бир куни юртга босқинчи-ёв ҳужум қилибди. Номардлар ўзини мард деб билибди! Қирқ йигит шартта ўрндан кўчибди. Қирқта отга миниб, учибди! Икки ўртада қаттиқ жанг бўлибди. Ахийри, ёвнинг аҳволи танг бўлибди! Лекин жангга йигитлардан ҳам кўпи жон таслим қилибди. Шаҳид бўлиб йиқилибди. Қирқ йигитдан тўрт йигит тирик қолибди. Тўрттови отини етаклаб, эл-улус томон йўл солибди. Келаётиб, улардан биронтаси миқ этмаётган, қовоғидан қор кетмаётган экан. Улар йўлда бир тоққа кўтарилиб, шу ерда, аввалдан қарор қилгандек, ҳамма тўхтабди. Ёнларидаги чўққи ҳам уларга қовоғини очмай турганга ўхшабди! Йигитлар отларини боғлаб, давра қуриб ўтиришибди. Бир-бирларига мана, энди кўз югуртиришибди.

— Ота-оналарга ўғиллари ҳалок бўлганини ким бориб айтади?! — деб сўрабди биринчи йигит.

— Опа-сингилларга улар ҳақида ким хабар беради?! — дебди иккинчи йигит.

— Йигитларнинг қайлиқлари, севган ёрларига ким бориб учрайди?! — деб савол ташлабди учинчи йигит.

— Одамларга қандай кулфат бошларига тушганини қайси бирингиз очиқ айта оласиз, жўралар?! — дебди тўртинчи йигит.

Улардан ҳеч ким “мен” дея олмабди.

Тўрт йигитнинг ортиқ йўл босишга ҳол-мадори қолмабди.
Улар бошларини эгганча, пинакка кетиб, шу ердан жилмасликка шайланишибди...
Тўртта тошга айланишибди.
Йигитларнинг отлари ҳам шу тоғларга бойланибди...
Тошга айланибди.
Оғажонлар! Сингилчалар!
Мен йиғласам, шу юрт, шу халқ, деб йиғлайман.
Ўзимга сизмайман.
Шу юрт, шу халқ, деб қоматимни аёл тутаман.
Керак бўлса, тошга айланиб кетаман...

ҲАКИМ

Мен бу воқеани эслаб, кўп нарсага тушунмайман.

Жойнинг номи Чойхона эди. Бир пиёла чой ичиш мумкин эди, албатта. Айвон четида самовар қайнаб турарди. Лекин ҳовлида иккита ошхона, иккита дўкон борлигидан, одамлар асосан, овқатланиш ва майхўрлик қилиш учун келишар эди. Бу ерда эрталабдан кечгача ғуж-ғуж бўлиб ўтирган хўрандалар, бадмастлар атрофида уй нони, қотган балик, қурут, сақич ва писта сотадиганлар уймалашиб юришарди. Миршаблар вақти-вақти билан уларни ҳайдашар, улар эса асалга ёпишган аридек, яна қайтиб келаверишар эди. Бу ердаги мижозлар орасида сипо кийиниб, бўйинбоғ таққан зиёлилар бор. Шунга қарамай, тартибсиз, ёмон кийинган кишилар биринчи навбатда кўзга ташланишар эди. Бу ерда эгнида яланг қора чопон, боши очик, калта шими почаси остидан оёқлари кўриниб турган кўча-безорилар, сочлари пахмайган, бадбашара тиланчилар, кўзлари қизарган девоналар ҳам учрар эди. Булар аксар бой отаси ҳовлисини томоша қилгандек, бир томондан бош суқиб, иккинчи томондан чиқиб кетаверишар эди. Ичганлар бир-бирлари билан бақириб-чақириб, сўкиниб гаплашишарди. Баъзан ёқалашиб ҳам қолишарди. Бундай пайтларда кўчадан ўтиб кетаётганларга Худо берарди; Чойхона қаршисида тўпланиб, анграйишарди.

Мана, шу турфа одамлар орасида уринган костюмда, бошида япасқи дўппи, кичик соқол қўйган бир чол бўларди. Чойхонада у нима қилади?! Ўт ёқадими, сув ташийдими?! Ёки бекордан айланадими?! Мен билмасдим. Лекин чой ичгани баъзан кирганимда, уни кўрардим. Олақуроқ даврада у диққатни жалб этганига сабаб, костюм устидан рангин белбоғ ўрарди. Бундан ташқари, ҳар куни уч марта белбоғини ечиб, Чойхона олдидаги кўм-кўм йўлкада пешин, аср ва шом намозларини ўқир эди. Бу ердаги одамлар гуноҳини Раҳмондан тилаб. Шайтонни ҳайдаш учун бундай қилармиди?! Ёки фақат ўз вазифасини бажарармиди?! Буниси ҳам менга қоронғу. Ҳарҳолда, чол нақ рўпарада баланд овоз чиқариб, азон айтар, алақачон Худони унутган кишилар билан ёнма-ён намозини адо этар эди.

Бир куни қария йўқолиб қолди.

Кейин, у ҳақда жосус экан, деган гап ўрмалади.

У чиндан жосусмиди?! Ўз гуноҳи учун Худога сизинармиди?! Ёки намозхонлик унга шунчаки ниқобмиди?!

У ҳеч қанақа жосус бўлмаса-чи?!

Ахир, жосусга шу сассиқ Чойхонадан бўлак жой қуриганими?! Тухматга қолсанг, отанг амир эди, онанг кайвони эди, деб ҳам оёқ-қўлингни боғлайверади! Халқ оғзингга эҳтиёт бўл, деб бекорга айтмайди. Чол алжираб, бировга ақд ўргатган бўлса керак! Шу ҳақиқатга яқин... Одамлар-чи?! Улар ажабланиб, шунақа экан-да, деганча йўлидан кетаверади. Қайси иш тўғри, қайси нотўғри аниқлангач, яна ўша гап: шунақа экан-да!

Мен чолни қайтиб кўрмадим.

Чойхона анча йил эски ҳолида турди.

Кейин, даврлар ўзгарди.

Бузилиб, йўқ бўлиб кетди...

ДАРВЕШ-МАСХАРАБОЗ

Аҳмоқ одам ҳар нарсани жиддий қабул қилаверади.

Ана, менинг жонажон укам! Шунақа жиддийки...

лекин, бу — бир кўриниш, холос.

"Мазмун қанчалик хароб бўлса, шакл шунчалик бўртади!" — деган экан донолар. Дунёни бешиқдай тебратаётганга ўхшайди-ку, бешиқда бола йўқ!

Куйганимдан куламан.

Мен бачканалик қилиб, ҳиринглабманми?!

Қўлимда ҳунарим бор. Қулфу калит ясайман.

Жонажон укам мен тўғримда, оғзига қулфу калит топилмайди, деб ўйлайди. Бўзчи белбоққа ёлчимайди, демоқчи. Тфу! Белбоғ бизда бўлмай, кимда бўларди?! Биз болаликдан белини боғлаган халқмиз!

Зерикарли яшаяпсизлар, кишини зериктириб юборяпсизлар, жаноблар!

Адиб! Арзийдиган бир китоб ёзмаяпсиз!

Паноҳ! Сен Бош Қаҳрамон эмассан!

Мулла! Сиз Худодан гапираётиб, ўзингизни ўйлайсиз!

Ҳаким! Дори-дармон қани?! Шоҳсуяк эмиш!

Осий... Эй ўргидим ҳаммангдан!

Одам бўлиш учун сенларни ўзи бир қутига солиш керак эди! Солиб қўйибди! Қопқа қачон очиларкан, деб энди мўлтираб ўтирибсанлар.

Ёнимда эликта калит бор. Лекин бу қопқага қулфу калит ўрнатилмаган. Истаганда очилиб, ёпилади. Биров бошқаргандан кейин, шу! Дунёда бу қути борлигини баъзан унутиб ҳам қўяди.

Бизнинг ҳолатимиз қўғирчоққа ўхшаган. Ипнинг тортилишига қараб, ўйин кўрсата-миз!

Кулмасанглар, тарс ёрилиб ўласанлар, жаноблар...

АРБОБ

Бу одамлар менга қийин эканини ўйламайди.

Билмайдик, булар учун мен жавобгар!

Мабодо қутидан соғ-бутун чиққанда ҳам, мени сўроққа тутишади:

— Нега қамалиб қолдинглар?!

— Ўзларинг жўрттага қамалиб олмаганмидинглар, ишқилиб?!

— Сиз нега одамларни бошлаб, қутидан тўғри чиқиб кетавермадингиз?!

— Қутида тўплангунча, кўчага чиқиб гаплашсанглар бўлмасмиди?!

Мендан кичиклар менга гап тушунтиролмаганидан сезаманки, ўзингдан катталарга гап тушунтириб бўлмайди! Тасодифан "қамалган" имизни ҳали исботлаш керак!

Худо кўрсатмасин, бирон кишининг бошидан бир тола соч узилса-чи?! Унда мени нақ дўзах эшигига олиб бориб, олиб келишади! Тўртта одамга раҳбар бўлган киши гўёки ҳар қандай фалокатдан ҳам, ўлимдан ҳам кучли. Бутун ҳаёт-мамот унга боғлиқ...

Мен умрим бўйи катталар билан кичиклар — буларнинг иккисидан ҳам изтироб чекаман.

Очигини айтганда, баъзан катталарни сўкишади-ку, каттани бузадиган — кичик!

Кўчада икки кишининг суҳбатини эшитдим.

"Буқаламун"га ўхшаган воқеа! Бири иккинчисининг эришган даражасидан беҳабар.

Буни аниқлаган сайин муносабати ўзгариб, бошқача муомала қилади. Аввалига бепи-сандлик билан:

— Муродбой, юрибсизми дингиллаб?! — дейди.

Сал туриб:

— Мурод...

Кейин:

— Муроджон...

Кейин:

— Муроджон ака...

Ниҳоят:

— Қадрли Муроджон Муродович...

...

Мен бир кишини билардим. Ўзидан каттароқ кимдир қўнғироқ қилса, телефонда ўрнидан туриб, ярим букилиб гаплашарди.

...

Бир раҳбарнинг хотини синфдошим эди.

Одамлар каттаконга нисбатан ҳам кўпроқ Янга атрофида ялоқланиб, ўралашарди. Янгажон, Янга! Ўтирган ўрнингиз минг танга!

Фалокат юз бериб, каттакон ишдан кетди. Боши устида осмон қорайиб, оёғи остида ер торайди! Кўрсангиз, ҳамма суварақдек ҳар ёққа қочган. Янганинг саломига биров алик олмайди. Кўчада дуч келган туртиб ўтади!

Булут тез тарқади. Ер яна кенгайди.

Бу ёғи — янги томоша! Ўша кунёқ Янгани қўлтиғидан тутиб, тўрга судрашларини қаранг. Янгажон, Янга! Дунёда ўзингиз керак-сиз манга!

...

Умуман, катталар билан кичикларнинг бир-бирига ёндош ҳаёт манзараси ўзи бир олам! Адибнинг эси бўлса, шу тўғрида ажойиб китоб ёзар эди. Мана, оддий, ўзини қандай тутишни олинг. Катта жоҳил, золим бўлса, ҳаммани қулга айлантурса, бу чидамсиз ҳол. Норозилик туғилади! Лекин кичик қайсар бўлса, ҳеч кимнинг иродасига қарамасачи?! Бунинг устига, менинг акамдек, биз эркин, деб каттароқ кишилардан кулиб юрса?! Итоатсиз ҳатто оилани бутун туютолмайсиз! Эркинлик — гўзал ҳолат. Аммо ҳар қандай гўзаллик сингари унга фожиа тамғаси босилган!

Мен икки томон — Катталардан ҳам, Кичиклардан ҳам куйганим учун тўнимни тескари кийиб, ҳеч кимга аралашмай қўйганман-да! Акам эса мени одамларга қўшилмайди, ёввойи, деб ўйлайди. Гоҳ чақиб, гоҳ кулади. Тентак! Сенинг кулганинг билан дунё ўзгарармиди?!

ОСИЙ

Бу ерда ўзини ҳаммадан кўра муносиб тутаётган, энг осойишта киши — Адиб, энг безовтаси — мен бўлсам керак! Тўғри, мен ҳам бировга буни билдираётганим йўқ. Лекин ичимни ит таталаб, бўғзимга пичоқ қадалиб турибман. Бемор эмас, бу ерда кимдир портласа, биринчи мен портлашим аниқ! Мен-ку, майли, менга қўшилиб, бошқалар ҳам осма-қутида ёки осма-қути билан бирга, асфаласофилинг кетса, ҳаммага менинг касрим теккан, менинг юким уларни ҳам босган бўлади. Чунки, мен ўз номим билан — Осийман! Бошқалар маънили-маънисиз чулдирашлари, бутун хато ва гуноҳларига қарамай, барибир, эзгу одамлар. Олижаноб одамлар! Мулла "Бизни гуноҳларимиз қисди!" деганда бошқалар эмас, менинг гуноҳимни айтди. Дунёда ҳар бир сўз, ҳар бир ҳолатда Илоҳий Мантиқ бор. Биз қутида туриб, денгизни гоҳ-гоҳ эслаётганимизни ҳам бежиз, деб бўлмайди. Кема ҳалокати пайти мени бир қатла ХУДО ЎЗ ПАНОҲИДА асраган эди! Мен учун балки, бу эслатма эди. Биз ҳозир гўёки яна кемадамиз. Бу кема денгиздагидан даҳшатлироқ. Атрофда халоскор на тўлқин, на дўлфин бор. Бу ерда бир парча тахтага ёпишиб ҳам жон сақлаёлмайсан! ХУДОДАН албатта, ПАНОҲ тилайман. Лекин энди фалокатдан қутулишим қийин... Дарвоқе, Паноҳ, Адиб мақтаб қўйгани учун менга у боядан бери ғашланиб қараб турибди! Буниси ортиқча. Мен Осийман-ку! Қаҳрамонлик либосини киёлмайман. Айниқса, ҳозир...

кема ва денгиздан бўлак нарса

хаёлимда йўқ.

Умуман, менинг ҳаётда билганим —

бўйнимдаги гуноҳим ва

ДЕНГИЗ...

Денгиз, деганлари —

бир дунё!

Ўйнар

ҳалқа-ҳалқа

оқ нурлар.

Тубдан кўтарилган

ва гўё

Сув узра

тўшалган

бор

дурлар.

Унга туташгандек

қуёшли

Осмон пастга тушиб,

Бирлашиб —

Қудратли,

даҳшатли,

бардошли
икки дунё
ётар
сирлашиб!
Денгизим!
Меними чорлайсан?!
Бўлмоқчимисан боз —
улфатим?!
Гоҳ ёвуз,
менга гоҳ
ёрдайсан!
Сен — менинг бахтимсан.
Кулфатим...

Кема ва денгиз
асосан, Адибни ва
мени
қизиқтиряпти!
Бошқалар бунга анча бепарво!
Менга ота-онам бекордан Ёлғиз деб исм қўйишган экан! Бу исм унутилгандек! Ле-
кин, мана...

Мен оилам — хотиним, ширин қизчаларим бўла туриб, уларни сева туриб, қандайдир
кимсасизман;

уйим бўла туриб, уйим бор, дея туриб,
бошпанасизман;
мен ҳаёти нашъадан эмас, азобдан иборат бўлган одамман;
мен — биров ичимга кириб-чиқибдими, тушунса! —
жонидан ўтганини ўзи-ю, Худогина билган —бадбахт одамман! Осийман!
Балки, шу боисдан,
мени денгиз қизиқтирар?!
Уйимдаги оддий ариқдан денгизга етгандирман?!
Мен шундай! Адиб-чи?!
Адибни нега денгиз қизиқтирар экан?!

ИККИНЧИ ҲОЛАТ

ҚИЗЧА

13

Осма-қутида
одамлар
шуларни ўйлашдими, бошқами?! —
ҳарҳолда, бир муддат сукутга чўмиб, хаёлга ботгач, —
қайтиб жонланишди.

Улар яна бир ухлаб, уйғонишгандек эди!

Шунинг баробарида, видолашгандек ҳолат ҳам, бахтиёрлик ҳолати ҳам, хаёл ҳам
уларни чарчатган, энди одамлар анча ҳолдан тойишган эди. Ҳеч ким нима қилиши, нима
дейишини билмасди! Шароит билан ҳисоблашишга ўрганмаган Қизча ҳам энди ҳаммага
"гаплашмайсизларми?!" деб жаврашни тўхтатган эди!

Осма-қутидан қутулиб чиқишга аллақачон умид қолмаганига қарамай, Ҳаким, Бе-
мор, Осий, Савдогар — тўрт киши Қизчанинг маслаҳати билан, яна дару деворни тақил-
лата бошлашди. Савдогар "энангни эмгур!" деб қўйиб, кафтдек телефонни ЯНА ишга
солди. Лекин бу уринишларнинг ЯНА бирон натижаси бўлмади!

Мен эски танишим — уйда қамалган Файласуфни ЯНА эсладим. У яхши кўрган ки-
тоб ҳам ёдимга тушди: "Тош кийганлар"! Адибга бу ҳақда гапирардим-ку,

шу паллада
биз ўзимиз —
ТОШ КИЙГАНЛАР эдик!
Одамлар худ-бехуд алфозда

орадан
яна
бир соатдан кўпроқ
вақт
ўтди...

14

Биров дару деворни тақиллатар,
бирова бақириб-чақирар,
бирова сўқинар,
бирова ўзи-ўзича гўлдирар,
бирова гоҳ ер чизиб, гоҳ депсинар —
қиёмат-қойим рўй бера бошлагандек эди.
Савдогар пул билан бало-қазони даф қилиш мумкиндек, қўйнидан ҳамёнини чиқариб, шошмасдан ёнида бор нақдинани санашга тушган эди.
Ниҳоят, санаб бўлди.
Лекин ҳамёнини қайтиб қўйнига солмай, ҳамон ўйланиб турар эди.
Уни кузатаётган Дарвеш-масхарабоз одатича минғирлади:
— Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак,
Одам бўлиш учун ҳамён керак!
Қизча бу гапга негадир кулди.
— Ҳамён эмас. Майдон керак, майдон! — деб бақириб юборди афтидан, ўзини тутолмай Бахши.
Шу пайт...
кутилмаганда...
ишонмайсиз...

15

Худойим! — мен ҳам, бошқалар ҳам хаёлига келтирмаган йўсинда...
осма-қути шағал тўкаётгандек бехос ғариллади. Ва ногоҳ шув этиб, пастга қараб кетди.
Ҳаш-паш демай биринчи қаватга етиб, қопқалари ланг очилди.
Биз
нима бўлганини
англаб олишга ҳам
улгурмаган эдик!
Ҳамма РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАга ақли бовар қилмаганидан, кундузи кўринган ойдек, ранги ўчиб, бўзрайиб қолган эди...

16

Йўқ. Одамлар ўзларини тез ўнгладилар.
Халқ ташқарига отилди.
ТИРИКЛИҚдан, ЭРКИНЛИҚдан катта БАХТ борми?!
ОЧИҚ ҲАВОДА юриш, офтоб НУРЛАРИГАга чўмиш ҲАР БИР ИНСОНГА насиб этсин!
Айниқса, кулфатлар, азоблардан кейин...

17

Мен ҳам осма-қутидан чиқдим.
Чиқдим
донг қотдим.
Нақ биз ҳозир тарк этган қопқа рўпарасида —
Салима турарди!
Мен кутилмаганда осма-қутининг ҳаракатга келиши сабабини шу ондаёқ тушундим...

18

Салима иккимиз одамдек кўришишга улгурмай, ёнимизда Ҳаким пайдо бўлди.
У ўтган йиллар орасида оилам бузилиб, хотиним билан ажрашганимни билмайди. Салимани менинг хотиним, деб ўйлади шекилли, қабарик кўзойнак остидаги катта кўзларини бақрайтирди:
— Хоним, қалайсиз?! Хоним?!

— Ўзинг қалайсан, Кўзойнак?! — бўш келмади Салима.
Ҳақим довдираб-гангиб қолиб, нари кетди.
— Юринг, айланамиз! — дедим Салимага.
— Ҳа, албатта! — деди Салима. — Сиз ўзи қаёққа отланган эдингиз?!
— Сизни кўришга! — дедим ўйланиб. — Майдонга...
Майдон бўлса, майдон-да!
Салима индамай, мен билан бирга
кўчага йўналди.

19

Кўчага чиққанимиз заҳоти
осма-қутида менга ҳамроҳ бўлганлар барчаси
майдонга қараб югуриб кетишаётганини кўрдим.
Салима иккимиз уларга эргашдик.
— Қачон қайтдингиз?! — деб сўрадим ундан.
— Кутмаганмидингиз?! — деди Салима.
— Кутган эдим!
— Бугун! — деди Салима. — Шу қўнғироқ қиламан. Шу қўнғироқ! Кейин, хаёлим
қочди.
— Раҳмат! — дедим унга, дунёда у борлиги учун.

20

Мен МАЙДОНни байрамми-бирон муносабат бўлган кунлар тушиб айланардим,
холос. Бошқа пайтда уни асосан, ўз хонам — йигирма етти қаватли бинонинг йигирман-
чи қавати ойнасида томоша қилардим. Олдин ҳам айтганимдек, МАЙДОНда ишим йўқ
эди!

Осма-қутини тарк этганда, мабодо Салимани учратмасам, ҳозир ҳам, бу ёққа кел-
май, тўғри уйимга кетаверишим мумкин эди! Ахир, мен, эсласангиз, майдонни шунчаки
бир қур айланмоқчи эдим. Бу ерда нега анча-мунча одам судралиб юргани мени қизиқ-
тирган эди. (Мен китобдаги қайсидир миршабми-зобитга ўхшаб, ҳар қадамда "Халойиқ,
тарқалинг!" дейдиганларни ёқламайман. Улар хиёнаткор, қўрқоқ кишилардир! Лекин
барибир, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейишади-ку, оши ҳалол бўлганнинг ҳаммаси
уни кўчада ичибдими?! Майдонда одамлар тўпланиши мени доим ажаблантиради. Таш-
вишлантиради! Бизга шундай тарбия берилган!) Қисқаси, бу кун МАЙДОН мен учун
муҳим эмасди. Салимани ўйлаётган эдим.

Мана, энди Салима ёнимда, осма-қутидаги ҳамроҳларим изидан майдонга яқинлашар
эканман, мен кириб-чиқиб юрган бино пастида, шаҳар марказида бўлганига, кўриб юр-
ганимга қарамай, бу ўзи ҚАНДАЙ МАЙДОН?! Номини нима?! Шаҳардаги бошқа май-
донлардан фарқи борми?! — билмаслигимни ҳис этдим.

Дунёда МАЙДОН кўп.
Қадимда дор қурилган майдонлар бўлган.
Дорбоз ўйнайдиган майдонлар бор.
Жанг майдони бор.
Экин майдони бор.
Тўп тепадиган майдон...

Рўпарадаги майдон булардан ҳеч бирига ўхшамасди! Тўғри, бу ерда одамлар ҳордиқ
чиқаргандек, айланиб юришарди. Фавворалар ёнида дўкон-дўкончалар очилган. Ҳар ер-
ҳар ерда, рангин шамсиялар остида тамаддиҳоналар кўзга ташланарди. Бинолар сояси-
даги юмшоқ курсиларда бировлар яхна симириб, бировлар музқаймоқ еб ўтиришарди.
Аммо бу ерни Сайл қиладиган Майдон, деб ҳам бўлмасди!

Мен —

Ҳақиқат майдони,
Шараф ва шарафсизлик майдони,
Адабиёт майдони,
Муҳаббат майдони,
Ҳатто ҳар бир одамнинг ўз майдони, —

деган гапларни эшитган эдим! Бу Майдон ҳам шундай, унга АНИҚ ном, белги топиш
қийин эди. У афтидан, Адибми, биз, унинг қаҳрамонларими?! — Хаёлидаги Олам эди!
Шу боисдандир...

Майдон этагидаги бинолардан бирининг пештоқиға катта ҳарфлар билан "Умр ўтди,
во-дариф" деб ёзилган, бошқа бинонинг пештоқиға негадир "Сиз турган МАЙДОН" ва

"МАЙДОН СИЗНИКИ" деган ёзувлар бор эди. Мен аввалги келиб-айланган пайтларимда ҳам, бу майдон шу ҳолатда эдим?! — эслаёлмадим...

21

Менинг дардим — Салима эди!

Салимани қўмсаб, хонадан чиққан,

ўзимни осма-қутига урган эдим.

Мана, ниҳоят, Салима билан учрашиб,

у билан МАЙДОНга ҳам келган эдим!

Ҳозир майдонни томоша қилаётиб,

иккимиз қаерда осойишта ўтириб, суҳбатлашсак бўлар экан?! — деб ўйлаётган эдим.

Назаримда, биз бу суҳбатга кўпдан буён интиқ эдик. Бу суҳбат мен учун ҳам, Салима учун ҳам муҳим эди!

Яна, назаримда, осма-қутида "қамалиб", азобланган, тоқати тоқ бўлган одамлар дафъатан қутулиб, майдонга отилиб чиқиши тасодиф эмас! Майдонда фавқуллодда қандайдир воқеа рўй бериши шарт эди. Мен бунга ишониб, буни кўнглимда сезиб турар эдим.

Биз майдонга етиб келганимизда, осма-қутидаги ҳамроҳларим аллақачон халқ орасига сингишган эди. Шундай бўлса ҳамки, биз уларни МАЙДОНда учрата бошладик...

22

Дастлаб Адибга кўзимиз тушди.

У бир четда, ёндафтарни тиззасига қўйиб, нималарнидир қитирлатиб ёзиб ўтирарди:

Мен эмасман тушкун. Ҳаётда
Ҳамма нарса оғир ботувчи.
Қурроқчилик пайти Бир Содада
Бўлган экан ёмғир сотувчи.

Айтиш мумкин. Хунук ё гўзал
Яшаб ўтиш — одамга боғлиқ.
Тоғлар ҳатто, бўлганда ўсал,
Мен тоғ! — деган, Буюк Бир Тоғлик.

Аллаерда — ҳасратга тўлиб, —
Излаганда одамлар далда —
Айтган экан Бир Доно кулиб:
Яшаш керак Биринчи Гада...

Кейин, Салима-иккимизнинг ёнимиздан —

Кўзойнак остидаги катта кўзларини бақрайтириб,

Ҳаким ўтиб кетди.

Кейин, кулиб бир нарсаларни минғирлаган Дарвеш-масхарабоз,

қовоқ уйиб олган Арбоб кўринди.

Кейин, ер чизиб бораётган Аёл...

Кимгадир "энангни эмгур!" деб гап тушунтириб кетаётган Савдогар...

пичирлаб, шукрона келтираётган Мулла...

ёд олганини ўқиётган Артист...

бир қўлида — дори, бир қўлида тамаки — Бемор...

қоқ майдон ўртасида дўмбирасини чертаётган Бахши...

катта ёшдаги кишилар орасида, уларга маслаҳат бераётган Қизча...

ўзини қўйишга жой тополмаётгандек, алланечук саргардон кезинган Осий...

Булар барчасининг

ҳолати

мен учун

энди

бироз

зерикарли

эди!

Мен-чи?! Мен қаршимдаги кенгликни —

"Одабийлик майдони" деб атасаммикан?! "Эгулик майдони" дебми?! — шу ҳақда ўйлаётган эдим.

Тезроқ бир чеккага ўтиб, ҳамон Салима билан якка қолишни ҳам ўйлаётган эдим!

Худди шу фурсатда

ажабланганимдан,
ёқамни ушладим...

23

Мен ўз хонам —
йигирма етти қаватли бинонинг
йигирманчи қавати ойнасидан кўрган,
ҳозир юзма-юз келаётган —
ОДАМЛАР ҳам, осма-қутидагилар сингари —
МЕНга таниш... тўғрироғи,
булар олдиндан МАЙДОНда юришган бўлса ҳамки,
МЕН ва ҲАМРОҲЛАРИим билан бирга
осма-қутида "қамалган" — ва мен, ўшанда
БУЛАРнинг КИМЛИГИни билиб олгандек
эдим!
Гап шундаки...
МАЙДОНДА ЮРГАН ОДАМЛАР —
осма-қутида эсга олинган ҳикоялар,
хаёлот оламида КЎРИНГАН
КИШИЛАРнинг ЎЗГИНАСИ эди!
БУЛАР ҳам АДИБнинг қаҳрамонлари эди!
БУ ОДАМЛАР ОРАСИДА:
Бемор (Шариф) касалхонада учратиб,
ёқтириб қолган Вилоят бор эди...
Аёл (Ирода)нинг ўғли Ҳамид, қизи Дилдора,
бир тўп бухоролик санъаткорлар бор эди...
Осий (Ёлғиз)нинг хотини Байрамжон...
Арбоб (Обидхўжа)нинг Машриқ ва Мағрибдан келган қариндошлари;
антиқа билим юрти талабалари...
Мен (Паноҳ)га учраган рассом...
Тоҳир ва Зухра...
Содикжон ва Наргиза...
Соддадил хотин ва унинг йўқолган эри...
Худойберган билан Миркомил...
Мулланинг қизчаси...
қишлоқлик кампир ва ўсмир...
Босмахонадаги гўзал жувон...
Чойхонада юрган Қария...
Ва ҳоказо. Ва ҳоказо.
Кўп!
МЕН—
БУНЧА ОДАМ,
БУЛАРнинг ҚИСМАТИ —
АДИБнинг бағрига, хаёлига
ҚАНДАЙ сиққанига ҲЕЧ ҚАЧОН
тушунмаганим, тушунолмаслигимни
ҳис этдим.
Йўқ. Мен Бош Қаҳрамон эмасман!
АДИБ менга шунчаки илтифот кўрсатган, холос. Нега?! Нима учун?! — Худо била-
ди...

24

Хижолат чекибми-эзилиб,
Салима билан МАЙДОН этагига йўналдим.
Музқаймоқ буюрдим.
Четроқдаги бўш жойга бориб ўтирдик.
Мен Салимани чиндан соғинган эканман. Энди бунга шубҳаланмас эдим. Жон-ву-
жудим бекорга талпинмаган экан. Уни мана, ҳозир кўриб турганимдан теримга сиғмаёт-
ган эдим. Бу учрашув менга ширин туш бўлиб туюлмоқда эди.
Салима билан бир сафар пайти, поездда танишганман.
Кейин, висолдан кўпроқ хижрон бизни яқинлаштириб қўйди.

Мен уни юзма-юз келгандаёқ яхши кўрганман.

У ҳам мени ёқтиргандек.

Иккимизнинг ҳам турмушимиз унмаган. Бошимиз очиқ.

Ҳаётни ўйлаш керак! Бу йўлда бизга ҳеч нарча халал бермайди!

Салима билан бу гал...

бу кун шу тўғрида

гаплашишга қарор қилган эдим!

Фақат гапни нимадан, қандай бошлашимни билмай,

сўз тераётган эдим.

Салима узоқ жимликка ўрганмаган.

У — ҳаракатчан. Тили ҳам — бурро.

Ҳар қачон учрашганимизда ёки телефон орқали гаплашганимизда

БЎЛГАНИДЕК, —

Ҳимолай тоғларими, Атлантик уммонми?! —

қандайдир тоғлар, уммонлар,

денгизлар, саҳролар,

кенгликлар, оролар ҳақида

ҳикоя қила бошлади.

Худди шу аснода

мен пайқадим:

ТУШУНМАЯПМАН!

Олдинлар дийдор насиб этганида ёки

телефон орқали гаплашганимизда

БЎЛГАНИДЕК, —

ҳеч нарсага

ТУШУНМАЯПМАН!

Буниси майли.

Сездимки, режа бузилди!

Салима — бошқа ОЛАМ.

Мен — бошқа...

Биз дўстлашиб юраверишимиз мумкин.

Лекин БИРГА ТУРИШ қийин!

Салима болани бағрига босиб ёки

бешик тебратиб, алла айтиб,

эри кўчадан келишини остонада кутиб турадиган

АЁЛ ЭМАС!

Қачон, нега БУНДАЙ БЎЛДИ?! —

АЁЛЛАР — ЯНГИ,

биз, эркаклар — ЭСКИ;

УЛАР — биз, эркаклардан анча олдинга

кетиб қолишган!

ТЎНТАРИШдан кейин бу ҳол рўй бердимми?! —

ЯҚИН-ЯҚИНдан буён шундай бўлдимми?! —

мен билмайман.

Биз, эркаклар АЁЛ оғзимизга, оғзимиздан ҳам кўпроқ кўзимизга ҚАРАБ ЯШАШИ-ни истаймиз. Шарқ, деймиз. Шарқ аёли, деймиз! АЁЛ қайсидир палла, қачондир ЭРКИН бўлиб олганидан хабаримиз йўқ. Биз, эркаклар УНИ ожизгина қўл узатиб, ОРҚАГА тортишга уриняпмиз, холос. У ЭСА шиддат билан ОЛДИНГА кетяпти! Қаёққа боряпти?! Қаергача боради?! Бу ЖАРАЁН қандай тус олади?! — биз билсак экан...

Худди шу аснода

мен яна бир ҳолатни пайқадим.

Тоғ мени Салимага ўхшаб, қизиқтирадимми?!

Йўқ, албатта.

Денгиз-чи?! Денгиз ҳам қизиқтирмайди.

Балки, Адибни қизиқтирар?!

Балки, Осийни?!

Мени эмас!

Менда чинакам ғурурми-шиддатми?! —

етишмайди.

Шу билан гапни тугатмоқчи эдим. Бироқ...

Салима иккимиз ундан-бундан сўзлашиб ўтирган эдик. Ёнимизга Осий келди.

— Халал бермайманми?! — деб сўради.

— Ўтираверинг! — дедим.

У бир шиша сув олиб, шошмай, қултум-қултум ича бошлади.

Биз унга аҳамият бермай, суҳбатни давом эттирдик. У ҳам, ёнимизда бўлса-да, одоб-ни бузгани йўқ. Бизни кўрмаётган, эшитмаётгандек ҳолатда эди.

Кўп ўтмай, ёнимизга Қизча келди.

— Сизлар билан ўтирсам майлими?! — деб сўради.

— Бемалол! — дедим унга ҳам.

Қизча музқаймоқ олган эди. Апил-тапил еди. Лекин ўрнидан туриб кетмади. Бизга тикилди:

— Ўртада ўйин-қулги бўляпти. Томоша! Сизлар нега бормаяпсизлар?!

— Ўзинг-чи?! — деб қизиксинди Салима.

— У ерда ўйнайдиган кўп! — деди Қизча. — Ўзлари ўйинни билишмайдию...

— Сен биласанми?!

— Мен ҳамма нарсани биламан! — деди Қизча. У ўтирган жойида бир қўлини ҳавога кўтариб силкитганча, қандай яхши ўйнай олишини кўрсатди.

Салима кулди:

— Сен ҳам менга ўхшаган чаққон, нотинч қиз экансан!

— Шунақа бўласан-да! Ҳаёт... — деди Қизча катталардек жиддий. — Мен аввалдан шунга ўрганганман! — У ўрнида қамирлаб қўйди. Туриб кетади, десам бемалол ўрнашиб, сўзни давом эттирди. — Бир йили онам билан меҳмон бўлиб, қишлоққа борганмиз. Ажойиб қишлоқ экан! Дарё бўйида. Масжидми-хонақоҳ, чиройли зангор гумбаз! Мен дарёга қизиқиб, жуда яқин жойда ўйнаб юрганман... Ўйнаётиб, ўмбалоқ ошиб, сувга тушиб кетдим! Тўрт ёшларда эдим. Лекин қўрқиб-ўзимни йўқотиб қўймаганман. Сувга бир шўнгиганимдан кейин, уриниб-типирчилаб, ҳар хил ўтлар, пояларга ёпишиб, қайтиб кўтарилганман. Чиқиб олганман! Шундан буён доим ўзим...

Осий узоқ бир нуқтага тикилиб қолган эди.

Қизча ҳикоясини тугатар-тугатмас, —

унинг бирдан кўзларига ёш тўлди.

У ўзи ўтирган курсидан ерга сирғалди,

Қизчанинг қаршисида тиз чўқди.

Қизчанинг қўлларини тутиб, —

юз-кўзларига, лабларига босди.

Сўнг ўрнидан сапчиб, катта йўл томон

ўқдек учди. Ҳойиб бўлди.

— У ким?! — деб сўради мендан, ҳеч нарсага тушунолмаган Салима.

— Осий!

— Нега югуриб кетди?! Қаёққа? Жинними?!

— Жинни эмас! У ҳозир тўри қишлоққа, хотини, қизчалари ёнига кетди...

... Бошимни кўтариб,

атрофга алангладим.

Адиб кўринмаётганмикан?!

Бўлган воқеани Адибга айтишим керак!

Мен энди қизганмайман! Аниқ,

Бу кунги

БУТУН ВОҚЕАнинг Бош Қаҳрамони —

энди Мен эмас, Осий...

Энди у ОСИЙ ҳам эмас,

Ёлғиз...

Балки, ЁЛФИЗ ҳам эмасдир...

1988-1998 йиллар



Чўлпон Эргаш

КЎЗИҲДАГИ
КҲИЗ

Хаёлий-кечмиш дoston

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Тун. Тор хужра. Эски, омонат столда китоб-дафтарлар. Раҳмон хира чироқ ёруғида китоб варақлайди. Эшик очилиб, Раҳмон чойхонада тушида кўрган Далли кампир пайдо бўлади. Раҳмон олдиниға уни таний олмайди.

ДАЛЛИ КАМПИР

(Остонаға чўкка тушиб ўтиради.)

Бош ювaман ҳар кун шу боғда,
Тегирмон булоқда...
Ёш туриб, ҳай-ҳай,
Ўтирасан кампири ўлган
Чолдан баттар ўй саноғида.
Келиб даври сен тенги ёшлар,
Ҳар панада бир кучоқ гулдай
Кучоқлашиб, то ярим кеча
Ғашт суришар парийлар билан.
Кўлингда тайёр хунаринг ҳам бор,
Поклигингдан аммо кимга қандай наф?!
Ҳалол-ҳаром қолдимиз ҳозир?
Тўғри одам чўнтағи тўмпайиб турмас...

РАҲМОН

(Уни таниб)

Ёш эканман ҳали у замон,
Яхшиямки, ёқмади ҳаром.
Зардоб ютиб бугун кун бўйи
Ўйлаганим бошқа, бувижон.

ДАЛЛИ КАМПИР

Ўйчи ўйига етгунча,
Таваккалчи уйига етар.
Фаришгалик даъво қилма кўп,
Хом хаёлдан ўзга ниманг бор?
Кушхонага ишга кир... Ана —
Кушнинг — бир девор,
Кам деганда, ҳар кун бир қўй орқалаб чиқар.
Битта ҳовли-жойни тиклаб у нечоғ,
Ўйланаяпти попукдай қизга.
Ҳозир тирик одамдан оч —
Тўқ ўлик аъло бўлиб бормоқда!

Ногаҳон кампирнинг ўнг ёнида Раҳмоннинг амакиси — Кодир мўйлов қиёфасида бошқа бир эркак алвасти ҳам пайдо бўлади.

ҚОДИР МЎЙЛОВ

(Куйиниб)

Жигаримсан, болам, гапирмай десам...
Бу кампир бувинг ҳам
Отанг билан менинг онамиз.
Сен боланинг бу юришингдан
Гўрида тинч ётолмас, шўрлик!..
Сенга шундай маслаҳат, жиян:
Ўзингни бил, ўзгани қўй сен,
Бусиз биринг икки бўлмайдди, бола!
Ўчакишма жинлар билан ҳам,
Шайтонни мақтаб,
Дев, парийлар этагини ушлагин маҳкам.
Ҳаммага ҳам кўринмас Шайтон, —
Бир марта келади йигитга омад,
Фурсат кепти, ўйнаб-кулиб қол!..

РАҲМОН

(Ҳайрон, ўзича)

Бувим руҳи бўлса бордир бу кампир,
Тирик эди аммо кеча амаким!..

ДАЛЛИ КАМПИР

Ёш эмассан энди, Раҳмонжон,
Ўйланишинг керак-ку сен ҳам.
Сен қайдаги хаёллар билан,
Қайрилиб боқмайсан қизларга ҳатто.
Ойнак олиб мундоқ ўзингга қара,
Йигит бўлиб қолдинг, жон болам!..

РАҲМОН

(Беихтиёр столида ётган бир парча тошойнага кўзи тушиб)

Во... бу қизни қачон кўрганман?!
Юзлари мисоли жоноқи олма,
Пирпирайди шаҳло кўзлари қувнаб.
Тўлқин уриб қирқ кокил сочлари ҳар ён,
Оппоқ шоҳи қўйлаги устидан тинмай
Тўлғонади бўйи баробар.
Қўлларида иккита пақир,
Сакраб-сакраб дам-бадам баланд кўчадан
Тушиб келар сувга — булоққа.
Етиб келар булоқ бошига, ана,
Пақирларин ерга қўймайин шўхчан,
Оппоқ-оппоқ сочларини силкитиб яна,
Унга сари жиғига тегиб кокиллари ҳам,
Ўраб холи, қошу кўзини,
Кулча юзларини олиб домига,

Буралишиб-буралишиб туриб қолишар.
Химарилиб кейин, иддао билан,
Букар нозик қаддини хиёл,
Қўнар булоқ бошига қушдай.
Сув уриб чўғ юзига “шап-шап”,
Ичар яйраб ўзи ҳам чанқоқ,
Чўлғатиб булоқ юзини тамом,
Сув ичади кокиллари ҳам.
Хуркак оҳу сингари ногоҳ,
Бир силкиниб, ўрнидан турар.
Тулғонади қомати сувда.

(Хайрат тўла кўзларини кўзгудан узиб, ҳар томонга жовдираб)

Дарров қайга йўқолди булар,
Наҳот бари тушимда бўлар?!.
(Яна кўзгуга боқиб)

Кўринмайди ҳеч қанақа қиз,
Демак яна жин-алвастилар!..

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Томошахона ҳовлиси. Кеч оқшом. Томоша бошланиш арафаси. Актёрлар хилма-хил сахна кийимида, у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб юришибди. Раҳмон ҳам шу алфозда.

РАҲМОН

Худо, яна ўзинг шарманда қилма,
Муҳими — ўзимни йўқотмасам, бас!..
Яхши чиқса агар бугун шу ролим,
Катта-катта роллар ҳам берар!
Саҳна — шу ҳаётнинг суврати, фақат
Алдасмаслик керак томошабинни.
Ҳаёт эса — бепул томоша, лекин
Кўзингни бақрайтириб алдаб туриб ҳам,
Унда ҳеч бир одам кулиб юбормас.
Бироқ, ҳисобсиз деб ўйлаб бу ҳаёт,
Бирдан кўпга тушиб қолиш ҳам мумкин...
Эскилар айтмоқчи ёруғ дунёда
Бировнинг бировда ҳақи қолмас ҳеч.
Саҳна ҳам — шу, кулсанг — кулсин барча тенг,
Йиғласанг — йиғласин сен билан ҳамдард.
Саҳна ҳаёт эмас, уч-тўрт зўр актёр
Алдаб, бор одамни тутиб туролмас.
Ишонтирмоқ бўлса ёлғонни, йиғлаб,
Қолиб кетмас асло улар ҳақи ҳам...
Аммо қизлар бошқа, гўдак сингари
Алдаш керак, севсанг, уларни фақат.
Ишонмаслар чиндан “севаман” десанг...
Оҳ жоним, сенми ё мен сени алдаб,
Менми ё сен бахтсиз бўлурсан, Раъно?!.
Шундай бўлса агар, тухмат бу дунё!..

Ёш жувон билан ялмоғиз кампир киёфасидаги Ўрта ёш аёл суҳбатлашиб, Раҳмон ёнидан ўтиб боришди.

ЁШ ЖУВОН

(Раҳмонга ер остидан буралиб боқар экан, бир қўли билан шеригининг белидан кучиб)

Шундай тортиб ўзингга маҳкам,
Тишлаб-тишлаб олсанг бетидан!..
Қийқириб кулади.

ЎРТА ЁШ АЁЛ

(Раҳмонга мастона кўз югуртириб)

Кўзга яқин ростдан ҳам, аммо,
Ҳали у кўз очмаган шекил?!.

ЁШ ЖУВОН

Ким бу жойга қўйибди қадам
Кўз очган у она қорнида.

ЎРТА ЁШ АЁЛ

Бор экансиз, сиз ҳамширалар,
Ҳар қандай кўз дўхтири — бекор.
Бўлса ҳамки ҳатто туғма кўр,
Мошдек очиб кўюрсиз тезда...

РАҲМОН

(Роли сўзларини ёдлаб)

“...Шайтон билан фаришталар боши бир бугун,
Жонзотки бор ҳалол-ҳаром, оши бир бугун.
Етакдаги гўдақдан то чол-кампиригача,
Қайнаган ҳирс бозорида тоши бир бугун...”

ЁШ ЖУВОН

(Зорланиб)

Куни кеча менинг ўзим ҳам
Кўр эдим шу барно йигитдек.
Мени кўрган ҳар ким пойпатак,
Эргашарди ортимдан итдай.
Қанча бўлса ўлгур чиройим,
Шунча эди менда ҳам гурур.
Нечаларни куйдириб, охир,
Куйиб қолдим ўзим бир умр...

ЎРТА ЁШ АЁЛ

Бир сизмики куйган, нолирсиз,
Бу жаҳаннам ўтида бугун?!
Ажаб эмас, учраб тенгингиз,
Икки ёрти бўлса бир бутун.

ЁШ ЖУВОН

(Армон билан)

Илк ғунчалар бўйнимда маржон,
Тажрибасиз ниҳол эдим бир.
Бир кун ногоҳ эркалаб бағрим,
Илиқ бир ел эсдию дилгир,
Мен, баҳорим келди деб, яйраб,
Кулиб боқдим очилиб ҳар ён.
Кўзғолдию бирдан изғирин,
Ҳазон бўлди бирдан гулларим!..

ЎРТА ЁШ АЁЛ

Баҳорингиз олдинда, жоним,
Очилмаган гулингиз қанча...
Қараб турсам қоматингизга,
Ҳатто менинг жимирлар этим.
Хандон отиб куладилар.

ЁШ ЖУВОН

Армон бўлган илж муҳаббатим
Пок юзига қўйдиму оёқ,
Умидларим бари то бу кун
Оёқ ости бўлур ўшандоқ!..

ЎРТА ЁШ АЁЛ

Сиз биринчи муҳаббатим деб,
Ғам чекасиз синглим бекорга,
Дарахтдаги меваларнинг ҳам
Қурт тушгани пишар энг аввал.
(Жувоннинг пинжига суқилиб)
Биттаси — мен... Жоним садақа
Ҳар қанақа муҳаббатга ҳам!
Аммо қандоқ аталмасин у,

Ҳаром қоннинг васвасасидир.
Шундоқ экан, ҳавас қилманг ҳеч,
Эр зоти бор — оёққа тушов.
Ўтар-кетар дунё — бу дунё,
Ўзингни ютганинг фақат...
(аламли хўрсиниб)

Ой чиққандай саҳнага оҳ-оҳ,
Кунда ҳар тур малика эдим.
Э воҳ фалак, тўймай ёшликка,
Бугун мана шалвираб қолдим...

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Истироҳат боғи. Раҳмон ҳаёллар оғушида хиёбон бўйлаб боради. Бориб, боғ этагида бир дарахтга суянганча, ҳолсиз туриб қолади.

РАҲМОН

Бувим бўлиб кўринган ўша Алвасти кампир
Сеҳри билан бу қизни кўзгуда кўрдим аввал.
Юрагимда бир умид, минг ҳаёл, шубҳа билан
Нимадандир бир жойим эзилиб ич-ичимда,
Ўзимдан-ўзим яна йиғлагим келиб нукул,
Билмайман, қандай қилиб, қай маҳал ухлаб қолдим...
Тушимда мен Фарҳоду Ширин бўлиб у қиз ҳам,
Мана, етдим деганда, уйғониб қолдим ногоҳ.
Уйғониб кетдим, лекин, ҳали тонг ёришмаган,
Аммо куёш чиққандай чарақлар эди ичим.
Гўё арафа куни кеч қолмай деб ҳайитдан,
Тун бўйи кўз юммаган бола каби, безовта,
Ётолмай туриб кетдим, ухлаб қолмай деб, мен ҳам,
Ховлиқиб, саҳар-мардон кийиниб олдим яна.
Шуни биламан, холос, қай кўз билан кўрайин,
Уйда эмас, борардим бир маҳал боғ оралаб...
Эсласам, ҳатто, ҳозир, жимирлаб баданларим,
Куппа-кундуз юрагим орқага тортиб кетар.
Аммо қилча ҳайиқмоқ у ёқда турсин унда,
Сал қолардим ҳайқириб юборишга қувончдан...

Ҳар ёқда турли қушларнинг чуғурлаган саслари авж олади. Ўз ҳаёли билан банд Раҳмон қулогига бу сирли чаҳ-чаҳлар кирмайди.

ҲАККА

Юрагида дардлар бевақт,
Ошиқ келар яна, бебахт.

ҚУШЛАР

Чуғур-чуғур, чаҳ-чаҳ-чаҳ,
Бошимиз гўр, шақ-шақ-шақ,
Ҳар шохда зор бул-бул-бул,
Ҳар оғочда тақ-тақ-тақ!..

РАҲМОН

Ҳаёлимда ўша қиз, кокиллари паришон,
Йиғлаб булоқ бошида кутар мени интизор.
Мен ҳам энди учирма бўлган булбул сингари,
Етиб келдим гулимни излаб худди шу жойга.
Ошиб мендан гўёки хавотири кетма-кет,
Кириб келди боғ аро тонг ҳам кулиб шу маҳал.
Тонг билан тенг жилмайиб кўзгуда кўрганимдек,
Фақат энди устида номозиюм атлас кўйлак,
Юриб эмас, қўлида икки пақир ўша қиз,
Учиб келар булоққа сув ичгани товусдай.
Мен бўлсам-чи, ёпишиб танглайимга забоним,
Худди сингиб борардим уятдан шу дарахтга.
Эҳ, шу уят, андиша доим менга берар панд...
Ютиб ичимга тиллим, қараб турибман девор,
Гўё оҳу булоқдан сув ичар экан ногоҳ,

Чўчиб аввал шерми деб, молга кўзи тушганда,
Ҳимарилиб боққандай порпиратиб кўзларин;
Мени кўриб, жинми бу, жинними деб, ҳайрон у,
Бирпас қотиб турар-да, кейин туфлаб кўксига,
Иддао билан, шартта буриб юзини мендан,
Бақрайтириб кўзларим, тез-тез сувни олару,
Қўйиб яна гафлатда, ғойиб бўлар тушимдай.

ЧИТТАК

Адо бўлмай эй ошиқ,
Бу кўчадан чиқ-чиқ-чиқ.

ЧУМЧУК

Кўзингни оч, чум-чиқ-чум,
Қиз эмас у, парий шум.

ЧУГУРЧУҚЛАР

Вижир-вижир ишимиз,
Ҳар мева — емишимиз.
Одамзот қисматига
Ўтмас аммо тишимиз!

РАҲМОН

(Юраги ҳовлиқиб, атрофига тез қараб олади.)

Эгнида оқ яланғат шохи кўйлак шимтираб,
Кулиб турган қиз каби илк баҳор эди унда.
Бугун онам сингари силаб бошим хазон куз,
Сарғайган баргларини ташлар, титраб елкамга.
Ови келмас, укувсиз шаҳзодадай мен ҳамон
Тентирайман, сарғайиб, у оху кўз йўлида.
У келиб сув оларкан, эгилиб ер остидан
Кўз учида бир нигоҳ ташлар худди жон узиб.
Жилмайиб сўнг, гўеки кулиб мендан таънали,
Кетиб қолар айириб тил-жағимдан ҳар сафар.
Жон кириб сал ортидан, жиғиллайди юрагим,
Шовуллайди бир ёнда азим дарё ҳамоҳанг.
Титроқ солиб мажнунтол остидаги булоққа,
Гувиллайди ёлдираб баттар соқов тегирмон.

СЎЗАНАКЛАР

Ҳар жон учун ҳар наҳор
Чизиб қўйган чизиқ бор.

КАПАЛАКЛАР

Эгри-бугри йўлимиз,
Шоҳи атлас тўнимиз.

ТУРЛИ ЖОНИВОРЛАР

Бировимиз судралиб,
Бировимиз буралиб,
Тўйгунча қимирлаймиз,
Жуфт-жуфт дала-қирлаймиз.
Берган ризқидан кўпроқ
Юриб бўлмайди, бироқ
Очлик қилиб кўзимиз,
Ютиб кетар ўзимиз.

ГУРРАКЛАР

Биз гурракмиз, гурр-гур,
Ким бировлар хурр-хур.
Инс-жинсларга хор, малол
Одам эмасмиз, шукур!..

Тўғридаги баланд кўча ўртасида, қўлларида икки пақир қиз кўринади.

РАҲМОН

Ана, келар у яна раққосадек буралиб,
Гўеки сув баҳона ошиқади висолга.
Кўриб мени юзлари лола бўлиб ёлғондан
Боққан бўлар ўзича, ўйноқлаб ҳар қаёққа.
Аmmo, мен-чи, мен кесак, ивиб худди ёмғирда,
Токай ботиб теримга ерга кириб борурман!
Кўрмисанки, тош тишлаб у ҳам сўнгги маҳаллар,
Мажнунтол баргларини силаб узоқ-узоқ жим,
Кокиллари булоқда сузиб зулук сингари,
Гўё мендан бир садо кутиб ўтирар маъюс.
(энтикиб)

Чидолмайман энди, йўк, майли, олсин у жоним,
Андишани сидириб бораё бугун ёнига!..

Қиз етиб келиб, булоқ қирғоғига пақирларини қўяди. Раҳмон ҳаяжондан қалтираб,
унга қараб юра бошлайди.

РАҲМОН

Бўйнидан боғлаган ит овга ярамагандай,
Оёқларим илиги қуриб, тортар орқага.
Бандга тушган қуш мисол томоғимга тикилиб,
Учиб чиқиб кетгундай потирлайди юрагим.

Раҳмон қоқилиб-суқулиб қиз ёнига яқинлашади. Қиз уни кўрмаганга олиб, булоққа
тикилганча сув ўйнаб ўтирган бўлади.

РАЪНО

(Титраб, ўзича)

Оҳ, худойим, минг шукур, қилиб сенга нолалар,
Айтган арзу додларим қабул этганинг учун!
Юрак ютиб, бахт қушим келар қошимга, аммо
Қарагани қўрқаман, учиб кетмаса деб, у!

РАҲМОН

(Раънодан сал нарида овози титраб)

Ссалом... Раъно!..

РАЪНО

(Бошини кўтаролмай)

Салом!..

РАҲМОН

(Чўчиб)

Майли, уришинг...
Урсангиз ҳам... бугун менга барибир!..

РАЪНО

(Раҳмоннинг аҳволини кўриб, ҳазиломуз)

Вой, нима деяпсиз, мен сизни ураё,
Уришсангиз, ўғил болалар кўп-ку?!.

РАҲМОН

(Дадиллашиб)

Мана... келдим, тугаб бардошим, Раъно,
Не қилсангиз энди сизда ихтиёр!..

РАЪНО

Билмасам... ўзингиз чўчиб қарайсиз...
Аmmo кўрқмай, билиб олибсиз отим.

РАҲМОН

Пойлаб келганида отангиз у кун,

“Раъно”, деганини эшитиб қолдим...

РАЪНО

(Хижолатда, маъюс)

Хаёл билан булоқ бошида қандоқ
Қолиб кетганимни билмайман узоқ...

РАҲМОН

Мен ҳам кўрмай қолдим...

РАЪНО

Сездим ўзим ҳам...

РАҲМОН

Яхшиям, мен сиздан узоқда эдим.

РАЪНО

(Булоқда Раҳмон билан ўз аксини ёнма-ён кўриб)

Қаранг, қандай тиниқ!

(ўйчан)

Фақат... шу... отам...

(ҳамон ерга қараб)

Айтинг сиз ҳам исмингиз?!

РАҲМОН

Раҳмон.

Рози эдим шундай кўриб юрсам ҳам,
Бироқ тенгқурларим хизматга борар...
Қайтиб тополмасам сизни мен, Раъно,
Ундан кўра бугун ўлганим маъқул.

РАЪНО

(Ҳаяжонда)

Ўйлаб, ўйларимга ета олмайман,
Кўрмагандим дейман бу йигитни ҳеч...
Аммо билгандайман сизни азалдан,
Сезилмайдими ҳеч сизга шундай ҳол?!

РАҲМОН

Гарчи, сўзларимдан куларсиз, аммо,
Мен сизни илж бора кўрдим тушимда!

РАЪНО

(Бошини кўтариб, таажжуб билан)

Тушингизда... тавба... қандай, қанақа?!

РАҲМОН

Бўйингиз баробар оқ шоҳи кўйлак...

РАЪНО

(Ҳайрон)

Чиндан ҳам шундай бир кўйлагим бор, оқ,
Бичими кўнглумга ўтирмас бироқ.

РАҲМОН

Учиб борардингиз оққушдай енгил,
Ҳам шундай чиройли эдингиз унда.
Номозшом атласда топдим мен кейин,
Кўрсамки, гўзалроқ экансиз яна.

РАЪНО

(Ўқсик хаёлда)

Учиб кетсам дейман ростдан ҳам узоқ,
Бироқ қанотларим қайрилган доим.
Ҳатто қадамларим санаб ҳар нафас,
Қўймас ўгай отам ўз эркимга ҳеч.
Тирик бўлса эди ўз отажоним,
Хўрланмасди бунча онам шўрлик ҳам.
Нега қанотим йўқ, нега қушмас, мен,
Аммо талпинаман кўкка эрта-кеч!

РАҲМОН

Мен ҳам тўймай ўсдим ота меҳрига,
Шукурким, онам бор — буюқ давлатим.
Тулиб ярим кўнглум, ғойибдан яна
Умрим баҳорида сизни учратдим.
Шундан юрагимда бир дард бор, мунис,
Ширин армоним у, жонимга туташ.
Унутиб ўзлигим ҳануз беором,
Тирикман, оҳ, унинг хаёли билан.
Қоронғу кечалар дуодек ҳар кун
Ёлбораман кўкка, исмингиз ёдлаб.
Қўлим етмас, аммо, юпатиб ўзим,
Бор-ку, дейман, ахир, қайда бўлса ҳам.
Фақат кўрганимда занжирбанд кулдек
Тўлғонаман, қотиб қаршингизда лол.
Узиб у зил-замбил занжирни бугун,
Келдим қошингизга ёлвориб озод.
Кошки, ўзингизга кўриб мени тенг,
Иқболим тонгидан берсангиз хабар.
Эъозлаб қуёшдек мен ҳам бахтиёр,
Бошимда тутардим сизни умрбод!..

РАЪНО

(Уят ва қувончдан юзлари ёниб)

Ҳайронман... ҳали ёшман-ку... аммо...
(жилмайиб, ўйчан)

Онамлар айтмоқчи, қизилгул — ғунча.

РАҲМОН

Мен ҳам бир боғбонман, ёш ва беқарор,
Интизор булбулдай гул юзингизга.

РАЪНО

Бу боғда нима кўп, гуллар ранго-ранг.

РАҲМОН

Гуллар ичра аммо танҳодир Раъно!

РАЪНО

“Раъногул” деб нукул мени ҳар қайда,
Жиғимга тегишар, ким кўрса қачон.
Раҳмон сиз у гулни кўрганмисиз, ҳеч?

РАҲМОН

Ундан чиройлироқ гул йўқ оламда!

РАЪНО

Оҳ, мен ҳам у гулни кўрсам эди бир!..

РАҲМОН

Унга бир боқсангиз, биларсиз, кўриб,
Менинг қандай куйиб-ёнганимни ҳам!..

(Раъно уялиб булоққа юзини бурди.)

Раъно, шундан бир кун кўрмасам агар,
Айрилиб колгандай сиздан умрбод,
Босриқиб тушимда доим бетоқат
Тўлғаниб чиқаман йиғлаб то саҳар.
Шукур дейман, титраб шу кунимга ҳам,
Шукур қиламану шу тобда яна
Бир шубҳада ёниб кетаман баттар.
Ошиқаман тагин саҳарлаб боққа,
Майли, не бўлса ҳам, бориб мен бугун
Ёрай қон юрагим дейману сизга,
Тенг кўрарми мени дея шундоқ қиз,
Оёқ узолмайман, тушимдай ҳар гал.
Бироқ ўйлаб яқин сафарни тагин,
Ёрилиб кетгундай бўламан тамом.
Сиз ҳам эслайсизми мени бирор он?!

РАЪНО

(Булоқдаги аксига термулганча, хаёл билан)

Рост, хайрон бўламан мен ҳам ҳар доим,
Қувиб солсам дейман бошимдан, қайда,
Кўриб қолаётгандай кўзимда сизни,
Бировлар кўзига қаролмайман ҳеч,
Қайда бўлмай, қачон мўлтираб бирдай,
Кўзимдан ўтасиз сувратдай тилсиз.
Шунда ич-ичимда хўрсиниб, ўксиб:
“Ўтиргандир дейман, кўз тикиб йўлга.”
Бир қизиқ бўлиб сўнг, урушиб ўзим.
Ошиқаман уйга юрагим ўйнаб.
Кўриб қайтаману олисдан дарров,
Билмайман не илож қиларим ўзга?!

РАҲМОН

Сизни бир кўрдиму бутун журъатим,
Ақлим, қароримни йўқотдим Раъно!

РАЪНО

(Атрофга аланглаб, аста Раҳмонга)

Кўриб қолиб бизни уришса отам,
Кўнглунгизга олманг бўптими Раҳмон?!

РАҲМОН

Сиз фақат хайрихоҳ бўлсангиз агар,
Чидарман қиёмат озориға ҳам!

РАЪНО

(Лаблари титраб)

Майли... кут десангиз, кутаман... лекин...
Ким билар... ойингиз кўзлаган бирон...
Мендан чиройлироқ бошқа қиз бордир?!

РАҲМОН

(Ҳовлиқиб)

Йўқ, кўнглунгизга ҳеч келмасин шубҳа,
Бу дунёда танҳо сиз бор мен учун!
Алмашмасман бутун оламга, ҳатто,
Гулгунчадай битта тирноғингиз ҳам!

РАЪНО

(Титраган бармоқларини кафтларига яшириб, ўзича)

Оҳ, бунча ҳовлиқар курғур бу юрак,
Нафасим бўғзимга тикилар баттар.
Ёқар таним ширин изтироб билан,
Ўртаб вужудимни ажиб аланга!

РАҲМОН

(Энтиқиб)

Кўрқаман, отангиз бермас деб фақат,
Розимисиз Раъно бермаса агар,
Олиб қочиб кетсам бу ердан сизни?

РАЪНО

(Овози титраб)

Оҳ, худо, бунча тез айириб фироқ,
Олиб кетар сизни мендан йироққа?!
Тутиб хаёлингиз этагини мен
Кўзимга суртарман йўлингизда зор.
Фақат кўрқаманки, унутиб эрта,
Ташлаб кетмасангиз мени... оҳ, агар,
“Юр!” десангиз, тутиб кўлимдан маҳкам,
Учиб кетар эдим ҳозир сиз билан!..

РАҲМОН

(Беихтиёр Раънога яқин сурилиб)

Қандоқ ҳам унутай бу кўзларингиз —
Икки офтоб бўлса умрим тонгида,
Бир жонимга яна минг бир қасди жон —
Асириман мағрур киприкларингиз.
Жамбил сочларингиз занжирига банд,
Талпинар беқарор, сиз деб юрагим,
Бири олиб жоним, бири берар жон,
Мулки ишва икки қилич қошингиз!..

РАЪНО

(Хаёлдан юзлари лола, ўзича)

Юрагим ёрилиб кетмаса ҳозир,
Ёнаяман... танамга ўт тушган гўё.
Туташиб сочларим учига қадар,
Чирмашади кўкка аланга ўтим.
Булбул бўлиб шундоқ барно бир йигит,
Мендек бир чечакни улуғлаб шунча,
Осмондан тушгандай ушлаб кўлимдан,
Учириб бормоқда жаннат — фалакка!..

РАҲМОН

...Қонга беланиб ётар жон қушим,
Икки юзингизга менгазб — нақш-нигор.
Сизда бари икки — ой билан қуёш,
Сизсиз икки олам менга зимистон.

РАЪНО

(Аста Раҳмон томон бурилиб, ўзича)

Кўзим тушса чақноқ кўзларигаю
Қошларига қирғий қанотларидек,
Сув бўлиб тирноғим учига қадар,
Худди ерга сингиб бораётгандайман.
Гул баргидай титраб лаблари бирам,
Олов нафасидан қип-қизил лола.
Анор бўлиб баттар икки юзим ҳам,
Эриб бормоқдаман ўт-ўт тафтидан!..

РАҲМОН

(Раънога талпиниб)

Қолар бўлсам бир кун икки ўт аро,
Ора кирар икки чўғдай лабингиз.
Сиз менинг юпанчим ҳам кўз ёшим,
Хаёт-мамотим — сиз, ёлғиз Раъноҳон!

РАЪНО

(Тамом эс-хушидан айри, титраб, ўзича)

Оҳ ана, қўллари тегар қўлимга,
Нима қиялпман мен, ихтиёрим йўқ?!
Учиб кетаётгандай осмонга ногоҳ,
Унинг қўлларини тутаман маҳкам!

РАҲМОН

(Раънонинг қўлларини кафтлари орасига олиб)

Кошки, бу айрилиқ тушим бўлсаю
Тутиб қўлларингиз гул каби шундай,
Термулиб тўймасам сизга умрбод,
Эҳ, туш бўла қолса!..

РАЪНО

(Беихтиёр Раҳмоннинг кўксига бошини қўйиб)

Туш бўлсайди, оҳ!..

Шу маҳал, булоқ устидаги баланд кўча ўртасида, узун гаврон тутган, ўнг қўлини орқасига яшириб, баланд бўйли, оппоқ соқол ориқ бир чол пайдо бўлади ва у писиб, аста ошиқ-маъшуклар томон келаверади.

Осмонда турналар аргумчоқ солиб ўтадилар.

ТУРНАЛАР

Тортиб мезон: “Қур-қур-қур!..
Борар хазон: “Хур-хур-хур!..
Ҳар жонзотни, жонолғич,
Қувар очкўз: “Тур-тур-тур!..
Бу дунёнинг ўзи — пуч,
Яна унинг нафси — куч.
Катта очиб оғзини,
Келар қиш ҳам “Гур-гур-гур!..
Жудоликда, во дариғ,
Қуёш юзи ҳам сариқ.
Бу жафога ёлғиз бир
Одам чида: “Урр, сур-сур!..
Оздай унга бу савдо,
Уриб даво бедаво
Оғзидаги ошга ҳам,
Жинлар юрар, сурр: “Юр-юр!..
Тўймай улар ош-нонга,
Оғиз урар инсонга.
Еб-ютиб, оч, ҳар ёқдан
Кириб келар: “Гур-гур-гур!..”

ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

РАҲМОН

Булоқ боши эмиш тушида:
Шовуллармиш бир ёнда дарё,
Қуйилиб мажнунтол новдаларидай,
Кўкси билан битта сочлари,
Қўлларини солиб бўйнига.
Ўтирармиш қучоғида қиз.

Шувиллайди Раҳмон юраги,
Гувиллайди баттар тегирмон.
Дам бошини қўйиб кўксига,
Дам кўтариб бошини Раъно,
Эркаланиб боқару қизик,
Аллanelар дея нолакор,
Ёлборади Раҳмонга нуқул...
Гувиллайди яна тегирмон,
Шовуллайди азим дарё ҳам.
Очиб-очмай лабларини қиз
Юлиб кетар сўзини шамол.
Эшитолмас Раҳмон ҳеч нима.
Гўё чиқиб унинг бағридан,
Сой соҳили тарафдан Раъно:
“Раҳмон мени қутқаринг!” деб,
Ёлборгандай бўлар дод солиб.
Ваҳоланки, шундоқ қўйнида —
Қучоғида ўтирарди қиз.
Гувиллайди титраб тегирмон,
Уввос солар гўё дарё ҳам...
... Бир қўлида узун тол гаврон,
Орқасига қилиб қўлини, писиб,
Тушиб келар бир чол баланддан.
Музлаб қолар Раҳмон тили лол.
Қараса у, яна йўқ қиз ҳам!..
Чол ўрнида уни бир аждар
Тортиб борар, судраб домига —
Катта очиқ оғзига қараб,
Кетиб борар судралиб Раъно.
Ўпкаси бўғзига тикилар Раҳмон,
Кўтарилар осмонга аждар.
Чангалида товус боласи гўё,
Олиб учар Раънони юҳо.
Депсинади осмонга Раҳмон...
Оёғини узолмас аммо.
Учиб борар баландлаб аждар...
Важоҳат-ла бир сакраб ногоҳ,
Оёқ узар Раҳмон ҳам ердан.
Қочиб борар тоғ, даралар оша аждарҳо,
Қувиб борар бургут сингари Раҳмон...
Шу маҳал бирдан,
Бир шўнғиб ерга,
Пастга — туман ичига кириб,
Ғойиб бўлар аждар ҳам, қиз ҳам!..
...Пайдо бўлар кулиб ёнида Шайтон:
“Сенмисан, Раҳмон,
Неча бор айтдим.
Йўриғимдан чиқма дедим, мен,
Одамларга қайишма, дедим,
Ўчакишма, дедим, биз билан!
Қанча бақирсанг ҳам сен, қара,
Бош кўтармас бирор тирик жон,
Ухлаб ётар улар хотиржам...
Бақириб сен уйғотганда ҳам:
“Тинчимизни бузар бу ношуд, нодон,
Жинни” деб, дарров
Кишан урар оёқларингга.
Уларми... биз учун капалақдай гап,
Эзиб ташласанг ҳам олиб товон остига,
Улар “ғинг” деб овоз чиқармас.
Иста — бошинг тошга уриб ёр,
Истасанг — томоғинг йиртилиб ўлгин,
Асло уларни сен уйғотолмасан!..
... Қон қуйилиб кўзига шу дам,
Отिलाди Шайтонга Раҳмон:
“...Ўлдираман сени бари бир,

Қуритаман жинларингни ҳам,
 Одамларни оздириб йўлдан,
 Токайгача алдайсанлар, а?
 Гадо қилдинг одамларни, сен,
 Адои тамом айладинг умрим!..
 "...Ҳай-ҳай!" деб шу вақт,
 Қўлида бир шапалоқ қоғоз,
 Шарақлатиб эшикни, очиб
 Кириб келар онаси Ширмон.
 Ўдаланиб ётган ўрнида,
 Хонада ўз-ўзини Раҳмон
 Бўғар эди думалаб "хир-хир".
 "Ҳай, болам... ҳай, кўзларингни оч,
 Сенга нима бўлди, ўргилай?!"
 Қўлларига ёпишар она.
 Унга сари қўллари чангак,
 Чирмашиб ўз бўйнига баттар,
 Бўғилади хириллаб Раҳмон.
 "Вой, болам, ким бор,
 Қўй дейман, қўйвор?!"
 Туриб кетар бир сакраб Раҳмон,
 Ола-кула қонли кўзлари,
 Энтикиб деразага ёпишар,
 Ташқарига чопар довдираб, кейин...
 Дам осмонга боқар олайиб,
 Дам ерга кўрқинч, қарайди,
 Дам бўйнини силар, қоқинар,
 Йўталади бўғилиб узоқ...
 Тахта бўлиб қотар онаси.
 Эс-хушини тўплаб у сал-пал,
 Онасини кўриб қолару
 Оёғига ўзини ташлаб,
 Қон-қон йиғлар, алам ичида.
 Кетди... қочиб кетди...
 Топ-тоза осмон йирок,
 Учиб кетди осмонга, тамом!
 — Нималар деяпсан, айланай болам,
 Раҳминг келсин бизга, худойим!
 Босинқираб қолибсан, ёлғиз...
 Кўзингни оч, болам сенга ҳам .
 Чақириқ қоғози келди ҳарбийга!..

1978-88-йиллар.





Маҳкам Маҳмуд

Ҳикоялар

ЯЛАНҒОЧ БОБО ВА ТЕМУЧИН

Хижрий 602 (милодий 1206) йили илк баҳор кунлари. Тоғу водийларни ям-яшил ўт-ўлан қоплаган, алвон лолалар гулхани кўзни қамаштиради. Майин шаббода тоғ райхонлари, анҳорлар бўйидаги ялпизларнинг атрини атрофга таратади.

Тоғ устидаги ялангликда остонаси тиллодан оқ кигиз ўтов тикилган. Ўтов олдидаги узун устун найзада тўққиз думли оқ байроқ ҳилпирайди. Байроқда тасвирланган — ҳамла қилаётган узун аждаҳо жонлига ўхшарди.

Оқ байроқ остида жуда катта Будда ҳайкалининг тахтига ўхшаш тўққиз зинали олтин тахт ўрнатилган. Унинг икки ёнбошида икки аждар боши олтиндан ишланган.

Тоғ ёнбағирлари, бутун теварак-атроф сон-саноксиз лашкарлар билан тўлиб-тошган эди. Лашкар орасида кўнғирот, боёвут, найман, қирғиз, ойрот, қангли, чигил, уйғур, қаройит, явмут, марқа қавмлари бўлиб, буларнинг кўпчилиги “муқаддас аждодимиз” деб, ит ва отга сиғинадилар. Буларнинг хони Темучин эса динсиз, у ҳеч бир жонзотга сиғинмас эди.

Аммо бугун машҳур дарвеш — қаландар, авлиё Кўк Очун — Яланғоч бува улуг хонни Кўк Тангрига хизматкор деб эълон қилмоқчи. Улуг хон динсиз, энди Кўк Тангрига ишонишини бутун дунёга намойиш қилмоқчи. Негаки, авлиё Кўк Очунга Тангри таоло ишорат қилибдики: “Агар Темучин оламдаги бечора, мискин, мазлум халқларни золимлар зулмидан қутқарса, бутун дунё салтанатларини унга берурман!”

Яланғоч бува бу олий ишоратни ўтган йили улуг хоннинг қулоғига айтган эди. Дарвеш-қаландарларнинг мақсади — улуг хонни динига киритиш эди. Темучиннинг нияти — бутун дунё салтанатларига ҳукмрон бўлиш эди. Камбағал, бечора, мазлумларни ҳимоя қилишга сўз берди.

Темучин отасини, ёшлик йилларини эслади. Марқа уруғидан Жийладу деган йигит кўнғирот уруғининг гўзал қизи Ойўланга уйланди. Қасам дарадаги тўйдан сўнг у келинни соябон аравада қишлоғига олиб кетаётган эди. Шу пайт тоғда, дарё бўйларида ов қилиб юрган Ясуғой баҳодир соябон аравани кўриб, акаларини чақириб келди. Уч киши келин-куёвни қувлай бошладилар.

Гўзал келинчак куёви ўлиб кетишидан кўрқди. Йиғлаб, унга оқ шойи рўмолини эсдаликка берди ва деди:

— Бошингиз омон бўлса, сулув қизлар топилур, мени деб ёвлар кўлига тушманг.

Йигит ноилоҳликдан, учқур отига қамчи урди. Ясуғой баҳодир сулув келинчакни ўлжа қилиб, улус қишлоғига олиб келди ва унга уйланди.

Бундай талончиликни куёшга топинувчи мўғул-тоторлар баҳодирлик деб билар эдилар.

Тўққиз ойдан сўнг кўнғиротлик келинчак фарзанд кўрди.

Чақалоқ қафтида ёнғоқдай қон қуйқасини чангаллаб тушган эди. Бу — Темучин, бўлғуси Чингизхон эди.

Шу йил Чин ҳоконлигини жужанлар — хитойлар босиб олган эдилар. Бу давлат чегарасида Ўрхун-Энасой дарёлари оралиғида урушқоқ тотор қабилалари тез-тез Чин давлати чегарасидан ўтиб, қишлоқларни талон-тарож қилиб, бой ўлжалар билан қайтар эдилар. Чин ҳокони тотор босқинчиларига қарши бошқа туркий қабилалар — найманлар, қаройитлар, чигил ва қипчоқларни жангга соларди.

Темучин ёш эди. Кўнғиротларга куда-анда бўлган тоторлар Ясуғой баҳодирни меҳмонга чақириб, билдирмасдан қимиз косасига оғу кўшиб беришди. Шу йўл билан келинлари Ойўлан учун ўч олишди.

Тоторлар яна бир гал Чин ҳоконлигига ҳужум қилиб, чегара қишлоқларни талон-тарож қилиб қайтдилар. Чин ҳокони бу гал ҳам қаройит хони Ўнхонни тоторларга қарши жанг қилиб, жазолаб келишга фармон берди.

Ясуғой баҳодир найман Ўнхонга қийин вақтларда кўп ёрдам берган эди. Ўнхон шу

яхшилиқни унутмаган. У Ясуғой баҳодирнинг ўғли Темучин манзилгоҳига чопар юбориб, тоторларга қарши бирга чопқин қилайлик, деб таклиф этди. Отасининг ўлими учун тоторлардан ўч олиш қасдида юрган Темучин бу таклифни тез қабул қилди.

Ўнгхон қаройитлари, Қобилхон ва Қорачор мўғуллари отланиб, ярим кечада тоторлар манзилгоҳига бориб, шундай қаттиқ савашдиларки, гўё қиёмат-қойим бўлди. Тонггача тоторларнинг кўпи ўлдирилиб, мингга яқини асирликка олинди. Темучин улус беклари билан кенгашиб, тотор асирларини арава шотиси билан тенглашга қарор қилди.

Бу даҳшатли қарор эди. Асирлар, эракми, аёлми, арава шотиси олдига боғлаб кўйилар, голиблар шоти юқорисидан қилич уришарди. Аввал шотидан бўйи ошганларнинг бўйни ва елкасидан қон шариллаб отилиб чиқар, ҳали жони узилмаган таналар қон кўлмагига йиқиларди.

Арава шотисидан паст бўйлилар — болалар ва қизларгина ўлимдан қутилиб қоларди. Буларни голиблар қул ва чўри қилиб ишлатар, ёки ўзга юртларга сотиб юборар эдилар.

Мана шу асир болалардан келажакда мўғулларнинг сон-саноксиз ваҳший лашкарлари етишиб чиқди. (Шу болалардан бири Шики-Хутухту келгусида Чингизхон лашкарларининг бош кўмондони бўлган. У ҳоқон ўғиллари ва невараларига улусларни тақсимлаш, элчилар юбориш билан шуғулланарди).

Мана шу ғалабадан сўнг Чин ҳоқони Ўнгхонга ва ёш Темучинга ўзлари қўлга туширган ўлжаларини совға қилди. Бундан ташқари, Ўнгхон ўғли Шанғунга ва Темучинга фажрий унвонлар берилди. Темучин човутхўр (мингбоши) унвони билан тақдирланди. Энди унга чегара қишлоқларидан Чин ҳоқонига хизмат қилувчи кичик кўшин тузиш ҳуқуқи берилди.

Тоторларга қарши навбатдаги юришда мўғуллар иттифоқчиси Ҳобилхон неваралари бўлмиш қиёт беклари Совчибек билан Тойжу жанг майдонига келмадилар. Ҳолбуки улар отасининг яқин қариндошлари эдилар. Бундан ғазабланган мўғул беги Темучин қиётлар манзилгоҳига юриш қилиб, уларни битта қўймай қириб ташлади. Қиётларнинг барча мол-мулкларини ўлжага туширди. У қаройит хонига бу ўлжалардан юбормади. Ўнгхон норозилик билдирди.

Бунга жавобан Ўнгхон лашкари марқалар устига юриш қилиб, улардан тортиб олинган ўлжалардан Темучинга улуш жўнатмади. Мол-мулк таъмасида икки орага совуқчилик тушди.

Темучин Ўнгхонга тобеълик қоидасини бузиб, чопар орқали бундай деди:

— Қиёт бекларидан бири оғам, яна бири иним эди, уларни сенга бўйсунмагани учун ўз қўлим билан ҳалок этдим. Ҳазратим, бунга раҳмат айтиш ўрнига норозилик билдирмоқдасан.

Найман хони Темучиннинг бу садоқатига ишонмади. Ўз бекларига бундай деди:

— Темучин мунофиқлик қилмоқда. У ўз уруғидаги энг обрўли бекларни ўлдириб, ўзига хонлик тахти учун йўл очмоқда.

Мўғулларнинг жожирот қавми етакчиси Жамуқа келгусида Мўғулистон хони бўлишга даввогар эди. Жамуқа Ясуғой баҳодирнинг дўсти эди. Етим қолган Темучинни марқалар асирлигидан қутқарган ва тарбият қилган эди.

Аммо, қараса, Темучин ҳам ақли, ҳам айёрлиги, ҳам довюраклиги билан ўзига тарафдорларни кўпайтирмоқда. Ажаб эмаски, қаройитлар хони Ўнгхонга ва Чин ҳоқонига яна улуғ хизматлар қилиб, обрўси ошса — бутун Мўғулистонга хон бўлиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш керак. Шу ўйда Жамуқа пайтини топиб, Ўнгхон ўтовига борди ва дилига шубҳа уруғларини сепди.

— Темучин тузимизни ичган, аммо қорахитойлар гўрхони Таёнгонни сизга қарши қайрамоқда. Бирор чорасини кўрмасангиз, мамлакатни кўлингиздан тортиб олгуси!

Бу сўзлардан Ўнгхон қаттиқ ташвишга тушди. Беклари билан маслаҳатлашди. Беклар Темучинни ёқладилар. Ўнгхон шубҳаси яна зиёда бўлди. Кечаси ухлаб ётганда Темучинни қўлга олишга аҳд қилдилар.

Амирлардан бири бу суҳбатни кечаси хотинига айтди. Ўтов ташқарисида соқчи турган икки қул бола бу гапни эшитиб қолди. Буларни Темучин хуфя қилиб қўйган эди. Иккиси ҳеч кимга сездирмай, Темучин манзилгоҳига бориб, бу сирдан уни огоҳ қилди.

— Оға, агар чорасини кўрмасангиз, қаройитлар лашкари бу ён босиб келгуси, — дедилар.

Темучин Ўнгхон лашкарини алдаш учун ҳар ер, ҳар ерга гулхан ёқиб, улусини мол-мулк билан олисларга олиб кетди. У ер, бу ерда ўтовларни қолдирди.

Кечаси қаройит лашкари келиб, Темучин манзилгоҳини чопқин қилди. Аммо, ҳеч ким йўқлигини кўриб, суворийлари қочқинларни қувиб кетдилар.

Олтойнинг шимолидаги Бойқўл (Байкал) атрофида Саланг ва Қора ўланг дарёлари бўйида турк қавмларига мансуб боёвутлар, урёвмутлар, тоторлар, тойжавмутлар, жалойирлар тоғ ўтлоқларида сурув-сурув қўйларини боқиб, қишда қишлоқларда, ёзда ёзлоқ ёки яйловларда яшардилар. Чингизхоннинг отаси Ясуғой баҳодир урёвмут (ёки хур ёвмут), онаси кўнғирот уруғидан эдилар.

Турк ҳоқонлигида яшовчи бу халқлар узоқ асрлар давомида Хитой ва Танғут давлатларининг ҳужумларини қайтариб, гоҳида ўзлари уларга ҳужум қилиб, чегарадаги шаҳар

ва кишлоқларни талаб, бой ўлжалар билан қайтар эдилар. Булар орасида энг кучли, шафқатсиз, жангарилари мўғуллар, тоторлар ва кўнғиротлар эдилар.

Тойжавмут қавми азалий душмани — Ясуғой улусига ҳужум қилиб, аёллар ва болаларни қул қилиб олган пайт эди. Сал илгари тойжавмут уруғидан дарё бўйида балиқ тутиб ўтирган бир болани Темучин билан укаси ўлдириб, балиқларини тортиб олган эди. Шу жинояти учун тойжавмутлар боскин қилиб, ёш Темучинни ҳам қўлга туширдилар. Улар бўйнига ёғоч бўйинтуруқ осиб, олти ой асирликда сақладилар. У пайт пойлаб қочди. Аммо яна тутиб олдилар ва қийнадилар. Отасининг дўстларидан бири Сургон Шўра пайт пойлаб юриб, Темучинни олиб қочди ва қаройитлар хони Ўнхонга дастёр, хизматкор қилиб берди. Ўнхон Ясуғой баҳодирнинг ҳурмати учун етим ўғилни хизматга олиб, ғамхўрлик қилди.

Асирликда кўрган азоблари учун кейинроқ Темучин тойжавмутлардан шафқатсиз ўч олди. Уларни, ёш болаларини ҳам аямай, қириб ташлади. Асирлик бир ёқда турсин, Темучин ўзига нисбатан сал-пал ҳурматсизликни ҳам сира кечирмасди.

Бир куни зиёфатдан сўнг жанжал чиқди. Темучин жаҳл билан қариндошларига таъна қилди. Ва отига минаётганида укаси Билғутой унга отини чап қўли билан узатди. “Шошилинида, жанжал вақтида шундай бўлиб қолди”, деса ҳам Темучин укасининг бу ишини кечирмади. Уни ҳибсга олдириб, қирқ дарра урдирди.

Болалик чоғларида Темучин укаси Ҳисор билан дарё бўйида балиқ овлаб ўтирган эди, ўғай оғалари Бектар билан Билғутой келиб, Темучин тугган чиройли балиқни тортиб олди. Бошқа бир куни Бектар ҳазиллашибми, Темучин ўқ билан уриб туширган тўрғайни олиб кўйди. Кек сақлаб, ўч олишни ўйлаб юрган Темучин билан Ҳисор учун қулай фурсат келди. Бир дўнгликда ўғай ака Бектар ёлғиз ўзи отларини боқиб ўтирган эди. Ёнида ўқ-ёйи ҳам, қилич-найзаси ҳам йўқ. Темучин билан Ҳисор билдирмасдан Бектарга яқин бориб, унга ўқ-ёйни тўғрилади. Бектар уларнинг авзойидан, аямасликларини сезди. Тақдирга тан бериб, “Майли, отиб ўлдиришлар, фақат укам Билғутойга тегманлар!” — деб, уларга нишон бўлиб ўтираверди. Ўч олиш туйғусидан лаззатланган Темучин билан Ҳисор бири олдидан, бири орқасидан ёй тортиб, ўқ отаверди. Ўғай ака Бектарнинг қонга беланган ўлиги дўнгликда қолиб кетди.

Онаси ўғилларининг авзойидан не воқеа бўлганини сезди. “Бектарни ўлдирдингизми?” — деди у бир аҳволга тушиб.

Ойўлан тўлиб-тўлиб, бутун вужуди силкиниб йиғлади. Ўғилларини лаънатлади:

— Бўрилар, қашқирлар ҳам ўз акасини ўлдирмайди. Манави қонхўр туғилган вақтида ҳам қафтида қон гижимлаб тушган эди. Сизлар инсон эмассиз. Сизлардан — ҳайвон яхши!..

Орадан йиллар ўтди. Темучин улус бошлиғи, сўнг хон бўлди. Онаси ўйлаб кўрса, у ёшлигиданок Бектар улус бошлиғи бўлиб қолишини истамай, акасини орадан кўтарган экан.

Темучин ҳамма халқларни макр-фириб, ҳийла-найранг билан ўлдириб, асоратга солгани каби, Тангри таолони ҳам алдамоқчи эди. Аммо дунёдаги барча халқларни ўзининг илоҳий зот эканлигига ишонтириш учун гоҳи-гоҳида мусулмонларни ҳам золимлардан ҳимоя қилиб турарди. Шу савобли ишлари Тангри таолога хуш келар экан, шундай қилгани бўлсин. Шу зайлда ўзи ҳам сезмаган ҳолда Темучиннинг дилида Тангри таолога ишонч-ихлос туғила бошлади. Айни вақтда у ўзини бутун оламнинг эгаси деб ҳисоблай бошлади. “Ер юзида кимки бунни тан олмай, бўйсунмас экан, ундайлар бу дунёга келганига минг пушаймон бўлишади”.

Поёнсиз тоғу қирларни тўлдирган, денгиздай чайқалаётган лак-лак қўшинларнинг туғлари кўтарилиб, олқиш садолари янгради:

— Улуғ ҳоконимиз дунё турганча омон бўлсунлар! Осмондаги Қуёш ҳам ерга тушиб, сизнинг чокарингиз бўлсун!

Шодиёна олқишлардан эриб кетганини билдирмай, юзига қаҳрли тус берган Темучин ҳокон тўққиз зинадан кўтарилиб, аждар бошли тахтга ўлтирди. Олисдан ғала-ғовур, шодон кўйириқлар кўтарилди. Ҳар бир нуён, бек олдидан сакраб-сакраб, ўйинга тушиб, матал айтиб келаётган Кўк очун — Яланғоч бобо аждар бошли тахтга яқинлашди. Дарвеш бобо яланғоч эди, гоҳ хахолаб қулар, гоҳ хўнграб йиғлар эди. Бир пайт у ўзини майсага отиб, думалай бошлади. Ҳамманинг эътибори ўзига қараганини сезиб, сакраб ўрнидан турди. Ёш боладай зиналардан югуриб, улуғ ҳоконнинг қулогига яна бир нималар деди. Сўнг ёш боладай зина тиргагидан сирпаниб, пастга тушди. Улуғ ҳокон ҳам унга шоғирд, мурид каби, тахтдан тушиб, қаландарнинг айтганларини қилди. Тиз чўкиб, осмонга қаради. Дуога қўл очди.

— Қани, ҳаммангиз дуога қўл очинг, — деди Яланғоч бобо. — Эй, олдинда барча қудратли ҳоконлар бир зарра бўлмиш Кўк Тангри! Сенинг ҳузурингда тиз чўккан шу банданга меҳр-шафқат назари билан қарагин. У, сендан арзимас нарсани, мана шу беш кунлик дунёга ҳокимликни сўрамоқда. Ана, ана, жим бўлинглар! Кўк Тангри Темучиннинг тилагини қабул қилди. Барчангиз тиз чўкинг, Тангрига сажда қилинг! Сен ҳам эй, Темучин, Кўк Тангрига сажда қил!

Темучин ихлос билан тўққиз марта манглайини ерга қўйиб, сажда қилди.

Яланғоч бобо унга қараб деди:

— Эй, Темучин, сенга Тангри бутун дунёни берди. Сенга бу дунё муборак бўлсин! Набираларингдан бирига Муборак исмини қўй. У, сенга тобеъ барча юртларда Кўк Тангри динига ривож берсин!

У вақтларда мўғуллар арабча Оллоҳ сўзини билмас эдилар. Шунинг учун “Оллоҳу акбар!” демадилар. Уз одатларига кўра, байрам шодиёнаси учун коса-коса қимизга бўза қўшиб ича бошладилар. Ҳайин-кулги авж олди.

Яланғоч бобо яна ҳаммага жим бўлишни буюрди. Орага жимлик чўқди. Фақат энгил шаббодда ҳилпиратган байроқлар шовури эшитиларди.

Яланғоч бобо байроқларга қараган эди, шаббодда ҳам бир зум тинчиди.

— Эй, Темучин лашкарлари! Эшитинг! Бугундан бошлаб, улуғ ҳоқонни ҳеч ким Темучин деб атамасин! Энди улуғ ҳоқоннинг номи соҳибқирон Чингизхон бўлсун!

Лашкарлар денгиздай ғалаёнга келди:

— Соҳибқиронимиз Чингизхон минг йилгача омон бўлсун! Кўк Тангри унга мададкор бўлсун!

Баҳордаги шу қурултойда Чингизхон лашкарларига қадимий хунлар қўшинидаги каби қатъий тартиб берилди. Жавонғор ва баронғор (чап қанот ва ўнг қанот), аванғор (манглай) ва қоровул, қўшин ўртаси ғул, яъни қалб бўлди. Кимки бу қондани заррача бузса, олий жазога лойиқ кўрилди.

Шу қурултойда Темучинга болалигидан асир тушиб, садоқат билан хизмат қилиб, моҳир жангчи ва доно маслаҳатчи бўлиб етишган Муҳоли — Буюк Вон улуғ ҳоқоннинг биринчи ёрдамчиси қилиб, худди шундай қул йигит — Шиги Хутухту — биринчи вазир ва қўшинларга бош кўмондон қилиб тайинланди. Чунки бу икки қахрамон етти йил давомида бўлиб ўтган жангларда бирон марта чекинмаган эдилар.

Шу қурултойда яна Чингизхоннинг барча синовлардан мардона ўтган сафдошлари Бовурчи, Мунглиқ, Ҳубилай, Желма, Боронғул, Сурхоншўра, Жабе, Субутой ва бошқалар улуғ нўён мансабини олдилар. Илгари мингбоши бўлган бу жангчилар энди туман (10 минг қўшин) бошлиғи бўлдилар.

Кейинчалик бу лашкарбошилардан баъзилари жангда ўлиб кетди, Ҳиндистон яқинида Парвона жангида султон Жалолиддин “сира энгилмас” бош кўмондон Шиги Хутухту қўшинини деярли қириб ташлади. Шафқатсиз Желмани Чингизхон ўғли Жўжига бошлиқ қилиб, Хоразми қонга ботириш учун юборди...

Чингизхон бўйсундирилган барча халқларни иккига бўлиб— ўрмон қавмлари ва дашт қавмлари деб номлади. Улуғ ҳоқон сафдоши Кўрчи буларнинг ҳаммасига бошлиқ қилиб тайинланди. Кўрчининг рухсатисиз бу халқлардан бирор одам ўз даврасидан бир қадам ташқарига чиқолмас эди. Агар берухсат ташқарига чиқса — ўлимга ҳукм этиларди. Бу дегани — мағрибдан машриққача барча халқлар маҳбусларга, қулларга айлантирилган эди...

ХОЖА ИЛҒОР ҚИШЛОҒИДА

Тоғлар ва ўтлоқлар, жилғалар, боғу гулзорлар амирлару бекларнинг ғалва-жанжалларига парво қилмайдилар. Боғларда мевалар пишаверади, гуллар очилаверади, еллар гуллар атрини сочаверади, сувлар оқаверади. Одамларгина бир-бирига зулм қиладилар, эл-юртга ғам-ташвиш келтирадилар.

Ариқлар лабида гуркираб ўсган ялпизларнинг хуш бўйлари нозик кўнгилларга ёқади. Хожа Илғор қишлоғига салқинлик келтирувчи етти булок, жилғаларнинг сувлари энди баҳордагидек бўтана, лойқа эмас, тиниқ ва беғуборлигидан тубидаги қум ва тошларнинг қизғиш, яшимтир ранглари ҳам аниқ кўринади.

Анҳор ёқалаб боришда ҳар икки чақиримда соя-салқин дарахтзорлар орасида обод гулзорлар учрайди. Ана шу гулзорлардан бирининг чойхонасида, анҳор кўприги устидаги сўрида гангир-гунгир сўхбат қизийди. Ёшлар ош масаллигини тайёрлаб, гўшт ва сабзи, пиёзларни тўғрашади. Ёши улуғларнинг сўхбатини эътибор билан тинглашади.

Хунармандлар дудама пичоқ, кетмон, ўроқдан, деҳқонлар экиндан, мадраса талабалари илми қол ва илми ҳолдан, дарвешлар пири Шамсиддин Кулол ўғитларидан гап очадилар.

Шолча устида чордона қуриб ўтирган кўркам йигит чиний чойнақдаги ҳинд чойини қайтариб кўяр экан, тағойиси, кекса сарбоздан сўради:

— Шу кунларда Кутлуғ Темур мадрасаси қошида янги мактаб очилибди. Унда бекларнинг болалари ўқир эмиш, шул ростми, тағойи?

— Мадрасада жужуқлар учун яхши бир мактаб очилгани рост, — жавоб берди кекса бек. — Аммо, мактабда фақат бекзодалар эмас, хат-савод чиқариш, илм олишни хоҳловчи барча фуқаро болалари қабул қилинур.

Ўтирганлар чехрасида мамнунлик аломати кўринди. Кекса сарбоз гапини яна ойдинлаштирди:

— Ушал мактабда шайх Шамсиддин Кулолнинг илғор халифаларидан бири —Тоҳирбек мударрисдур. Ул нурхонага менинг набирам Азизбек ҳам, Муҳаммад Тарағайнинг ўғли

Темурбек ҳам, сайис (отбоқар) Солижоннинг ўгли Жовли ҳам борадур. Зеро илм талаб қилмоқ ҳар мусулмон эркак ва аёлга фарздур. Ҳадиси Расулulloҳда шундай дейилмиш.

Давра аҳли бу фикрни тасдиқлаб, кўзғалиб қўйди.

Муллавачча давра аҳлига яна бир масалани кўндаланг қўйди:

— Хонақоҳда маскан топган бир азиздан эшитдимки, Расулulloҳ айтмиш: ёмон одамларга, яъни боодоб, дилозор одамларга илм бермак гуноҳдур.

— Ул азиз рост айтмиш, — тасдиқлади кекса сарбоз. — Расулulloҳ яна бошқачароқ гап, яъни: ҳурларни итларнинг оғзига ташламангиз, деб айтмишлар.

— Бағоят гўзал ва теран айтмишлар, — деди даврада ўтирган фақир, аммо ўзини пурвиқор тутувчи ёш шоир Камол Хўжандий. Бу йигит гўзалликда “Арусул олам” (“Олам келинчаги”) деб яхши ёрлиқ олган Хўжанднинг хушманзара дарё соҳилларини, боғ-роғлари, меваларини мақтаб, Шом ва Ироққа, Хижозга саёҳат қилиш орзусини сўйлади.

Мулаввачча юзида ажабланиш аломати кўринди.

— Жаннатмакон маъвони тарк этиб, олис саҳроларни не важди орзу қилурсиз? — сўради у ёш шоирдан.

— Рост айтурсиз, — деди шоир. — Хўжанддек гўзал диёрдан узоқлашув кўнглимни эзадур. Аммо, на чора, илм излаб, Чин-Мочинга бориш ҳам раводур, деб марҳамат қилиш Расулulloҳ.

Кекса сарбоз йигитни “Табаррук ниятингизга етинг”, деб дуо қилди.

— Бизнинг Кеш ва Насафдан ҳам буюк алломалар етишиб чиққан, — деди у ўйланиб ўтирган ёшларни баҳсга чорлаб. — Азизларнинг табаррук фалсафаси, авлиёлар мартабаси ёзилмиш “Зубдатул” ҳақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) китобининг муаллифи шайх Азизиддин Насафий ҳамюртимиздур. Шул чоғларда ҳам мадраса ва хонақоҳларимизда, хусусан шайх Шамсиддин Кулол зовиясида халқимизнинг бўлгувси алломалари илм таҳсил қилмоқдалар.

— Уламолар китоб ўқурлар ва ёзурлар, хонақоҳ пирлари солик, шогирдларга не тариқа улум ва фунун ўргатмишлар? — сўради бир савдогар фарзанди.

Кўпни кўрган кекса сарбоз пиёладаги чой шамасини анҳорга сепиб, жавоб берди:

— Менинг қариндошим амир Тарағай айтурки, инсонлик ўзи бир улуг мартабадур, аммо одамлар кимлигини англамайдулар. Дунёда оддий умр ўткариб, еб-ичиш, ухлаш, иссиқ-совуқни сезиш, ғазабланиш ва уруш-жанжал қилиш — чахорполар, яъни ҳайвонлик мартабаси эрмиш. Бул хулосага келиш нодонлиқдур.

Шундай деб, кекса сарбоз жим қолди.

— Ундай бўлса, инсонлик мартабаси недур? — сўради мулаввачча. — Мактаб ва мадрасада шу илмни ўргатурларми?

Кекса сарбоз кулимсираб, жавоб берди:

— Мактаб ва мадрасада шариат йўл-йўриқлари ўргатилур. Бу ҳам муҳимдур, чунки, рўза, намоз дин арконларидур. Аммо бу ҳали зоҳирий илмлардур. Ундан-да юксак камолатга етишиш учун илми ҳолни ўрганмоқ керак. Амир Тарағай айтишича, Кеш хонақоҳида шайх Шамсиддин Кулол илми ҳолни ўргатур.

— Ундай эрса, азиз меҳмонимиз Камол Хўжандий нечун Кешда илм таҳсил қилмай, Шому Ироққа сафарга чоғланмиш? — сўради яна савдогар фарзанди.

— Муни шоир Камолнинг ўзлари айтсунлар, — деди сарбоз меҳмонга қараб.

— Илми ҳол — ғайб сирлари, илоҳий сирларга тобеъдур, — тушунтирди ёш шоир. — Худои таоло тушимда дилимга солмишки, камина мўғул амирларининг дасти етмайдиргон диёрларга бориб, риёзат чекишим, табаррук замин — Харамайни Шарифайн (Макка ва Мадина) зиёратига боришимни амр қилур.

— Мўғуллар ҳар хил бўладур, уларнинг мусулмони ҳам, кофири ҳам бор, — деди кекса сарбоз. — Олтин Ўрда хони Кебак ўзи булда динида, — аммо дини ислом ривожига йўл берадур. Мовароуннаҳр султони Алоиддин Тармоширин билан куёви Қутлуғ Темурхон мусулмон азиз-авлиёларини ҳурмат қилурлар, улар қурдирган масжид ва мадрасаларда толиби илмлар бемалол таҳсил олурлар.

Кекса сарбоз бир зум ўйланиб қолди. У чўғатой авлодига мансуб Алоиддин Тармоширин билан Жўжи ва Тулуй авлодлари душманлашиб юрганини биларди. Бу низо хонлик тахтини таллашибми ёки Чингизхон Ясоғига содиқ мўғул амирларининг ислом шариатини қабул қилмаслигиданми — тушуниш қийин эди.

Шу кезларда Бухорога, шайх Сайфиддин Боҳарзий мақбарасини зиёрат қилишга меҳмонлар келди. Улар орасида Иккинчи Синдбод Баҳрий аталмиш буюк сайёҳ ва шайх Абул Баракот ибн Баттута ҳам бор эди. У зиёратдан сўнг Қаршига, Алоиддин Тармоширин ҳузурига келади, деган хабарлар тарқалди.

Олис қарвон йўлларида у неча бор мол-дунёсидан ажралиб, хасталиқдан тинка-мадори қуриб, мискинлик, бечораликни бошдан кечирган, аммо диний, илоҳий билимлари туфайли Худо унинг ишларини ўнглаб, яна бой-бадавлат бўлиб, туялар, отлар, қулар ва чўрилар сотиб олиб, уламолиги билан донг қозонди.

Шайх ибн Баттута Қримда, Сарой Баракада, Олтин Ўрда хони султон Ўзбек билан, Хоразмда унинг қариндоши Кебакхон, Насафда Мовароуннаҳр ҳукмдори Алоиддин Тармоширин билан учради. Билимлари ва хушмуомаласи, гўзал хулқи билан уларнинг ҳурматини қозонди. Сўнг Кешга, Шаҳрисабзга келди...

Кувончли дамларда ҳам хомуш юрадиган Муҳаммад Тарағай бугун уйга шодмон киб келди. Унинг майин чўққи соқоли ҳаяжондан сезилар-сезилмас титрар, кўзларида бир олам кувонч порларди. У қўлидаги катта қийиқчани авайлаб, ишком остидаги сўрига қўйди.

— Онаси, Темурбек, келингиз. Сизларга ғалати нимарса кўрсатурмен, — деди у чорбоғ тарафга қараб. Боғдаги кунгай жойда, ювилган либосларни арконга олаётган Сокина бону уч-тўрт ёшли тийрак болани қўлидан ушлаб, югургилаб келди. Болага бу югуриш беркинмачоқ ўйини каби завқли эди. У отаси томон югуриб бориб, ўзини унинг бағрига отди.

Муҳаммад Тарағай энгил чакмон кийган болани кўтариб, ачомлаб, юзидан ўпди ва:

— Мана, сизга тойчоқ об келдим, — деди болача оҳангда гапириб, сўнг қийиқчани еча бошлади.

Бола, тойчоқ бу рўмолга қандай сиғар экан, дегандай ажабланиб қаради.

Дадаси рўмолни авайлаб очиб, бир чиройли кўзани четга олиб қўйди. Иккита сопол тойчоқни олиб, Темурбекка узатди.

— Фақат авайлаб ўйнайсиз, — тайинлади отаси. — Сопол ўйинчоқ синиб қолмағай тагин.

Бола тушуниб, сопол тойчоқлардан бирини чап қўлига олиб, бағрига босди, иккинчисини ўнг қўлига олиб, яна синиб қолмасин деб, сўри устига қўйди.

Боғ орасидан ростакан отларнинг кишнагани эшитилди.

— Пиримиз учун кулоллик ҳам бир илмдур. Ажиб, нафис кўзалар ясамоқ учун илми кимёни билмоқ зарур. Ул зот бўяғон идишлар, иншооллоҳ, юз йилда ҳам ранги ўчмас. Аммо, — деди Муҳаммад Тарағай овозига бироз сирли тус бериб, — пиримизга “Кулол” деган тахаллус сопол кўзалар учун эрмас, балки инсонларнинг дилини гўзал ва нафис қилиб безатғони учун берилғон.

— Бу тахаллусни ул кишининг устозлари марҳамат этгонларму? — сўради илми тасавуфга қизикувчи Сокина бегим.

— Ул зотга тушларида Расулуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом кўриниб, савдо илми ва кулолликдан сабоқ бергонлар. Ва айтганингиздек, “Сиз дилларнинг кулоли бўлғайсиз”. — деб маслаҳат қилгонлар.

Тамадди маҳалидаги бундай суҳбатларда Темурбек шўхлик қилмай, жим ўтирар, ўз кўнглида “Тезроқ улғайсам, мен ҳам устоз Кулолга шогирд тушгайман”, — деб орзуманд бўлурди.

Муҳаммад Тарағай эса пири Шамсиддин Кулол хонақоҳидаги дилкаш суҳбатни эслаб, мамнун жилмайиб қўяр эди...

Сокина бегимнинг овози кулимсираган юзидай тиниқ ва жозибали эди.

— Тўғри, пирим ўргатиб турдилар, — деди куюниб Муҳаммад Тарағай. — Буларни ўзим ясаб, хумдонда пиширдим. Ўзбекхон юришларида фақат қилич уриб, ёвни ўлдирмоққа ўрганиб кетган дағал кўлларимни энди покиза ишларга урмоқчиман...

— Ахир, сиз фи сабилаллоҳ (яъни, Оллоҳ йўлида) кофирларга қарши жиҳод қилгансиз, — деб хожасини юпатди Сокина бегим. — Ҳали дунёда золимлар, зўравонлар кўп экан, ҳақ йўлидан қиличга эҳтиёж бордур.

Умр йўлдошининг бу доно сўзларига Амир Тарағай ичида таҳсин айтди ва меҳр билан унинг елкасига қўлини қўйди.

— Рост айтурсиз. Одамзод ўз жойида қаҳрли ва меҳрибон бўлур. Соҳибқирон Чингизхон ва онинг лашқари қаҳр ила мамлакатларни забт этмиш. Жаҳонгирлик амалинда меҳр кам эрур.

Отасининг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб ўтирган кичкинтой Темурбек сўради:

— Отажон, бирга ўйнайдигон дўстим: “Мен — Чингизхон авлодиданмен”, — деб мактанадур. Чингизхон кимдур? Айтиб берурмисиз?

— Албатта, айтиб берурмен, — деди отаси кулимсираб. — Аммо сиз улғайсангиз, каттакон тарих китобларини ўзингиз ўқиб, дунё ишларининг сиру синоатини яхшироқ билиб олурсиз. Лекин ул тарих китоблари арабий ва форсий тилда битилгондур. Сиз аввал мактабда араб тилини ўрганинг, сўнг форсийни ҳам ўрганиб олсангиз — сиздан адолатли, доно инсон чиқадур.

— Андек бўлса, отажон, мени тезроқ мактабга берингиз, китоб ўқимоқни ўрганагин.

Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг қариндоши Алоуддин Тармоширин ва буюк амир Қутлуғ Темур кўшинида жанг-жадалларда қатнашган, қиличбозлик ва камонбозликда моҳир Муҳаммад Тарағайнинг ёш боладек ўзи ясаган кўзалардан кувониб, яйраб ўтириши Сокина бегимга ажиб кўринди. Умр йўлдошининг кўз қарашидан буни сезган собиқ сарбоз кулимсираб қўйди. Ёшлик — бебошлик кунларини эслади.

— Авваллари мўғул кўшинида босқинлар пайтинда, қилич чопиб одамларни ўлдирмоқдин, қонлар тўқмоқдин, болалар ва аёлларни қул қилиб ҳайдамоқдин завқланардик. Ё, тавба! Шундай ёмонликлардан ҳам қувонадиму одам! Бир куни пирим Шамсиддин Кулолга бориб, дилимдаги гашликни айтдим. Пирим далда берди: “Модомики, шу иш-

ларнинг ёмонлигини билибсан, демак, дилинг покиза торта бошлабдур. Гуноҳ ишлардан воз кечиб, шу фикрга келгонинг дарвешлик мақомига яқинлашганингдур. Дарвешлар эса Ҳақ таолонинг содиқ ва мискин дўстларидур. Расулulloҳ Меърож кечаси ҳазрати Жаброилга эргашиб, етти дўзах ва саккиз жаннатни айланиб, кўрмишки, дўзах ахллари-нинг кўпи мол-мулки ва иззу жоҳ эгалари эркан. Жаннат ахллари-нинг кўпчилиги дарвешлар, ғариб, мискин, бечоралардур. Шундай экан, мол-мулк эгалари дарвешлар ва мискинларга меҳр-шафқат кўргусунлар...”

Тойчоғини бағрига босган Темурбек бу сўзларни гўё тушунгандек жим ўтирар, гоҳида тийрак кўзларида шўхлик порлаб, боғда қўшни болалар билан айлангани чопқиллаб кетишни ўйларди. Буни сезган Муҳаммад Тарағай совиб қолган чойини хўплаб кўйди-да, “Яратгонга шукр!” Деб дастурхонга фотиҳа ўқиди. Сопол кўғирчоқларини айвон тоқчасига қўйиб, ўғлини қўлига олганча, уч-тўрт қадам юрганда, бола “Ўзим югураман” деб физиллаб кетди.

Муҳаммад Тарағай болалари бир-бирига бегона бўлмай, аҳил, иноқ бўлиши учун, ўйинлардан ва ҳар бир ишдан унумли фойдаланар эди. У ўзи жангу жадаллардан кўнгли совиб кетса-да, аммо кўрган туши таъсирида, ўғлининг буюк лашкарбоши бўлиб, ислом динига, уламоларга, пайғамбар авлодлари — саййидларга, шайхулмашойих, азиз-авлиёларга буюк хизматлар қилишини орзулар эди. Унинг пайғамбар авлодига туташган Бухоро садрларидан бирига куёв бўлиб, Сокина бегимга уйланиши ҳам пири Шамсиддин Кулолнинг маслаҳати билан бўлган эди.

Шу ниятда Муҳаммад Тарағай бир чапак чалган эди, аввалги шартлашувга кўра Темурбек таққа тўхтаб, ортига қайрилганча, отаси ёнига келди-да, сарбозлардек ғоз турди.

Муҳаммад Тарағай овозига жиддий ва тантанали тус бериб:

— Қани, Темурбек, зудлик ила навкарларингизни чорланг, кўрик ўтказадурмиз! — деб фармон берди.

Темурбек ҳам шўхчан, ғоз туриб:

— Амрингизга шайман, султоним, — деди ва тол хивич отини миниб, чопқиллаб кетди. Аввало, қўшниси Баҳром Шерни чорлади ва унга фармон берди:

— Навкарларни йиғинг, қўшинни кўриқдан ўтказадурмиз!

Баҳром Шер ҳам қувониб, фармонни бажарини учун бир ҳушчақчақ овозда хабарчи — товачини чақирди. У эса ярим ўйинчоқ, ярим рostaкам сурнайини қўлига олиб, узун қилиб бир чалган эди, маҳалладаги деярли ҳамма болалар — “юзбоши”, “ўнбоши” ва “навкарлар” бир зумда майдонга тўпланиб, ўз бўлуқларини сафга тизиб туришди.

— Фармонингиз билан қўшин сафга тизилмиш! — деб хабар берди Темурбекнинг “вазир” Баҳром Шер. Темурбек ўз навбатида беш-олти қадам юриб, отасига ахбор берди:

— Ҳазрати олийлари, қўшинингиз ҳарбий сафга тизилмиш!

“Подшоҳ” Муҳаммад Тарағай “қўшин”даги навкарларни кўздан кечирди. Аввал жим турган қўшин сафи бузилиб, бирдан ғала-ғовур бошланди.

Болалар ҳам, катталарга ўхшаб, озми-кўпми шўхратпараст, обрўпараст бўладилар. “Мен навкар бўлмайман”, “юзбоши бўламан”, “мингбоши бўламан”, деб ғавғо кўтаришди.

— Кўшинга тартиб-қоида тушунтиринг, — фармойиш берди “подшоҳ”.

Темурбек тартибсизликдан ҳаҳли чиқиб, қизариб кетди ва жаҳл билан деди:

— Сизлар қўшин эмас, ўғри, қароқчилар тўдасига ўхшайдурсиз. Ростакан қўшин бундай тўдани бир зумда синдириб, тор-мор келтирадур. Ростакан қўшинда навкар-ўнбошига, ўнбоши-юзбошига, юзбоши-минглар бегига бўйсунадур. Навкарлар жасурлик, мардлик кўрсатсалар, амирлик мартабасига етурлар.

“Подшоҳ” амирга ёрдамга келиб гапирди:

— Келажакда, иншооллоҳ, ҳаммангиз мард, баҳодир саркардалар бўлиб етишурсиз. Аммо ҳар бир амир оддий жангчидан чиқур. Хатто подшоҳлар подшоҳи, султон Маҳмуд Ғазнавий ҳам ҳарб ишини отаси амир Сабуктегин қўшинида навкарликдан бошлагон. Чингизхон навкари Шиги Хутухту ақлли ва мардлиги туфайли бош вазир бўлмиш. Ҳар қандай жангда ҳал этувчи куч — оддий навкар-сарбоздурлар. Навкарликка ярамаган одамдан бек ҳам, султон ҳам чиқмайдур. Навкар аввало ўнбошини ҳурмат қилмоғи, фармонга бўйсунмоғи даркор. Ўнбоши эса — юзбошига, юзбоши — ясовулбошига, ясабулбоши — туман бошлиғи — амирга бўйсунадур...

Тушунтириб бўлгач, Муҳаммад Тарағай жим бўлиб қолган “қўшин”дан сўради.

— Яна ким нени билмоқ истаса, сафдин икки қадам олдинга чиқиб савол берсун!

Зийрак болалардан бири сафдан икки қадам олдинга чиқди ва сўради:

— Айтинг-чи, ҳазратим, подшоҳлар кимга бўйсунди? Ё ҳеч кимга бўйсунмайдими?

“Подшоҳ” болага қизиқиб қаради. У мадраса мударриси, фикҳ муаллими Ёрқин тўранинг ўғли эди.

— Ҳўб, дуруст савол... Хўш... эшитингиз, — деди “подшоҳ”. — Ҳар қандай улуғ подшоҳ ҳам Оллоҳ таолонинг қулидур. Подшоҳ ҳеч кимга бесабаб, ноҳақ жазо бермаслиги керак. Агар Оллоҳнинг фармонлари битилган Қуръони Каримни ҳурматламаса, бу

дунёда ҳам, охиратда ҳам жазога учрайди. Мана бунга равшан мисол. Буюк Хоразмшоҳ султон Алоиддин Муҳаммад шариатга мувофиқ адолатли иш тутган вақтинда мўғуллар ҳокими Чингизхондин юз чандон қудратли эди. Чингизхон Хоразмшоҳ ила иттифоқ тузиб, тинч-тотув яшамоқ учун нуфузли элчиларини ноёб совға-саломлар билан сарҳад шаҳар — Ўтрорга юборгон эди. Ўтрор ҳокими Ғайрихон (Инолчиқ баҳодир): “Элчиларга қандай муомала қилайлик?” — деб, Хоразмшоҳга чопар юборди. Чопар жавоб олиб келгунича, ҳоким элчиларини карвонсаройга жойлаштириб, иззат-хурмат кўрсатиб тургон эди.

Чингизхон ва жаъмики подшоҳлардин ўзини катта олиб, тақаббурлик қилгон Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад чопари орқали Чингизхон элчиларини ўлдирмоққа фармон берди. Ўтрор ҳокими Хоразмшоҳдин кўрққонидан бу ноҳақ фармонни бажарди. Ҳолбуки, ислом шариатинда, Чингизхон ясоғида ҳам, масиҳийлар динида ҳам, бутун оламнинг муқаддас қонунларинда ҳам элчиға ўлим йўқ, дейилгон. Оллоҳ фармониға бўйсунмай, улуғ гуноҳ қилғони учун Хоразмшоҳнинг иши орқаға кетиб, Чингизхон қўшинларининг ҳужумини қайтаролмай, Баҳри Ҳазордаги моховлар оролида қўтир итдай ўлиб кетди...

Муҳаммад Тарағай жим қолди. Яна бир бола сафдин олдинга чиқиб, сўради:

— Хоразмшоҳнинг баҳодир ўғли Султон Жалолиддин ҳам Чингизхондин енгилгонму? Муҳаммад Тарағай: “Йўқ, енгилмағон!” — деди. Яна:

— Отасининг ёмон ишини Султон Жалолиддин маъқулламағон. У ватан учун, дини исломни кофирлардан ҳимоя қилмоқ учун Ҳиндистон ва Эронда, Туркистонда мислсиз баҳодирликлар кўрсатмиш. Дехли султони Шамсиддин Элутмиш у билан урушмасликни, аксинча, дўстлик, қариндошлик ришталарини боғламоқни, қизини бериб, куёв қилмоқни таклиф этди. Хоразмшоҳ Жалолиддин султон Элутмиш ила қариндош тутинмади-ю, аммо анга душманлик ҳам қилмади. Ҳижрий 624 (милодий 1226) йилнинг кузинда Жалолиддин Исфохон яқинида Чингизхоннинг ўғли Тулухон ила Тойнал нўён қўшинларини тор-мор келтирди. Сўнг Бағдод халифасиға элчи юбориб, мўғул босқинчиларига қарши ислом кучларини бирлаштирмоқни таклиф этди. Аммо халифа ан-Носир бу оқилона таклифни қабул этмади. Аксинча, Султон Жалолиддин ила Миср давлатини уруштириб қўймоққа уринди. Салибчилар ҳужумини баҳодирона қайтараётган мисрликлар Султон Жалолиддинға мўғулларға қарши бирлашиб курашмоқни таклиф қилдилар. Аммо Чингизхон қўшинини бир марта енгиб, Табриз, Исфохон, Кирмон, Гуржистон ва Озорбойжонни эгаллаб, кибру ҳавоға берилган Жалолиддин мисрликларнинг оқилона таклифидин бўйин товлади. Аксинча, базми жамшидларға, айш-ишратға берилди. Ва оқибатда курдлар қўлинда асирликда ўлиб кетди. Бу воқеаларни Султон Жалолиддиннинг шахсий муншийси — тарихчи вазири Шаҳобиддин Нисавий битиб қолдиргон. Тарих китоблари биз учун ибратдир... Энди, баҳодир жангчилар, фармонимни тинглангиз, ҳозир қилич чопув ва найза отув машқларини бошлагайсиз.

“Жангчилар” Бу фармон ўзларига қаратилгани учун энди амал талашмай, машқларни бошлаб юборишди.

Темурбек уларни яна интизомға ўргатди. Фармондин бош тортганларни ўйиндан чиқарди. Яна, кўнгилчанлик қилиб, уларни кечирди ва сафға қайтарди.

Интизом тез тикланди. Сабаби — Темурбек, оқилона иш тутди. Янги қоида ўйлаб топди. Фармонға бўйсунмаган болалар енгил, учи ўтмас ўйинчоқ найза ва камалак ўқларига нишон қилиб қўйилди. Ҳеч ким, ҳатто ўйинчоқ найзаларға ҳам, жонли нишон бўлишни хоҳламас эди. Найзани ёки ёй ўқини ким ўн мартаба бехато тегизса — Темурбек уни ўнбошликка кўтариб, битта туғ — байроқ ва ноғора берарди. Ким юз марта бехато отса — юзбошликка кўтарар эди.

Курашда ҳам шундай эди. Ким эпчил ва чаққон бўлиб, ўзидан кучли “душман”ни йиқитса, мартабаси кўтарилар, заиф ва дангаса болалар “асир” қилиб олиниб, бошқа маҳаллага “қул” қилиб сотилар, у ерда у “хожа”сининг буюрганларини бажариб, “қул” бўлиб юрар эди.

“Асир” тушмаслик ва “қул” қилиб сотилмаслик учун болалар кўп машқ қилар, яхши овқатланиб, бақувват бўлишға интилар эдилар. Инжиқ, эркатой болаларнинг ҳам иштаҳаси очилди.

Муҳаммад Тарағайнинг таклифи билан, каттагина боғдаги ишлар ҳам вақтида бажариларди. Болалар тартиб, интизом билан анор ва олмаларни узиб, қоп-қанорларға ва кажава-саватларға жойлашар, узун айвон кунжагига тахлашарди. Меваларнинг захм еганлари, қурт тушганлари ажратилиб ювилар ва тўғралиб отлар, мол-қўйларға бериларди.

Ислом шариатиға кўра, териб олинган меваларнинг сархиллари орасидан ўндан бири ажратилиб, камбағал, мискин кишилар, дарвеш-қаландарлар, муллаваччаларға зақот тариқасида берилсагина қолган мевалар ҳалол ҳисобланарди.

Шаҳрисабз бозорида харидорлар боғ эгасини суриштириб, кимнинг мевалари ҳалоллигини яхши билар эдилар. Зақоти тўланмаган молни ҳеч ким олмас эди...



Мадина Саййидзода

ЮЛДУЗЛАР
ТЮЙУННДА МИСЛИ
КЎЗМУНЧОҚ

* * *

Ёмғир ёғаяпти ҳазин ва ҳазин,
Ҳис этаман хонам торлигин.
Киприклар кўтарар кўнгул нозин,
Кўтаролмас олам торлигин.

Ёмғир ёғаяпти юракни эзиб,
Осмон ғамгин, осмон мистарин.
Келмаслигин ногоҳ дил сезиб,
Ёмғирга айланиб кетди ҳисларим...

* * *

Кўзларимга чўмган бу —
аччиқ алам эмасдир.
Энди улар ним уйқу
нимта бўлган туш, ахир!

Тор хонага ҳашамдор
эшик асли не керак?
Фақат бунда интизор
яшаб ўтар бир юрак.

Очиқ қолган эшиқдан
карвон-карвон дард ўтар.
Бир оз қувонч, бир оз ғам
бу эшикни ёд этар.

Мен ушоқман, мен ғариб,
бу хонага сиғмайман,
Мен кўксимни тўлдириб
нафас ютиб йиғлайман.

Эсламайман фақат мен,
фақат тўлиб ётаман.
Муҳаббатнинг эшигин
очиқ ташлаб кетаман.

Яраланган кўшиқдан
томса бир дард ер узра...
Очиқ қолган эшиқдан
кириб келар хотира.

Нечун дардни яширмоқ,
мен айтаман барибир?!
Бунда танҳо яшамоқ
хотирамга қийиндир.

Бағрим куяр оташда,
охангларда титрадим.
Бу эшикни ёпишга
етмас менинг қудратим.

Йўллар қайга бошлайди,
йиллар ўтар, начора.
Энди бунда яшайди,
фақат бир мунг — бечора.

* * *

Менда вақт йўқ,
Энди вақт булмас:
“Дарахт сени суйгум”, дейишга.
Сўнг ўртаниб,
не дард билмайин,
ундан олис-олис кетишга...
Совуқ панжалари йўқ вақтнинг
кўзларимда узоқ йиллаган.
Бугун ишқ бор!
Ҳар лаҳза ишқдир —
нафаслари оппоқ гуллаган!..

* * *

Наҳот тор келмоқда бағри кенг осмон,
Кўклардан сўзлаган, ахир, сенмасми?
Тубанга йиқилиш дардидан ҳар он
Осмонга кўтарган, ахир, менмасми?

Булутлар тўзғирди хур шиддатингдан,
Юлдузлар пойингда мисли кўзmunчоқ.
Қай кундир бахт йиғлаб қолди ортингдан,
Армон юрагимда эди бир кучоқ.

Заминда бир гул бор, кўтарган сени,
Сенинг парвозингдан севинган бир гул.
Сен уни алдадинг, алдадинг уни,
Эй кўкдан бевақт қулаётган дил!

Мен-ку бир тош бўлдим сенга отилган,
Сен томон учаяпман, нафратдан ёниб.
Заминда бир гул бор, дарддан ситилган,
Самога тўкилар, кўнглу чил синиб!..

* * *

Кечалар ой секин ойнадан боқиб,
Кўнглу тўлмай ўксиб ботаверади.
Чароғон ёғдулар кўнглумга оқиб,
Хаёллар сен томон тортаверади.
“Сен йўқсан, мен йўқман ҳеч ерда, дўстим...”

Осмон бурчларида чақмоқлар чақиб,
Булутлар шивалаб ёшини тўкар.
Ҳар баҳор лолалар кўргали чиқиб,
Тополмай ўксиниб бошини букар.
“Сен йўқсан, мен йўқман ҳеч ерда, дўстим...”

Майсалар шивирлар, алёрлар айтиб,
Тонггача қуёшга қилар ибодат.
Гуллар ёноғида соғинч ёш қайтиб,
Ул сахий қуёш ҳам айлар ҳидоят.
“Сен йўқсан, мен йўқман ҳеч ерда, дўстим...”


* * *

Хотирамга асолар йўнди,
Сизсиз ўтган кунлар суврати.
Мени қийнаб яшайди энди,
Сиз унутган кунлар қувради.

Кўксимдаги ғамгин бу юрак —
Изларингиз кўмилган қабр.

Ҳижрон юки жонимга чирмак,
Фақат таскин беради сабр.

Бу қабрда гуллар етилар,
Фунчасидан очилар азоб.
Менга содиқ ҳамроҳ тутинар,
Сиз қолдириб кетган изтироб...



Сафтер Нагаев

Адолат — руҳият манзили

/Гаспринский ва Чўлпон/

Яқинда Исмоил Гаспринскийнинг адабий меросини кўздан кечирарканман, унинг 1884 йил ёзган шу сўзларини ўқиб, хаёл дарёсига чўмдим: “Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмушга, сивилизатсияга етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса, инсоннинг яшаш мақсади, усулидир”.

Йиллар қаъридан айтилган бу сўзлар худди бугун учун таралаётгандай бўлди. Худди бугуннинг одами бугунги авлод тақдирдан қайғуриб ташвиш чекаётгандай. Ҳа, тафаккур мулкининг чин соҳиблари қаримас, ўлмас экан. Аксинча, улар қолдирган бебаҳо хазина орадан вақт ўтган сари ўзининг янгидан-янги қирраларини намён қилиб, тобора рангин ҳаётий жило билан товланаверар экан!

Биз янги аср бўсағасидамиз: янги асрда ҳаммаси бошқача бўлади, деган фикр хаёлимизда. Эртадан умид кутиб яшаймиз. Шоирлардан бири, кутишда лаззат, орзуда роҳат бор, деган экан. Турли хил алғов-далғовларга тўла бир аср орқада қолмоқда. Лекин ҳали яқин ўтмишга айланаётган асрдан оладиган улушимиз оз эмас. Хусусан, маънавият соҳасида ижобий сабоқлар чиқарилса, келажак авлодга фойдали бўлади. Йигирманчи аср бошида тараққиёт йўлига интилган туркийзабон халқлар маънавияти оғир тўсиқларга учради. Айниқса, шахсга сиғиниш йилларидан кейин миллий маънавиятга дарз кетди. “Шаклан миллий, мазмунан сотсиалистик” деган тутуриқсиз ғоя санъат равнақиға тўсиқ бўлди. Аслида, бу ғоя “ҳам шаклан, ҳам мазмунан сотсиалистик” тарзда амалга оширилганини энди англамоқдамиз. Энди оҳисталик билан ўша давр назарияларига танқидий кўз ташлашга ўрганмоқдамиз.

Давр тақозоси билан ўтмишга жиддий кўз ташлаш, унинг энг фойдали чизгиларини аниқлаш ва келажак авлодларга етказиш эҳтиёжи сезилмоқда. Негаки, тоталитар тузум биз ҳозир англашга интиляётган маънодаги маданиятга муҳтож эмасди, унинг ўз афти-ангорига муносиб куроли бор эди: қўрқитиш, авраб-алдаш, гўзал келажак ваъда қилиш, фикр яққақоқимлигини жорий этиш... — бу усулларнинг ҳаммаси риёкор маданият учун бўлди. Ўша замон маданияти ватанпарварликни, адолатпарварликни, миллатлараро дўстликни, байналмиллат тарбияни тарғиб қиларди-ю, аммо бу тарғибот инсон табиати билан чамбарчас боғланишига йўл бермасди. Тоталитар тузумнинг барча ғоялари тил учндаги, инсон қалбига кириб бормаган ғоялар эди. Бу ғояларнинг моҳияти дунёда энг олижаноб йўналиш сифатида тарғиб этилди ва унинг таъсирида бир неча авлод тарбияланди. Лекин, Яратганга шукрлар бўлсинки, унинг давр синовидан ўта олмаслигини сезган, қўлларидан келганча унга бўйсунмаган шахслар бор эдики, ҳозир биз уларнинг хавфлари бежиз бўлмаганини кўриб турибмиз. Исмоил Гаспринский ва Абдулҳамид Чўлпон узоқни кўра билган шундай инсонлардан эдилар.

Биз, Қирим татарлари — шахсга сиғиниш даврининг жабрдийдалари, бу сохта ғояларнинг зулмини бошқаларга нисбатан кўпроқ бошимдан кечирган бўлсак керак. Уруш йилларида юртидан қувилган қиримтатарлари собиқ СССРнинг турли бурчакларига тарқатиб юборилди. Уларнинг аксарияти Ўзбекистонга келиб тушди. Шаҳарларга ва туман марказларига тушганларнинг болалари рус мактабларида таҳсил олдилар. Биз каби узоқ қишлоқларга тушганларнинг болалари ўзбек мактабларида ўқидилар. Биз учун бу нарса ўзига хос мактаб бўлди. Тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз бир бўлган туркийзабон халқларнинг маданиятини ўрганишга мароғимизни ёшлиқдан бошлабоқ уйғотди.

Тошкент Давлат Университетининг филология факултетида ўқиган йилларимда баъзи муаллимлар “Таржимон” газетасини тилга олсаларда, у қаерда ва ким томонидан нашр этилганини, у жадидчилик ҳаракатининг сарчашмасида бўлганини айтмас эдилар. Ўша йиллари энди Хрущёв даври — сиёсатда юмшаш палласи бошланганидани, баъзила Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпонлар жадид буржуа адабиётининг намоянадалари, деган мулоҳазалар қулоғимизга чалинар эди.

Таниқли қиримтатар шоири, шарқ адабиётининг билимдони Ашраф Шамъизода олтмишинчи йиллари Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريётида шарқ адабиёти бўлимини бошқарар эди. У юртдан айро тушган биз каби ёшларнинг адабиёт билан мароқланганини, хусусан туркийзабон маданиятлар ривожига қизиқа бошлаганимизни олқишлар эди.

Катағон йилларининг шоҳиди устоз Ашраф Шамъизода Чўлпон билан учрашувларини шундай таърифлаган эди:

Масков учрашувлари

“Сизга ҳавасим келади. Туркий халқларнинг мумтоз адабиётлари пайдо бўлган марказларда уларни ўрганиш имконига эгасизлар. Бу адабиётларнинг ғоят бой мероси бор. Яратганининг ўзи сизларни рушлашишдан сақлаб, бизнинг муштарак томирларимизни ўрганганини раво кўрди. Исмоил Гаспринский ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошида буни ҳаммадан олдин англади ва “Тилда, фикрда ва ишда бирлик” шioriни ўртага ташлади. Унга эргашганлар жадидлар сифатида тарихда қолдилар. Афсуслар бўлсинки, уларнинг номлари авлодлар онгидан сиқиб чиқарилди. Қаранг, шу сатрлар муаллифининг номини унутиш мумкинми:

Илму маърифат ҳам ҳунардин қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиққон бизни халқ,
Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар “дахрий” деб;
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ,
Мақтаб ўрнига очилди ҳар маҳалда майхона,
Нафрат этмак нари турсин, шоду хандон бизни халқ,
Мақтаба йўқ бир тийин, тўйга минг сўмлаб берур,
Чораси мушкул касалга мубталодир бизни халқ,
Ибрат олмайдир, бошига шунча кулфат келса ҳам,
Мисли бир калтак йўқотган кўрга ўхшар бизни халқ,
Кўр-да фарқ айлар йўли тўғри ила нотўғрини,
Тўғри йўлга бошласанг-да, эгри хоҳлар бизни халқ,
Ҳар шаҳарда ихтилофдин, жиққа-муштдан сўз бўлур,
Иттифоқдин сўз очилса, мисли қуён бизни халқ,
Орзу қилмас ўғлими мактабда айлай тарбия,
Тўй қилуб карнай чолурни орзу айлар бизни халқ,
Бошқа миллатлар солурлар ҳар маҳалда мадраса,
Онларнинг аксига солғон чойхоналар бизни халқ,
Бошқалар бонка очуб, савдо қилуб пул топса-да,
Топганини шунда беруб оч-яланғоч бизни халқ,
Кес кўз ками, эй қалам, бас, мунча фарёдинг етар,
Кўб бақирсанг, оғизга тошларни отгай бизни халқ.

Бу сатрлар 16 ёшли Чўлпон томонидан 1914 йилда ёзилди ва “Садойи Туркистон” газетасида “Туркистонли қардошларимизга” номи билан босилди. Ўзбек адабиётининг йигирманчи асрдаги ёрқин юлдузи Чўлпоннинг ижоди, таассуфки, ҳамон ўрганилмай келмоқда, асарлари китобхонлардан яширин сақланмоқда.

Мен ўттизинчи йиллари Масковда кинематография институтида талаба чоғимда Фитрат, Чўлпон, Боту, Усмон Носир каби ўзбек адиблари билан танишиш шарафига муяссар бўлганман. Шу йиллари бизнинг машҳур олимимиз ва шоиримиз Бекир Чўбонзода, таниқли мунаққидимиз Мамут Недим пойтахтда машҳур туркийзабон зиёлилар эдилар. Чўбонзода СССР халқлари Марказий нашриётининг бош муҳаррири эди. Яна бир атоқли шоиримиз Латифзода Қиримдан келиб Мамут оғанинг уйида тўхтар, мен ҳам Бекир оғага эргашиб, унга “хуш келибсиз” га борар эдим. Бир сафар тўртовлон қандайдир шеърят оқшомига бордик. Шунда Чўбонзода бизни ғоят келишган қирчиллама тўрт йигит билан таништирди: “Бугунги ўзбек шеърятининг етакчилари”, деб таърифлади. Бекир оға Фитрат ва Боту билан олдинроқ танишлигини, Чўлпон ва Усмон Носир билан Масковда учрашганини билдим.

Чўлпон билан кейин бир неча бор учрашдим. Абдулҳамид ўзбек театр студиясида дарс берад, шоир ва драматург, айни замонда яхшигина таржимон экан. Рус ва турк тилларида эркин сўзлашар, Ғарб адабиёти билан яхши танишлиги кўриниб турар эди.

Чўлпон ўрта бўйли, тўлачадан келган бўлиб, доимо юмалоқ гардишли инглиз кўзойнаги тақарди. Мен уни бошида шляпа, ёзда эса бандлик похол шляпа, майка устидан оқ кител, оқ шим, таги чармли оқ брезент туфли, бир қўлида асо, иккинчисида тоза чармдан ишланган инглиз саквояжи, ҳассани қўлларида ўйнатиб, ўзи билан ўз гаплашиб юрганларини кўп кўрганман. Ўзи Туркияда бўлмаганига қарамай, аср бошидаги турк зиёлиларидай кийиниб юришларига ҳавас қилардим. У жуда серандишали, одамларга беҳосдан озор бериб қўйишдан чўйишдан, кўнгилчан ва чинаякам шоирона табиатли эди. Арзимаган нарсага хуноби ошар, фиғони фалакка етар, асабийлашар, яна арзимаган сабаб билан кайфияти жойига келиб қолар эди. Чўлпон таъён шоир эди. Зийрак, вазмин, нозик, латиф ҳис, ҳаётнинг турли-туман гўзалликларини, нафосат ва латофатларини яхши сезадиган ва уларнинг шайдоси эди. Муҳокамада қизиқонликка йўл қўймаслик, бирор масаланинг муҳокамасида мантиқдан четга чиқмаслик, ҳам суҳбатдошларининг аҳволи руҳияси билан ҳисоблашиш ва уларнинг қалбини оғритмасликка тиришиш унинг фазилатларидан эди. Агарда бир масаладан норози бўлса, ўзи сўз билан ифодаламасдан, теран ўйга толгандек вазият олиб, юзингизга оҳиста бир қараб кўярди. Унинг бу қараши кишига кўп фикрларни ожизона арз этгандек туюларди. Муҳи-тидаги ҳодисалардан, бадиий завқларни озиқлантирадиган асарлардан қаттиқ мутаассир бўлиш ва ҳаяжонланишда Чўлпон алоҳида бир зот эди. У адабиётни жону жаҳонидан севган ва адабий завқини тарбиялаган бир шоир эди. Чўлпон асарларидан унинг қалбини ўқиб қийин эмас. Шеър унинг қалбининг маҳбубаси эди. Унинг санъати самимийлигида, қиймати табиийлигидадир...

Чўлпон Биринчи Мешчанская кўчасидаги 115-уйда истиқомат қиларди, рафиқаси Екатерина Рихтеровна билан жойлашган хона катта бир хонанинг ярмиси бўлиб, ўртада гардероб уши иккинчи ярмидан енгилгина ажратиб турарди. Бу иккинчи ярим хонада бир турк оиласи билан турар экан. Чўлпон у турклар билан турк тилида гаплашарди. Шу йиллари студияда ўқиган ўзбек қизлари Чўлпонни ҳазил қилибми ёки ҳурмат юзасиданми. “Турк афанди” деб чақирганларининг шохиди бўлганман. Чўбонзода билан Недим Туркияда таҳсил олганларидан бўлса керак. Чўлпон билан туркча сўзлашишарди...

Ўзбек адабиётида Чўлпондай ўз ижодий тутимга содиқ бошқа ижодкорни советлар даврида топиш қийин. Мен Чўлпон билан кўп суҳбатлашмаган бўлсам-да, унинг Фиграт, Ҳамза, Авлоний, Боту, Элбек, Усмон Носир, кейинчалик Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Олим Шарафиддинов, Абдурахмон Саъдий, Отажон Ҳошим, Ғози Олим Юнусов каби йигирманчи ўттизинчи йилларнинг кўзга кўринган зиёлилари ўртасидаги турли мавзуларда тортишувлари, баҳслари ҳақида Бекир оғадан эшитганман.

1930 йили бўлса керак, бир куни Мамут Недимнинг хонадонида таниқли қиримтатар олим ва шоирлари Усмон Оқчўқроқли, Исмоил Лёманов, Абдулла Латифзода, Бекир Чўбонзода ўртасида Исмоил Гаспринский ижоди тўғрисида қизғин баҳс кетди, турли фикрлар билдирилди. Бекир Чўбонзода оға баҳсга яқун чеккандай, ҳорғин ва ғамгин ҳолда ўқиниб, шундай деди:

— Татар қардошларимиз яна муаллимга ҳужум бошлаб, менимча, янглишмоқдалар. Мен билан бирга ишлайдиган тарихчи профессор Газиз Губайдуллин билан революционер адиб сифатида танилган Олимжон Иброҳимов устоз бизни тарк этганига 16 йил бўлганидан кейин ҳам. “У инқилобий ғояларга қўшилмади, буржуазия идеологи сифатида қолди”, деб шовқин кўтарилди ҳозир не ҳолат бор экан? Муаллимни гўрда ҳам тинч қўймаганларининг сабабини англай олмай ҳайронман. Турк оламининг бу маънавий отаси вафот этганида Чўлпон шу сатрларни ёзиб хато қилмаган бўлса керак!.. Бекир оға чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб ўқини киришди: — “Маърифат-парвар бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспринский ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз:

Муттақин аҳли Ислому эрдингиз,
Миллатимиз йўлида жон эрдингиз.
Эй бизи уйғотувчи устозимиз,
Ифтихори равнақи Исломишимиз.
Эскиларни қилдингизким тор-мор,
Жойингиз жаннатда бўлсун барқарор.
Олтмиш бешда сизга етти ажал,
Бу ажал нўш эткузубдир бемаҳал.
Миллатнинг порлоқ чароғи ўчти, оҳ,
Биз жужуқларнинг бобоси кўчти, оҳ.
Эй Ҳамидий, қил дуони доимо,
Васфинга ожиз эрурмиз оҳу-у, оҳ.

Андижон. 16 ёшлик талаба”.

Бу шеър 1914 йил 24 сентябрда “Садойн Фарғона” газетиде босилган. Мен ўтган йили Ўзбекистонда бўлганимда, уни менга Қўқон шаҳрида зиёлилардан бири берди. Ўн олти ёшли талаба устозининг ғояларини англашга ғайрат этса-ю, татар қардошларимиз унга вафотидан кейин ҳам тош отувдан воз кечмасалар. Исмоилбек тириклигида Абдулла Тўқай уни “Инқилобий ғояларга қўшилмаган либерал” деб камситиб ёзганини ўқиган эдик. Энди эса, ўзларини мусулмонлар орасида инқилоб етакчилари деб юрганлар бош кўтармоқдалар. Нима бўляпти асли бу дунёда?!

Чўлпон қиримтатар зиёлилари ўртасида шундай ҳурматли адиб бўлиб, унинг “Кеча ва кундуз” романи нашр қилиниши билан биз уни қўлма-қўл олиб ўқиган эдик. Бизга буюк шоирнинг ижоди билан халқимизни таништириш насиб бўлмади. Иншаоллоҳ, бу вазифа сизларга насиб қилсин. Ўзбек ва қиримтатар маданий алоқалари вақти келиб ўрганилишни орзу қиламан...”

Шаҳсга сиғиниш даврида кўп қийноқларни бошидан кечирган Ашраф Шамъизода ҳам орзуини амалга ошира олмай оламдан ўтди. Сиёсий юмшаш йиллари кетидан турғунлик даври келди. Аввалгидай, “жадиллар буржуазия тарғиботчилари” деган машъум атамадан қутулиш осон бўлмади. Биз эса бу мавзуга қўл уришдан чўчидик, чунки шаклан ўттизинчи йиллардан фарқли бўлса-да, мазмунан ва руҳий жиҳатдан ундан оғир давр пардасини ёриб ўтиш осон эмасди.

Шу ерда ўша даврнинг гувоҳларидан бири, яна бир ҳурматли қиримтатар зиёлиси, умрининг олтмиш олти йилни Тошкентда ўтказиб, 1997 йил 26 апрелда 103 ёшида вафот этган ўқитувчи Мустафо Халиловнинг хотираларини эсладим. Бу муҳтарам инсон бир сира ўзбек зиёлилари билан таниш, баъзилари билан бирга ишлаган эди.

Мен билган Чўлпон

“Ўттизинчи йиллари турли тақдир мужиби Қиримни тарк этган анча зиёлилар Тошкентда тўпланди, — деб ҳикоя қилган эди Мустафо муаллим. Мен ҳам 1931 йили қулоқ қилишларидан қочиб Тошкентга келдим. Бешоғоч даҳасида, ҳозирги Алишер Навоий ҳайкалининг орқасидаги собиқ Болшевик кўчасида олтмиш олти йил яшадим. Ўзбекистон давлат нашриётида дарсликлар бўлими

очилиб, унга профессор Абдулла Авлоний мударий эдиб тайинлангач, мени ишга таклиф қилди. Шоир ва олим сифатида танилган Авлоний дунё кўрган зиёлилардан эди. Биз қиримлиларга муносабати яхши эди. Мен билан кўришганида:

Исмоилбек бизнинг кўзимни очди. Бир замонларда “Таржимон”ни ўқиб, замондан хабардор бўлдим. дер эди.

1934 йили Авлоний тўсатдан вафот этгач, унинг ўрнига келган навоийшунос Порсохон Шамсиев ҳам “Таржимон” газетасини яхши билар. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-дуғатайи” асарини нашрга тайёрлаганда, унга ёзган сўзбошида И.Гаспринский уни қиримтатар тилига таржима қилганини қайд этган эди. Бу икки зот гоёт маданиятли, самимий кишилар эдилар. Ўзбекистонда шу йиллари Чўбонзоданинг обрўйи жуда баланд, уни “озарбойжон профессори” деб билишарди. Яхши танишим, тилшунос Солиҳ Муталибов билан гурунгаримиздан бирида:

Бекир муаллим ҳамюртим. — дедим.

Муталибовнинг қошлари тугилди, бошини кўтариб менга ёвқараш қилди:

Қардош, бошинг жойидами? Чўбонзода Озарбойжон. Боку дорилфунунининг профессори. Буни менга айтдинг, бошқага айтма. Кулги бўласан, -- деди койиб...

Биз, Тошкентда туриб қолган қиримтатар зиёлилари, тилимиз яқинлигидан ўзбеклар билан тез тил топишиб кетдик. Мен Ўздавнашрда корректура бўлимининг мудири, рафиқам Робиа Бешоғочдаги болалар боғчасида мураббий-ошипаз эди. Маҳалла хотин-қизлари билан опоқ-чопоқ бўлиб кетди. Боғчага яқин бир ҳовлида алиб Абдулла Қодирийнинг онаси турарди. Ўғли қамалгач, невараларини етаклаб боғчага келарди. Робиа болаларини овқатлантирар, бировдан холи фурсат топиб баъзи ноз-неъматлардан кампирнинг чўнтақларига солиб кўяр эди. Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев отилгач, Қизил майдонда “Халқ душманларига шафқат йўқ” деган шиор остида катта митинг бўлди. Митингга ҳар бир ташкилотдан икки вакил тайинлашди. Рафиқамни ва унинг боғча мудирасини рўйхатга тиркашибди. Жони жаннатда бўлгур рафиқам бир сўзли аёл эди:

Мен оддий ошпазман. Сиебатни яхши тушунмайман. Уларнинг халқ душмани эканларини кўзим билан кўрмадим. Менинг у ерда нима ишим бор, — деб гап қочирибди. Органдан келган ходим у билан суҳбатлашиб:

Яна шундай десангиз, бу ердан туёғингизни қуритамиз. Қаердан келганингизни унутмангиз, — деб ўдағайлабди. Боғча мудираси унинг тарафини олмаганида, бизни шаҳардан қувнишлари мумкин эди.

Қирим театри асосчиларидан бири, таниқли режиссёр Жалол Меинов ҳам Тошкентга сургул этилган бўлиб, унинг қизи ҳам бизнинг нашриётда мошинкачи бўлиб ишларди. Жалол оға, ҳозир эсимда йўқ, қайсидир техникумда дарс берар. Ўзбек артистлари билан яқин, Чўлпон билан ошно эди. Уни бир сафар кўчада учратдим.

Кеча нашриётда Чўлпон билан суҳбатлашдим. Ажойиб инсон, буюк шоир, моҳир драматург. Менга нима деди, биласанми? “Сизнинг нимага эҳтиёжингиз бор? Нималарга муҳтожсиз? Тортинмангиз, охир ҳаммамизнинг томиримиз бир. Курортга, дам олиш уйларига юборинг қўлимиздан келади. Лекин, афсуски, ҳозир сизни Қиримга йўллашга бизда ҳуқуқ йўқ”, деди. “Кўп раҳмат, агар бундай зарурат бўлса, айтаман”, деб ташаккур билдирдим. Мени Фитрат билан таништирди. Фитрат профессор, зўр билимдон адиб. Тарихий мавзуларда ажойиб драмалар ёзган. Қани энди имкон бўлса-ю, уларни саҳналаштирсам... Эҳ!.. Яна ёқамдан ушлаб туришди. Анчадан бери маош беришмайди. пулим бўлса, таъқибларига қарамай Қиримга қайтар эдим.

Кўпга бормаи у ҳам қамалди ва отилди...

Ўша йиллари нашриётнинг поэзия бўлимига Зулфия ишга келди. Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Элбек каби шоирлар серқатнов бўлиб қолишди. Фитрат билан Чўлпон кам кўринишарди. Фитрат келганида, уни ҳамма ўрнидан туриб: “Келинг, домулла”, деб қўл қовуштириб кутиб оларди. У жуда бежирим кийинарди, галстуксиз юрганини таъкидлаб, унинг шеърятдаги бадиий маҳоратини турк шоирларидан Яҳё Камолга таққослаб, ундан ҳам юқори қўйди. “Яҳё Камол ўз асарларини туркларнинг ишланиб вояга етган тилида яратган. Чўлпон эса Ўзбекларнинг энди ривож топаётган янги тилида ёза бошлади. Ўзбек шеърятини тилини яратди ва шу тилда ўлмас асарлар ёздиким, бу Чўлпоннинг Яҳё Камолдан устунлигидир”, деди. Ҳамюртинг шундай олижаноб инсон. Ҳозир бизнинг адабиётни ундан яхши тушунган туркшунос йўқ...

Бир куни хонамда ёлғиз эдим. Эшик оҳиста қия очилиб, Фитрат кўринди. Сўнг эшикни қаттиқ ёпди-да, атрофига кўз ташлади, овозини пасайтириб, шундай деди:

Бокудан ҳамюртинг профессор Бекир Чўбонзода келганини эшитдингми? Адабиётчилар йиғинида Ўзбек адабиётининг ҳозирги ҳолати ҳақида маъруза ўқиди. Чўбонзода Чўлпоннинг ўзбек адабиёти равангаи учун кўп ҳисса қўшганини таъкидлаб, унинг шеърятдаги бадиий маҳоратини турк шоирларидан Яҳё Камолга таққослаб, ундан ҳам юқори қўйди. “Яҳё Камол ўз асарларини туркларнинг ишланиб вояга етган тилида яратган. Чўлпон эса Ўзбекларнинг энди ривож топаётган янги тилида ёза бошлади. Ўзбек шеърятини тилини яратди ва шу тилда ўлмас асарлар ёздиким, бу Чўлпоннинг Яҳё Камолдан устунлигидир”, деди. Ҳамюртинг шундай олижаноб инсон. Ҳозир бизнинг адабиётни ундан яхши тушунган туркшунос йўқ...

1925 йили Бокуда нашр этилган тўрт жилдик “Турк адабиёти тарихи”нинг муаллифи профессор Исмоил Ҳикмат Яҳё Камол тўғрисида шундай ёзган эди: “Яҳё Камол туркларнинг “Шоҳнома”сини яратишга қодир кимса”. Кўряписки, Яҳё Камол Фирдавсийга тенглаштирилиб, юқори баҳоланади. Чўбонзода эса Чўлпонни шу буюк шоирдан ҳам юқори қўйди. Бекир оға Чўлпон шеърларининг содда

тилини, равон ўқилишини, янги ташбеҳ ва ўхшатишлар устивор қўлланишини алоҳида қайд этади.

Фитрат ва Чўпон ўзларига замондош зиёлилардан билимларининг кенглиги, самимийлиги, бировларга мадад қўлини чўзишлари билан устун турар эдилар. Баъзида Фитратни орқаворатдан худбин, Чўлпонни бадбин деганларини эшитардим. Лекин бундай гапларнинг ўринсиз эканини билардим. Бунга ўттизинчи йилларнинг ўрталарида уларнинг асарлари турли баҳоналар билан рад қилингани сабаб бўлса керак. Шундан улар изтиробга тушар эдилар. Афсуски, адолатсизлик қурбони бўлган бу ажойиб инсонларнинг кечикиб бўлса-да, оқланганидан ҳўрсандман...”

Биз бу муҳтарам зиёлиларнинг хотиралари воситаси ила Чўлпон ижодида Исмоил Гаспринский ва унинг “Таржимон” газетининг самарали таъсири тўғрисида тўхталмоқчимиз. Аввало, бир масалани ойдинлаштириб олишимиз керакка ўхшайди. Гап матбуотда “Гаспирали” ва “Гаспринский” деб икки хил ёзилаётгани хусусидадир. Яқинда йигирманчи йиллар адабий жараёнини ўрганаётган ёш тадқиқодчилардан бири мендан шундай деб сўраб қолди: “Ҳозир газета ва журналларда “Исмоил Гаспирали” деб ёзилган номни кўп учратамиз. Аммо аср бошидаги матбуотда бу ном кўринмайди. Аслида “Исмоил Гаспринский” деган ном жуда машҳур бўлган экан. Баъзида уларнинг иккиси ҳам бир кишига доир эканига ишонгинг келмайди”.

Мен бунинг сабабини тушунтирдим. Исмоилнинг отаси, чор армиясининг зобити Мустафо Қиримда, Ялта шаҳрининг яқинидаги Гаспра қишлоғида яшаган. Ҳарбий хизматдан истеъфога чиққач, унга дворян рутбаси берилиб, “Мустафо Гаспринский” номини олган. Кейин унинг оиласи Боғчасарой шаҳрининг яқинидаги Овчи қишлоғига кўчиб, шу ерда 1851 йили ўғли Исмоил туғилган. Исмоилбек буни ҳатто шундай сатрларда қайд этган:

Дўғдим Овчи кўйде!¹
Бинг секиз юз элли бирде.
Меконимдир Боғчасарой.
Мезорим билмен нерде?

Бутун умри давомида журналист ва адиб сифатида газетига, мақолаларига ва асарларига “Исмоил Гаспринский” номи билан имзо чеккан. Шу ном билан дунёда маълум ва машҳур бўлган.

“Гаспирали” номи эса, ўттизинчи йилларда туркия матбуотида қўлланила бошланди. Унинг номи деярли олтмиш йил совет матбуотида тилга олинмади. Саксонинчи йилларга келиб, туркийзабон халқлар ўртасида унинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш ортганда осонлик билан усмонлилар ёзганларидай шаклни қабул этдилар. Дунёда биринчи бўлиб Исмоил Гаспринскийнинг фаолиятига бағишланган докторлик ишини ёқлаган америқолик профессор Эдвард Лаззериани ҳам жаҳонда, хусусан АҚШда, Франса ва Германияда Гаспринскийнинг машҳурлигини таъқидлаб, уни туркийзабон халқлар бирданига “Гаспирали” деб атай бошлаганларидан афсусланган эди. Мен ҳам умумий оқимга қўшилиб, бу улуг зот ҳақида ёзганда билиб-билмай шу атамани қўлладим. Энди бу ишим нотўғри эканини англаб, пушаймонман.

Муаллифнинг ўзи бир марта ҳам “Гаспирали” деб қўлламаган исмини ўзгартиришга асли маънавий ҳуқуқимиз борми? Шунинг учун ҳам “Гаспринский” деб ёзилишини тўғри деб биламан, бу билан улуг алломанинг руҳи шод бўлар, деган фикрдаман...

Айтмоқчиманки, энди атамага айланган “жадид адабиёти”нинг асосчиси Исмоил Гаспринский ижоди билан Абдулҳамид Чўлпоннинг йигирманчи аср ўзбек адабиётининг йўлчи юлдузи бўлиб етишишида ўзаро муштарақлик бор. Абдулҳамид Андижоннинг ўзига тўқ, маърифатпарвар зиёли оиласида дунёга келгани, унинг ижтимоий онги ўсишида отасининг таъсири буюклиги ҳақида кўп ёзилди ва ёзилмоқда. Асрнинг бошидаги шиддатли давр, янги пайдо бўлаётган ижтимоий муҳит, мадрасаларда, рус-тузем мактабида таҳсил, нафақат Русия, балки бутун оврупа тарихи ва маданиятининг дарчаларини очнишга интилиш, шарқона ва оврупача илмларни бирлаштириш йўлини кўрсатган шахс, 1905 йилдан сўнг Туркистонда кенг қанот ёйган маърифатчилик ҳаракати Исмоил Гаспринский ва унинг “Таржимон” газети таъсирида шаклланганини идрок эта олиш қобилиятидаги Чўлпон адабиёт майдонига одимлади. Лекин чўлпоншуносликда бу йўналиш ҳали тўла ўрганилган эмас, уни ўрганмай туриб, адибнинг ўзбек адабиётининг ривожига қўшган ҳиссасини тўла очиб бериб бўлмайди.

Чўлпон матбуотсиз маърифат ривожини тасаввур қилиш мумкин эмаслигини, хусусий, миллий, шарқона матбуот зарурлигини илк бор отасининг таъсирида “Таржимон” билан танишувдан бошлади. Ёш Абдулҳамиднинг Фарбнинг саргузашт, романтик, илмий-бадий адабиётини, фалсафасини, психологиясини мутолаа қилиб, юксак дунёвий, ижтимоий ғояларга интилишида, тузумларни қиёслаши, афзалини ахтариши, мустамлакачилик кишанларидан қутулиш йўлларини излашида “Таржимон”да босилган мақола ва асарларнинг ижобий таъсири катта ва бу унинг бутун ижодида сезилади. Чунки, Русиядаги маҳаллий мусулмон матбуот воситалари бу муаммоларни “Таржимон”дай кўтариб чиқмади, уларни очик-ойдин ташвиқот қилмади. Буни баҳоли қудрат англаган ёзувчилардан бири Зиё Саид 1927 йилда нашр қилинган “Ўзбек вақтлӣ матбуоти тарихига материаллар (1870-1927)” китобида бу жараёнга шундай баҳо беради: “Мана шу иқтисодий шароитларда етишиб, миллий буржазиянинг шу мафкурасини ташувчи, фикр-мақсадларини амалга оширувчи бўлиб, “жадидлар” майдонга чиқдилар. Тез кунда булар томонидан Туркистон ўлкасининг кўп шаҳарларида,

¹ Кўй — қишлоқ (қиримтатарча).

турли исмда турли газета ва журналлар нашр этила бошлади. Мана шу ҳол Остроумов газетаси олдига ("Туркистон вилоятининг газети" кўзда тутилмоқда. --- С.Н.) яна янги вазифалар келтириб қўйди. У, бошлаб буларнинг кўзини "оча" бошлаган "Таржимон" (Боғчасаройда Исмоил Гаспринский муҳаррирлиги остида чиқадиган газета), "Ҳаёт" (Бокуда чиқадиган бир газета) газеталарига қарши байкот эълон қилди. "Таржимон"ни ўқимангиз, кофир бўласиз", деган руҳда эзилган матери-алларни дарж этиб турди. ("Таржимон" газетасини жадидлар жуда севиб ўқир эдилар. Унинг муҳаррири Гаспринскийга катта муҳаббатлари бор эди. Ҳатто Гаспринский вафот этганида жадидлардан бир мунчалари ўттиз кунгача ўз кўкраklarини мотам белгилари билан безаб турдилар)".

"Таржимон"нинг ўқувчилари кўнайиши билан жадидларнинг матбуотга ҳаваси кучайди. Улар "Таржимон"ни ўқиш билан чеklangмасди, олдига қўйилган вазифаларни бажариш, кўпчилик фикрини ўз томонларига жалб этиш йўлида ҳаракат қила бошладилар. Генерал-губернатор ўзига яқин бир кишини муҳаррир қилиш шарти билан жадидларга газета чиқаришга ижозат беради. 1905 йилги маълум "озодлик"лардан сўнг дунё кўрган Ўрта Осиёдаги "Тараққий" газети "жадидлар", "исломчилар" оқимини тилаклари, фикрлари, ғояларини генерал-губернаторнинг маълум шарти орқасида кўтариб майдонга чиқайди.

Бу вақтларда улар ўзларининг бутун ҳаракатларида, ички Русия либерал буржуазияси (итти-фоқчилар) ишларидан ўрнак олар, шуларга эргашар ва шуларнинг адабиётларидан фойдаланар эдилар. Айни замонда Исмоилбек Гаспринский "Таржимон"идан сабоқ олиб, бутун турк тилларини бирлаштириш чорасига киришганлари, мадрасаларни ислоҳ қилиш ва бошқа бир мунча масалалардаги ташаббуслари, матбуотдаги мақолаларининг кўпинча ички Русия мусулмон газеталаридан олинишлари ҳақида Зиё Саид тўғри қайд этади. Ўша йиллари "Ички Русия мусулмонлари" деганда Волга бўйида яшайдиган туркийзабон миллатлар кўзда тутиллар эди.

И.Гаспринский ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошида ғоят самарали ижод қилиб, Русия мусулмонлари олдига дунёвий илмларни эгаллаш билан бирга, техникани ўрганиш, савдода жаҳон бозорига чиқишга интилиш, хусусан ердан самарали фойдаланиш, уни ажнанийларга сотмаслик мавзуларида мақолалар ёзди. Худди шу йиллари "Дор ул-роҳат мусулмонлари" ва "Юз йилдан сўнг, 2000 сана" каби бадиий-публицистик романларини эълон қилди, "Оврупа маданиятига бир назар мувозини" ва "Маъзаби иштирокиюн" деган машҳур мақолаларини "Таржимон"да босди. Уларда сотсиалистларнинг асл башараларини очиб кўрсатди, сотсиализмга илмий ва тарихий назария сифатида бетарафлик билан фикр юритган вақтда, у ҳали назария тарзида шаклланмаган эди. Бу ғоя пойдеворсиз девор устига қурилаётган уйдан шаклланаётганини мутафаккирларча аввалдан башорат қилди.

Бундай ўзгаришлар ёш Абдулҳамидни ўзига жалб этмай қолмади. Хусусан, 1914 йили Тошкентда "Садойи Туркистон" ва Қўқонда "Садойи Фарғона" газеталари чиқа бошлади, уларда Чўлпоннинг фаол иштироки, журналист сифатида шаклланиши шу ўзгаришлар билан боғлиқдир. "Садойи Фарғона"да Қримдан келган Усмон Нури деган киши таржимон бўлиб ишлагани, уларнинг "Таржимон" тўғрисидаги гурунглари Чўлпоннинг журналистикага берилишига ижобий таъсир этгани ҳам шу даврга тўғри келди. Шу йили "Садойи Туркистон"нинг 18 апрел сонида тўртинчи саҳифада "Идорага мактублар" рукни остида муҳарририят томонидан "Туркистонда ҳам миллатнинг саодати, ривож ва тараққийси учун курашаётган, фафлат, жаҳолат қалъаларини зўр ила уриб йўқ қилмоқ орзуида" бўлган ёшлар кўпаяётганлиги таъкидланган. Бундай ёшлардан бири сифатида ўн беш ёшли "Абдулҳамид афанди" кўрсатилган ва юқорида биз тилга олган "Туркистонли қардошларимизга" шеъри ўқувчилар диққатига ҳавола этилган.

Худди шу даврда Чўлпон "Садойи Туркистон" ва "Садойи Фарғона" газеталарида махсус муҳбир сифатида, кейинроқ бошқа нашрларда босилган "Баҳор гуллари", "Шарқ уйғонмоқда", "Ватаннимиз Туркистонда темир йўллар", "Уш", "Чимкент", "Қутурган мустамлакачилар", "Қурбони жаҳолат", "Йўл хотиралари" каби йўл очерклари ва фелйетонларини ва "Доктор Муҳаммадёр" ҳикоясини ўқиган китобхон агар у "Таржимон" газети билан яқиндан таниш бўлса, И.Гаспринскийнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкентга, Осиё ва Африка мамлакатларига ташрифларига бағишланган йўл очеркларини, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолаларини шубҳасиз эслайди. Биз, зинҳор-базинҳор, Чўлпон унга тақлид этди, деган фикрдан узоқдамиз. Бундай чиқишлар Гаспринский ўртага ташлаган муаммолар маҳаллий шароит учун қанчалик муҳим эканини ҳали ўспирин чоғида бўлган Чўлпоннинг англай олиш қобилиятини намоён этади.

И.Гаспринский ҳам, Чўлпон ҳам инқилоблар даврида яшадилар. И.Гаспринский 1905 йилги рус буржуа инқилобига, сўнгра 1908 йилги турклар инқилобига, Чўлпон эса октябр инқилобига катта умид боғладилар. Аммо бу инқилоблар халқ ишончини оқламади. Уларни боғлаб турган робита эса, Ватан ва Миллат манфаати билан боғлиқ эди.

И.Гаспринский "Таржимон" саҳифаларида асосий тирикчилиги деҳқончилик бўлган мусулмонлар бойлиги қишлоқ хўжалиги эканини, бунинг учун ердан фойдаланишда ҳам маърифат, маданият кераклиги ҳақида хусусан ер сотишнинг оқибатига бағишлаб ўнлаб мақолалар эълон қилган, ҳатто 1906 йили "Эй ўғлим" деган шеъри билан зироатчиларга шундай мурожаат қилган эди (у қиримтатар тилида ҳам китобхонга тушунарли бўлгани учун бир неча сатрини таржимасиз мисол келтирмоқдамиз):

Аман ўғлим, сатма сақин элиндеки тўпрағи,
Ананъ киби сени беслер, берекетли тўпрағи.
Пичен, арпа, аш истамез, верир санъа бунларни,
Сефил-резил олма сақин, сатип Ана тўпрағи.

Ўни билиб, севмелисинг чайир иле бағчайи,
Ақча сувдир, ақар китер, битирисинг ақчайи.
Бағча кетги, ақча битти, не ўлир сенинг алинг,
Аман ўғлим, тўпла ақча, керн қайтар бағчайи.

Дунё зироатчилик ҳаётини кузатган Чўлпон И.Гаспринскийнинг бу қақирувчига ҳамоҳанг “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик”, “Туркистондаги, билҳосса Фарғонадаги мусулмон қардошларимизга хитоб”ини эълон қилади. Рус, армени, яҳудий тadbиркорлари савдо-сотиқда эришган ютуқлар билан маҳаллий бойларнинг синиши, деҳқонларнинг қашшоқланиши сабабларини таҳлил этишга тиришади.

Чўлпон И.Гаспринскийнинг ажнабийларга ер сотмаслик хусусидаги фикрларини қалбдан ҳис қилади. Ер сотганин ёмон кўради. Она тупроқни сотишни куфрони неъмат деб билади. Шунинг учун темир йўллар тушаётган жойлардаги ерларни сотмасликка чақиради. Негаки, ер сотилса, маҳаллий аҳоли Амриқо ҳиндулари сингари ўз ватанида беватан бўлиб қолади, бойлик орттиришни хоҳлаганлар энг янги ва қулай бозордан маҳрумдирлар, уларнинг молларини келгандилар арзон-таровга олиб, сарватларини оширадилар. Бинобарин, маҳаллий сармождорларнинг умумжаҳон бозори у ёқда турсин, ҳатто Русиянинг ички бозорида ҳам ишлари касога учрайди. Буни сезган ёш адиб ёздади: “Ер ва тупроқ сотган бола-чақа сотган билан баробардур. Бир ота ерини сотди, демак, бола-чақа ва наслини то қиёмат оч ва яланғоч қолдирди, демакдир. Ватан тупроғи шундай Онадурки, буни ҳур қилдуқ, ўзимизнинг ҳам ҳур бўлмоғимиз кўз олдидадур. Ер сотиб хонавайрон бўлганлардан ибрат олайлук! Жаноби Ҳақ икки кўз ва ақл берибдур, кўзларимиз ила кўриб, ақлимиз билан ўйлайлик! Ўзимиз яланғоч кўйинда келиб, онамиз, Ватанимиз тупроғимиз бизни боқар, ризқ берар, катта қилар, дунёда яшатар, ул Онани сотганлар, албатта, неъматнинг қадрини билмаган куфрони неъмат қилган бўларки, кўп ёмон гуноҳга ботарлар. Тупроқдан яратилдуқ, демак, тупроқ танимиздир, ўз танимизни ўзимиз сотсак, беақллик бўлмасму?”

Чўлпоннинг ижтимоий воқеаларга мурожаатида ҳам Гаспринский насерининг таъсири катта. Мавжуд ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса, воқеа, моддий бир кўриниш тасвир этилар экан, шуларнинг ўзларининг тасвири бўлмайди. Балки шундан асл мақсад шу тасвир ва шакл орқали руҳий бир ҳолат, бир тасаввур, руҳий бир ҳаяжон ифода этилади. Адибнинг илк ижодий намуналаридан бири 1914 йили ёзилган “Доктор Муҳаммадёр” асари бўлиб, баъзида у “ҳикоя”, баъзида “қисса” деб юритилади. Бу асарда маърифатпарварлик адабиётига хос бўлган инсонни улуғлаш ғояси ифодаланган. Асарда маърифатпарварлик ғоялари нуқтаи назардан жамиятни ислоҳ этмоқчи бўлган киши образи тасвирланган. Муҳаммадёр юртини чулғаган жаҳолат билан курашмоқчи бўлади: “Жаҳолат билан олишмоқнинг қуролини эса, отаси айтиб кетган эди. Яъни, жаҳолатга қарши тўп, митиқ, тўпонча, ханжар, ўқ-дори эмас, ёлғиз ўқув, ўқув, ўқув эди”. Халқига фойда келтириш учун Муҳаммадёр доктор бўлиш мақсадида ўқишга кириди. Асарда ҳикоя қилинишича, у Боку, Петербург университетларида, Швейцарияда ўқийди. Ватанга қайтгандан кейин эса “Жамияти хайрия”ни гузиб, маърифатпарварлар билан жамиятда ислохотлар ўтказишга киришади. Асар хотимасида ўзбек маърифатпарвар зиёлиларининг фидойи ҳаракати туфайли Туркистоннинг қоқоқ гўшасидаги бир шаҳар маданий шаҳарга айлангани, унда мактаб ва билим юрлари, театр ва шифохоналар очилгани, газета-журналлар чоп этилгани ҳикоя қилинади. Ёзувчи бу асар жанрини “хаёлий ҳикоя” деб белгилайди.

Агар бу ҳикоя жиддий таҳлил қилинса, И.Гаспринскийнинг “Маъҳаби иштирокиюн” мақоласи, “Дор ул-роҳат мусулмонлари” романи орасида қанчалик ўхшашлик, манتيқий муштараклик борлигини сезиш мумкин. 1887 йили илк туркий роман тарзида ёзилган “Дор ул-роҳат мусулмонлари” фантастик асарнинг қаҳрамони гошкентлик мулла Аббос узоқ Испанияга бориб, афсонавий Андалусия мамлакати билан танишса, доктор Муҳаммадёр узоқ ўлкаларда эгаллаган илмини ўз юртида қўллашга тиришади. Бу ҳол ҳақиқатдан анча узоқ эди. Шунда беихтиёр “Маъҳаби иштирокиюн”даги шу сўзлар эсга келади: “Бу йулларни очиш учун ахлоқий буюклик зарур. Эй дўстлар! Япониядан ибрат олмалимиз. Японлар бизлардай бирор-бир ўқишмади, улар юзлаб-юзлаб Амриқо университетларида таҳсил олдилар...” Гаспринский айри олинган бир шаҳарда маданият қуриш мумкин эмас, деган хулоса чиқарган бўлса, Чўлпон бу билан баҳс этмоқчи бўлиб, хаёлпарастликка берилади. Адиб бу билан виждон эркинлиги, ирқий ва миллий масалага кенг қарагани, тор миллатчилик, шовинизм унга бегона экани, лекин мустамлакачиларга, шовинистларга, руслаштириш, масиҳийлаштириш сиёсатига қарши турганини баён қилади. Негаки, у шахс сифатида шаклланган, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий манфаатлар қайнаган манзил ҳодисотлари билан обдан таниш ва Русиянинг мустамлакачилик ниятларини яхши билар эди. Бунга сабаб Чўлпон аср бошидаги ижтимоий-сиёсий, инқилобий миллий кураш жадидлик ҳаракати қозонида қайнамоқда эди. У шу курашнинг ҳақиқий куйчисига айланши йўлига чиққан эди. Она-ватанин овоз, мустақил, ҳур кўриш унинг юпанч истаги бўлгани учун ўн тўртинчи йилдаёқ ўз эътиқодидан сира воз кечмасликка қасамёд этиб, истиқлол келишига астойдил ишонди, шу йўналишда ғайрат билан ишга киришди, шу истакка ишонч билан интилиш зарурлигини англади, устозининг “Маъҳаби иштирокиюн” даги фикрларига ҳамоҳанг шу сўзларни ёздади: “Ёшлар ғайрат қилсалар, бойлар ёрдам берсалар, муҳаррирлар ва муаллифлар қаламлари ила, муаллим ва муаллималар ўқитишлари ила, шоирлар шеърлари ила ўз хизматларида маҳкам туриб, давом этсалар, бизим миллат оз вақтда оёққа босиб кетишига асло шубҳамиз йўқдир. Бу тўғрида кўнглимиз тўқ ва умидимиз ортиқдир”.

Демак, уларнинг иккисида ҳам мақсад — тасвирда руҳий бир ҳолатни ифодалаш, борлиққа муносабат билдириш, инсон ҳаёти ҳақида маълум бир ҳақиқатни айтишдир. Чўлпон бу йўналишда И.Гаспринский йўлидан борди. Исмоилбек 1914 йили вафот этгач, жадидлик ҳаракатида турли йўналишлар пайдо бўлди. Энди омма орасида танилган Чўлпон ҳақида матбуотда фикрлар билдири бошланди. Абдурахмон Саъдий 1924 йили “Туркистон” газетига эълон қилган “Ўзбек ёш шоирлари”, яъни. “М. Беҳбудий ва унинг теграсига йиғингон ёзғувчилар” деган мақоласида шарқ адабиётига, хусусан ўзбек адабиётига қарашларида Оврупа ва рус олимларининг таъсири яққол сезилса-да, 20-йилларда анча ҳаққоний фикрларни баён қилади. Лекин, олим сиёсий ўзгаришлар оқими билан иш кўргани учунми, унинг 30-йилларга бориб айтган фикрлари аввалгиларига тўғри келмайди. “Ўзбек адабиётида 20-йиллар бошида Октябрь ўзгаришигача чўзилган 15-20 йиллик бир давр бор, бу давр ўзбекларда чиғатой-ўзбекчилик давридир... Чиғатой-ўзбек адабиётининг муассислари бўлгон бу ёзғувчилар, бу адабиётни мусулмончилик ва турклик негизда ижтимоий уйғониш учун хизмат қилдилар. Адабиётни шунга қурол этдилар, адабиётни ўғит-ваъз майдони қилдилар... Бу ўғитчи ёзғувчилар бутун ёзгон нарса ва шеърларида “Интибоҳий умият! Миллат ва исломият! Илм ва ҳунар! Ўқув ва мактаб! Маданият ва тараққий! Иқтисод ва ижтимоия!...” деб нидо қилдилар, фикр сочдилар, талқин этдилар... Булар энг илгарги “Таржимон” шоғирдлари бўлсалар, кейиндан “Шўро” ҳам “Вақт” шоғирдлари бўлиб, асл руҳ ёғидан шу газета ва журнал йўлида давом этдилар... Қисқаси, булар Гаспринский билан Ризо қози ва Ф.Каримийлар орқасидан кетиб ёки шулар гуруҳига қўшилиб, Туркистонда фикрлик (ратсионализм) мактабининг эшигини очдилар”.

Чўлпон мана шу уйғониш даврининг кейиндан қўшилган бир аъзоси бўлиб майдонга чиқди. Тўғриси, Чўлпон шу даврнинг қаттиқ миллият руҳи билан суғорилган ёш ва қизғин бир миллий қаҳрамони бўлиб адабиёт майдонига отилди. Унинг ёш ўзбек адабиётида бош омил бўлиб саналган томони тил ва услубида кўринди. Чўлпоннинг ёш ўзбек адабиётининг туғилиши йўлидаи энг катта хизмат тил ва услубида янги йўналиш яратувидадир. Чўлпоннинг ёш ўзбек адабиёти учун араб ва форс сўзларининг йўлини беркитиб ёхуд шунинг кенг тарихий йўллари билан ўзжумларини торайтириб, тизмада ўзбекча ёзиш йўлини чизди. Чўлпон тил ва услубда, аввало, ёш ўзбек шоирларининг кучини ўзига қарата олди, уларнинг кўпчилигини ўз теграсида тўплаб, шуларга йўлбошчилик сифатини кўрсатди. Чўлпон, “...гарчи руҳ ва оҳанг эътибори билан усмонлилар таъсирида бўлса-да, унинг ўзига хос махсус тили ва услуби бордир”, деб тўғри қайд этган эди А.Саъдий.

Волга татарлари, озарлар, қиримтатарлари маҳаллий шевалар асосида миллий буржуазия кўмагида ўз адабий тилларини шакллантирган бўлсалар-да, Туркистонда инқилобга қадар маҳаллий шеваларга асосланган ягона умумий адабий тил йўқ эди. Мусамлакачилик даврида баъзи туркистонли адиблар турли шевалар йиғиндиси бўлган ҳар хил тиллардан келиштириб фойдаландилар. Бу тиллар маҳаллий шевалар ҳамда, Оренбургда чиқадиган “Шўро”, “Вақт” нашрлари орқали оммалашаётган Волга татар тилининг аралашмаси эдики, бунда умумтуркиянинг ҳиссаси русия туркларининг “Таржимон”га ҳиссасига қараганда каттароқ эди. Усмонли турк тили ва бошқа чиғатой тиллари рус шарқшунос миссионер Н.Н. Остроумов (1846-1930) томонидан ўрганилган ва рус Туркистониде расмий тил қилиб киритилган сарт тили ҳам мавжуд эди. Масалан, “Туркистон вилотиининг газети” мана шу тилда нашр этирилган. Ҳозирги кун нуқтан назаридан қараганда сарт тилида бошқа туркий тиллар, жумладан, қозоқ ва татар тилларидан ажралиб чиқишга ҳаракат кучлироқ кўрилган. Умуман олганда, татар тилининг таъсири кучли бўлган ва усмонли турк тилининг унсурлари туркистон нашрларида кўпая борган. Шундай муҳитда “Чиғатой гурунги” пайдо бўлди.

Совет ҳокимияти 1919 йили “Чиғатой гурунги”ни ташкил этишга руҳсат берганида, сиёсатга аралашмаслик шартини қўйган эди. Баъзида, нима учун ўзбек ёзғувчиларининг бундай илк ташкилоти шу ном билан аталди, деган савол туғилади. Чиғатой Чингизхоннинг иккинчи ўғли бўлиб, Амударё бўйларидан Фулжага қадар ёйилган ерлар — Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқар унинг тасарруфида бўлган. Чиғатой 1242 йили вафот этганидан кейин унинг аждодларига мерос сифатида ўтган бу жуғрофий кенглик “Чиғатой улуси” деб аталган. Шу кенгликда яшаган халқлар тили “чиғатой тили”, улар яратган адабиёт эса “чиғатой адабиёти” деб юритилган.

Фитрат ва унинг маслакдошлари мўғул исгилосидан ХХ асрга қадар туркий тилда яратилган адабиётни ўзбек халқининг маънавий-маданий бойлиги сифатида сақлаб қолиш ва халқнинг том маънодаги мулкига айлантириш мақсадида бу бой меросни тўплаш, ўрганиш ва нашр этишни ўз олдларига вазифа қилиб қўйдилар. Бунинг учун улар аввало саводсизликни тугатиш, араб имло-сини туркий талаффузга мослаб ислоҳ қилиш ва ўзбек тилининг софлигини таъминлашни лозим деб билдилар. Бу муаммолар XIX асрнинг охирида И.Гаспринский томонидан кун тартибига қўйилган эди, шу ғояни ўзларига дастур қилиб олдилар.

“Гурун”нинг илмий ва ижодий режаларини амалга оширишга киришган Фитрат ўзбек мумтоз адабиётини унинг қадимги даврларидан бошлаб ўрганишга киришди. Халқ ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганишни Элбек зиммасига олди. Қаюм Рамазон ўзбек тилининг тарихи ва назариясини ўргана бошлади. Чўлпон ҳам ўзининг серқирра ижодий фаолияти билан бу хайрли ишга баҳолати қудрат ҳисса қўшди.

Октябрь тўнтаришидан кейин ўзбек адабиётининг савияси тушиб, жўнлашиб бораётганини кўрган “Гурун” аъзолари мумтоз адабиётдаги нафосатни сақлаб қолишни ўзларининг асос вазифалари деб билдилар: бутун фаолияти советлар сиёсатини олқишлашдан иборат, аммо нафис санъатга алоқаси бўлмаган шеърларни, 20-йилларда рўй берган воқеаларни болшевиклар мафкураси нуқтан

назаридан туриб ногўғри ёритган асарларни қоралаб чиқдилар. Чўлпоннинг “Шўролар ҳукумати ва санои нафиса” деган машҳур мақоласи ҳам худди шу даврда 1920 йилнинг 7 ноябрида “Иштирокиюн” газетида босилди.

Фитрат Туркияда таҳсилда бўлган даврида, яъни, 1912 йили “Ёш татар язарлари” деган тўплам чоп қилинган эди. Бу тўпламда кейинчалик қиримтатар адабиётининг мумтоз адиблари бўлиб етишган Нўъмон Чалаби Жаҳон, Бекир Чўбонзода, Меҳмет Ниёзий, Абдулла Латифзода каби шоирларнинг шеърлари бор эди. “Гурунг” аъзолари худди шу тўпламдан андоза олиб, 1922 йили “Ўзбек ёш шоирлари” деган шеърлар тўпламини чоп этдилар. Тўпламдан Фитрат, Чўлпон ва Ботунинг шеърлари жой олган эди. Фитратнинг “Мирриҳ юлдузига”, “Шоир”, “Шарқ”, Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” сингари асарлари ҳам бўлиб, уларда ушбу шоирларнинг Фарғона водийсидаги воқеалардан жунбушага келган қалблари ҳамон фиғон қилиб турарди.

Мана шу тўплам эълон қилинганидан кейин Фарғонанинг тинчлигини бузган қўллар 1922 йили “Чиғатой гурунги”нинг фаолиятига ҳам чек қўйдилар ва “гурунг” то... мустақиллик даврига қадар қораланиб келинди. Тарихдан беҳабар кишилар “Гурунг”ни “пантуркизм” ғояларини тарғиб қилишда, ўзбек адабиёти байроғини турклар қўлига бериб қўйишда, эски шон-шавкатни қўмсашда айбладилар.

“Туркистон” газетининг 1924 йил сонларидан бирида “Чиғатой гурунги” тарқатиб юборилгандан сўнг эълон қилинган бир мақоласида Чўлпон бундай ёзган эди: “Ораға “Чиғатой гурунги” деган бир жамият чиқиб қолди. У жамиятга мансуб кишилар ўзбек тилини соддалаштирмоқ мақсадини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Шунинг учун адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб, адабиётга кира олмаган нарсаларни шайқатсиз суратда майдондан ҳайдай бошладилар... “Чиғатой гурунги” асосини маҳкам қўрғонли ва чизикни тўғри чизғонлиги учун, ўзи йўқ бўлиб кетса ҳам, ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлоқ, шарафлик саҳифалар очди ва очмоқда давом этмоқда”.

“Чиғатой гурунги” Туркистонда бир пайтлар гуллаб-яшнаган чиғатой тилини янгидан адабий тил сифатида қайта тикламоқчи бўлдики, форс тили Ўрта Осиё турклар орасида XIV асрдан XIX асрга қадар қандай мавқога эга бўлган бўлса, шундай мавқени олишни режалаштирди. Гурунг аъзолари чиғатой тилининг устуниги ҳақида гапиришга ҳеч иккиланмадилар. 1919 йили “Иштирокиюн” газетида Фитратнинг ёзишига кўра: “Туркий тилларда битилган адабиётлар орасида энг салмоқли бўлгани чиғатой адабиётидир. Чиғатой тили барча туркий шевалар орасида энг юқори даражада ривожлангандир. Шунинг учун биз чиғатой адабиётини яратмоғимиз керак”.

Тарихий жиҳатдан чиғатой турк адабиёти таварағида ҳосил бўлган бундай ватаншарварлик XIX аср бошларида Қўқон ва Хива хонликларида юз берган чиғатой уйғониш ҳамда XIX асрнинг охириги чорағида рўй берган бошқа тилларни туркийлаштириш жараёнига асосий сабаб бўлган. Гурунг аъзоларининг “чиғатойчилиги” уларнинг тахаллусларида, асарларининг номларида ҳам яққол кўринадди. Масалан: Боту, Чиғатой, Чингиз, Темучин, “Темур соғанаши” ва бошқалар.

Аҳмад Заки Валидийнинг фикрига кўра, Фитрат ва Волга бўйи татар ёзувчиси Олимжон Иброҳимов туркларнинг сиёсий бирлиги ғоясига қарши чиқдилар ва “пантуркизм маданиятининг вужудга келиш имкониятини йўқ нарса деб қарадилар”. Бошқача қилиб айтганда, Туркистондаги туркларнинг бирлашуви ўларини таниб олишда ва улкан маданий меросни ривожлантиришда катта хизмат қиломоғи керак эди. Фитратнинг фикрига кўра, Туркистоннинг замонавий адабий тили ҳамда адабиётини вужудга келтиришининг ягона йўли мумтоз чиғатой адабиётининг бой меросидан кенг фойдаланишдир. Чўлпон бундай фикрга хайрхоҳ бўлса-да, уни очиқ-ойдин қўллаб-қувватлаганини баён этишдан ўзини четга олди.

Гурунг аъзоларининг жуда ошиққанлиги ва содда услубий йўсини кутилган натижаларни беришга тўсиқ бўлди. Самарқандда 1929 йили ўтказилган ўзбек тили имлоси ва ёзувларига бағишланган анжуманда “Чиғатой гурунги” қаттиқ танқид қилинганда Бекир Чўбонзода уни ҳимоя қилиш ниятида, гурунгчилар тутган йўлни қисқача шундай таърифлади: “Чиғатой гурунги” чиғатой тилини қайта тиклаш шiori билан дунёга келиб, мавжуд ўзбек шеваларини ўрганишдан бошқа сезиларли натижага эришмади”. Миллий мотивлар бу ҳаракатнинг фаолиятида катта ўрин эгаллай бошлаганидан 1922 йили тарқатиб юборилди. Туркистон мусулмон раҳбарлари мухтор ҳокимият учун тинмай кураш олиб борган бир вақтда, “Чиғатой гурунги” Туркистон миллий маданиятини барпо этиш учун курашди. Буни ҳокимиятни қўлга олган болшевиклар сезмай қолмадилар. “Чиғатой тили” деб аталмиш тилининг ўрнини техник атама — “эски ўзбек тили” деб атала бошлаганининг сабабларидан бири “Чиғатой тили ўзбек зибиларининг аксиникилобчи, миллатчи гуруҳининг тили эди”, деган ёрлик бўлиб, бу кураш охир-оқибатда совет даври луғат таркибидан “Туркистон” тарихий атамасининг йўқолиб кетишига олиб келди. Бу даврда ўтгизинчи йиллардаги ижтимоий-сиёсий муҳитни унутмаслик лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромовнинг чиқишларида И.Гаспринский йўлини давом эттираётган Б.Чўбонзодага эргашганлар қораланиб, улар таъқиб остига олинган эдилар.

Янги турк алифбосини амалга тадқиқ қилиш, Озарбойжонда маҳаллий кадрлар тарбиялаш ҳамда Ўзбекистонда тил ва адабиётни ўқитишни йўлга қўйиш каби жиддий масалалар билан шуғулланган Бекир Чўбонзодани Акмал Икромов 1929 йили босилган “Маданий жабҳада юксак синфий ҳушёрлик сари” деган мақоласида шундай танқид қилади: “Олий ўқув юртида бир муаллимдан: “Чўбонзоданинг бутун туркий халқларнинг тилларини бирлаштириш назариясига муносабатингиз қандай?” деб сўрашади. Бу саволга муаллим: “Бутун туркий тилларни бирлаштириш керак”, деб

жавоб беради. Бундай муаллим пантуркизм нима эканини билиб ёки билмай туриб мактабларга пантуркистик ғояни олиб киради. Бизга ёт бўлган ғоя бўлмаган жойдан қидирилади-ю, аммо инқилобий сўзлар остига яширинган ерда уни кўришмайди”.

“Чингатай гурунги” тарқатилгач, адабий жараён “Қизил қалам” кўлига ўтди. Болшевиклар одим-одим маданиятни, хусусан адабиётни ўз мафкураларига хизмат қилдиришга ғайратларини аямадилар. Бунга жавобан, Чўлпон “Улуғ ҳиндий” мақоласини эълон қилади. “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1925 йил 7-8-қўшма сонида чоп этилган бу мақолада Рабиндранат Тагор ижоди баҳо-сида ўзбек адабиётининг ривожи қай йўлидан бориши кераклиги ҳақидаги мулоҳазалари баён қилинган эди. Чўлпон буюк санъаткорнинг ижодига мурожаат қилишининг сабаби нима? Аср бошида мустақиллик учун курашаётган Ҳиндистон халқларининг ҳаётига қизиқиш катта эди. Фитрат ҳам бир неча асарининг қаҳрамонлари қилиб ҳиндистонликларни олгани бежиз эмас. Ҳатто Исмоилбек ҳам Ҳиндистонда бўлган, уларга янги ўқитиш усулини ўргатган, журнал нашр этишга кўмаклашган. “Таржимон”да Ҳиндистон ҳақида материаллар эълон қилиб борган. Чўлпон эса Гаспринскийнинг маърифатпарварлик ва адблик фаолияти тўғрисида фикрларини баён қилишнинг имкони бўлмагани сабабидан, Р.Тагор ҳақида мақола воситаси ила ўз ижодий дастурини белгилаб олган бўлса, ажаб эмас.

Чўлпон янги адабиётнинг XX аср бошларида ижод майдонига кириб келган Шарқ ёшларининг “йўлсизлик” касалига чалинганини, ўзи ҳам шу дарддан кўп азият чекаётганини баён этади. Уйғониш даврнинг одами бўлгани учун у адабиётнинг ҳам янгича бўлишини хоҳлар эди. Унинг адабиётдаги “йўлсизлик” дан қутулиш йўллари излагани тўсатдан сиёсий айбга айланиб қолган. Ҳолбуки, Чўлпоннинг мақоласида на совет воқелиги, на инқилоб ҳақида гап борарди. Айрим шоирлар ҳақида кескинроқ гапирган бўлса, Чўлпон уларни инқилобни “сўзсиз” қабул қилганлари учун танқид қилган эмас. Маълумки, жадидлар адабиётдан жамиятни янгилаш жараёнида муҳим қурол сифатида фойдаланишган. Аммо айрим жадид ёзувчилари ғоялар тарғиботига берилиб, бадиятни эсдан чиқариб қўйдилар. Натижада, санъатнинг энг муҳим шартларидан бири бўлмиш мазмун билан шакл бирлигига пугур етиб, ғойийлик бадият ҳисобига устивор ўрин эгаллай бошлади. Чўлпон буни жуда чуқур ҳис қилган, унинг хавфини жуда аниқ англаган ва унга қарши фикр билдирган.

Шунингдек, Чўлпоннинг 20-йиллардаги бир неча мақолаларида тилга олинган ва “Улуғ ҳиндий” мақоласида анча тўлиқ ифодаланган масала – янги ўзбек адабиётини яратиш масаласи эди. Унинг назарида, бу вазифани мувофақиятли ҳал қилиш учун Тагордек буюк санъаткорлар тажрибасидан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарб санъатларини уйғунлаштироқ ва мазмун билан шаклнинг мутаносиблигига эришмоқ керак, зинҳор-базинҳор санъатнинг қуруқ ғоялар мажмуасига айланиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Афсуски, 20-йилларда Чўлпоннинг бу хитоби Бекир Чўбонзодадан бошқа ҳеч кимнинг ҳушига, эътиборига етиб бормади. Чўбонзода Чўлпоннинг шундай қалтис масалани кўтарганини, унинг бу фикри қаттиқ қаршиликка учраяганини сезган ва уни огоҳлантирган. Шу ерда Бекир Чўбонзодани яқиндан билган, ўттизинчи йиллари “Аланга” журналининг маъсул котиби бўлган, етмишинчи йиллари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими бўлиб ишлаган Баҳром Иброҳимов билан суҳбатимизни хотирладим:

“1928 йили Чўбонзода Ўзбекистонга келганида Тошкентда профессор Ғози Олим Юнусов хонадонига таширф буюрди. Дастурхон атрофида суҳбатда тилшунос Қаюм Рамазон, шоирлар Чўлпон ва Элбек бор эди. Суҳбат давомида Чўлпоннинг “Улуғ ҳиндий” мақоласи тилга олинди. Бекир муаллим бу мақолани танқид қилмаса-да, эҳтиёткорлик билан шундай деди: “Навоийга тегмангиз, У нафақат ўзбек халқининг, бутун шарқнинг ифтихори! Унинг ижодини тарғиб қилиш йўллари излаш керак. Ҳозир даври тушуниш қийин. Нафақат сиз тилга олган адблар, ўзимиз ҳам излашнидамыз. Чўлпон қардош, ҳаммамиз бир теракнинг томири, бир тоғорнинг хамиримиз. Истеъдодли шахсларга эҳтиёткорлик билан, аяб муносабатда бўлишни ўрганишимиз даркор”. Меҳмонлардан унга ҳеч ким эътироз билдирмади. Чўлпон ҳурмати буюк бўлган бу олимдан шундай фикрни кутмаган бўлса керак, овоз чиқариб баҳсга киришмади, аксинча, бошини пастга эгди”.

Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган адабий сиёсат чинакам санъат намуналарини яратишдан кўра ёзувчиларни ҳукмрон мафкуранинг содиқ аскарларига айлантиришга қаратилган эди. Ёзувчи ўз ёстига ўз қовурилиб, матн устида жон куйдириб ишлаб ўтириши шарт бўлмай қолган. “долзарб” мавзун танилса, “ҳаётимиз фаровон, келажагимиз порлоқ, партияга минг раҳмат” деган гапларни айтса кифоя эди. Бу сиёсат муқаррар равишда адабиётда “схематизм” деган даҳшатли иллатни туғдирди, ҳақиқий истеъдод эгаларини қадрсизлантирди. Ўртамеъначиликка кенг йўл очди, санъат бобида истеъдодсиз, лекин иғволарга, фиқу фасодларга, хушомад ва лаганбардорликка, замонасозликка устаси франгларнинг урчишига шароит яратди. Чўлпоннинг бундай фикрларини баён қилиши, янги адабиёт яратиш йўлидаги мулоҳазаларини ўртага ташлаши эса, “Шарқ ва Ғарб ўртасида олтин кўприк” бўла оладиган асарлар яратишга даъват этиш билан боғлиқ эди.

Чўлпоннинг журналистик, хусусан, публицистик фаолияти ҳам алоҳида тақдирга лойиқ. Унинг ўзбек журналистикасининг шаклланишидаги тутган ўрни хусусида анча фикр юритиш мумкин. 1914 йили Чўлпон ҳамкорлик қилган “Садойи Туркистон” ва “Садойи Фарғона” газеталари кўп яшамади. 1883 йили чиқа бошлаган “Таржимон” эса, 1918 йилгача чиқиб турди. 1914 йили Исмоилбек вафот этгач, Оврупа, Миср ва Туркияда таҳсил олган Асан Сабри Айвазов, Исмоил Лёманов, Усмон Оқчўқроқли каби ўз даврининг таниқли адиб ва жамоат арбоблари газетани чиқариб турдилар. Жадидлар феврал инқилобидан кейин октябр тўнтариши рўй бериб сўнгра Қирим мухторияти

қонга ботирилгач, шўро идораларида ишлашларига қарамай, болшевиклар уларга ишонмаётганларини дарров англамадилар.

Октябр тўнтариши ва Туркистон мухториятидан кейинги Фарғона фожиалари даврида ижод майдонида кўринган Чўлпон келажакда олдида қандай синовлар борлигини тушуниб, Фиграт каби сиёсатга шўнгимади. Хусусан, 1917-1922 йиллари туркийзабон халқлар ҳаётида оғир синов даври эдики, бу жиддий таҳлилни талаб қилади. Бу даврда мусулмон зиёлилари миллий мухторият учун курашган бўлсалар, баъзи жадидлар маънавият ва маданиятга йўл очарлар, деган умидда болшевикларга ён босдилар. Улар янглишганларини англагунча вақт бой берилди. И.Гаспринскийни буржуа идеологи сифатида қоралаш эса, асосан 1922 йилдан бошланди, унинг уй-босмаҳонасида очилган кутубхона-қироатхона ёпилди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ матбуот даври бошланди. Қиримда жадидлар ва мухториятчиларга қарши 1925-1930 йилларда олиб борилган кураш осий-кесишлар билан якунланди. Халқ эркинлиги йўлидан қайтмаганлар қатлиом қилиндилар. Қайси йўлдан боришни англаб етмаганлар “қайта тарбиялашга” жалб этилдилар. Бунинг қулай йўли топилди: аксарият миллий илм соҳиблари Масковга юборилиб, улар марксизм-ленинизм ғоялари билан “қуруллантирилди”. Уларнинг кўплари бундай “таҳсил”дан кейин юртларига қайтарилмай, бошқа ўлкаларда “совет ҳокимияти”ни мустаҳкамлашга мажбуран йўлланилди.

Шу даврда тақдир тақозоси билан пойтахтда бўлган қиримлик Бекир Чўбонзода ва Мамут Недим, ўзбекистонлик Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпонлар ўз юртларида матбуотда жадид адабиётининг намояндалари деб таърифланар эдилар. Хусусан, бу даврда Исмоил Гаспринскийнинг йўлини давом эттираётган Бекир Чўбонзодага ҳужум авжга чиққан эди. Бекир Чўбонзода билан бирга Боку университетиде ишлайдиган профессор Газиз Губайдуллин туркийзабон халқлар тарихи бўйича шўро даврида етакчи мутахассислардан ҳисобланар эди. 1926 йили туркшуносларнинг Бутунитифоқ биринчи қурултойида маъруза билан қатнашган Г.Губайдуллин Бокуда муқим қолади. 1927 йилдан Озарбойжон Давлат Университетининг профессори ва шарқшунослик факултетининг декани қилиб тайинланади, шунингдек Озарбойжон илмий кенгашига аъзо этиб сайланади. Бекир Чўбонзода эса бу кенгашнинг раиси эди. Совет тарих фанининг йўналишида фаол бўлган бу олимнинг докторлик иши “Ўзбек халқининг келиб чиқиш масаласи”га бағишланган эди. 1925-1926 йиллари Ўзбекистон олий ўқув юртларида маърузалар ўқиган олим СССР халқлари тиллари ва этник маданиятини ўрганиш қўмитасининг раислигига таклиф қилинади. Бу вазифада расман ишламаса-да, 1928 йилдан СССРда марксист тарихчилардан бири бўлиб танилади. Ижтимоий фикр ривожига бағишланган бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган Г.Губайдуллин “Импералистик уруши даврида панисломизмнинг ҳалокати”, “Гаспринский идеологияси масаласига доир”, “Исмоил Гаспринский татар буржуазияси идеологидир сифатида”, “Гаспринский ва Дарданель масаласи”, “Пантуркизмнинг контрреволюцион моҳияти” каби 1926-1927 йилларда ёзган асарларида Гаспринскийни мусулмон буржуазиясининг раҳнамоси сифатида таърифлар экан, унинг ғоялари татар халқи оmmasида кенг тарқалмади ва қўллаб-қувватланмади. Қозонда эса уни умуман миллий арбоб деб танимадилар, деб тасдиқламоқчи бўлади. Чўбонзода ва Губайдуллин миллий масалада турлича фикрда эдилар. Шу йиллари бундай чиқишлар қандай мақсадларда уюштирилганини Чўбонзода сезар, матбуотда уларга қарши зарба беришнинг иложи бўлмаганидан изтиробга тушар, маслакдошларини бу масалада ҳушёрликка чақирар, уларни қўлидан келганча ҳимоя қилишга интилар эди.

Чўлпон бу даврда кўпроқ театр соҳасида ғайрат кўрсатди, таржимага берилди. Ўлкадаги чалқаш адабий муҳит уни ҳам домига тортмоқда эди. 20-30-йиллари Ўзбекистонда адабий жараёнда баъзи татар /илмий адабиётда “Волга татарлари” деб юритилади /адибларининг таъсири кучли эди. Бу таъсир эса, асосан, совет мафқурасини улуғлаш ҳисобига, инқилобдан аввал адабиётга келиб, инқилобдан кейин икки давр учун кўприк бўла олган ижодкорлар фаолиятида сезилади. Совет позитсиясида бўлган татар зиёлиларининг баъзилари маҳаллий шароитни ҳисога олмай, уларнинг ҳаммасини бирдай — қизил империянинг дастёрларига айлантирмоқчи бўлдилар. Татар совет адабиётининг асосчиларидан бири деб танилган Олимжон /Ғалимзян/ Иброҳимов бу ҳаракатда анча фаол эди.

Йигирманчи йиллардан Г.Губайдуллин билан бир вақтда жадидларга, хусусан, И.Гаспринский ижодида буржуа адабиётининг кўрниши деб баҳо берган бу адиб ўзи муҳаррирлик қилган “Бизнинг йўл” журналида босилган “Ижтимоий-адабий ҳаракатлар тарихини текширишда марксизм усули” /1922 йил, 2-сон/ деган мақоласидан бошлаб, ўзбек тилига таржима қилинган қатор мақоаларида бу йўналишни тарғиб этади.

1927 йили Г.Иброҳимовнинг 40 ёшлиги кенг нишонланади: “Ғалимжан Иброҳимов асарлари, деб ёздаи “Қизил Ўзбекистон” газетаси /1927 йили 2 декабр сониде/, ... Ўзбекистонда ҳам қизиқиб ўқилган ва ўқилмоқдадур. Утган йили унинг “Қора маёқлар” деган асари ўзбекчага таржима қилиниб, “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилиб келган эди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан “Қора етакчилар” номи билан китоб бўлиб босилди... Ёзувчи “Қора маёқлар” номли асари татар миллатчилари Мусо Бегиев, Аёз Исҳоқов, Заки Валидийларнинг ҳамфикрлари бўлган Мунаввар Қори, Вадуд Маҳмуд, Мағжон Жумабой каби ўзбек, қозоқ зиёлиларининг зарарли қарашларини фош қилишда ҳам муайян рол ўйнади...” Бундай асарлардан адабий алоқалар бирмунча дуруст ёритилган В.Алламовнинг “Туркистон татарлари” /1919/, А.Саъдийнинг “Беҳбудий ва унинг теграсига йиғинган ёзувчилар” /1923/ каби мақоаларида Туркистонга тарқалган татар адабиёти ва матбуотининг таъсири ҳаддан ташқари бўрттирилиб, ўзбек ва қозоқ адабиётларининг ўзига

хосликларини инкор этиш даражасига борилди, деб танқид қилинди. Баъзан эса Туркистонга кириб кела бошлаган рус, татар, бошқирд халқлари адабиётлари ва зиёлиларининг ҳаммаси синфий тафовутсиз бир сафга қўйилиб, улардан фақат ижобий деб қаралганлари ҳам шубҳа остига олинади. А.Саъдийнинг юқори тилга олинган мақоласида ўзбек совет адабиётининг асосчилари, бошловчилари бўлган Ҳамза, А.Қодирий, А.Авлоний, М.Сўфизодалар бир томонда қолиб кетиб, Бехбудий “Ўзбекча Абулғози тили ва услубини” тирилтирувчи адиб сифатида мақталгани учун камситилади. Худди шу мақолада “Туркистонда тарқалган прогрессив руҳдаги “Шўро” журнали ва “Вақт” газеталари билан пантуркистик руҳдаги Исмоил Гаспринскийнинг ғоявий зарарли қарашларининг таъсири ҳам қористириб юборилгани, энг муҳими А.Тўқай, Г. Ибороҳимовнинг ўзбек адибларига кўрсатган баракали таъсири деярли тилга ҳам олинмагани” алоҳида таъкидлаб ўтилади ва унинг муаллифи совет адабий мафкурасини тушунмай, пантуркизмга ён босишда айбланади.

Бу мақолада кўпроқ А.Авлонийнинг ижодига тўхталингани, аксинча, Фитрат шеърлари фақат мақташ эмас, жиддий танқид қилингани ҳам уларга ёқмаган.

Албатта, бунинг сабаби аён эди. Қоғқоз ва Қирим империя марказидан анча узоқда, уларга бориш учун деярли Русиянинг Оврупа қисмини босиб ўтиш лозим бўлса, бошқа томондан озарбойжон ва қиримтатар тиллари ва адабиётлари усмонли турк тили ва адабиётига яқин бўлгани учун, уларни пантуркизм ва панисломизм оқавлари деб қоралаш учун бир баҳона эди. Шунинг учун ҳам Исмоил Гаспринский ва Наримон Наримонов каби шу даврда маълум ва машҳур жамоат арбоблари ва адибларининг ёш ўзбек ёзувчиларига ижобий таъсири била-тура тилга олинмади.

“Ўзбек совет адабиётининг асосчилари ва бошловчилари” қилиб кўрсатилган Ҳамза, А.Қодирий, А.Авлоний, М.Сўфизода шу даврда адабий жараёнда етакчи бўлган Фитрат ва Чўлпондан юксак қўйилиб, ҳатто уларнинг номини тилга олгани учун Абдурахмон Саъдий, кейин Бекир Чўбонзода айбланади. Бунда Чўлпоннинг “Улуғ ҳиндий” мақоласи кўзда тутилганини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам, Б.Чўбонзода Қирим университетиде ўқиган маърузаларида “Қиримтатар адабиётининг сўнгги даври” деб номланган бу маърузалар 1929 йилда Симферополда қиримтатар ва Бокуда рус тилида алоҳида рисоалар бўлиб чоп қилинди/ қиримтатар адабиётининг деярли ўн асарлик тарихига кўз ташлади, унинг сўнгги-янги совет даври тўғрисида шундай эъди:

“Бизнинг бугунги адабиётимиз /яъни, қирим совет адабиёти С.Н./ буюк, паст-баланд юз йиллик бир фаслдан, сукунатдан кейин туғилди. Шунинг учун бизнинг эски адабиётни ғойиб этмаган Онадўли, озарбойжон, ўзбек, турк-татарлар каби адабий анъаналаримиз йўқ. Диний ислоҳчилик ҳаракатларидан бошлаб, то 1905 ва Октябр инқилобларидаги буюк ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар адабиётимизда мавзудият-тематика нуқтасидан, бошқа турк-татар халқларининг адабиёти ила буюк бир умумийликни юзага келтирди. Қирғиз шоири Тинстонов, ўзбек Чўлпон, Фитрат, озори Сулаймон Рустамзода, Али Саттор Иброҳимов, Фавзий, Назм, қозонли Бурнашев, бошқирд Бабиш, қўмиқ Салаватов, туркман Қўлмуҳаммадов каби шоирларнинг, ёш, октябр инқилобидан сўнгра туғилган ёхуд тақомил этмиш муҳаррирларнинг ёзувларига қарасангиз, бу сўзимизга қаноат этмакдасиз.

Қирғизистондан Қиримга қадар эски шарқ таасуби, миноралари, бойлари, мулларари, мешчанлари ила у қўринар. Ҳар бир шоир, бир командага жавоб бергандай, янги ҳаётда, янги иқтисодий шакллари янги турмушга даъват этилар, ҳар ерда тил, жонли халқ тилига уйғун, яқиндир. Эски улуғ адабий тил ўрталан ғойиб бўлди. Янги фикрлар, янги сўзлар қидирмоқда, топмоқда. Шундай суръат ила қиримтатар адабиётининг механизмаси янги адабиёти ила, нафақат шарқ, бутун янги жаҳон адабиёти ила боғланмоқда. Қирим татарлари каби кичик бир халқнинг адабиётидаги ютуқлари қанчалик оз бўлса-да, ҳар ҳолда, Қиримда бутун жаҳон миқёсидаги инқилобий жараёнларга бўлган муносабатини белгиламоқда. Юқорида баҳс этганимиз команда жаҳон инқилобий йўналишининг командасидирки, қиримтатар ҳам ўз шоирлари, ва муҳаррирларининг тили ила бунга “Лаббай”! демоқда. Қиримдай дунёнинг энг гўзал жойида, саноғи йигирмага борган турли халқларнинг ватанида шоирнинг, адибнинг оладиган таъсирилар, таҳсил ила билажаги масалалар жуда кўпдир. Қирим дунёнинг энг мароқли жойларидан биридир. Бу Қиримни англаб, тараннум этга билажак шоир ҳам дунёнинг қийматли асарларини ёза билар, ёш Қирим шоирларини шундай порлоқ бир истиқбол кутмоқда. Севимли дўстлар, қиримтатар адабиётининг кўлами, бир маъруза-мусоҳиба ичиде қайд олунга билажак чизгилари шундай!”

Бекир Чўбонзода Самарқанд Давлат Университетиде, Фарғона ва Бухоро педагогика институтларида, хусусан, Боку университетиде ўқиган муҳоризаларида ҳам шундай фикрлар билдирганини ўз даврининг таниқли олимлари Ҳоди Зариф, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев биз билан суҳбатларда бир неча бор қайд этган эдилар.

Нихоят, кечган ҳаёт йўлига кўз ташлаган ва ҳукмрон жамиятнинг келажаги йўқлигини англаган Чўлпон “Кеча ва кундуз” романини ёзишга киришди. Романнинг “Кеча” деган қисми асосан Масковда ёзилган ва, муаллиф замондошларининг эшашларича, уни ҳатто А.Икромов ва Ф.Хўжаев қўлзма ҳолда ўқиганлар. Марҳум оқсоқол қиримтатар муаллими Мустафо Халиловдан романи Б.Чўбонзода, А.Латифзода, М.Недим, А.Шамъизода ҳам ўқиб, унга ижобий баҳо берганларини эшитган эдим.

Бу асар тўғрисида анчагина фикрлар билдирилган бўлса-да, муаллифнинг тарихий воқелик туркийзабон халқлар адабиётида ўттизинчи йилларда жадидни ижобий образ сифатида яратиш мақсади очиб берилмади. Агар роман аср бошидаги мавжуд ижтимоий муҳит билан қиёслаб ўқилса, муаллифнинг шахсий ҳаётига кўз ташланса, Чўлпоннинг энг оғир даврда ҳам И.Гаспринский ғояларига содиқлиги, бу ҳаёт-бахш ғоялар сифатида ўзбек жадидларининг миллий ўйғониш онгига таъсирини кўрсатишга бел боғлагани аён бўлади.

Чўлпон қаҳрамонлар ҳаётини чизгиларини махсус тўқималар йўли билан тасвирламайди. ҳақиқий турмушдан олади. Аввало, ёзган асарларидаги энг муҳим чизгиларни роман қаҳрамонлари табиатида жамлайди, улар воситасида даврнинг етук адабиётини бу асар ёзишдан мақсади ва ниятининг дастури намоён бўлади.

Романнинг асос қаҳрамонлари мингбоши Акбарали ва Зеби эмас, жадид Шарафутдин ва Мирёқуб бўлиб, уларнинг ҳаёт йўллари эса, Чўлпон ва отаси Сулаймонқул орасидаги муносабатларнинг тасвиридир. Асар яратилиши жараёни кўздан кечирилганда, Чўлпонда ижтимоий фикр шаклланган даврини унутмаслик лозим. Бу давр мусулмон дунёсида Исмоил Гаспринский номи билан боғлиқ бўлиб, унинг фаолияти Чўлпон томонидан жиддий ўрганилгани оидин кўринади. Шарафутдин ва Мирёқубнинг ўзаро суҳбат маромлари Чўлпоннинг табиатига хос чизгилардир. Шундай фикрга келишимизга асос шундаки, романнинг қурилмаси бир жиҳатдан Исмоилбекнинг “Дор ул-роҳат мусулмонлари”ни эслатади, бошқа томондан унинг 1985 йили Истанбулда нашр қилган “Оврупа маданиятига бир назар мувозини” ва 1906 йили “Таржимон”нинг 72-76-сонларида босилган “Мазҳаби иштирокиюн” (“Утопик назария”) асарлари Чўлпонни руҳлантиргани ва уларни Чўлпон диққат билан мутолаа қилгани сезилади.

Шарафутдин ва Мирёқуб ўртасидаги мулоқот ҳам шу фикрни очиқ-ойдин кўрсатади: Жадид Шарафутдин Мирёқубга шундай дейди:

“Мамлакатнинг тарихи, адабиётига оид қимматбаҳо асарларни текинга бериш ҳамда бир рус амалдорига бериш, билмадим, нимага тенг? Менча, бу миллатга хиёнат! Ундай асарларни сиз тўплангиз, миллий кутубхона ташкил қилайлик. Тўғри йўл шу!

Биздан не баравар кичкина миллатлар мустақил бир ҳукумат қуриб, ўз давлатлари ила Оврупаннинг, шу маданий Оврупаннинг марказида, яъни, киндиги сингари жойда яшайди. Тошкент трамвайини ўшанақалар айлантиради... Бизнинг бахтсизлигимиз нодонлигимизда, холос. Миллат уйғонсин, кўзини очсин, ўқисин, билим олсин, маданий миллатлар қаторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини кўради.

— Миллатни уйғотиш уйғонганларнинг вазифаси. Мана, сиз, анча эслик, хушёр, зийрак одам кўринасиз. Иш биласиз экан. Давлатингиз бор экан. Фақат биргина айнингиз шуки, замон аҳволидан хабардор эмассиз. Газет ўқимайсиз. Шу замонда шундан ёмон гуноҳ борми? Қандай яхши газеталар бор? Ўринбўрғда, Қозонда, Уфада, Бокуда, Астархонда, айниқса Масковда, уруш битгандан кейин четдан олдириб ўқинг! Боқчасаройга беш сўм пул юборсангиз, бир йилгача ҳар куни “Таржимон” келади. Биласизми “Таржимон” нима дейди?

Шу ерда мен унинг сўзини бўлиб, дедим, чунки жуда пайти келган эди:

— Бойларнинг ер-суви, заводчиларнинг заводлари олиниб, ялангоёқларга берилсин, демайди-ми? Шунга айтиб берсангиз.

— Сиз сотсиалистларни айтасиз, — деди, — бизнинг орамизда сотсиалистлар йўқ. Биз сотсиалистлардан йироқимиз. “Таржимон” нима дейди? “Таржимон” жадид газеталарининг отаси. Исмоил бобойнинг газети. Энг эски газет... “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” дейди. Яъни, биз мусулмонлар, турк халқлари, бир хил тил билан гапирайлик, бир фикрда бўлайлик, бир иш қилайлик, дейди. Мундан яхши нима бор? Бойларнинг ерлари, заводчиларнинг заводи, фабрикачиларнинг фабрикалари билан бизнинг ишимиз йўқ. У уларнинг ўз ишлари. Биз ўқийдиган газетларнинг ҳеч бири ундай демайди. Улар қайта: “Бой бўл! Завод сол! Фабрика оч! Беш минглаб, ўн минглаб рабочи ишлат! Миллий саноятни ривожлантир!” дейди. “Вақт” газетининг мутасаддиси ким? — Рамеев. Биласизми у ким? — У миллиончи. Тилга конлари бор. Жадидлардан кўрқаман. Миллатни билинг, танинг, унга хизмат қилинг. Шу билан сиз ҳам жадидсиз. Номингиз тарих бетларига ёзилади. Ким, пул топма, дейди сизга?.. Сиз агар Қиримга борсангиз, Боқчасарой деган ерга тушинг. “Таржимон” газетини излаб топинг. Ўша ердаги устозлар билан гаплашинг. Балки муаллим, муаллима хусусида сизга ёрдам берадилар, йўл кўрсатадилар...

Қўлимга газетининг номини ёзиб берди...

Жадид кетди. У билан вагоннинг ўзида хайрлашдим. Шундан кейин кўрмадим. Энди, унинг ширин овози қулоғимдан йироқлашгач, таъсирли сўзларининг шошилиш оқими узилгач... у сўзларни эс тарозисида солиб кўраётирман.

Ростми у гаплар? Ёлғон эмасми? Бир мусулмон одамни дин йўлидан, ота-боболар, бурунчилар йўлидан чиқариш учун гапирдилар томонидан қурилган тузоқ эмасми? Бу йигит намоз-ниёзни билмайди. Қиёфатида мусулмонлик асари йўқ... Домлаларимизнинг айтганлари ростми экан? Нега мен у йигит билан баҳс қилмадим.

Йўқ, у билан баҳслашиб бўлмайди. Унинг гапларига гап топиб жавоб бериш қийин. Унинг гапларига ҳеч ким жавоб айтолмайди.

Қани, кўрайлик, нима бўлар экан. Қиримга бормаи иложим йўқ. Мен Марям учун бўлса ҳам, бораман. У ерда жадидларнинг катталари бор эмиш. Уларни кўраман, гаплашаман. Агар жадидларнинг асоси пуч бўлса, Халифаи Рум жадидларга тарафдор бўларми? Ҳамма тартиб, низом ўша томонда дейди-ку. Янгича ўқиш Румдан келган... калта шим Румдан чиққан... румча ёқалар ўша томондан келиб расм бўлган...

Ғалати аҳволга тушиб қолдим мен. Миям ғовлаб кетмаса деб кўрқаман. Илгари тинчгина пул топишимни билардим. Ота-бобомиз юрган йўлдан борардим. Энди аллаким чиқиб: “Ота-боболаримизнинг йўли эгри эди, тўғри йўл бу ёқда!” дейди. Одам ишонадиган этиб айтади.

Шу икки йўлдан бирини танлаб олишим керак. Бирданига икки йўлдан юриб бўлмайди.

Яна жадидлар билан кўп сўзлашмоқ керак. Газет ўқиш керак. Ҳар кун янги-янги газеталарни ўқиш керак. “Масковда яхши газет бор”, деган эди. шуни ахтариб топай. Янгича китоблар топиб олиб, уларни ҳам таталаб кўрай... Майли, ишқилиб кўзим очилсин. Билмаган нарсаларни билай. Кўп нарса ўрганай. “Билган билмагандан яхши”, дейди жадид. Мана бу гап ҳақ лекин...”

Жадид билан учрашув Мирёқуб учун изсиз кетмагани унинг мингбошига ёзган хатидан сезилади. Поездаёқ Мирёқуб: “у ерда (Қиримда. — С.Н.) жадидларнинг қатталари бор эмиш. Уларни кўраман, гаплашаман”, деган қарорга келган. Эҳтимол, айтганини қатгандир, жадидларга астойдил қўшилгандир? Мингбошининг мирзаси Ҳакимжон тилидан айтилган: “У (Мирёқуб. — С.Н.) ҳақ йўлни топса борми, ноёб одам бўлади!”

Чўлпон қарашларини бир қадар ойдинлаштиради. Мирёқубнинг маънавиятини қоралаган муаллиф ҳам, агар у ҳақни топса, элининг равнақи ҳақида ўйлай бошласа, бебаҳо одам бўлишига ишонади. Романда меҳнаткаш омма ижтимоий ҳаракатдан четда — пичоқ суякка қадалган, сабр қосати тўлган, лекин онгли ҳаракатдан йироқ, Фикримизча, Чўлпон ўзига замондош бўлган минглаб ўрис зиёлилари, шунингдек, Исмоилбек каби, омма инқилобий ҳаракатга тайёр эмас, деб ҳисоблаган. Муаллиф инқилоб арафасидаги Туркистон воқелиги таҳлилидан келиб чиқиб, элининг тақдирини миллий буржуазияга боғлайди, шу билан бирга, халқпарварлик, маърифатпарварлик позитсиясида турганини тасдиқлайди. Буржуа-демократик ғоялар ўша вақтдаги Туркистон воқелигида нечоғлик илғор бўлганини гапирмаса ҳам бўлади. Зеро, Туркистоннинг капитализмдан “ҳатлаб” ўтиб кетиб, қолиши инқилобга қадар ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Сабаби, “Шарқ халқларининг кўпчилиги Оврупадаги энг қолоқ бўлган Русиядан ҳам баттар аҳволда...” эди. Бу ерда ҳали буржуазия ўзининг тарихий вазифасини ўтамаган эди.

Энди, бу даврни тасвирлаган асарлар бор эдими? Ўзбек насрида Туркистонда инқилоб арафасида ҳаётни жиддий таҳлил этувчи фақат икки асар Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” ҳамда Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романлари бор. Биринчиси, қатағон қилиниб, халқ хотирасидан буткул ўчишига оз қолди, иккинчиси тарихбу ташвиқ этилаверди. Ойбек талқинида асосий конфликт эзувчи ва эзилувчи синфлар орасида бўлса, Чўлпонда меҳнаткаш омма ижтимоий ҳаракатдан четда. Уларнинг қайси бири ҳақ, деган табиий савол туғилади. Тўғри, меҳнаткаш омма билан эзувчилар орасида зиддиятлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Айни замонда бундай зиддият Туркистонга, ҳатто Русияга хос эмас. Асосий ижтимоий тараққиёт йўлини белгиловчи зиддият шу даврда Туркистонда бўлиши ҳақиқатдан узоқдир. Балки Чўлпон романини ёзишга киришганида М.Горкийнинг асарларини таржима қилаётиб, унинг 1917 йилда ёзган қуйидаги сўзларига эътибор бергандир: “Русия воқелигининг ҳозирги шароитида сотсиал инқилобга ўрин йўқ, зеро, “чўртон балиқ амри билан 85 фоз деҳқон аҳолини сотсиалист қилиб қўйиш мумкин эмас-ку...” 1905 йили “Инқилоб бешиги” Петроградда марксча ташвиқот кенг қулоч отганига қарамасдан, ишчилар поп Гапон ортидан эргашганлари тарихдан маълум-ку... Модомики инқилоб илғори — рус ишчилар синфи аҳолининг бор-йўғи 15 фозини ташкил қилган экан (уларнинг ҳам аксарияти деҳқонлар), инқилобдан 70 йил ўтгач, ишчилари аҳолисининг атиги 20 фозини ташкил қилган ўлкада ўша даврдаги зиддият ҳақида гапириш ҳам ўринсиз.

Янги чўлпоншуносликни бошлаб берган профессор Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек: “У инқилоб арафасидаги Туркистон воқелигини тасвирлар экан, ижтимоий ҳаётнинг энг чуқур қатламларигача кўз ташлайди”. Хўш, Чўлпон “ижтимоий ҳаётнинг энг чуқур қатламларида” нималрани кўра олди?

Романда асосий ижтимоий зиддият феодализм билан шаклланиб келаётган миллий буржуазия орасидадир. Бу жиҳатдан олиб қараганда, асарнинг етакчи ғоявий йўналишини белгилашда маҳаллий феодал ва амалдор мингбоши Акбарали билан ҳали ижтимоий куч сифатида ўзини танитмаган миллий буржуазия вакили Мирёқуб муносабати муҳим ўрин тутаети. О.Шарафиддинов айтмоқчи, “Бу ўринда (Мирёқубнинг икки-уч кунда жадид бўлишида) ҳар бир оз сунъийликка йўл қўйилгандай кўринади. Бу фикрга қисман қўшилганимиз ҳолда, эзувчи қаҳрамондаги ўзгариларни психологик жиҳатдан ишончли асослай билганини қайд этиш лозим. Жадид йигит билан учрашувга адиб қаҳрамонини обдан тайёрлайди. Мирёқуб “мовий кўз” дилбарга нисбатан уйғонган “чин севги” боис ўзидаги “итлик” феълларидан нафратлана бошлаган, нойиб тўра уйидаги бузуқликларни кўриб, империянинг чириб битганига инонган, оёғини тираб турган асос қимирлагани билдиб, оёқ тирашга бошқа замин излаётган пайт юз беради. Бунга жадид селган уруғ етилган шудгорга тушгани туртки бўлади. Бу эса, жадид йигит моҳир ташвиқотчи сифатида Мирёқубнинг нозик жойидан тутишида — вужудида мудраб ётган миллий гурурини уйғотиши билан боғлиқдир.

Мирёқубнинг поездда савдогар йигит билан учрашувни романнинг асосий ғоявий мазмуни ифодаланган сахнадир. Худди шу ерда жадид йигит Шарафутдин Хўжаев пайдо бўлиши билан муаллиф ўзини четга олади, поезддаги сўхбатлар Мирёқуб ва Марям “қундаликлари” орқали кўрсатилади. Бу усул шаклга бир оз путур етказгандай туюлади, лекин жадидлар ҳақида ҳақиқатни айтишнинг ўзга имкони йўқ эди. Бу усул муаллиф позитсиясини “бетараф” кўрсатишга хизмат қилади. Сталин сиёсати кучга кирган вақтда Чўлпоннинг жадидлар ҳақида “бетараф” бўлса-да, холис ёзиши том маънодаги буюк жасорат эди.

Эзувчи учун энг даҳшатли ҳодиса унинг эркинлиги, хотиржамлигининг тортиб олиншидир. Зотан, чинакам эзувчининг эркинликдан бошқа ҳеч вақоси бўлмайди. Шу сўнгги бисот тортиб олиними, демак, ҳаёти ўз қўлидан кетаети. Сиёсат мисоли туфондай адабиётга бостириб кирган, у адабиётни буткул эгаллаб олган даврда Чўлпоннинг шу йўлни танлаши тўғри эди.

Адибнинг маҳорати шундаки, Шарафутдин Мирёқуб билан суҳбатда жадидчилик ҳаракатининг асосий нақълларига тўхталади, у аввал суҳбатдошининг миллий ғурурини уйғотиш пайида бўлади. Айниқса, Мирёқуб билан Марям муносабатини билгандан кейин айтган гаплари харақтерли. “Бу бизнинг бошимизда данак чақаётган бир дунёнинг қизи. Биз уларни кўнгилдан ёмон кўрамиз. Булар бизнинг душманлар! Фақат улар ҳаммаси бутун ҳолда душман! Якка-якка бўлганида ораларидан дўст топа оламиз. Яхши дўстлар топилади. Жуда яхши дўстлар... У дўстлар билан оғиз-бурун ўпишар экан, уларнинг чангалидан қандоқ қилиб қутулишни бир нафас ҳам нутмаймиз...”

Кўринадики, муаллифнинг русларга муносабати зиддиятли, уларнинг ичидан яхши дўстлар топилишини эътироф этади, бутун ҳолича душман деб атади. Шу гапнинг ўзидаёқ, инсоф билан ёндошилса, адибнинг миллатчилиги рус халқига эмас, балки чор мустамлакачилик сиёсатига қаратилганини кўрсатиб турибди. Жадид миллат орасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни инкор қилмайди, аксинча, маълум тарихий сабаблар таъсирида орта қолган Шарқнинг нажот йўли Фарбдаги мавжуд илмларни ўрганиш эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, “Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларда бериш керак, илгари миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини танитгандан кейин рус мактабига бериш керакки, хунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқусин”, дейди. Кўрамизки, жадид миллий худбин эмас, аксинча, миллийликни инкор этмайдиغان байналмилал мақсада турибди. Тараққиёт даражаси турлича бўлган миллатларнинг ўзаро муносабати, айниқса, улардан бири мустамлакачи бўлса, қарам миллатнинг емирилишига олиб келиши аён. Шунга кўра, Чўлпон куйинишлари ўринли. Лекин шундай фикрга қачон келди? Бу фикрларни маҳаллий шароитга мослаштириш йўлини кимдан ўрганди? Ахир, Ўрта Осиёнинг Русияга қўшиб олинishi, деган ағам болшевиклар даврида пайдо бўлди-ку? Жадидлик ҳаракати миллатчилик сўзининг энг ёмон маъноси ила қораланган пайтда, тарихчилар, ижтимоийчилар томонидан, “Ўрта Осиёнинг Русияга қўшиб олинishi” мақталган даврда кимдир шу йўналишни кўрсатгандир? Шу даражага бориб етилдики, Маркс, Энгелс каби “даҳо”лар қоралаган чор мустамлакачилик сиёсати ҳақида гапирилмаган даврда адиб бунга халқига эслатишга журъат қилди. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ҳақида болшевиклар X съездида шундай хулоса чиқарилганини эслайлик: “Чоризмнинг помешчлар ва буржуазиянинг бу халқларга нисбатан тугган сиёсати — бу халқлар ўртасида ҳар қандай давлат куртақларини йўқ қилиш, уларнинг маданиятига шикаст етказиш, тилларига эрк бермаслик, уларни жаҳолатда тутиш ва, ниҳоят, уларни мумкин қадар руслаштиришдан иборат эди”. Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги кунда ҳам миллий масала дунёни ларзага солган жиддий муаммодир. Сотсиализм ғояда ҳар бир миллатнинг ривожланишига, равнақ топишига имкон яратиши керак эди, лекин амалда бунинг тескарсини бўлди. Миллат тарихий категория эканию охир-оқибат миллатлар қўшилиб кетиши, миллий тилларнинг йўқ бўлиб кетиши зўр бериб уқтирилди. Бу қопол қилиб айтганда, X съезд қоралаган, “мумкин қадар руслаштириш”нинг бошқача кўриниши эди.

Халқини мутараққий миллатлар қаторида кўришни орзулаган Чўлпон бундан ташвишга тушди. Инқилобга йиғирма йил тўлар-тўлмас имлосидан айрилиб, ўтмишдан узиб қўйилган халқ келажагини тасаввур қилди. Жадидларнинг миллатни, миллий ўзига хосликни, миллий тил ва маданиятни сақлаб қолишга интилишини “миллатчилик” дея олмади. Миллатчилик мустамлака ўлкадаги заруратга, виждонли кишиларнинг фуқаролик бурчига айланиб бораётганининг бадиий тасвирини яратди. Муаллиф Мирёқуб воситаси ила жадид йиғи ҳақида тасаввур ҳосил қилса-да, унинг кўз олдига ғояларни амалиётга тадбиқ этаётган, ўз таъшишларидан орғиб, юрти келажаги ҳақида қайғураётган, маърифатпарвар, хуллас, бир сўз билан айтганда, ижобий одам табиатини гавдалантирди... Жадиднинг миллий сармоя ҳақидаги гаплари ҳам, маърифатпарварлик борасидаги гаплари ҳам бир мақсадга — мустамлака зулматидан қутулиб, мустақил давлат қуриш орзунининг рамзий кўринишига бўйсундирилган.

Шунинг учун ҳам биз Шарафутдиннинг саъй-ҳаракатларини миллий-озодлик ҳаракатининг бир кўриниши дея оламиз. Чўлпонни худди шундай қалтис даврда воқеликни ҳаққоний тасвирлашга руҳлантирган ғоя, унинг ўз сўзлари билан айтганда, “жадид газеталарининг отаси — Исмоил бобойнинг газетаси “Таржимон”дир... Тилда, фикрда, ишда бирлик”дир.

Шу ерда И.Гаспринскийнинг бу хусусдаги фикрларига мурожаат қилишдан олдин, 1914 йилда, буюк маърифатпарварни вафоти муносабати билан эълон қилинган кўндан-кўн мақолалар орасида Фотиҳ Амрхоннинг “Онг” журналининг 1914 йили 8-сонига босилган “Бир съездеги хотира”сини эслайлик. Чамаси, Фотиҳ Амрхон инқилобий ғоя билан қизиқиб юрган йиллари Исмоилбек билан синфлар ҳақида суҳбатда бўлади:

“Ўғлим, сиз ёшсиз, тажрибангиз йўқ, шу сабаб керагидан ортиқ катта иборалар истеъмоладан сиз... — дея сўз бошлайди Гаспринский.

— Сизнинг каби қизув руҳли ёшларимиз миллатга хизмат этуб, анинг маданий даражасини ўстурсалар, ул вақтда биз синфий ихтилофлар тўғрисида сўзлашурмиз, фикр юриштишурмиз. Маданияти йўқ бир миллатнинг сабоати бўла олмас. Модомики ул йўқ, ҳали синфий низоларга эрта. Бизнинг бу кунки ваъифамиз ҳали маданий ўсувдан ва шунга йўл ҳозирловдангина иборат. Андан сўнгисини биздан сўнгилар қиларлар... Миллат ва маданиятнинг оғзидики бу сўзлар ҳам ишончли, ҳам улуг ёнғирайлар эди”, деб тугатади ўз хотирасини Фотиҳ Амрхон.

Гаспринскийнинг масалага шундай ёндашувининг тагида катта маъно бор. Аслини олганда, у илмий сотсиализм билан таниш эди. Лекин уни қабул қила олмаган эди. Русияда чоп қилишнинг

имкони бўлмаган “Оврупа маданиятига бир назар мувозини” рисоласининг асосий ғоясини Оврупада кезиб юрган шарпа -- иштирокиюнчилик билан баҳс ташкил этган эди. Сўнграқ, 1905 йил инқилоби шарофати билан ёзилган “Мазҳаби иштирокиюн” номли туркум мақолалари, шунингдек, муаллифнинг “Дор ул-роҳат мусулмонлари”, “Юз йилдан сўнг, 2000 сана” каби бадий-публистистик романларида ҳам бу баҳс давом эттирилди.

Гап шундаки, Исмоилбек бу таълимнинг асосий нуқталарини шубҳа остига қўйди. Жумладан, “сотсиализм меҳнатда синалган қардошлиқдан босқа на динни, на ирқни, на миллатни, на тилини тан олади. Уларнинг шиори ва мақсади: “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!” “Сотсиал-демократ”ларнинг “адолат”, “мусавийлик” ҳақидаги шиорлари ташқаридан жуда жимжимадор, кишини маҳлиё қилувчи бўлиб кўринади. Аслида, бу назария уни туғдирган сабабларга мувофиқ иш гугади... Инқилобий курашга, қон тўкишга чақиради”.

Маданият ва ҳаёт, илло, адолат ва мусавийликни барқарор этмоқ учун, “лекин бунинг учун жаҳон тартибини бузмоққа ҳожат йўқ, акс ҳолда, бундан ҳам катта мураккаблиқларга дуч келинади. Ҳар бир кишининг иш, ер ва осойишталигини таъминламоқ зарур. Аммо бу мутлақо бириникни мусодара этиб, иккинчисига бериш дегани эмас”. “Русия миллий мажлисида иштирок этган ишчи ва деҳқонларнинг делегатсиялари помешчиклар ва буржуазиянинг мол-мулкни мусодара этмоқни таклиф қиладилар... Турли кишиларнинг ақли, кучи, қобилияти турлича, шунинг учун ҳам ҳар ким ўз имконига қараб йғинади... Энди шунинг бариси кишиларга теш бўлинади, дейдилар. Бу қандай тенглик бўлади? Бунда адолат борми? Мамлакат ва жамиятни “казарма”га айлантириб, ҳар бир кишини умумий емакхонага таклиф этармишлар... Машаоллоҳ, сотсиалистлар! Сизлар яхши маданият, зўр турмушга бошламоқдасиз!”

Буюк маърифатчининг юқоридagi фикрлари, унинг хаёлий сотсиализмга дахлдор асарлар билан ҳам атрофлича таниш бўлганини кўрсагади.

Гап шундаки, Гаспринский сотсиалистик назариянинг ўзини ҳам хаёлий ҳисоблади. Халқларнинг айрим тарихий босқичларни сакраб ўтишига шубҳа билдирмади. Кишиларни зўрлаб бахтли қилиб бўлмади. Мажбурий етаклаб борилган жаннат ундай киши учун жаннат эмас, дўзах ҳисобланади.

“Юз йилдан сўнг, 2000 сана” романида Гаспринский тинч йўл билан амалга ошириладиган инқилоб ҳақида сўз юритди. Инсоннинг аъмол-ҳаракати билан манфаати ўргасидаги теран боғланишни энг муҳим омил ҳисоблади. У “Инсонликни олдинга қараб нима егаклайди?” деган саволни қўяди ва “Шахсий манфаатдорлик!” деб жавоб беради.

“Ҳар бир киши моддий ва маънавий фойда излайди. Ахлоқий тарбия ва сайлов ҳуқуқиғача шунга суянади. Нима учун дунёга келдинг? Нима учун ўқийман? Нимани хоҳлайсан? Ўзим учун яшайман, фойда излайман. Фойда истаيمان. Фойда ҳар нарсадан устундир”.

Гаспринский сотсиализм идеалларини кўпинча дин идеаллари билан қиёсан, гоҳо қарама-қарши қўйиб таҳлил этган эди. Шунга кўра, унинг бу хусусдаги бир қатор фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди. 1869 йил “Таржимон”нинг 13-сонига босилган “Ижтимоий вазифалар” мақоласида “Ватанин севмоқ, менимча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир”, деб ёзди. Бу жиҳатдан у жуда юксак севги эгаси эди. Унинг табаррук номи биргина Қофқоз ёхуд Волгабўйида эмас, Ўрта Осиёда ҳам маълум ва машҳур эди. Хусусан, ХХ аср бошидаги Туркистон, Бухоро ва Хиваниннг саккиз миллионли халқи миллий юз берган ўзгаришларда унинг буюк хизматларини Чўлпон тушуна олди ва “Кеча ва кундуз” романида уни ўзига хос усулда баён қилди.

Гап шундаки, И.Гаспринский назариётчигина эмас эди. Жадидчиликни, жумладан, мактаб-маориф ҳақидаги янгича нуқтаи назарни бевосита ҳаётга тадбиқ этиш йўлида инимсиз меҳнат қилган амалиётчи ҳам эди. Унинг бу соҳадаги ғоялари Туркистонда ҳам, Бухоро ва Хоразмда ҳам самарасини берди. Бухорода “Ёш бухороликлар”, Хоразмда “Ёш хиваликлар” тузилди. Тошкент, Самарқанд ва Қўқонда қизғин ижтимоий ҳаракатчилик кучайди. Чўлпоннинг романи шу давр бошланишини ҳақиқий тасвирлашга ингилиш руҳида ёзилган асардир.

“Бутун халқнинг фойдаси маданиятидадир. — деб ёзди у. — Маданиятни ёки энига, ёки бўйига бўлиш мумкин эмас. Демак, инқилобда қонли фактордан воз кечиш керак. Исмоилбекнинг миқёси худди шундай ва усиз назария занф бўлиб кўринади. Маданият ва куллик бир-бирига қарши нарсалардир. Аммо бутун жоҳиллар (саводсизлар) табиятига кўра куллардир”.

Демак, ҳаракатни фақат жоҳиллик, жаҳолат орқага судрайди. Илмсиз одам инқилобчи бўла олмас. Илмли одам реакционер ҳам бўла олмайди. Шарқ ва жаҳон маданиятининг тарихида Гаспринский ана шундай рол ўйнади.

Гаспринскийнинг бутун ижодида сотсиализм ва дин идеалларига алоҳида ўрин берилганининг боиси ҳам шунда. Сотсиализм ғоялари миллионлаб шаҳар ва қишлоқларни ўраб олди... ҳам улар сўнмаётир, яна улар ишонч билан олдинга чиқмоқдалар. Бу қадриятларнинг кўпини Гаспринский дин қонунларида ҳам кўради. Исмоилбек мукамал ақидаларга тўғри баҳо беради. Ҳаётдан узиб олинган ҳар қандай сотсиал назария утопияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Амалиётга мос келмаган ҳар қандай идеал руҳийлигини йўқотади. Бу фикрлар Гаспринскийнинг биз тилга олган асарларида ҳукмрон. Фикрлар, ғоялар келажакка қарши шубҳалар билан тўла мазҳаби иштирокиюннинг асослари ана шундай.

Романда тасвирланган даврда Туркистон ва Бухоро ҳамда Хива хонликларида олиб борилаётган “адабий сиёсат” Қозонда машҳур шовинист мусгаширқ Н.Илминский раҳбарлигида иш кўраёт-

ган Русия мусулмонларини тадқиқ этиш маркази томонидан изчил суратда жиловланмоқда эди. Унинг дастурига кўра, тил, ёзув, мактаб ва маориф масалаларида Туркистон ва бошқа мустамлака ўлкалар мусулмонлари каби бу сиёсатни аста-секин қабул қилишни режалаштирган Н.Илминский таълимотига кўра: “Секин-аста халқдаги ишончу эътиқодларга аралашиб керак. Шундай хулосаларни уларнинг ўзидан ахтариб топмоқ керакки, улар оҳишта-оҳишта христианча ва русча фикр қилишга ўргансинлар. Ана ўшандагина улар рус халқи билан нафақат тилда, балки тафаккур ва эътиқодда ҳам бирлашиб кетадилар. Бундай “сиёсатнинг келажagini” ўз вақтида пайқаган Исмоилбек ўзининг “Таржимон” газети орқали “Тил бирлиги учун курашингиз!” шиорини ўртага қўйган эди. Бундан илҳомланган айрим зиёлилар ўз вақтида Алишер Навоий томонидан бошланган турк тилининг истиқлоли учун кураш қайта алангланаётганидан қувониб, “Турк тилининг биринчи ислоҳчиси Алишер Навоий бўлса, иккинчиси, ҳеч шубҳасиз, Исмоилбекдир”, деб баралла ёзганлар. Чўлпон мана шу аср бошидаги ижтимоий муҳитни тасвирлашда мақсадни икки саҳнада: биринчиси — Шарафутдин билан Мирёқуб учрашувида баён қилса, иккинчиси — Зебини суд қилиш жараёнида прокурор нутқида очиб беради. Бу икки саҳнада ҳам мақсад мустамлакачилик сиёсатини фож қилиш эди. Биринчи саҳнада жадид воситаси ила миллий қутулиш йўллари ҳақида фикр юритилса, иккинчисиди бу йўлдаги тўсиқларни кўрсатади. Зеби “айби”га иқрор бўлгач, ҳукм чиқаришга киришилганда, прокурорнинг сўзларини эслайлик:

“Прокурор ўрнидан туриб, икки қўлини столга қўйди-да, ярим энгашиб туриб, деди: “Мен бу тақлифга қарши эмасман. Албатта, менинг бу масалада бошқа мулоҳазаларим бор. Мен уруш вақтининг нозик пайтларида бўлган бу ўлдиришга оддий ўлдириш каби қараёлмайман. Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшоҳга садоқат билан танилган одам эди. Уни “ёш сарт” махфийлари, айниқса, уларнинг душманлими бўлган Туркия билан фикран боғланишган унсурлари ёмон кўрардилар. Мен бу “содда” ва “гуноҳсиз” сарт аёлининг шундай унсурлар қўлида ўйинчоқ бўлмаганидан амин эмасман... Биз сарт халқига алланечук бепарволик билан қараб ўрганганмиз: “Қўйдаи ювош, улар!” деймиз. Албатта, уларнинг мамлакатларини қон тўкиб олган фотиҳлар сифатида бу қарашимиз бир нави тўғри ҳам бўла билади. Фақат бизга бу нотўғри қарашни ташлаш керак! Туркиядаги 1908 йил инқилоби, ўзимиздаги шумлик бешинчи йил тўполони, Эрондаги сўнгги машрутият ҳаракатлари сартларнинг кўзини очаётир... Зоҳир сур маданиятга ёпишиб келган овура қиёфали жадидлар, аксари кулар юзли ёш савдогарлардан иборат бўлган “ёш сарт” кадрлари империяга қарши тиш қайрашда Туркия иттиҳодчиларидан қолишмайдилар... Дуруст, сарт халқининг кўпчилиги муаззам давлатимизга, севимли подшоҳимизга содиқ... Эслик, тажриба кўрган катта савдогарлар, қишлоқнинг обрўли бойлари, айниқса, уламо тоифаси “ёш сартлар”нинг нуфузини қирқиш учун зўр бермоқдалар, буларни биламан, Лекин ҳалдан ташқари эҳтиёт билан иш олиб бормасак, бир кун эмас, бир кун ҳаллиги кўпчилиқнинг “ёш сарт”лар байроғи остиди бош кўтариши жуда мумкин нарса”.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда прокурор “содалдил ювош” қизга ўлим жазоси берилишини сўрайди.

Юқориди билдирган фикрларимизнинг якуни сифатида шуни қайд қилишимиз лозимки, Чўлпон “Улуғ ҳиндий” мақоласида, Тагор асарларини ўқиб, “улардан қонганини” баён қилиб, бунинг асосий боиси Тагорнинг “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтин кўприк” эканини айтади-ю, шу даврда И.Гаспринскийнинг ижоди ҳам шундай кўприк бўлганини айтишнинг иложини тополмайди. Дарҳақиқат, Тагор ижоди тўлалигича Ҳиндистон заминида ўсиб улғайган бўлса, Гаспринский ижоди бутунлай Русиядаги мусулмонлар турмушини қамраб олган эди. Бу ижодкорлар миллий маҳдудликдан узоқ, ҳам миллий, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб анъаналарини бирлаштирган эди. Чўлпон Тагор шеърлятида ва романларида шарққа хос шартлиликни, кўтаринкиликни, донишмандликни, Гаспринский ижодиди ғарбга хос психологизм, характер мантйига амал қилиш, далиллашни кўрди ва ортиқча “шарқлилик” ёки ортиқча “ғарблилик”ка берилган адабиёт, давр талабларига жавоб бера олмаслигини англади. Бунинг оқибатида у халқнинг ҳаётини шундай тасвирлаш лозимки, бу тасвир бутун жаҳон китобхонига, унинг миллати ва яшаш жойидан қатъи назар, баравар таъсир қиладиган кучга эга бўлган асарларда акс этиши керак, деган фикрга келди. Лекин ўттизинчи йилларда И.Гаспринскийнинг исмини тилга олиш ҳам таҳликали эканини кўзда тутсақ, Чўлпоннинг Тагорнинг ижоди атрофида ўз фикрини баён қилгани бежиз эмас. Фитратнинг 1917 йилнинг ёзида мамлакатда инқилоб ловиллаб ёна бошлаган бир пайтда миллатдошларига мурожаат қилиб, синфий айирмалардан кўз юмиш, миллат йўлида бир бўлишига чорлагани ҳам Чўлпон фикрлари-га ҳамоҳанг эди.

Дарҳақиқат, бир жамиятни биргина ташаббускорлик, фидойилик асосига қуриб бўлмайди. Байроқлар ҳар қанча фусункор бўлмасин, устингга кийим қила олмайсан. Шнорлар қанча улғувор бўлмасин, қорин тўйдирмайди. Биз инсониятнинг ўз тажрибасида синаб келган мана шу минг йиллик хулосасини писанд этмадик, шу сабаб 75 йил кўрган иморатимизнинг таги бўш бўлиб чиқди. Лекин узоққа чидамаган бу жамиятнинг умри узоқ бўлмаса-да, ўзига итнаткор бўлмаганларни шаккок деб эълон қилди, уларни туркий қавмларни “ғайри диндаги миллатларга қарши бирлаштиришда, ягона турк-татар мамлақати тузишга уринил”да айблади. И.Гаспринский ва Чўлпон каби фидойиларнинг номи, уларнинг хотираси авлодлар онгидан юлиб олинди. Шунда беихтиёр И.Гаспринский вафот этган 1914 йилнинг 11 сентябрда машҳур Наримон Наримоновнинг: “Миллат Исмоилбек каби қаҳрамонларини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир”, деган сўзлари эсга келади.

Улкан олим ва адиб, буюк маърифатпарвар Исмоилбек Гаспринский бундан юз йил муқаддам:

“Биз туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган бир туркий-этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик ва худди шундай яшамоғимиз керакдир”, деб айтган эди. Эҳтимол, бугунги ўқувчига бу ном у қадар таниш эмасдир. Лекин юз йил муқаддам у туркий дунёдаги энг машҳур ном эди. Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербурздан Бомбейгача билар эдилар. 1909 йили Франсанинг энг нуфузли журналларида “Ревью де монде мусулмон” уни миллат олдидаги хизматлари учун Тинчлик соҳасидаги Нобел мукофотига тавсия қилган ва буни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот нашрлари қўллаб-қувватлаб чиққан эди. У тириклигидаёқ миллат раҳнамоси деган ном олди. Унинг энг катта хизмати ўзининг “Таржимон” газети билан Русия сарҳадида яшаб турган, лекин замоннинг зайли билан бир-биридан узоқлаштирилган ва бегоналашиш даражасига етган туркий халқларни бир-бирига танитиш бўлди. Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маорифда чинакам инқилоб ясаган, “усули жаҳид” номи билан тарихга кирган “усули савтия”ни бошлаб берди.

У барча туркий халқларни яхлит, ягона деб билди. Уларни ҳам илм-маорифда, ҳам ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тариққий қилган миллатлари билан тенг, бақамти кўрмоқни орзу қилди. Бутун ақли-вужудини мана шу муқаддас ишга — миллатнинг равнақи ва муҳофазаси йўлига бағишлади. Бу шунчаки мутаассибона орзу эмас, замонасининг баланд-пастидан хабардор, тарих ва тақдирни теран англаган, Шарқни ҳам, Фарбни ҳам баб-баравар билган, баб-баравар кўрган бир кишининг аниқ ва режали хатти-ҳаракати эди.

Бехбудий сўзлари билан айтганда, Гаспринский “Ўрусиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хушлик йўли билан яхлит бир миллий оиллага бирлаштирмоққа ноил ўлди”. Абдулла Қодирий ўзининг “Жасорат айб эмас” деган мақоласида “...Исмоилбекнинг қадрлари ва туз ҳақларини тўғри англамаган шарқ йигити орамизда бўлмасин, демак истайман. Уларнинг хизматларини тақдирламаганлар телбадир, бошқача бўлиши мумкин эмас...” деб ёзган эди.


И.Гаспринскийнинг бу қарашларини энг илғор ўзбек зиёлилари қўллаб-қувватлаган бўлсалар ҳам, унинг бадиий адабиётда тўғри тасвирини фақат Чўлпон берди. Мана шунинг ўзи ўзбек адабиётида тонг юлдузи бўлиб майдонга чиққани ва ижтимоий ҳаётда жаҳидчиликка, биринчи навбатда, И.Гаспринский таълимотига тўғри баҳо бергани ҳам туркий оламда таҳсинга лойиқ буюк жасорат эди.

Лекин бу жараён ғоят қийинчилик билан бошланди. И.Гаспринский ва Чўлпоннинг ижоди туркийзабон халқлар ўртасида сўнгги 40-50 йил ичида маълум сабабларга кўра ўрганилмади. Айни замонда, чет элларда бир қанча олимлар И.Гаспринскийнинг маорифчилик ғояларини буюк мароқ билан тадқиқ қилдилар. АҚШ, Туркия, Германияда Э.Лазернинг “И.Гаспринский ва Русияда мусулмон модернизми”, Н.Давлатнинг “Исмоил Гаспирали”, Г.Булбилнинг “И.Гаспринский ҳақида гурунглашайлик”, М.Саройнинг “Исмоил Гаспирали ва маориф реформаси” ва бошқаларнинг асарлари пайдо бўлди. Етмишинчи йиллардан бошлаб Туркия ва АҚШда Чўлпон ижодига бағишланган мақолалар чоп қилинди, баъзи асарлар эълон этилди.

Аммо 60-70-йилларда ҳам И.Гаспринский ижодига ҳужум тўхтамади. Сўнгги ярим аср ичида матбуотда номи тилга олинмаган адиб ва маорифчининг ижоди бирданга икки илмий тадқиқодга мавзу бўлди. Қозонли профессор Р.Нафиқов ва Ю.Брагинскийнинг докторлик ишларида, улар И.Гаспринскийнинг асарлари билан тўла танишмаганлари, эрта ёзилган асарларидан бир-бирига боғланмаган сатрларни ўқиш билан қаноатланганлари сезилади. Шунинг учун ҳам бу илмий ишларнинг заифлиги, маъносизлигига, мантқиқсизлигига ҳайрон бўласан. Н.Нафиқов фақат “Мазҳаб иштирокион”ни ўқиб, уни “Москвага қарши ҳайвонларча нафрат” деб баҳо беради, бу билан И.Гаспринский ижоди ва фаолиятини “контрреволютсион” деб атайди. Яна шу муаллиф 1964 йилда Қозонда чоп қилинган “Илғор ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланиши” деган рисола-сининг икки-уч саҳифаси И.Гаспринскийга қарши иғво билан тўла эди. Зўраки профессор атрофига бутун ҳийлакорларни тўплаб, шу йиллари жаҳидчилик ҳаракатига бағишлаб ўтказиш кўзда тутилган илмий анжуман олдидан хўжайинларнинг “буюртмаси”ни бажариб, шундай фикрларни тарқатган ва бу билан мутахассислар ўртасида ихтилоф чиқаришни мақсад қилиб қўйган. Афсуски, бундай анжуман СССР миқёсида ўтказилмади, Р.Нафиқовнинг бундай қарашларига вақтида керагидай зарба берилмади. Ю.Брагинский эса И.Гаспринский романларини “реакцион романтизмга доир асарлар” деб, уларни тарихий-адабий мерос сифатида ўрганилмагани тўғри бўлган, деб баҳолайди.

1986 йили Қозонда С.Х.Алишевнинг “Ўтмиш изидан” номли очерклар китоби чоп қилиниб, унда Г.Губайдуллинга бағишланган очеркда яна бу олимнинг И.Гаспринскийга нисбатан билдирган нотўғри фикрлари тарғиб қилинади. 1989 йили Қозонда дарж этилган Г.Губайдуллиннинг “Тарихий саҳифалар очилганда” номли “Сайланма асарлар” тўпламида ҳам унинг И.Гаспринский ҳақидаги салбий фикрлари такрорланади. Бу ҳужумларнинг натижалари Илминский ва Остроумовнинг Черковлар Олий Синодига ва Русия ички ишлар вазирлигининг 3-бўлимига етказиб турган қақиччиликларидан ҳам даҳшатли эди. 1964-1989 йиллари жуда паст савияда, саводсизларча ёзилган бу “илмий” ишлар Сталин режими муҳитидаги юксак ихтисосли иғводан ҳам кучли эканини фақат ҳозир тасаввур қилиш мумкин. Чунки улар махсус “буюртмалар” билан яратилгани ва матбуотда кенг тарғиб қилингани ҳам жаҳид адабиётини оқлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга оёқ чалиш эди. Бу ҳам уларнинг ижодини ўрганишга киришиш яна йигирма йилга чўзилишга сабаб бўлди.

Ҳақиқат, қанчалик чуқур кўмилмасин, бир кунмас-бир кун юзага чиқар экан. Мана, даврон айланиб, адолат — руҳият манзилига юз ўгириб, И.Гаспринский ҳам, Чўлпон ҳам авлодларига қайтмоқда.



80 йилда эскирмаган рисола

Ҳар қандай жамиятда ҳам оила ижтимоий тараққиёт манбаи ва инсоний тарбия ўчоғи бўлиб келган. Шунинг учун ҳам инсоният улуғлари оилани нафақат жамият, балки давлатчилик асосларининг қурилишида ҳам илк мактаб деб билганлар. Миллий тараққиётга юз тутган мустақил юртимизда комил инсонни тарбиялаш ва ҳуқуқий давлатчилик асосларига пойдевор қуриш даврида ўтган 1998 йил оила йили деб белгиланганлиги бежиз эмас. Нафақат ижтимоий ва сиёсий, балки маънавий ва маърифий аҳамиятга молик ушбу ҳолни биргина Исломиёй оила тимсолида англаш ҳам мумкин.

Ислом динида оила муқаддаслиги ва оилалик бўлиш масъулияти ҳақида Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги ҳикматларда айтилган ва мусулмончиликнинг дастлабки талабларидан бири ҳам ўз оиласи ва фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатдир. Зеро инсоният яна шу муҳаббатдан туғилган, оиладиги илк оналик меҳри ва оталик муҳаббати билан йўртакланган. Гўдакнинг инсоний сифатлари камол топишида ҳам мана шу меҳр-муҳаббат бирламчи тарбия маскани ҳисобланади.

Улуғ мутафаккир ва адиб Абдурауф Фитратнинг англашича, "оиланинг шаклланиши, яъни "аҳли-байт" жамоаси, бошқача айтганда, хонадорлик (оила бошқариш)ка асос солиш бани Одам маданиятининг асосидир". Шунинг учун ҳам "оила қаерда қуналик интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади". Бунинг дастлабки инсоний ва Исломиёй шартларидан бири эса, "издивож суннат" (уйланиш зарурилиги)дир.

Бинобарин, Ислом дини назарида никоҳнинг биринчи мақсади ҳам наслининг кўпайишидир. Ушбу мувоҳасада Фитрат "Сўзбоши" даёқ ўринли тушунтиришлар билан миллатнинг сифати унинг миқдори билан ҳам боғлиқ эканини англаган. Бунинг учун қайгурган Англия ва Белгия давлатларини ўзаро муқояси қилиб, Франциянинг оилалик масъулияти ҳақидаги қонунларидан мисоллар келтиради. Оилада эса миллатнинг қадри ва шаънини белгилловчи ҳаракатлар аввало эр ва хотиннинг ифқат ва порсолиғи (диёнати) билан боғлиқ эканини ҳаётий мисоллар билан англайди.

Эр-хотинликнинг биринчи мақсади фарзанд экан, бу мақсадга эришиш воситаси ва сабаби висолдир. Висол иштиёқи ёшларда эртарақ туғилишига қарамасдан "ҳақимлар эркакларга 23 ва қизларга 18 ёшдан олдин уйланмасликни маслаҳат берадилар". Ушбу "маслаҳат"нинг ҳам физиологик ва генетик, гигиеник ва бошқа сўхатталаб мақсадларга қаратилганини эслатиш баробарида оиланинг соғлом ва баркамол фарзанд етиштиришидаги вазифаларини эринмай бир-бир уқдириб ўтган.

Оилада — уни жанжал, фиқс, хиёнат ва борингки, талоқ каби қушандалардан сақлаб турувчи восита мадорадир, яъни эр-хотиннинг муросасидир. Бу ҳақда Ибн Умардан шундай ривоят келтирилган: "Аёллар ҳақида васиятими қабул қилинганлар ва улар билан муроса қилинганлар (чунки аёл эркакнинг қовурғасидан яратилган), яъни уларнинг хули ҳам қовурға суягига ўхшаб эгилган. Тўғриламоқчи бўлсанг синиб кетади, ўз ҳолига қўйсанг шу эгрилигида қолади. Бас, хотинлар билан мадора (муроса) қилинган". Бу ўринда ушбу ривоят бироз кўполроқ туюлса—да, аёллар билан ҳар қандай муомалада эҳтиёткорлик билан тарбия лозимлигини уқтирувчи ҳикматлардандир. Зеро, аёл қалбининг нозиклиги ва назокати ҳамда аёл қўнглининг хушомад ва илтифотга ўчлиги ҳақида минглаб китобларни мутолаа қилганмиз. Худди шунинг учун ҳам Фитратнинг ушбу ўриндаги ўғитлари ҳар бир оила қурган ва қурмоқчи бўлганлар учун лозим келади.

Ниҳоят, оиладаги мадора, танбех ва тарсаки каби ҳоллардан кейин ҳам тузалиши мумкин бўлмаган оилалардаги талоқнинг ўрни ҳақида ҳам сўз боради. Фитрат назарида, талоқ оилани ажратувчи восита эмас, балки талоқ талаби ва хавфини яхши билиш лозим бўлган ҳар бир эркак ва аёл ушбу воқеадан, эркаклар "талоқ" сўзидан эҳтиёт бўлиши лозимлигини англаувчи тадбирдир. "Ислом динида талоқни эр-хотун ўртасидаги нафрат ва безориликни тўхтамайдиган даражага келганидан бу кунлардан халос бўлиш учун, яъни беҳуда нафрат ва безориликнинг эркак ёки аёл қўрбони бўлмасликлари учун ҳам талоққа рухсат берилган"и айтилади. Бироқ Ислом дини талоқни лозим деб эмас, балки манъ қилмоқчи бўлиб, эрга талоқ беришга шошилманг, деб амр қилади. Оила ҳар хил катта-кичик баҳоналар билан барбод бўлмаслиги учун талоққа рухсат берилгани кўрсатилган. Бироқ, бу ўринда талоқ берувчи эрнинг хотинга нисбатан масъулияти ва вазифаси, аёлни меҳри ва бошқа шаръий ҳуқуқлар ҳақида сўз юртилиш билан Исломда оила мустаҳкамлиги учун кураш зарурий бир ҳолатга кўрсатилади.

Табиийки, тартибли оилада никоҳ, ҳомиладорлик ва унинг ниҳояси фарзанддир. Фитрат фарзанд туғилишига боғлиқ барча шаръий ҳукмларни эслатиш баробарида асосий эътиборни фарзанд парварлишига қаратган. Шунинг учун ҳам китобнинг иккинчи боби "Фарзанд тарбияси" деб номланган.

Фарзанд тарбияси масаласида Фитрат шундай фикрни илгари сурган: "Модомики, дунё кураш майдони бўлиб, миллатимиз бошқа миллатлар билан ҳаётининг муҳофазаси ва саодат таъмини учун

қурашар экан, бу майдонда ғалабага эришган, зафар топган миллатларга аҳамият беришимиз лозим-дир. Улар қандай қуроллар билан ғолиб бўлиб саодатга эришаган бўлсалар, биз ҳам сайт ва кўшиш қилиб ўз фарзандларимизни шундай қуроллар билан қуроллантириб шу майдонга юборишимиз керак. Бундан бошқа чора йўқ ва бўлмайди ҳам". Худди шу маънода Фитрат овраўпали ва яҳудий миллатини туркистонлиларга ўртак қилиб келтиради. "Чунки улар ҳар ишда билагон, муҳокама ва тааммул ҳамда тафаккур билан иш юритадилар. "Бизлар эса, на биламиз, на муҳокама қиламиз ва на ўйлашга қодирмиз. Ҳамма ишни фалакнинг гардишига, тақдир тақозосига ҳавола этиб чордона қуриб ўтираберамиз. Ҳар бир ишни толеъ ва фалак гардишидан деб билиш заифлик ва нодониқдан бўлади. Чунки одамзот манфаатга чанқоқдир. Инсон ҳар бир фойдали ишни ўзи бажармоқчи бўлади, бошқога ишониб топшири олмайди". Тарбия масаласига ҳам миллатга буюк фойда етказувчи соҳа деб қарамоқ ва уни бошқаларга ишониб топшириб қўйиш оиланинг масъулиятсизлигидандир, деган зарур хулосага келади. Фитрат тарбия ҳақидаги қадимий фанлар асосида уни уч шаклда: бадан тарбия, ақлий ва ахлоқий тарбия деб англатган. Бироқ уларни бир-биридан ажратиш ҳам бўлмайди. Улар ўзаро шундай боғлиқдирки, уларнинг бирига зиён етса, бошқаларида ҳам нуқсон пайдо бўлади. Биринга фойда етса бошқалари ҳам баҳраманд бўлади.

Бадан тарбия кўпроқ онанинг ва ҳозик докторларнинг иштирокида, эмишиш даврида лозим бўлади. Эмишиш даври тугар-туғамас унинг ёнига иккинчи ва учинчи навъ тарбиялар ҳам қўшилади. Фитрат илк тарбия даврида овқатланиш, уйку ва низофат (тозаллик)ни бадан тарбиянинг асоси қилиб кўрсатган. "Ан-назафату мин ал-иймани" ҳадисидан келиб чиқиб, покизалик иймондандир деган муҳим шиорни ўртага қўядики, у ҳозирги кунда биз соғлом авлод учун жон куйуктираётган қатор тадбирлар билан боғлиқ ҳолда кечади.

Ақлий тарбия зеҳн ҳаракати, яъни муҳокама билан қарорга келишдир. Ушбу жараёнда ташқи маълумот манбалари сифатида "ҳавоси ҳамса", яъни ҳис узвлари: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш ва тери сезгиси иштирок этади. Бундан ташқари, Фитрат ботиний маълумотларни ҳис қилувчи узвлар, яъни идрок лозимлигини ҳам уқтиради. Рухий-ҳиссий маълумотлар олиш ва уларни идрок этиш ақлий тарбиянинг муҳим соҳаларини англатишини ифодалаш билан бирга бу ўринда ҳофиза қуввати, яъни хотирага алоҳида эътибор берилиши лозим соҳа бўлиб, болаликдан қувваи ҳофизани тарбиялаш лозим экани ҳар бир оила аъзосига тушунтириладики, бу тарбия нафақат оила ва жамият, балки киши шахсининг ўзи тарфиядан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Оиладаги оддий можаро ва ҳаракатлар билан ўралашмай, боланинг ақлий, яъни фикрий тарбияси миллатнинг нияти билан уйғун бўлиши лозим. Киши билиш ва муҳокама натижасида "қайси миллат жаҳолат ва нифоққа мубтало бўлса, ўлиб нест-нобуд бўлади" ва "қайси миллат ҳалолат ва тарқоқликдан ҳалос бўлмоқчи бўлса, унга илм ва иттиҳод зарурдир" деган талаблар билан ёндошгандагина киши фикрий тарбиясини ўша миллатнинг манфаатига хизмат қиладиган этиб тарбиялашга эришиш мумкинлигини кўрсатиб берган.

Ахлоқий тарбия киши ахлоқини камолга етказиш одамнинг феълу хуий ва ҳаракатига яхши фазилатларини сингдириш демақдир. Бу йўналишда бола тарбиясида инсонни "ахлоқи ҳамида" соҳибига айлантириш жараёни лозим келади. Ахлоқий тарбияда ҳам ирода ва ихтиёримиз беш ҳолатнинг натижасидир: тасаввур, машварат, таржеҳ, қарор ва ижро. Ушбу тарбия жараёнида хубби нафс (ўзини севмак) ва бахт майли меъёри билан тарбияланиши, киши ўзига мафтун бўлар даражада хубби нафс бўлмаслиги ва ўзининг бахт майлига интилиши натижасида бошқа инсонлар саодатига раҳна солмаслиги ахлоқий тарбиянинг муҳим шартларидандир. Ушбу жараёнда фаолият майли тарбияси муҳим бир ўринда туради, чунки муяллим назарида Бухоро миллати шундай фаолиятсизликка қўниқканки, "ман-фаатимизни йўқотсак ҳам унинг пайида бўлмаймиз, икки-уч одам олдида сўзлаёлмаймиз, даъвомиз исботида ожиз қоламиз, ганимлардан бизга етадиган зулуму ситамларга тоқат қиламиз, қутулишимиз ва нажот йўлларини ўйламаймиз". Ана шунинг учун ҳам наинки Бухоро миллати, балки бутун Туркистон халқи ўз фарзандларининг тарбияси билан чуқур машғул бўлиши, бу йўлда замонавий илм ва воситалар билан тадорик кўриши жоиздир. Бу йўналишда ижтимоий тамойиллар, яъни алоқа майли, ўзгаларга меҳр-муҳаббат, таназзур (ибратли бўлиш) шартлари белгиланади. Бу каби тамойиллар олий даражага етиши ва майли вуқуф (воқиғлик), хубби бадъъ (эстетик дид) ва хубби фазилат шаклланиши билан у замонавий кишилар тоифасига яқинлашиши мумкинлигини англатади. Ақлий ва ахлоқий тарбиянинг бу каби зарур назарий жиҳатларини англатиб бўлгандан кейин бу хил тарбиянинг энг муҳим ва мушкул қисми мактаб ва муаллифлар зиммасига тушишини эслатиш баробарида мактаб муаммоларига қараб фикр кўчирилади.

Маориф ва мактабчилик соҳасидаги Фитратнинг қарашлари биргина бу рисолада эмас, балки "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи баёноти" ва бошқа кўплаб асарларида ҳам ақт эгган. Бироқ ушбу китобда болани мактабга топширдим деб қўлни қовуштириб ўтирмаслик, фарзанд мактаб ёшига етгач, ота-онанинг мактаб билан боғлиқ ҳолдаги тарбиявий ишлари ҳақида эринмай тушунтириш берган. Ушбу масалада мамлакат ҳолини хароб қилган ва истиқболини хатарга солган энг катта муаммо — хотин-қизлар таҳсили заруриятини ўртага қўяди. Чунки фарзанднинг, умуман, миллатнинг илк тарбияси аёллар қўлида кечади. Илм ва идрок эгаси бўлмаган ноқобил она ўз фарзандининг ҳам қобилиятсиз бўлиб қолишига шерик бўлади, бас, шундай экан, қизлар таҳсили миллат учун энг зарур бўлган муаммо даражасига кўтарилиши, худди эрлар каби улар ҳам таҳсил ва такомилга лойиқдирлар. Кейинги бобда ота-она ҳуқуқлари ва фарзанднинг ота-онадан ҳаққи ҳамда ворислик бурчлари ҳақида сўз юритилади ва бу соҳаларнинг ҳаммасида инсоф ва иймон ҳар бир мусулмон фарзандининг кўрки бўлишиги уқтирилади ҳамда етимнинг ёки гўдакнинг ҳаққини эслатиш билан оиладаги тарбияга бағишланган ушбу гўзал рисола ўз ниҳоясига етади.

Абдурауф Фитрат

ОИЛА

ёки
оила бошқариш
тартиблари

Тожик тилидан
Шодмон Воҳид ва
Гулбаҳор Музаффар қизи
таржималари



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Одамларнинг маданий тоифа эканликлари, яъни табиат ҳукми ила бир қабила ёки бир қавм суратида жам бўлиб, бир-бирларига ёрдам бериб яшашлари маълум. Кимки ана шу табиат қонунининг доирасидан чиқса, яъни жамиятдан четлашса шубҳасиз, маҳв ва нобуд бўлғай. Тарихчи олимларнинг фикри шундайки, одамлар халқ бўлишларидан олдин жамоа бўлиб яшаш зарур эканлигини билмаганлар. Бинобарин ваҳший ҳайвонларга ўхшаб ёлғиз, якка-якка бўлиб яшаганлар. Шу боис улар табиий мушкулотлар остида азоб чекиб, ҳайвонлар ҳужумларидан ҳалок бўлганлар. Вақт ўтиши билан одамлар жамоа бўлиб яшаш лозимлигини тушундилар. Уларнинг биринчи жамоалари “оила”, яъни “аҳли байт” эди. Аҳли байт жамоалари аста-секин ривожланди, қавм ва қабила жамоаси пайдо бўлди.

Шундай қилиб, бу киришдан маъно шуки, оиланинг шаклланиши, яъни аҳли байт жамоаси, бошқача айтганда хонадорлик (оила бошқариш)га асос солиш бани Одам маданиятининг асоси экан. Бизга маълумки одамлар қаерда қавм ёки қабила бўлиб яшасалар тинчликларини сақлаш учун ва бир-бирларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун бир низоми (тартиб) ва қонун жорий этиб, шу қонунлар асосида бахт ва саодатга эришганлар. Ўрталарида тартибсизлик рўй берган заҳоти низоми қоида йўқолиб дарҳол нобуд бўладилар, ёки эътиборсиз ва хор бўладилар. Аслида, бу табиий ва зарур бир ҳодисадир, чунки одам табиатан манфаатпараст ва ғаразли бўлади. Бир неча одам жам бўлиб қолса ҳар бири ўз манфаатларига асир бўлиб бошқаларнинг ҳуқуқига тажовуз қилиб, уни поймол қилмоқчи бўладилар. Бунинг натижаси нотинчлик ва интизомсизлик бўлиб, оқибати яна ўша нест-нобудликдир. Албатта, бу тажовуз ва босқинчиликнинг олдини олиш учун қонун лозим. Энди ушбу рисоланинг асосий мавзуй бўлган “Оила”га қайтсак. Оила эр, хотин ва фарзандлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, оила бир шахс бошчилигида бир жойда яшовчилардир. Шу таърифлардан маълум бўладики, оила ҳам бир неча одамлардан иборат бўлган жамоа экан. Уларнинг ҳар бири инсонга хос нарсаларга, яъни ўз манфаатларига асир бўлади. Бири иккинчисининг ҳуқуқини тасарруф қилиб босиб олиши мумкин. Ана шу тажовуз олдини олиш учун, оила аъзолари ўртасида ҳам бир қонун лозим. Ўтган олимлару ҳақимлар шу масалада саъю-қўшиш қилиб қонунлар ишлаб чиққанларким, уларнинг умумий ҳайъатини “манзил тадбири” (рўзғор тебратиш тадбири) деб атайдилар.

Дунёда иззат ва саодат толиби бўлмаган бирорта қавм йўқ. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг ички интизому ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муназзам бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва фитратсизлик билан оилавий муносабатларини заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл берса шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади. Ҳозирги Фаранг (Оврўпа) олимлари ҳам ўз халқлари интизом ва оилаларининг роҳати учун ҳаракат қилиб юзлаб китобларни ёзиб нашр қилмоқда. Иймоним комилки, оила саодати ва бахти учун қабул қилинган энг мақбул қонун исломий қонунлар бўлади. Лекин оламда энг бадбахт оилалар ҳам биз мусулмонларнинг оилалари бўлади, чунки бу илоҳий қонунларнинг биронтасига риоя қилинмайди. Оиладорлик хусусидаги ҳар бир ҳаракатимиз сароб орзуларимиз ва хато фикрларимизнинг натижаси бўлиб, аксарияти Қуръони Карим, ҳукмларига зиддир. Шунинг учун зулм ва тажовуз кўрмаган оилалар бизда ниҳоятда кам кўринади. Ҳозирда тараққий этаётган исломий ўлкаларда турк, араб ва форс олимлари ўз миллатларининг кимлигини англаб етиб, оила низоми ва тинчлиги ҳақида анча китоб ёздилар. Бу китобларда улар диний ҳукмларга таяниб оилавий масалаларга изоҳ берганлар. Лекин туркистонликлар, хусусан биз бухороликлар бу неъматдан маҳрум бўлдик. Яқинда муҳтарам дўстим ва ғажур ҳамфикрим Абдулвоҳид Афанди Манзумким, ҳамиша бухороликлар саодатлари фикрида юради-менга оиладорлик бобида бир китоб ёзишни ишорат қилди.

Баски, дўстимнинг нияти холис ва мақсади олий экан, мен инкор қилолмай шу рисола туздим. Менинг ниятим бу рисола миллиятимиз тили, яъни туркий чагатойида ёзиш бўлса ҳам, аммо муҳтарам дўстимнинг истагига тобе бўлиб қолдим.

Оллоҳ таоло амири олий Сайид Мир Олимхон иззату иқболи адл ва тавфиқини зиёда этсин, чунки рисола уларнинг даврларида ёзилди. Оллоҳ таоло Бухоро аҳолисини уларнинг марҳамати ва адолатлари соясида бахтиёр этсин.

Биринчи қисм

Уйланиш ёки уйланмаслик хусусида

Баъзи одамлар ўйлайдиларки, уйланиш ва фарзанд орттириш кишини Ҳақ хизматидан ва Оллоҳга яқин бўлишдан четлаштиради. Бинобарин, уйланмаслик инсон камолати жумласидандир. Ҳатто олдинги динларнинг тобелари орасида тарки дунё қилиб, хотин ва фарзанд орзусидан кўз юмган одамлар ҳам мавжуд бўлган. Лекин бу фикр табиат қонунига зиддигидан ривожланмади ва ҳаётда ўз тадбиқини топмайди ҳам. Мен бу жамоа фикрини инкор этиш ҳаёлида эмасман, аммо кўпчилик бу жамоа фикрларини, яъни тарки дунёчиликни Ислоҳ ҳукмларига мувофиқ деб биладилар.

Ана шу хато ва иштибоҳлар хатари миллат бошига тушмаслиги учун издивож (уйланиш) фойдаларини арз этиб, шу масалага оид нозил бўлган оятлар ва айтилган ҳадисларни бу рисола ўқувчиларга арз этаман. Биринчидан, шуни билиш лозимки, одамда икки хил мавжудият бор. Бири шахсий борлиги, навъий мавжудият. Одамнинг шахсий мавжудлиги фалон ва нистадан (нарсанинг муайян вақтда мавжудлигига ўхшайди, арз этишга арзаймайди. Аммо одамнинг навъий борлиги инсоният борлигини ташкил қилади, дунё охиригача боқий аҳамияти ҳам каттадир. Ҳазрати Ҳакими мутлоқ бани одам борлигининг ана шу иккала жиҳатини сақлаш учун баъзи бир сабабларни тайин қилган. Масалан, ейиш, ичиш, ухлаш, нафас одамларнинг шахсан мавжудликларини таъминлаш учун сабаб қилинган, яъни одамларнинг ҳар бири шу билан тирикдир. Юқоридагиларнинг биронтасини тарк этсак ўлишимиз аниқ. Таносул қондаси бани Одамнинг навъий борлигини таъминлайдиган сабабдир. Агар у тамоман дунёдан кўтарилса башарият инқирозга дуч келиши тайин.

Лекин шу ҳам маълумки, уйланишнинг кўп қийинчиликлари ва заҳмати бор. Одамларнинг табиатига роҳат ёқади. Агар одамнинг ихтиёри ўз қўлида бўлса эди бўйдоқлик роҳати ва озодлигини уйланиш азоби ва меҳнатига асло қурбон қилмасди. Бинобарин Ҳазрати Ҳакими қодир эрқагу аёл мижозига шаҳватни қўшиб берган. Улар шаҳват тақозаси билан бирга бўлишни истаб уйланадилар. Оқибатда фарзанд соҳиби бўладилар. Ана шундай сабабларга кўра башарият насли ирода билан охиратгача боқий қолади.

Фараз қилайлик, сиз ерингизни бирон бир деҳқонга бердингиз. Иш асбоб-анжомларини ҳам бериб буғдой экишни буюрасиз. Агарда ўша деҳқон ерни олиб, экиш асбобларни ҳам эгаллаб ўз уйида бемалол ўтирса, буғдой экмаса бир йил ерингизни ўз ҳолига ташласа унинг бу ҳаракатини сиз хиёнатдан бошқа нарса деб билмайсиз, албатта. Уйланмайдиган одам ҳам таносил учун берилган куч-қувватидан фойдаланмаса ёки Лут қавмининг амалини¹ қилса, нафсини ўзи қондирса², билиб қўйсинки, Оллоҳ қонунига хиёнат қилибди.

Ҳадис: “Хотинларингиз сизларнинг экинзор ерларингиз бўлади. Зироат ерлари уруғ сепганда самара беради. Хотин ҳам экинзордир ва ҳосили фарзанд. Бас ўз хотинларингиз билан фарзанд ниятида алоқа қилинг ва келажақда ўзларингиз учун фарзанд тарбияланг. Худодан қўрқинг, унинг назарига илинмангиз. Бас туғилиш ва висол учун берган қувватни бекор қолдирманг ва зоеъ қилманг. Эй, Муҳаммад саодат муждасини (ҳам хабарини) иймонлиларга бергин”³. Анас разийоллоҳдан⁴ шундай ҳадис бор: Набий (С.А.В) дедилар: “Худо ҳаққи мен сизлардан ҳам кўпроқ нарҳезгор ва Худодан қўрқадиган одамман, лекин рўза тутаман, ифтор қиламан, намоз ўқийман, ухлайман ва уйланаман. Ким бу суннатдан юз ўтирса у меннинг умматим эмас.

Абу Ҳурайра⁵ р.а. (9) дан ривоят қиладилар:

“Набий (С.А.В) дедилар: Сизларнинг энг ёмонларингиз хотин олмаган кишидир”.

Шундай қилиб, пайғамбар ҳазратлари шу шариф ҳадислари билан хотин олмаганлар ҳақиқа шундай қаттиқ ҳукм чиқарганликларининг сабаби уларнинг илоҳий қонуларга қарши иш тутганларидандир. Иккинчидан: юқорида айтган эдикки, Ҳазрати Ҳакими Қодир уйланиш меҳнатидан қочиб издивожни тарк этмасликлари учун одамларга шаҳватни бериб, уларнинг мижозларига уни сингдирган, токи шаҳват талаби билан улар бир-бирларини хоҳлаб уйлансинлар. Зўрлик билан тарки издивож қилганлар албатта, шаҳват талабларини даф қилолмай мажбур қуйидаги учта ёмон амалга гирифтор бўлишлари мумкин: 1. Зино.⁶ 2. Лут қавми амали. 3. Шаҳватни ўз-ўзи қондириши (истинмо бияди). Зино авлодни йўқ қилади, чунки аёл нutfасида⁷ пайдо бўлган бола бекас ва мураббисиз қолиб талаф бўлади. Лут қавмининг амали ва шаҳватини ўз-ўзини қондириш бу уруғни нобуд қилиш демасдир. Зеро, шу иккала ҳаёсиз амал натижасида фарзанд уруғи ўз жойи мақомига тушмай беҳуда сарф бўлади. Шу иккала амал ҳам илоҳий қонуларга қарши ва табиат-тақозоларига зиддир. Ҳатто бирор ҳайвон бу амалларни қилмайди. Аллоҳ сақласин, бу сафиҳлар қандай пафтифрат одамларким, ҳайвон ундан ибто қиладиган ишларни қиладилар. Бундан ташқари зино, Лут қавми амали, шаҳватни ўзи қондириши иложсиз касалликларга мубтало қилади. Бу касалликларнинг аксари юқумлидир. Қайси миллатнинг фардлари ана шу учта балога чалинган бўлса, эрта ё кеч нест-нобуд бўлиши муқаррардир.

Фараз қилдикки, шу маразлардан биронтасини одам гирифтор бўлмади, яъни ўзининг шаҳвоний кучини сақлаб, уйланмасдан, тақво камолини ишга солиб қандай фахш амалига майл қилмади. Яна билиб қўйингларки, табиат бундай одамларни ақлий ва жисмоний маразларга чалинтиради. Масалан,

соагда саккиз ёки ўнга чарх бор. Соат устаси шу чархларнинг ҳар бирини бирор хизматни бажариш учун ясаган. Агар бирорга чархни ўз вазифасини бажаришидан тўхтатсангиз соатнинг бузилишига шубҳа қолмайди. Ҳазрати Сонеъи ҳаким (Аллоҳ) одам жисмини ҳам бир машинага ўхшатиб ясаган. Унинг ҳар бир узвий аъзоси бирор вазифа ва хизматни бажариши учун яратилган. Масалан, ана шу уруғ, яъни нуфта одам камарида пайдо бўлиб, ҳозир бўлиши, у ердан она раҳмига ўтиб ўсиши учун эркак ва аёл жисмларида қанча аъзоларни яратган. Бас, кимки шу асбобларни ўз вазифасини бажаришдан тўхтатса, унинг танаси ҳам ўша соатга ўхшаб вайрон бўлади ва ишдан чиқади, яъни касал бўлади. Бу масала аёлларда кўпроқ маълумдир. Эрга тегишдан воз кечган аёллар жунун маразлари ва бачадон касалликларига мубтало бўладилар.

Банданинг сўзларидан шу маълум бўлдики, бу балоларнинг олдини олиш учун фақат уйланиш керак. Қуйида келадиган ояти карима ва бир ҳадиси шариф шу маънонинг далилидир: “Яъни Оллоҳ таоло Қодирдир сиз эркакларни бир жинсдан яратди ва аёлларни ҳам шундай жинсдан халқ қилди, токи эркак аёл билан бирга тинч бўлсин”.

Абдулло Ибн Масъуд⁸ ривоят қилади.

“Набий (С.А.В) дедилар: “Эй ёшлар ҳар бирларинг никоҳга кучларингиз етса уйланинглр, зеро уйланиш эркакни фаҳш ишлардан сақлайди ва кимнинг никоҳга кучи етмаса у рўза тутмоғи даркор, чунки рўза шаҳватни фаҳшга яқинлаштирмайди”.

Учинчидан, ҳар қандай қавм ва миллат қаерда бўлмасин, жону дили билан саодатга толиб бўладилар. Бунга ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Улар доим шон-шавкатлари, эътибор ва иззатларининг зиёда бўлишини орзу қиладилар, кечаю кундуз шу мақсад сари интиладилар. Албатта, биз мусулмонларда ҳам шундай бўлиши шарт. Хусусан, биз мусулмонларга Худованд буюрди: “Оллоҳ ва Расули акрам (С.А.В) дан кейин иззатга мустаҳиқ (лоиқ) фақат мўминлар бўладилар”.

Қайси миллатнинг умумий саъйи-ҳаракати ва амали кўп бўлса, шавкати ва иззати ҳам шунча салмоқли ва буюк бўлади. Масалан, белгияликлар ва инглизларни оламиз. Ҳар иккала миллат аъзолари ишчан ва ҳаракатчандир. Лекин кўз олдимизга уларни келтириб муҳокама қилсак, кўрсамизки, инглиз миллати белгия халқидан юз баробар кўпроқ куч ва шавкату-эътиборга эгадир. Ажойиб шундаки, инглиз ва белгиялик миллатлари ўртасида илму амал ва саъйи-ҳаракатда фарқ йўқ. Унда шавкату шон ва иззат бобида шунча фарқ қаердан? Бу саволнинг жавобини ҳар иккала миллатнинг умумий сонидан топса бўлади, яъни инглиз миллатининг аҳолиси 44 млн. ва белгияликлар эса 7.5 млн. га етади. Шунинг учун ҳам инглиз миллатининг умумий саъйи ҳаракати ва амали белгияликларнинг саъйи ва ҳаракатларидан бир неча мартаба кўпдир. Инглиз миллатининг кучи ва иззат-эътибори ҳам ана шу саъйи ва амалларнинг натижасидир. Шундан келиб чиқиб оврўпо ҳукмдорлари ўз миллатларининг сонини кўпайтиришига ҳаракат қиладилар, оврўпо олими ўз халқининг нуфузига пугур етса: “Эй, мамлакатимизнинг шарафи ва эътибори қолмаяпти. Миллатимиз нест-побуд бўлади. Шарафимизни, ватан ва миллатимизни ҳимоя қилиш учун фарзанд етиштиринглр” дея дод солади.

Франциянинг Пол Демар⁹ деган бир олими француз аҳолисининг сонини охириги юз йил давомида тадиқ қилиб ҳисоб қилибди. Унинг ҳулосасига кўра, фақат охириги эллик йил мобайнида француз миллатининг сони инглиз ва олмон аҳолисидан ошмабди. Пол Демар ёзадики, XIX асрнинг бошларида, яъни 1870 йили Франция аҳолиси 28 млн. Англия нуфуси 10 млн. олмон аҳолисининг сони 18 млн. эди. Бугунга келиб, Олмон аҳолиси 59 млн. Англия халқи 62 млн. га етибди; аммо Франция сониди 39 млн. га етипти. Яъни 80 ёки 90 йил давомида олмонликлар 41 млн. инглизлар 32 млн. га, бироқ, Франция аҳолиси 12 млн. ошибди, ҳолос. Пол Демар бу ҳисобни кўриб, агар аҳвол шундай давом этаверса, нафақат биз ватан муҳофазатидан, балки ҳаёт орзусидан ҳам қўл тортишимиз лозим”, дея қайғуради. Бугун биз французларнинг мамлақати ва миллати чоҳ лабига келиб қолган. Бу чуқурга тушиб кетишимизга оз қолибди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, миллат ва ватанин бу ҳалокатдан қутқариш учун ҳимматимиз ва саъйи-ҳаракатимиз керак”. Оврўпо олимлари миллатларининг камайишидан шу даражада шунга қўрқадилар. Оламнинг энг буюк оқилларидан бўлган ҳазрати шорези карим¹⁰ издивож (уйланишни) суннат деб билиб, бизни издивожга ташвиқ ва тарғиб этганлар. Саид Абн Хилол¹¹ ривоят қилади: “Набий (С.А.В) дедилар: уйланинглр ва ўз нуфусларингизни зиёда қилинглрким, қиёмат куни мен сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман”. Аъз ибн Фанидан¹² “Набий (С.А.В.) дедилар: “Туғмайдиган қари аёлларга уйланманг. Қиёмат куни мен бошқа умматлар билан сизларнинг кўплигингиз билан мусобақа қиламан.”

Тўртинчидан, дунё ҳама учун бир умумий жадалгоҳ жойдир. Одам ота-она тарбияси доирасидан чиқар экан, ҳаётини давом эттириб, иззат ва шарафга эга бўлиш учун мажбур шу майдонга киради. Саъйи ҳаракат қилади. У ё ўз мақсадига эришади ёки шарафсиз ва хор бўлиб қолади. Қайси миллатнинг намоёндалари саъйи ҳаракат эгаси бўлсалар, қўл-оёғи кучли ва чаққон, ҳамма аъзолари соғ ва фаол, иззат ва эътибор соҳиб бўладилар. Қайси қавмнинг намоёндалари саъйи ва қўшишдан маҳрум бўлса, қўл-оёғи дардман кишига ўхшаб заиф ва нозук бўлади. Издивож (уйланиш) суннатини қабул қилган киши хотин ва бола-чақасини тарбиялаб, боқини учун ўзини касбкорга уради, саъйи ва амал йўлига қадам босади. Ўзини ва оиласининг тинчлиги ва эътиборини таъминлаш учун ҳаракат қилади. Шу йўл билан мўмин одам ўзини хорлик ва пастлик жарлигидан қутқаради. Қайси миллатнинг намоёндалари шу йўл билан тинчлик ва тотувликка эришган бўлсалар, ўша миллат ҳурмат ва хотиржамликка эга бўлади. Бешинчидан, эркак ҳаминша трикчилик билан банддир. У ўз ҳолига қараб ҳаракат қилади ва аксар вақт ҳаёт мушкулотларининг ҳужумидан маҳзун ва маъюс бўлади (16). Агарда уйланган бўлса, кечаси уйига келиб умр йўлдоши бўлмиш хотини ва гурмуш самараси бўлган фарзандлари билан учрашади, суҳбат қилади ва ҳар қандай кулфат ва кундалик ташвишларини унутади. Шунинг учун ҳам Худованди Карим хотин ва фарзандларни ўзининг неъматлари қаторидан билади.

“Оллоҳ сизлар учун ўз жинсларингиздан жуфталарингизни яратди ва улардан сизларга фарзанд

ато қилдиким, улар сизларга мададқордирлар ва сизларга пок ва яхши ризқ берди. Бас, сизлар илоҳий неъматларига қуфр келтириб ботилга иймон келтирасизми?”

Абулло ибн Амрудан¹³ шундай ҳадис бор: “Набий (С.А.В.) дедилар: “Яъни дунё манфаатдир (яъни дунёдаги ҳар бир нарсанинг бир нафъи бордир) ва дунёнинг энг яхши манфаати (неъмат) бу яхшилик қиладиган ва солиҳа аёлдир”. Хулоса шулким, уйланиш одамларнинг зарурий ва табиий амридир ва унда кўп ахлоқий, хусусий ва умумий фойдалар бор. Лекин биз учун шу кифоя. Демак, уйланиш зарур эканини шу муқаддимадан англадик. Шу аснода бир савол туғилади: уйланиш лозим экан, унда нечта хотинга уйланиш мумкин?”

Албатта, баъзи ҳурматли қориларимиз дарров биттадан тўрттагача хотин олиш шарият бўйича жойиз деб жавоб берадилар. Бир оз сабр қилинлар, дейман уларга. Бу саволнинг жавоби унчалик ҳам осон эмас. Юқорида зикр этган эдикки, одамлар аввал оила суратида жамъ бўладилар ва бир неча оиладан бир қавм пайдо бўлади. Маълумки, бир қавмнинг ҳар бир оиласи масъуд ва бахтли бўлмасалар ўша қавмни бахтиёр ва бахтли дейиш хатодир. Ҳамда оила аъзосидан бирортаси бахтли бўлмаса, ўша оилани бахтиёр дейиш ҳам нотўғри бўлади. Модомики, қавм оилалардан ва оила алоҳида одамлардан таркиб топан экан, “жузъ кулдан муқаддам” деган қоидага биноан айтиш мумкинки, “ҳар қавмнинг саодати шу қавм оилаларининг бахтиёрлигидан ва ҳар бир оиланинг саодати шу оила аъзоларининг бахтиёрлиги ва бахтлилиги билан боғлиқ”.

“Нечта аёлга уйланиш масаласини яъни издивож юкини шу нуқтаи назардан муҳокама қиламиз. Бир неча хотинга уйланиш оилаларини бахтли қиладими ё бебахт? Шу оила аъзоларига шодонлик келтирадими ё бахтсизлик? Агарда биз ўлкамиздаги икки хотинлик кишиларнинг умумий аҳволини кўзимиз олдига келтирсак осонлик билан ҳукм чиқарамизки”, таълауди заважот, “кўп хотинлилик” нақадар фасод ва зулм, зулму фасод эса бадбахтлик ва аччиқ ҳаётнинг сабаби эканини кўрамиз. Бахтсизлик ва оғир ҳаётга олиб келтирадиган ишни ҳеч қачон қилиш керак эмас. “Кўп хотинлик” ҳукмига оид бўлган масалани икки муқаддимада шарҳлаб бермоқчиман. Аввал сиз фалон қизни никоҳингизга оласиз. Яъни (18)ул бечорага саодат ва бахтиёрлик ваъда қилиб ҳаётингиз бойлигини, яъни ёшлигини ўз тасарруфини изга оласиз. Икки-уч кун яхши яшайсиз. Уйланишнинг ягона мақсади икки-уч фарзанд вужудга келади. Аёлнинг таровати ва ёшлиги сизнинг муҳаббатингиз ва меҳрингиз йўлида сарф бўлгандан сўнг сизнинг ҳайвонлик шаҳватингиз уйғониб ҳаракатга келади. Нафсингиз ором топиш учун у хотин сизга кифоя қилмайди. Бошқача қилиб айтганда саодат ва бахтиёрлик умиди билан ёшлик аъмин сизнинг орзу ҳавасларингизга адо қилиб икки-уч фарзанд кўрган хотинни кўйиб юбориб, “сўфи” номини олиб янги хотин оласиз. Бу ваъда хилоф ва хиёнатдир.

Янги хотинга бутунлай берилиб, кетасиз, биринчи хотинни, ҳаётингиз мевалари бўлган фарзандларингизни кўзларингиздан четлаштирасиз. Табиийки, ўша хотин фарзандлари билан бирга сизга бўлган муҳаббатини йўқотади. Сиздан ва янги хотинингиздан нафратланадилар. Вақт ўтиши билан янги хотиндан ҳам бир-икки фарзанд туғилгач, бу ўзаро нафрат яна кучаяди. Коинотда ниманки жамият бўлса бу муҳаббат натижаси эканлиги маълум. Шундай экан оила аъзолари орасида муҳаббат кўтарилса вайронлик, тарқоқлик ва ингиломсизлик келиб чиқади. Шунинг учун ҳам биринчи ва иккинчи хотин ва уларнинг болалари ўртасида кун сайин нафрат ошиб боради, ёқакашлик юзага келади. Натижада сиз бахтсиз ва фарзандларингиз бадахлоқ бўладилар. Сиз ҳар кун тирикчилик юзасидан кўчага чиқиб кетасиз ва кечгача ҳаракатда бўласиз. Кечқурун дам олиш умидида уйга қайтасиз ва кўпинча ана шу ёқа ушлашиш ва ҳақоратлар устига келасиз. Кўпинча бунга сиз биринчи хотин ва унинг болаларини айблаб (туноқсиз бўлсалар ҳам уларни ёмонлаб, сўкиб ҳатто инсофсизликка ҳам ўтишингиз мумкин, охири дарду-алам билан ухлашга ётасиз. Аммо қани уйқу?... Эртаси кун яна наришонлик билан ишга кетасиз. Хотинларингиз эса тинчмайдилар. Бир-бирларига қарши туриб уй анжомларини сотиб бўлса ҳам дуохон, ёлғиз эшонларга бориб хушпараст кўнглингни ўзларига иситмоқчи бўладилар. Бу дуохонликдан ҳам фойда кўрмайдилар. Янада ўзаро нафрат ва гина кўпайиб боради. Янги хотин биринчи аёлингиз болаларига, эски хотин янги аёлингиз фарзандларига душманлик қилиб жонларига азоб берадилар. Ҳатто фурсат топиб бир-бирларининг болаларини ҳийла билан нобуд қилиш пайига тушадилар. Бу бузғунчилик ва фасод ишларга охири бардос бермай мажбур бўлиб икки ишдан бирини танлайсиз ё хотинларни бир-бирдан ажратасиз, яъни бирини бошқа уйга кўчириб садақа, деб бирор нарса берасиз ёки талоғини бериб, бошқа кишининг соясига юборасиз. Шу баҳона билан фарзандларингиз ота меҳридан маҳрум бўладилар, ёмон тарбия олиб бошингизга бало бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳар иккала йўл ҳам барчангиз учун зулм ва инсофсизликдан бошқа нарса эмас.

Бу муқаддимадан, “кўп хотинлилик”, яъни иккита хотинга уйланиш бевафолик, адоват, вайронлик, фаоуду зулм ва инсофсизликка олиб келиши маълум бўлган бўлса керак. Шарият ҳукмига ҳам, ақл ва виждон ҳукмига ҳам бу тўғри келмайди. Энди шунча беҳудагарчиликка олиб келадиган “кўп хотинлик” тўғрими ёки йўқ?

Иккинчи муқаддима. Бу саволга жавоб беришдан олдин бу масалани бошқа йўл билан тадқиқ қиламиз. Умид қиламизки, ҳурматли қориларимиз сабрсизлик қилмасалар керак. Юқорида арз қилган эдикки, “Ҳазрати Ҳакими Қодир (Оллоҳ) инсон насли боқий бўлиши учун издивож қондасини ваъз этган”¹⁴. Модомики, уйланиш мақсади фарзанд экан ва фарзанднинг кўплиги миллат аъзоларининг бейсёрлигидан дарак берад экан, нима учун кўп хотинлилик манъ этилади? Яна ёзган эдикки, “Ҳазрати Солеи Ҳаким одамлар бола-чақани боқиб ва уйланишдан қочмасликлари учун “шаҳват” ҳиссини одамлар табиатига киргизди. Шаҳват тақозоси билан улар бирга бўлишни истаб уйланадилар. Тиб фанидан маълум бўладикки, шаҳват иштиёқи эркакларда кўпроқдир. Ҳайз, нисоф, бола туғилиш вақтларида эру-хотиннинг бирга бўлишлари зарар. Шундай вақтларда эр хотинга яқинлик қилмайди. Лекин у ҳаром йўл билан шаҳват ҳиссини йўқ қилиши мумкин. Иккинчи хотини бўлганда у билан

ҳожатини чиқарган бўларди, ҳаромга чалинмас эди. Бу масалаларни ўз жойида баён қиламиз.

Уйланишнинг асосий мақсади фарзанд экани маълум. Баъзи эркаклар бир хотин билан узоқ йиллар яшаб фарзандлик бўлолмайдилар. Мажбур бўлиб бу дунёдан нишонсиз ўтмаслик учун бошқасига уйланадилар. Бу иккинчи муқаддимадан маълум бўладики, икки хотинлиликнинг фойдаси ҳам бор экан. Ҳатто баъзан зарур ҳам экан. Бас қандай ҳукм чиқариш керак? Салбийми ёки ижобий. Жавоб. Биринчи муқаддимада икки хотинлиликнинг зарарли, иккинчи муқаддимада фойдали томонларини баён қилдик. Агарда шу иккала муқаддимани ақл мезонига соласак, шундай ҳукм чиқадики, икки хотинлилик (кўп хотинлик) зарар келтирадиган ҳамма йўллари ёпилса тўғридир, яъни шундай тартиб ўрнатилсинки, кўп хотинлиликка ижозат бериб, биринчи муқаддимада зикр этилган зарарлар олдини оلسин. Бундай тартиб ё қонуни бизларга ким тайин этади? Ислому дини? Ҳақиқатда ҳам Ислому дини бисёр баркамол дин бўлиб табиат қонунига мувофиқдир. Фойдани зарардан адолат билан кам-кўстсиз ажратлади. Одамларга нимаики фойда келтирса ижозат бериб, зарар келтирадиган нарсаларни манъ қилади. Шунинг учун ҳам Ислому дини мўминларни бу дунё ва охираат саодатида етказди.

Биз бу дунё саодатида эришдикми? Йўқ. Нима учун? Чунки Ислому ҳукмларига риоя қилмаймиз, чунки жамиятимиз қонуни ва ҳаётимиз раҳбари бўлган Қуръонни фақат ўликлар руҳларига ҳада қиламиз...

Бале, Ислому дини ҳар ҳусусда адолат камолини муҳофаза этиб, кўп хотинлилик масаласида ҳам шундай одилликка йўл берган. Кўп хотинлиликни зарарларига қарамасдан Ислому манъ этмайди, чунки фойдаси бор, зулм ҳақиқи мавжуд бўлмаса, кўп хотинлик жоиз бўлмаса деб буюради.

Қуръонда келганки, “агар етимлар ҳаққига хиёнат қилинган кўрсангиз уларни ўз никоҳингизга олманг, балки никоҳлари шаръан тўғри бўлган аёлларни биттадан тўрттагача ўз никоҳларингизга олинг ва икки-уч аёл ҳаққига зулм етгудек бўлса, бир хотин сизга кифоя қилади. Агар ким аёл ҳаққига ҳам адолат қилолмасангиз ўз чўриларингиз билан қаноат қилинг, чунки шу йўл зулмдан йироқдир. Шу оятини қаримадан маълум бўладики, уйланган эркакнинг хаёлига иккинчи хотин олиш келган бўлса адолат қилиш ёки қилолмаслигини билмоғи даркор. Агарда адолат қилолмасликка эҳтимол бўлса иккинчи хотинга уйланиш хаёлидан воз кечмоғи лозим. Аммо икки хотин ўртасида адолат ва инсоф ўрната олса, уларнинг оғирлигидан чўчимаса у ҳолда иккита хотинга уйланса зарар қилмайди. Икки-уч хотин олишга шарт шу адолат ва инсофдир. Икки-уч хотин олган эр шу оятини қарима ҳукми (ва виждони ҳукми) ила фарз бўлган адолатни хотинлари ўртасида ўрнатиши лозим. 1 Яъни еб-ичиш, кийим-кечак, уй-жой, эркак мажбуриятида ҳам бир хил муносабатда бўлиши керак. Ҳатто хотинларидан бири кундошига пул бериб унинг наватинини сотиб олса, ёки эрининг ўзи бир хотинга ҳада бериб бошқа аёли олдига борса ҳам Ислому фақиҳлари қабул қилмай пулни ўз соҳибаларига қайтарганлар. Адолатнинг бажарилиши вожиб бўлса, эр бўйида абадий қолади. Набий ақрам алайҳис-салом буюрганларки, “агарда эрининг икки хотини бўлса ва уларнинг ораларида адолат қилмаса, қиёматда танаси яримга бўлиб йим бўлган” (“Ал-Жомеъ ус-сағир”дан).¹⁵

Шу ўринда яна бир савол хотирга келади. Эр-хотинликиннинг асоси муҳаббатдир. Иккита хотини бор эркак албатта ёш ва гўзал хотинини биринчи ва ёши катта хотинидан кўпроқ севади. Муҳаббатда адолатни ўрнатиш, яъни ҳамма хотинларини эр бир хил сева олмайди. Оллоҳ таоло эса аёллар ўртасида адл ва инсоф ўрнатишлар деб буюради. 2. Бас, бу ҳолатда нима қилиш лозим? Арз қиламан. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Ислому дини табиий ва ижтимоий диндир. Бу ҳукмини баён қилганидан сўнг уни ҳамма томонлама қамраб олади. Бу саволга Қуръони Қарим жуда яхши жавоб беради: “**Ҳақиқатда инсоф юзасидан ҳамма хотинларингизни бир хил севамоқчи бўласизлар. Лекин муҳаббатда адолат ўрнатмоқ сизларнинг иқтидорингиз доирасидан чиқади. Шундай экан кўпроқ севадиган хотингизга камроқ майл қилинг токи бошқа хотин хафа бўлмасин. Севмайдиган хотинни муҳаббат ва муҳаббатдан ганҷари чегарада тутиб турингиз. Яъни аслида севамагангиз ҳам зоҳирла шундай муомала қилингки, у ҳам севади деб ўйласин.**”

Ҳазрати расулимизнинг феъли ҳам шундай эди. Маълумки, ҳазрати пайғамбар Ойша онамиз (р.а)ни бошқа хотинларида кўпроқ севадилар. Аммо ҳамма хотинлари ўртасида наватини риоя қилиб адолат ўрнатиб айтардилар. “Ё Оллоҳни ва иқтидорим борича хотинларим ўртасида адолат қилурмен. Аммо сенинг қўлингда бўлиб, ихтиёрида бўлмаган нарсага мани гирифторм эрмагин, яъни ҳаммаларини бир хил севаолмайман, мани авф этгин, чунки дилим манинг қўлима эмас”. 3. Пайғамбарнинг Ойша (р.а)¹⁶ га бўлган муҳаббатини билиб, ўз хотинларига қай даражада адолат қилишни билиш учун шу ҳадис етарлидир. Бухорий ривоят қиладикки, Ойша (р.а) деди: “Пайғамбарнинг аҳволи оғир бўлганда улар менинг хонама қолишлари учун бошқа хотинларидан изн (розилик) сўрадилар. Улар рози бўлдилар.” Ислому дини кўп хотинликка шундай оғир шартлар билан ижозат берган. Шундай шартларга аҳамият бермай икки-уч хотинга уйланидиган эркаклар билиб қўйсинки, уларнинг ишлари Қуръон ва ҳадисга хилофдир. Биринчи муқаддимада баён қилинган бало ва зарарлар бошларига тушишини хаёлларидан чиқармасинлар. Бу қийинчиликлардан ташқари яна ҳисоб-киноб куни ҳам олдинда. Шу фаслдан ана шу маълум бўлсинки, агар эркак қалбида адолат ўрнатиш кучини етарли етарли билмаса битта хотинга кифоят қилсин.

Энди уйланмоқ зарур бўлганда қандай хотини танлаш лозим? Биз уйланмоқчи (бўлсак) онамизга ё бўлмаса бирон бир аёлга совчилик мажбуриятини юклаймиз. Совчиларимиз биз кўрмаган ва аҳволидан хабаримиз бўлмаган, қизи бўлган бирор-бир ҳовлига борадилар. Уй эгалари бу совчиларни иззат-эҳтиром қилмасалар қизларига минг айб қўйиб бошқа ҳовлига кириб борадилар. Агарда шу

1) Тафсириги аҳмадия.¹⁶ Бомбай- 2226 бет. (Фитрат иқтибоси-Ш.В. Г.М)

2) Бадоеъ ус-саноеъ фи тартиби-ш-шароеъ¹⁷ 2,чи 333 б. (Фитрат иқтибоси-Ш.В. Г.М.)

3) Тафсири табарий.¹⁹ 5ж. 182 б.(Фитратнинг иқтибоси-Ш.В. Г.М.)

хонадонда уларни яхши кутиб олсалар, еб ичши орасида қизни минг мадху санолар билан мақтаб чиқадилар. Кўзи ола бўлса шахлол кўзли, юзида чиққон изи бўлса руҳи ҳарир, бурни пачоқ бўлса чимчилагандек деб, мақтаб бечора куёвни бу хаёлий ва шоирона ташбеҳлар билан мафтун қиладилар.

... Куёв ҳам мажбур бўлиб, қизга расмий совчиларни юборади. Қизнинг онаси ва қариндошлари “куёв кўришга” келадилар. Аммо улар куёвни эмас, балки унинг уй-жойи, мол-мулкни кўриш учун келадилар. У йигитнинг уй-жойини ёқтирар экан, катта ҳада ва сарполарни олгандан сўнг баҳ-бах... оламни куёв мақтови билан тўлдирадилар. Куёв бадбашара ва ёмон хулқли бўлса ҳам ўйламасдан “бу куёв фариштага ўхшайди. Худо уни шу қизимиз учун осмондан туширган” деб мулоҳаза ва ҳукм чиқарадилар. Бечора қизни шу хона ва сарполар учун қурбон қиладилар. Уйланиш учун танланган йўл мамлакатимизда асосан шундан иборат. Шундай расм-русум яхши натижа берадими? Асло. Бу маълум қонданинг натижаси шулким, кўпинча фотиҳадан кейин ва никоҳдан олдин келин ва куёв ўргаларида жанжал бўлади. Бу ўзаро душманлик келин ва куёв муносабатларига таъсир этмасдан қолмайди. Бундай хатардан сўнг никоҳ ҳам ўтади. Биринчи кечани чимилдиқ остида ўтказиб, биринчи марта мулоқотда бўладилар. Шу нарса аниқки, эр-хотинликнинг асоси бўлган муҳаббат уларнинг ўргаларида воқеъ бўлмайди. Балки уларнинг ўргаларида мана шу уч ҳолатдан бири мажбуран содир бўлади. Бир-бирларига меҳр-муҳаббат ҳам, нафрат ҳам кўймайдилар. яъни биринчи мулоқотлари икки бегона одамнинг муносабатига ўхшаб кетади. Маълумки, бу муносабат ҳам ҳалокатлидир. Иккинчиси келин ё куёв бир-бирдан нафратланадилар. Агарда шу биринчи мулоқот бегона одамларнинг муносабатига ўхшаб кетса ҳаётлари хавфли бўлади. Бир ҳафта бир ой ёки бир йилдан сўнг уларнинг феъл-атворлари бир-бирларига мос тушмай ўргаларида нафрат пайдо бўлса, қолган умрлари ниҳоятда азобда ўтиши мумкин. Юртимизда бу каби воқеалар кўп такрорланиши маълумдир: баъзан эр арзимас баҳона билан, масалан, ошга ёғни кўп солдинг ёки гўштини куйдирдинг деб хотинини уриб майиб қилади. Баъзи аёллар ҳам арзимаيدиган сабаб билан эрларини халойик ўртасида шарманда қиладилар. Ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳеч бўлмаса йилида бир марта оилада катта жанжал бўлиши бизнинг мамлакатимизда расм бўлган. Эр-хотин ўргаларида ҳурматсизлик шу даражага етгандан кейин хотин ҳам, эр ҳам бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқларини риоя қилиш хотирларига келмайди. Хотин эрининг бойлигини атайлаб исроф қилади, эри ҳам хотинининг бошига тушган балоларни билатуриб ўзини кўрмаганган солади. Оилаларимиз ўртасидаги бундай ёмон ишлар муҳаббатсизлик натижасидир. Агарда биринчи кечада қиз куёвдан нафратланса иложсиз қолади, чунки у асирадир ва унинг назарида ҳаракатлари дегва ўхшаган эри билан яшаш лозим бўлади. Бундай ҳаётнинг олдида иккита ёмон натижа бор. Агарда хотин ўз эридан рози ва мамнун бўлмаса ва қалбида муҳаббатни орзу қилса ўзининг поклиги ва ифлагини эрининг обрўси ва номуси билан бирга бошқа эркакнинг оёғи остига ташлайди, ўзини ва эрнини бу дунё ва у дунёда расво қилади. Ёки бундай хотин минг орзу ва ҳасратлар билан касалликларга чалиниб оқибатда дунёдан кўз юмиши мумкин.

Биринчи мулоқотдан сўнг куёв ёқтирмай қолса-чи, унда гапириб ўтиришнинг фойдаси ҳам йўқ, “харро биёру, масхораги ро бор кун”, яъни “эшакни олиб келу бу расвогарчиликни юк қил” деганларидек куёв куйидаги балолардан бирига мубтало бўлади.

1. Шу кечада қизга талоқ бериб, қилган ҳамма меҳнат ва харажатларни йўққа чиқаради, қизнинг келажагига ғов қўяди.

2. Ёки нима бўлса бўлди деб келинни уйига олиб келиб қиз ҳаққига ноинсофлик қилади. Бошқа томондан ўзини ғайришаръий ишларга асир қилиб, оилавий ҳаётини ҳам, ўзининг ахлоқий фазилатларини ҳам фиску фужур ва нашойиста ишлар билан тўлдирди.

3. Ахлоқий фазилатлари ғайришаръий ишларга тўсқинлик қилса ҳам олти ёки бир йилдан кейин бошқа хотинга уйланади. Иккинчи хотинга уйланиш, совчилик ва куёвни кўриш аввалдагидек бўлади. Хатолар қайта такрорланади. Бунга ортиқча, йигит бошига икки хотинликнинг балою-кулфатлари тушади. Бу ҳақда юқорида зикр қилганмиз.

4. Ёки ҳеч бир илож топмай, олган хотини билан аччиқ ҳаёт кечиради. Охири нафасигача уйлангани ва бебахтлигига лаънат ўқиб жон беради. Бу урф-одатнинг ёмон томони бу билан тамом бўлмайди: кўпинча куёв ва қиз тажрибасизликдан юқумли касалликларга чалинадилар. Вақт ўтиши билан бу касаллик бир-бирларига ўтиб болаларига ва оила аъзоларига ҳам юкуши мумкин. Бу беморлигу мотамлар ҳаётларини заҳарлайди. Баъзан куёв ёки келин фарзандсизликка олиб келадиган касалликка гирифтор бўладилар. Никоҳдан сўнг бу касаллик оила аъзоларининг ҳаётларини нурсиз қилиб уйланишнинг бирдан-бир мақсади бўлган фарзандни йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам биз туркстонликлар орасида ҳақиқий бахтиёр ва маъсуд оилалар жуда кам, балки йўқдир. Агарда ғайрат қилиб аҳволимизни бирма-бир тадқиқ қилсангиз мен арз қилган бадбахтликларни ўзингиз кўрасиз. Аксар оилаларимизнинг аҳволи шундай экан, яъни оилаларимиз орасида интизомсизлик, муҳаббатсизлик ва бахтсизлик сўнгги даражага етган экан, миллатимиз ҳам интизом, бирлик ва иттиҳод юзини кўрмайди. Шундай экан нима қилиш керак? Жавоб шундай:

Издивож (уйланиш) бир эркак ва бир аёлнинг игтифоқидир. Алал-хусус муҳаббат ва меҳр билан ҳаётда шерик бўлсалар. Одамлар бир сўмлик тижоратлари ёки бир ойлик сафарлари учун шерик ва йўлда ҳамроҳ топиш учун тахминан йигирма нафар таниш ва ошноларни хаёлан кўз олдиларига келтирадилар. Уларнинг ҳар бирларининг яхши ва ёмонликларини эслаб мулоҳаза қиладилар. Улардан бир кишини ажратиб тижорат ёки сафарларига шерик қиладилар. Эр хотин машкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафарига бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғида бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта энг аввало бир-бирларини қамоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур. Хотин эркак ҳолидан ва йигит қиз ҳолидан яхшигина хабардор бўлиб кейин турмуш қуришлари лозим. Бўлажак эр-хотин биринчи навбатда нималарга аҳамият берсин?

Уйланиш учун тўрт нарсага эътибор бериш лозим. Мол, насаб, ҳусн ва диндорлик. Издивож орзусида бўлган эр билан хотиннинг мол (бойликлари) ва насаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда эр-билан хотин бир-бирларига тенг бўлмай бири бой ва калонзода бўлса, иккинчи томонни фақирлик ва зоти пастликда айблаб ҳаётини мудом азобга кўяди. Хусусан, Исломи тарбия доирасидан четда қолган мамлакатимиз халқи бойлик ва калонзодалик билан ортиқча фахрланадилар. Бундай издивожнинг натижаси албатта яхши бўлмайди. Жамол (ҳусн) бу кўриниш демакдир, яъни қараётган киши назарига чиройли кўриниб, унинг қалбини ўзига мойил қилиш демакдир. Қалбда пайдо бўлган бу мойилликни муҳаббат дейиш мумкин. Ҳаётда дўст, бахт ва бахтсизликда шерик, ғам, қайғу вақтида ҳам, дам хушнуд дамларда бир-бирларига ёр бўлишни истаган эркак ва аёл шахсий ва навъий вазибаларини биргаликда бажаришлари керак. Уларнинг ўрталарида ана шу қалбий мойиллик ва муҳаббат бўлмаса издивож (уйланиш) ўз-ўзидан зарарга айланади.

Шу нарса маълум бўлдики, қалбий мойиллик жамол мушоҳадасининг (яъни келин куёвнинг бир-бирларини кўргандан сўнг пайдо бўлган мойилликнинг) натижасидир. Бас, тўйдан олдин келин-куёв бир-бирларини кўришлари зарур. Агарда бани одам табиати ҳар хил бўлмаганда ёки ҳусн ва жамол муайян мезонга эга бўлганда эди, эр-хотиннинг ҳусн-жамолларини билмоқ ва баҳо бермоқ совчилар орқали бўларди. Лекин, одам табиати ҳар хил, ҳусн ва жамолнинг ҳам маълум чегараси бўлмайди. Масалан, сизнинг назарингизда хунук кўринган сурат менга ёқиши, дилимни забт этиши мумкин. Аксинча менга ҳеч қачон манзур бўлмайдиган сурат сизни бир қарашда лол ва ҳайрон қолдириши мумкин. Шу мушкулотни ҳал қилиш учун куёв ва келин фотиҳадан олдин бир-бирларини кўриб ёқтиришлари лозим. Мазкур бўлган тўртинчи сифат шулким, ҳар бир эркак ва аёл диндор бўлиши лозим. Юқорида зикр этилган гўзаллик (жамол) ҳақидаги сўзларимиз зоҳирий (ташқи) жамолдир. Агарда у ботиний (ички) жамол билан, яъни хулқ билан боваста бўлмаса бир тийинга қиммат. Кимки ўз ихтиёри тизгинини ҳайвоний шаҳват қўлига бермаган экан, доимо ботиний жамолини зоҳирий гўзаллиги билан, яъни ҳусни ахлоқини қора кўзлар ва қошлари билан ораста қилади. Диндорлик бу Худони таниш, билишдир ва Худодан кўрқидир. Шундай қилиб, ҳусни ахлоқнинг асоси ва мезони шу Худодан кўрқиб ва Худони билишда яъни диндорликдadir. Диндорлик, яъни ахлоқи ҳамида эгаси бўлмоқ ҳар бобда, хусусан издивож (уйланиш) бобида ниҳоят зарурдир. Чунки юқорида баён қилганимиздек издивож бу ҳаётда шерикликнинг аҳду паймонидир. Эр-хотин бирга бўлатуриб ҳаёт йўлида биргаликда бўлмоқ ва бир-бирларига ёрдам бермоқ учун аҳд қиладилар. Бир-бирларининг ҳаққига зулм, жафо ва хиёнатни раво кўрмайдилар. Табиийки эр-хотин агарда диндор, диёнатли ва ахлоқи ҳамидага эга бўлсалар шу аҳду паймонларига бир умр собит қоладилар. Шу нарса аниқки, ваъдага хилоф қўйилган ҳар бир қадам шу аҳду паймоннинг бузилишига олиб келиб, бадбахтлик ва тинчсизликни оилалари бошига келтиради. Бунинг устига, мен бу ҳақда ҳали ёзаман, фарзанд тарбияси, яъни фарзандни ақлан, ахлоқан ва жисман камолга етиштириш ота-она бўйнига тушади. Юқорида арз қилган эдикки, издивожнинг биринчи мақсади фарзандлар. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизматнинг мажбурияти соқит бўлади. Кимки бадахлоқ болаларни тарбия этса инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг шунақа фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд хушахлоқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқи фасод эгаси бўлсалар, уларнинг тарбиялари соясига ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин ахлоқи ҳамидага эга бўлишлари энг яхши фазилатдир. Энди яхши ахлоққа эга бўлган ёки бўлмаганликни ким текширади? Маҳалла ходимлари бу ишнинг уддасидан чиқадиларми? Ҳеч қачон. Бу ишни қиз ва куёв зиммаларига ташлашдан бошқа илож йўқ. Мол ва насабни ташқаридан тадқиқ қилса бўлади. Лекин жамол ва ахлоқни билиш учун қиз ва йигитнинг мулоқотлари лозим бўлади. Ақли солим эгалари назарида шу ишларнинг зарурлиги ҳар нарсадан ҳам муҳимдир.

Шу жойда яна бир савол туғилади. Бу тақлифни Ислоом шарияти қабул қиладими-йўқми?

Ал-Мағират бини Шаъба²⁰ “Мишкот ал-малоиҳ”да ривоят қиладикки, мен бир аёлга совчиларимни юбордим. Ҳазрат пайғамбар эшитиб сўрадилар. “Сен уни кўрдинми”, мен “йўқ”, деб жавоб бердим. Ҳазрат буюрдилар, “уни кўргин, орангизда бу муҳаббатга сабаб бўлажак”.

Саҳл бини Саъд²¹ (р.а.) нақл қиладикки, “бир аёл пайғамбар олдига келиб деди: “Ё Расулulloҳ нафсимни сенга бахшида этиш учун келдим. Пайғамбар шу хотинни (аввал) кўрдилар. Шундай қилиб иккала ҳадиси шариф никоҳдан олдин келин ва куёвнинг мулоқоти жоизлигига очиқдан-очиқ далolat қилади. Имом Ғаззолий эса шу мулоқотни мустаҳаб дейдилар. Издивожни орзу қилган эр ва хотин ўзаро аҳволларини текширгандан сўнг насаб ва бойликлари мувофиқ келганда ботиний ва зоҳирий жамолларини ёқтириб издивожга рози бўлгандан кейин уларни никоҳ қилиш керак. Улардан бири рози бўлмаса никоҳдан қўл кўтариш лозим, чунки ризосиз никоҳ яхшиликка олиб келмайди. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар. “Пайғамбар (С.А.В.) дедилар: Бева то амр қилмаса ва қиз то изн (ризалик) бермаса никоҳ қилманглар. Асҳоблари сўрадиларки, (қиз ҳаёдан изн бераолмайди) ва қизнинг ризолиги қандайдир? Ҳазрат буюрдиларки, “қизнинг сукут сақлаши унинг изнидир”. Хансаъдан (Р.А.) ривоят қиладиларки, Хансаъ тул қолганида отаси уни бир кишига никоҳ қилмоқчи бўлди. Хансаъ уни хоҳламади ва пайғамбар ҳузурига келди. Пайғамбар ҳам отасининг никоҳини бекор қилди”.

Саҳл бин ал-Мастб (Р.А.) ривоят қилади. Пайғамбар (С.А.В.) дедилар: “қизларнинг отаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар никоҳ пайтида ўзларидан ризоликларини олмоқ зарурдир”. Шу ҳадислардан юқорида зикр этилган мулоқотнинг шартлиги маълум бўлади. Аёлнинг изн бериши куёвни кўриб ёқтиришига боғлиқ. Аммо кўрмасдан севиб қолиш қандайлигини мен билмадим.

Энди яна бир масала қолди. Қайтарсак ҳам айтамыз. Уйланишнинг энг буюк мақсади ва фойдаси

фарзанддир деб. Шунинг учун ҳам ҳар бир эркак туғишга қодир бўлган хотинга уйланиши лозим. Туғмас хотинга уйланиш эр шўр босган ерга экин эсмоқчи бўлган леҳқонга ўхшайди. Шу сабабдан ҳам пайғамбаримиз ўз умматларини туғишга қодир бўлмаган аёлларга уйланишни манъ қилганлар.

Муаққал бин Исор²⁵ (р.а.) Абу Довуддан²⁶ ривоят қилади... “бир киши пайғамбар ҳузурига келиб арз қилдики, “мен бир бой ва насаби тоза аёлни учратдим, лекин туғмайди. Унга уйлансам бўладими? Пайғамбар “йўқ” дедилар. Яна келиб сўраган эди, ҳазрат манъ қилдилар. Учинчи марта келганда Расули акрам “охиратда мен сизларнинг кўплигингиз билан ифтихор қилурмен” деб жавоб бердилар. Шундай қилиб, Расули ҳаким буйруқларига биноан ҳар бир эркак ва аёл бирга бўлишни истаган бўлсалар, бу жиҳатга ҳам аҳамият бермоғлари лозим. Биз Туркистон мусулмонлари пайғамбаримиз таъкидлаган бўлсалар ҳам шу масалани калта ўйлаймиз, бу буйруқни бажармасак натижасини бу дунё ва охиратда кўрамиз. Масалан, мамлакатимизда бир эркак ва аёл турмуш қурадилар. Жаҳолатимиз сабаб кўп пул сарф қиламиз, никоҳ ҳам бўлиб ўтади. Бир ой, икки ой интизор бўлгандан кейин маълум бўладики, куёвнинг бели боғланган ва иқтидори йўқ? Зудлик билан маҳалланинг ходима хотинлари жам бўлиб, куёвнинг белини душманлар боғлаб қўйганлар, деб фатво берадилар. Шу замонда куёвбола жаноблари ҳам бош яланг, оёқ яланг афсунгар ва фолбинларга қараб югурадилар, бир қисм давлатини уларнинг фириб ва макрлари эвазига бериб, ўзларини расво ва шарманда қиладилар. Бу ҳаёсийликларни баён қилишга қалам ҳам уялади. Албатта, бу ахлоқгарчиликларнинг биронтаси фойда бермайди. Мажбур қилиб хотинга талоқ хатини берадилар ва фожиа ўз ечимини топади. Ёки аксинча куёв яна уйланади, никоҳ, тўй ва бошқа расму-русумлар ҳам яхши ўтади. Куёв кучсизлигидан ҳеч нишон ҳам кўринмайди. Бир йил, икки йил ўтади, фарзанд йўқ. Маълум бўладики, эр ва хотиндан бири касалдир. Лекин қайси бири дардга мубтало бўлган-ҳеч ким билмайди. Улар билар-билмас яна икки йил умрларини дуохонлар орқасида юриб сарф қилдилар, бу гал ҳам натижа чиқмагач, ночор қолган эр яна бошқа хотинга уйланади. Агарда бу аёлдан ҳам фарзанд бўлмаса, иллат эр жанобларида бўлгани аниқ бўлади. Лекин бу ҳақиқат икки хотиннинг ҳаётлари беҳуда ва зое бўлганидан сўнг маълум бўлади, яъни туғишга қодир бўлган икки аёл битта эр қўлида нобуд бўладилар. Бу дардга илож борми? Шунини билиш керакки, жинсий ожизлик ва ақим бўлмоқ (ақим, яъни насл беришга монельлик деганин, бу дардга мубтало бўлган аёл ёки эркакни ақим дейдилар) инсонга хос бўлган дардлардик ҳисобланади. Фол очиш ва дуохонлик бу дардни даволамайди. Жинсий ожизлик ва ақим касаллиги турлича бўлади. Баъзиларнинг иложи бўлмаса ҳам акасини даволаса бўлади. Ҳозирги вақтда ҳоziқ дўхтирлар уларни зудлик билан табобат қиладилар. Шундай экан уйланоқчи бўлган ҳар бир йигит ва қиз олдиндан ўзларини бирон бир билимдон дўхтирга кўрсатишлари лозим. Мабодо биронталари шу дардларнинг бирига мубтало бўлсалар шунда иложини олдиндан қилишлари жоиздир. Шундан сўнг никоҳ қилсалар бўлади. Агарда дардларига илож бўлмаса, уйланишдан воз кечиш лозим бўлади.

Эр ва хотин издивожи учун баён этилган бу шартларни бажариш мамлакатимизда мушкул ва ҳалқимиз назарида жуда ажиб ва гаройиб кўринади. Лекин на чора, бошқа илож йўқдир. Оиласининг саодати ва роҳатини ўйлаган одам бу шартларга риоя этиши шартдир. Агарда тижорат билан шуғулланаётган шериклар ўргасида низо ва нафрат пайдо бўлса, албатта ишларига зарар ва зиён етказилади. Биз айтдикки, эр хотин ҳаёт йўлида бир-бирларига умр йўлдоши бўладилар. Умр йўлдошлари ўртасида жанжал ва нафрат пайдо бўлса фақат бахтсизлик ва фалокат келтиради. Бунинг устига баён қилган шартларимиз ҳазрати пайғамбарнинг саҳиҳ фармойишларига мувофиқ келади. Юқорида баён этилган шартларни бажардик. Ишнингдан кейин, “Кобин” (қалим, маҳр)ни аниқлаб тўй қиламиз.

Қалин (пули) ва тўй қандай бўлиши лозимлиги ҳақида

Турмуш қурмоқчи бўлган эркак ва аёл ҳаётда бир-бирларига шерик бўлар эканлар, бу шерикликнинг бошланиш расми фотиҳадир. Келин ва куёв ўзларининг фотиҳа тўйларини хурсандчилик билан нишонлашлари керак. Эр никоҳ вақтида албатта хурсанд бўлади. Алалхусус келин унинг орзу ва истақларига мувофиқ келса. Аммо келинлар бунақа эмас. Аёл зотининг қалби нозик ва ҳассос бўлади. Ҳар нарсадан ва ҳар бир ишдан улар тез-тез таъсирланиб қоладилар, ғам-ғусса ва қайғуга қарши сабру саботлари камдир. Бинобарин, ҳатто куёв уларнинг орзу ва таъбларига мувофиқ бўлса ҳам ота тарбияси соясидан ва она шафқати кучоғидан узоқлашганда маҳзун ва ғамнок бўлмасликларнинг имкони йўқ. Шу ҳолатда куёв баъзан-баъзан хотинига ҳада ва тўхфа бериб, унинг кўнглини кўтарини лозим. Келиннинг меҳри ва иштиёқини ўзига жалб этиши лозим. Ана шу ҳадяни “маҳр” ва “кобин” (қалин) дейдилар. Худованди ҳаким ояти каримада буюради.

Шайх ул-муфассир ибн имом Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарири Табарий “Жомеъ ул-баён” тафсирида шу ояти каримани²⁸ уч ривоят билан изоҳ ва тафсир қилган.

Биринчидан. Бу ояти карима эркакка бўлган хитобдир. Уйланидиган эркакларга оят маъноси қуйидагича: эй, уйланидиган эркаклар Аёллар маҳрини ўзларига бериш сизлар учун лозим ва вожибдир. Агарда улар ўшал маҳрдан ихтиёрлари билан бирор нарса сизларга берсалар уни олинглар.

Иккинчи ривоят. Жоҳилият даврида баъзи одамлар қизларини ёки етимларни тарбия қилиб, эрга бериб, уларнинг маҳрларини ўзлари олардилар. Шу ояти карима уларга хитоб қилинур.

Учинчидан. Жоҳилият даврида баъзи кишилар ўз сингилларини эрга бериб, уларнинг маҳри эвазига у куёвнинг синглини ёки қизларига уйланадилар. Бу ояти карима уларга хитобдир.

Иккала ҳолатда ояти кариманинг маъноси шундай: қизларнинг оталари ва етимларнинг мураббийлари. Қизларни эрга берганда эрлари берган маҳрларини ўзларига беринлар. Уларнинг

розилигисиз уни тасарруф этманг. Агарда ўзлари рози бўлиб бир нарса берсалар уни қабул қилинглр. Муфассир ҳазратлари “назиат” (маҳрни) калимасини “вожиб ва лозим” сўзи билан тафсир қилиб ўша учта ривоятни келтириб ўзи биринчи ривоятни танлайди. Лекин қози Байзавий айтидики луғатда “назиат”, “юракдан чиқариб тамаъ қилмай бериладиган ҳадядир.” Биз қозини Байзавий²⁹ жанобларнинг фикрини қабул қилиб ибн Жарири Табарий ривоятига келсак ҳам қабул қиламиз. Яъни учала ривоятнинг мазмунидан келиб чиқиб айтганимизки, ояти карима ҳамма эркакларга қаратиб айтилган. Ҳар бир киши ўзига тегишли хулосани олиши керак. Уйланаётган эркакларга ояти карима аёллар маҳри уларнинг ҳадяларидир, дея амр қилади. қалб истаги билан тамаъ қилмай беринглр. Етимларни ёки қизларини эрга узатаётган кишилар сингилларини эрга бераётган ва уларнинг маҳри эвазига уйланмоқчи бўлган эркакларга ояти карима хитоб қиладики, “маҳр куёвнинг хотинига берадиган дўстона ҳадясидир. Уларнинг розилигисиз маҳрини олманглр.

Ояти кариманинг маъноси шулким: “Эй Ислому аҳли сизлардан кимки уйланар экан хотин маҳрини дил розилиги билан, эвазига мукофот кутмай беринглр. Кимки қизини эрга берар экан, маҳрини ўзига бериб уни тасарруф ва даҳлат қилманглр”. Энди маълум бўлдики, маҳр хотин кўнглини шод қиладиган ҳада экан. Бу зарурий ҳадядир. Биз туркистонликлар ана шу шаръий воситани ҳам суистеъмол қиламиз. Мамлакатимизда маҳр бериш қоидаси кўп паришонлик ва оғирликларга олиб келади. Биринчидан, кўп гўзал йигитлар яхши ахлоқ ва комил истеъдодга соҳиб бўла туриб, камбағаллик дастидан оғир маҳрларни қизларга бераолмайдилар. Натижада улар уйланмасдан умрлари мужаррад ўтади. Ночор бўлиб ғайришаръий ишларга қўл урадилару дунё ва охиратлари куйиб кетади. Иккинчидан, баъзи кам даромад одамлар нима бўлса бўлсин деб бир неча минг танга пул қарз олиб, той-той пахта ва гуруч, яна алланамалар бериб бирор қизга уйланадилар. Лекин никоҳдан сўнг батамом фақир ва қашшоқ бўлиб ҳовлию жойларини сотиб қарзларига берадилар ва аҳли оилалари билан дарбадару сарсон бўладилар.

Учинчидан, баъзи бадбашара, хулқи ёмон ва қари кишилар ёш ва соҳибжамол қизларни катта пул эвазига олиб, уларнинг умрларини мотамга айлантирадилар. Мамлакатимизда бу қонданнинг касофати шу билангина тугамайди. Мусофирлиги чоғида (Туркияда - - Ш.В.Г.М.) бир ҳамшаҳарим билан суҳбат қуриб мамлакатимизда эркакларнинг хотинларига нисбатан қўллайдиган зулмлари ҳақида шикоят қилдим. Ул муҳтарам зот менга “хотинларимиз бизга ҳаёт рафикамиз эмас, балки канизач, чўриларимиз бўлади”. Чунки биз уларни беш ё ўн минг танга бадалига сотиб оламиз. Диққат қилинг. (ҳурматли) одам ўз хотинига нисбатан шундай эътиқодда бўлса уларнинг ораларида қанақа дўстлик ва муҳаббат бўлсин? Бундай ҳолат мамлакатимизда жорий бўлган маҳрнинг оғир шартларига айланиб, натижада расм бўлиб қолганлигидир.

Келин ва куёв бир-бирларини моли, ҳусну-жамол ва ахлоқларини ёқтириб, уйланишга рози бўлганларидан кейин маҳр уларнинг никоҳларига дахли бўлмаслиги ва таъсир қилмаслиги лозим. Куёв нимаики, муносиб топса шуни “маҳр” деб келинга бериб, никоҳ маросимини бажариши керак. Имом Бухорий³⁰ ва Имом Муслим Саҳла бин Саҳоба³¹ билиттифоқ ривоят қиладиларки, бир одам Пайғамбар ҳузурда бир аёлга совчи юборди. Ҳазрат сўрадилар, “унинг маҳри учун бирон мулкнинг борми?” Ул киши “Йўқ” деди. Ҳазрат буюрадилар: “Уйнингга бориб қарачи, бирон нарсанг бўлса керак” деб. Ул шахс бориб қайтгач”, нарсам йўқ” деди. Ҳазрат “бориб яна қидириб кўрчи, биронта темир узук чиқар” дедилар. Ул киши бориб қайтиб келди-да, “йўқ экан” деб жавоб берди. Ҳазрат “Қуръон”дин бирор нарса ёд олганмисан? деб сўрадилар. Фалон ва фалон сураларни ёд биламан-деди. Ҳазрат буюрдилар: “боргин, мен бу аёлни сенга ўша билган сураларнинг эвазига бахшида этдим, яъни сенинг берадиган меҳринг шулким, ўша сураларни бу хотинга ҳам таълим берасан.” Шу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, уйланишга рози бўлган эркакнинг аёлга берадиган маҳрларига ҳазрат Пайғамбар ҳам кам деб эътибордан четда қолдирганлари йўқ. Битта темир узук ёки бир-икки сура таълими кифоя қилибди. Бас шундай экан, “агарда (куёв) минг сўм бермаса қизимни бермайман” дейиш Пайғамбари ҳақим умматларига лойиқ эмас.

Маҳр масаласи мамлакатимизда жуда муҳимдир. Юқорида зикр этганимиздек маҳр миқдорининг кўплигидан кўп эркакларимиз хотинсиз юриб баъзилари эса (уйланмагач) муфлис (ва камбағал) бўладилар. Бу иллатни йўқотиш лозим. Ҳукуматимиз ҳам маҳр бобида қонун қабул қилиб, унинг чегарасини аниқлаб, ким ҳукумат қароридан бир қадам четга чиқса унга жазо тайинлангани керак. Маҳрнинг оғирлиги (кўпи) шаръан ҳам тўғри эмас. Ҳазрати Умар³² (р.а) дейди: “Эй мусулмонлар, ёдингизда бўлсин. Хотинлар маҳрини кўп қилманглр. Агарда кўп маҳрнинг бу дунё ва ҳам охиратда фойдаси бўлганда эди, ҳазрат Пайғамбар бу ишларни сизлардан яхшироқ билган бўларди. Ул ҳазрат ҳар бир хотин олганларида ва қизларини эрга берганда ўн икки уқиядан³³ ортиқча маҳр тайин қилмаганлар.

Никоҳни эр-хотиннинг ҳаётда шериклик қилишларнинг аҳду паймон битими, уни шодонлик ва хурсандчилик билан ўтказиш лозимлигини айтган эдик. Бунинг учун тўй қилиш зарурлигини ўз-ўзидан маълум бўлади. Оре, агарда тўй муносибати билан бир қатор диндош ва ватандош ёр-биродарлар бир жойда йиғилиб хурсандчилик қилиб, самимий суҳбат қилсалар албатта бир миллат аъзолари ўртасида бўлган муҳаббат ва меҳрибонлик зиёда ва афзун бўлади. Баъзилар орасидаги олдинги кек ва кудурат шу баҳонада йўқолади. Бунинг устига қанча мискин ва муҳтож одамлар шу маврид билан тўй неъматларидан баҳраманд бўладилар. Шунинг учун ҳам тўй фойдали маросимдир. Имом Бухорий ва Имом Муслим Анас ибн Моликдан бир хил ривоят келтирадиларки, Абдураҳмон ибн Аввор уйланмоқчи бўлганини Пайғамбарга хабар берганида шундай деб буюрдилар: “Муборак бўлсин. Битта қўй сарф бўлса ҳам тўй қил. Лекин ҳар бир ишнинг муайян ҳадди ва чегараси бўлади. Тўй фойдали бўлса ҳам чегарадан ўтса зарардан бошқа нарса бўлмайди. Бизнинг мамлакатимизда тўй кўп зарарларга сабаб бўлган ҳоллари кўпдир. Бухорода шундай одамлар борки, ўн-ўн икки йил

давомида беш-олти минг сўм маблағни зўр уруб йиғадилар. Бир ҳафта ичида ҳаммасини “тўй” номи билан побуд қиладилар, яна қарздор ва муфлис бўлиб ўтириб қоладилар. Тўй кунлари сарню кийган еб-ичган одамлар тўй эгасининг аҳволини кўриб масхара қиладилар. Ҳатто келиб аҳволини сўрамайдилар ҳам. Агарда бу беандишалардан шунча мол-ҳолни нимага беҳудага сарф ва харажат қилиб, бу қора кунга тушингиз? Қайси дин, қайси маъҳаб, қайси ҳукумат ва қандай қонун сизларни бу ахлоқона ишга мажбур қилди, деб сўрасангиз албатта жавоб бераолмайдилар. Бундай тўйлар Ислоҳ шариаатида йўқ, чунки бу исрофгарчиликдир, исроф эса шариаатда ҳаромдир.

Ибн Масъуд³⁵ (р.а.) ривоят қилади “Пайғамбар (С.А.В.) дедилар: “Тўйда биринчи куннинг таоми ҳақ, иккинчи кун таоми суннатдир. Лекин учинчи куннинг таоми риёдир. Ким риёкорлик қилса, худобанд унинг иккиозламачилигини халойиқ ичида машҳур қилади”. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилади: Пайғамбар алайҳис-салом деганларки: “Энг ёмон таом бойларни чақириб бечораларни маҳрум қилиб таом берган куёв бўлади”. Ҳайрон қоларлиги шуки, шундай тўйларнинг ошиқлари ва исрофгарчилик сабабчилари ўзларининг беҳуда ва зарарли ишларини биладилар. Ҳатто улардан баъзилари бу тўйларнинг зарарлари ҳақида ўзлари сўзлаб берадилар. Агарда уларга “яҳши, бундай тўйларда фойда йўқ экан, унда нима учун бу зарарли ишга машғул бўласизлар? — деб сўрасангиз шубҳасиз иккита жавобдан бирини оласиз. Ё фалон ва писмадон ва уларга ўхшаганлар шундай тўй қилдилар. Мен ҳам улардан кам эмасман-ку. Мен ҳам уларга ўхшаб шундай харажат қилишим керак. Яъни “ҳар аз ҳар монад гўшашро мебуранд” (Эшак эшакдан қолса қулоғи кесилур.) “Ёки ҳақиқатда ҳам бундай тўйларнинг зарари бор, лекин замонамизнинг одат ва русумлари шундай. Иложимиз йўқ” дейдилар. Биринчи жавобни берганлардан маълум бўладики, улар тўйни “бир-бирларидан қолмаслик учун” қилар эканлар. Қайси тўй шу ният билан воқеъ бўлса Ҳазрат Пайғамбар ўз умматларига бундай тўйга боришни манъ қилганлар.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилади: Наби алайҳис-салом дедилар: икки одам “бир-бирларидан ўтиш учун тўй ва зиёфат қилсалар биронтасиникига борманглар, уларнинг таомларидан еманглар”. Аммо иккинчи жавобни берганларга “ахир бу исрофгарчилик-ку” деймиз. Одам ва ҳайвон ўртасидаги фарқ шундаки, одам қилмоқчи бўлган ишини ўзининг ақл кучи билан ҳар томонлама ўйлаб оқибатини андиша ва мулоҳаза қилади. Ҳайвонлар бундай мустасно. Энди бир одат ва расмнинг зарари ё фойдасини ўйламай уни урфу-одат деб жорий қилсангиз ҳайвондан қандай фарқингиз қолади?

Маълумки, тўйдан кейин келини никоҳ қилиб эри уйига олиб келади. Шу кундан бошлаб келин-куёв эр-хотин бўлиб яшашни бошлайдилар. Энди уларнинг қандай яшашлари кераклиги ҳақида озгина суҳбат қуришимиз лозим бўлади.

Эр-хотиннинг қандай яшамоқликлари хусусида

“Хотин”. Мамлакатимиздаги хотинлар ҳар дақиқада қанчадан-қанча таҳқир ва жафоларга дучор бўлиб яшамоқдалар. Биз туркистонликлар ўз хотинларимизни одамият доирасидан ташқарида деб ўйлаймиз ва у бечораларга одамга қилгандек муомала қилмаймиз. Кўп ҳолатда, ҳайвонларнинг ҳолига юрагимиз ачишади. Аммо аёлларнинг паришон ҳолларига мурувватимиз етмайди. Хотинларимизни марҳаматга сазовор инсофга лойиқ ва шафқатга ҳақли деб билмаймиз. Бизда хотинларни сўкиш фахр ва ғурур саналади, уриб майиб қилишни эса эркакчиликнинг фазилати деб биламиз. Оллоҳ аёлини фақат шахвоний орзуларимиз ва ҳайвоний эҳтиросларимизни босиш учун яратган деб ўйлаймиз. Гўё, Оллоҳ уларга ҳуқуқ, эътибор ва фикрлаш фазилатини бермагандек. Кўча ва бозорларда бизга етган алам ва зарарни уйга қайтиб хотиндан оламиз. Ичимиздаги бу одат эски ва кенг тарқалган бўлгани учун унинг кабиҳ ва ёмонлиги кўзимизга кўринмайди. Ҳатто бечора хотинларимиз бахт ва саодатларидан батамом ноумид бўлиб шундай хулосага келганларки, Оллоҳ одамзотнинг ҳамма фазилатларини эркакларга бериб аёлларни уларнинг жабру-зулмларига асир ва гирифтор қилган, токи худованд дарғоҳининг бу шаккоклари ҳар кун аёллари орқали ҳайвоний шаҳватларига ором бериб қолган вақт бу бечораларни сўкиб, таҳқирлаб хизмат буюрсинлар. Ана шу ҳазин эътиқод хотинларимиз табиатларидан жой олган. Улар ҳақиқатда ҳам башариат фазилатларининг аксаридан маҳрум қолганлар. Саодат майли ва тараққий орзуси уларнинг қалбидан тамоман чиққан. Шижоат ва жасорат батамом йўқ бўлиб, табиатларидан танбаллик ва заифлик жой олган. Иззат талаби, шараф ҳифзи, ҳуқуқларини ҳимоя этиш фикрларини тушунтириб берганда ҳам тушунмайдилар. Яъни шарафсизлик ва иззатсизлиқни ўзларининг фитрий хислатларидан деб биладилар. Ифрат ва порсолигини эрларининг оёғи ва калтагидан ҳимоя қиладилар. Яъни ахлоқий тафаккур ва виждоний ҳукм эсларидан чиққан. Муҳокима, таамим тафаккурни батамом тарк қилиб бир машинага ўхшаб эрларининг ишоратига тобе бўлиб қолганлар. Хулоса қилиб айтганда, бахтсизлигимиз ва қолоқимизнинг энг муҳим сабаблари ҳам шундадир.

Маълумки, одам энг биринчи тарбиясини оналарининг бағрида олади. Шу нарса ҳам муқаррарки, биринчи тарбия (онла тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатидан ҳеч қачон кетмайди. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигиданоқ шаклланади. Энди ўзингиз бир ўйланг, биз бошланғич тарбияни шу оналаримиздан олар эканмиз, нега ҳам бу аҳволга тушмас эканмиз? Бугун қўрқоқлик ва бепарволик табиатимизни ўраб, еустлик ва танбаллик қонимизга ўтириб, ақлимиз кўзини қора парда ёпиб ташлаган. Кўриб ва тушуниб туриб бу тубанликка бўйин эгар эканмиз, ҳуқуқимизни муҳофаза қилаолмаймиз ва саодат талабига қадам босолмаймиз. Бугун одамнинг бирдан бир раҳбари бўлган ақлнинг ҳаракатимиз ва амалимизга ҳеч қандай таъсири қолмаган. Ҳозир виждон ва ахлоқ ҳақидаги фикрлар бағамом эсимиздан чиқиб кетган, маълумликнинг энг паст дарғоҳига тушиб, золимликнинг энг олий даражасига чиққанмиз. Ким биздан занфрoқ бўлса унга ўйламасдан озор берамиз. Биздан кучли бўлган кишининг эса отининг туёғи нақшига сажда қиламиз.

Шак-шубҳасиз булар шундай оналар тарбияларининг натижасидир. Яна такрор ва такрор айтаман: агар роҳат орзуси ва ҳаёт кечириш фикрида бўлсак, агар маданий ва бахтли миллатлар бизни ҳам одам қаторида билсин дея хоҳласак ва бизлар билан умумбашарий қондалар асосида муомала қилишларини истасак, агар мусулмонларни ҳўрликдан ва Исломни эътиборсизликдан қутқармоқчи бўлсак, битта йўли барча ишларимизни Қуръон ҳўкми асосида ислоҳ ва тасбеҳ қилишимиз лозим. Худо кўрсатмасин шундай осон ва сахл йўлдан ҳам бўйин тортсак бизни...

Энг аввало ислоҳи ва адолат билан тартибга солиниши лозим бўлган қонда бу эр-хотиннинг муомалалари саналади. Бу муносабатларни қандай ислоҳ қилса бўлади? Айтганимиздек, Қуръон ҳўкми асосида.

Қуръони Карим эру-хотин муносабатини бир асосий қонда сифатида баён қилади. “Эр хотинига нисбатан қандай ҳўкуқи бўлса, хотин ҳам эрига нисбатан шундай ҳўққи бор”. — деган Бақара сурасида. Шу ояти каримадан маълум бўладики, ҳудованди карим аёлларни эрларига қўл қилмай, балки эркакларга қанча ҳўқуқ берган бўлса шунга аёлларга ҳам ато қилган. Шундай қилиб биз ҳам шу ояти каримани асос қилиб, онга қуриш давомида эр-хотинга лозим бўлган ишларни бир-бир зикр қиламиз.

Муаҳаббат. Ҳозирги олимлар ва донишмандларимиз билиштифоқ шундай фикрга келганки, коинотдаги барча зарра ва зурриётлар муаҳаббатсиз бирга бўлмайдилар. Одамзод ва ҳайвонлар аъзолари ўртасида бўлган жамият муаҳаббат қондасига асосланган. Агарда эр-хотинлик меҳр-муаҳаббатсизлик асосида бўлса, албатта пойдевори заиф бўлиб, ҳаёт лаззатсиз бўлади. Зеро бу табиат қонунига ҳилоф ва ҳилоқат қондасига зид (қаршидир). “Рум” сурасида келтирилганки, “Бу ҳам Оллоҳ таоло далиллари жумласидандир. Сизларга ўз жинсларингиздан жуфт яратди, токи сиз ўз жуфтингиз билан ором топишгиз. Хотинлар ва эрларингиз ўртасида муаҳаббат ва меҳрибончилик эҳсон қилди”.³⁷ Шу нарса ҳам маълумки, муаҳаббат одамнинг ихтиёрида эмас. Бизнинг мамлакатимизда эр-хотин ўрталарида муаҳаббат пайдо бўлиши учун уйланиш қондалари кифоят қилмайди. Мен бу масалани ҳам баён қилган эдим. Лекин ҳозирги вақтда уйланиш қондаси шундай экан, эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан дўстлиги ишқу-муаҳаббат даражасига етмаса ҳам шундай илож топиш лозимки, ақдан бир-бирларидан нафрат қилмасинлар. Агарда диққат билан ўқисангиз бу чоралар нимадан иборатлигини олдинги саҳифалардан билишингиз мумкин эди. Шунга ҳам қаноатланмай бу нозик масалани эҳтиётлик билан тушунираман. Айтган эдимки, муаҳаббат қалбан мойиллик бўлиб жамол (ҳўсн) мушоҳидасининг нағижасидир. Жамол (ҳўсн) ҳам бу кўрган одам дилини ўз соҳиби томонига мойил қилиш демақдир. Агарда мана шу муқаддимага яхшигина тааммул этсак маълум бўладики, келин ва куёв бир-бирларини кўрмасдан никоҳ қилган бўлсалар ўрталарида меҳр ва муаҳаббат пайдо бўлиши ҳам мумкин, ҳеч бўлмаса баъзи восита ва одоб риояти билан нафрат пайдо бўлмаслиги лозим. Бир-бирларига адабсизлик билан иттиҳоб ва эҳтиромсизлик билан суҳбат қурмасликлари керак. Ким ўз эридан эҳтиром ва риоят кўрмаса унга муаҳаббат ва кўнгил ҳам қўймайди. Бизнинг мамлакатимизда бу шартларга кўпинча эркаклар қарши чиқадилар. Бечора хотинларимизга адабсизлик ва эҳтиромсизлик билан мурожаат қиламиз. Кўрганамизда аҳволини сўрамай дарров ҳақоратлаймиз. Озгина баҳона билан уриб аъзон баданини кўкартирамиз. Яна улардан меҳру муаҳаббат кутамизми?

Шуни яхши билиш лозимки, одам шукр қилувчи ва ўч олувчи бир махлуқдир. Одамнинг ўч олишга бўлган майли шукр қилишлигидан кўпроқдир. Яхшиликни биласиз. Лекин яхшиликни қайтариш нздан тушмайсиз. Бироқ, ёмонлик эсимиздан чиқмайди. Доим ўч олиш учун чора ва талбир қидирамиз. Шунинг учун ҳўрматсизлик ва инсофсизлик кўрган хотин ҳеч қачон ўз эрини яхши кўрмайди. Воқеан мамлакатимизда аёллар шунча зулм кўрсалар ҳам ўз эрларига итоат қилиб бўйсунадилар. Лекин уларнинг бу ҳаракатлари меҳр ва муаҳаббатидан эмас, балки чорасизлик ва мазлумликдандир. Бу каби фасод ва хунук ишлар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, балки аксар ибтидоий миллатлар ҳам бу балога чалинганлар. Шунинг учун ҳам Ислом дини кўпроқ эркакларга мурожаат қилиб онладорлик муомаласи ва муносабати хўсусида уларга таълим беради. Масалан, Қуръонда (Нисо сурасида) шундай оят нозилдир: “Аёлларга яхши муоширатда бўлинилар”³⁸. Ойша (р.а.)— дан ривоят борки, Набий (С.А.В.) дедилар: “Сизлардан энг яхшиларингиз ўз аҳли аёли билан муомала қилган кишидир. Мен ўз аёлларимга сизларга бўлганшундан ҳам кўра хўшмуомаладаман”.

Ойша (р.а.) ривоят қиладилар. Набий алайҳиссалом дедилар: “Энг кўпил мўминлар хўшхўлқ ва оиласи билан дўғф ила муносабат қиладилардир. Ўз хотинларига мардиқарим яхшилик қилади ва мардиқарим ёмонлик”.

Аёс бин Абдуллодан³⁹ ҳадис Набий алайҳиссалом дедилар: “Оллоҳ канизакларини урманлар”. Хотин-қизлар ҳўқига яхшилик қилиш учун ташвиҳ ва тарғиботига мана шу ҳадиси шариф кифоят қилади.

Ибн Умар (р.а.) ривоят қилади: “Ҳазрати Усмон⁴⁰ никоҳида бўлган Пайғамбарнинг бир қизи Бадр уруши⁴¹ вақтида касал эди. Шу сабаб билан Ҳазрати Усмон ғазотга бормадилар. Ҳазрати Пайғамбар буни эшитиб дедилар. “Эй Усмон, сенга ҳам Бадр урушига иштирок этганлар қатори ғанимат ва ўлжа берилади”. Кўриниб турибдики, асҳобларнинг раисларидан бўлган Усмон хотинининг хасталигидан мусулмонларнинг биринчи ғазотидан қолди, лекин ғазотнинг савоби ва ғаниматидан бир ғозий сифатида баҳраманд бўлди. Хотинлар ҳўқига яхшилик қилишнинг даражаси бундан ҳам юқори бўладими?”

Оиланинг маишати ва идораси

Модомики эр-хотин бир-бирларига ҳаёт шериклари ва йўлдош эканлар, бас, улар тирикчиликнинг баъзи ишлари ва масъулиятини ўз зиммаларига олиб, шуларни бажаришлари лозим. Маълумки, яшаш учун пул ва пул топиш учун маъй ва амал лозим. Аёллар эркакларга ўхшаб ҳаёт мунокулотларига тоб бермай турмуш таҳлилига қодир эмаслар. Тажрибасизлик ва заиф мижозлари устига аёл зоти баъзи йиллари тўққиз ой “ҳомилдорлик” юкни кўтариб юради, бола туғилиши билан бола гарбиеси билан

машғул бўлади. Яна бориб ишлаб пул топиш эса уларга мушкулдир. Ишлаб саъй-ҳаракат қилиб пул топиш бу эркаклар бурчидир. Эркаклар бор куч-қудратларини ишга солиб, пул топиб бир қисмини аҳлу аёллари эҳтиёжлари учун сарф қилишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар бола-чақалари ва аҳли аёлларининг нафақалари хусусида зикналик қилиб ё нафақаларини бериб миннат қилсалар ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун “қути лоямут” бериб, ўзлари бошқа жойларда айш-ишрат билан машғул бўлсалар зулм ва инсофсизлик қилишлариға шубҳа йўқдир. Зулм ва инсофсизлик эса ҳаромдир. Бас, эркакларнинг бу ҳаракатлари ҳам ҳаромдир. Биз мусулмонларнинг диний таълимотиимиз ҳам шуни таъкидлайди. Умар (р.а.) дан ривоят бор. “Пайғамбар одатлари Бани Назир қабиласининг хурмоларини сотиб олиб аҳли аёлларининг бир йиллик озиқалари сифатида олиб қўйиш эди”. Ибн Масъуд (р.а.) ривоят қилади. “Набий алайҳис-салом дедилар”. “**Эр аҳли аёлига савоб нияти билан нафақа берса, ана шу нафақаси эр учун садақа савобини беради**”.

Сухбон (р.а.) Пайғамбар тилидан баён қилади: “Набий алайҳис-салом айтдиларки “Ўз ҳам жинсларининг мадади учун сарфланган эркакнинг энг яхши харажатлари бу аҳли аёллари учун сарфлаган пулидир”. Абдулло ибн Умардан (р.а.) шундай нақл бор. Набий алайҳис-салом айтдилар “Ўз аҳли байтидан нафақани дариг тутган эркак катта гуноҳ қилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда шундай кишилар борки, ўзларининг ботил мулоҳаза ва фикрларини пен қилиб, хотин ва бола-чақаларини ташлаб кетадилар, ҳатто ўзларидан кейин уларга ҳеч бир нарса қолдирмаслик учун ҳамма мол ва бойликларини вақф қиладилар. Аслида эса уларнинг бу ҳаракатларини Ислоом дини қабул қилмайди, балки қоралайди. Саъд бин Аби Ваққос² ҳикоят қилади: “Мақкада мен касал бўлдим. Пайғамбар мени кўришга келдилар. Мен “Ё Расулulloҳ, менинг ўлимимдан сўнг ҳамма бойлигимни Худо йўлида сарф қилсинлар деб васият қиламан дедим. Ҳазрат қабул қилмадилар. “Унда ярминни васият қилайин” десам ҳам Ҳазрат қабул қилмадилар. дедим: “Учдан бир қисмини васият қилсам бўладими?” Шунда Ҳазрат буюрдилар: “Садақа қилиш учун бойлиқнинг учдан бир қисми ҳам қўпдир. Сен бу сирларни биласан, бойлигининг учдан бирини васият этгин. Эй Саъд! Меросхўрларининг таъминлаб кетиш уларни фақир ва муҳтож этишдан яхшироқдир. Аҳли аёлинига нафақа деб берган ҳар нарса, ҳатто ўз хотининг озиғи соладиган бир луқма ҳам садақа савобига эгадир”.

Мамлакатимиздаги яна бир одатлардан бири шуки, қизларимизни таҳсили улум шарафидан бебахра қолдирамыз. Шунинг учун ҳам аёлларимиз на эътиқоддан, на ибодатдан ва на дини ислом ахлоқидан хабарлари бордир. Эрга теккандан сўнг улар уй ишлари ва бола тарбияси билан машғул бўлиб, диний қондаларини билишлари учун ҳаракат қилмайдилар. Бинобарин, эр дини Ислоом арконлари (асосларини), хусусан ахлоқи исломияни қўлларидан келгунча муносиб муомала билан тушунтириб беришлари лозим. “Қуръони Карим” ҳукми бу маънони эрларга лозимлигини уқтириб дейди: “**Эй мўминлар, ўзларингиз ва аҳлингизни дўзах оловидан муҳофазат қилингиз**”.⁴³

Маълумки, мусулмон то Ислоомий ақидаларни билмаса, дини Ислоом ахлоқиётига амал қилмаса, ўзининг ҳеч бир зарарларидан қутқара олмайди. Хужжатул-Ислоом Имом Ғаззолий айтадики, аёл диний арконларни билмаса ва эри ҳам унга таълим бермаса, унда дин арконларини билмоғи учун дин уламоларига мурожаат этсин. Агарда эри уни бу ишдан ман этса гуноҳкор бўлади.


Шундай қилиб китобимизнинг бу фаслидан маълум бўладики, аҳли аёлига нафақа бериш ва ислом асосларини уларга таълим бериш эрларнинг вазифаларидан экан. Эркаклар вазифалари қаторида хотинларнинг ҳам вазифа ва бурчлари борми? Албатта бордир. Бу вазифа нимадан иборат? Болалар тарбияси ва хона идорасидан. Хотин эрнинг завжаси, уйнинг идораси ва болалар тарбиячиси, фарзандини меҳр билан ўстириш мажбуриятининг бир қисми унинг бўйнига тушади. Лекин юқорида арз қилган эдикки, эр-хотинликнинг энг буюк мақсади фарзанддир. Шунинг учун ҳам айтамызки, аёлининг энг муҳим вазифаси бу фарзанд тарбиясидир. Мен фарзанд тарбияси ҳақида ишпооллоҳ шу рисоланнинг бир фаслида махсус тўхталман. Бу ерда эса хона идораси (рўзгор тебратиш) ҳақида баҳо қиламыз. Бу эса хотиннинг иккинчи вазифаси ҳисобланади. Модомки, эр-хотиннинг еб-ичиш, кийиниш, умуман ҳамма эҳтиёжини ўз зиммасига олар экан, ва эртадан кечгача ҳаётнинг иссиқ-совуғига қарамай шу вазифасини бажариш пайида юрар экан, албатта хотини ҳам эрини уй ташвишларидан тамоман фориғ ва холиржам этиши лозим. Уйни шундай интизом ва тартибда тутини лозимки, эри кўрганда шодмон ва хурсанд бўлсин. Эри бозордан (кўчадан) уйига қайтса яхши ва хушмуомала қилиб меҳрибонлигини кўрсатсин, токи бозорнинг оғирлик юки елкасидан тушсин. Эрининг моллари ва нарсаларини ўзининг мол ва ашёларидан ҳам яхшироқ эҳтиёт ва саранжом қилиши лозим. Ўз эрининг пулларини беҳуда йўлларга-дуоҳон, фолбин, Биби сешанба (маросими) учун сарф ва исроф қилмаслиги керак. Чунки буларнинг биттасидан ҳам фойда йўқ. Шунинг учун ҳам Ислоом шароитида бу нарсалар нотўғри. Ўз эрларига шу тариқа меҳрибонлик кўрсатиб ёрдам берадиган хотинларни “Қуръони Карим” мадҳ этади: “**Яхши аёллар ўз эрларига итоат қилган хотинлар, эрларининг молларини ва ўз номусларини нобулик ва беғоналар қўлидан ҳимоя қиладиганлар**”⁴⁴. Аби Ҳурайра (р.а.) ривоят қилади. “Набий алайҳис-салом дедилар: “**Хотинларининг энг яхшилари истасанг, сени шод қиладиганлари, амр қилсанг, итоат қиладиганлари ва олдиларидан ҳимояланган молларининг ва ўз нафсларини сақлай оладиганлари бўлади**”. Хотин ҳақиқатда эрининг ҳимоясида бўлса, албатта эрининг қадрига этиши лозим. Унинг яхшиликларини хотиридан чиқармасдан арзимас айби учун ўзидан хафа қилмоғи тўғри эмас. Қайси хотин шундай рафтор қилса, эрининг муҳаббати унга зиёда бўлиб, умри хурсандликда ўтади, бу дунё ва охирада сарафроз ва мамнун бўлади. Ибн Аббос (р.а.) деди: “Набий алайҳис-салом дедилар: “Менга дўзах оловини кўрсатдилар, у ердигиларининг аксари ношукур аёллар эдилар”. Асқоб сўрадиларки “Ё Расулulloҳ, бу аёллар Худога нисбатан ношукурлик қилдиларми? Ҳазрат жавоб бердилар, улар ўз эрларига ношукурлик қилганлар. Агарда уларга бир йил яхшилик кўрсатсангу арзимас айб сендан ўтса ношукур хотин “мен сендан ҳеч бир яхшилик кўрмадим” деб айтади”. Пайғамбар (С.А.В.) дедилар. “**Қайси бир аёл ўлса, эри ундан рози бўлгандагина жаннатга тушади**”.

Эр ҳам хотинга мушкул ва оғир ишларни таклиф қилмаслиги лозим. Аёл тоифасининг заифлиги ва нозиклигини эътиборга олиши ва шунга кўра муомала қилиши керак, имкон қадар уй ишларида хотинига ёрдам бериш жоиз. Ойша (р.а.) дан ривоят қиладилар. Ойша (р.а.) дан сўрадилар: “Пайғамбар уйда нима қиларди? Ойша жавоб бердилар, уйда ўз аҳлининг хизматларига машғул бўлиб, қачон азонни эшитса чиқар эдилар”. Имом Бухорий ва имом Муслим билиттифоқ Анас ибн Моликдан ривоят қиладилар: Пайғамбар сафарларининг бирида Анжама исми қора қул аёлларининг туяларини ҳайдарди. Ҳазрат буюрдиларки: “Эй Анжама, эҳтиёт бўлгин, секин ҳайдагинки, аёлнинг нозиклиги шишага ўхшайди”.

ИЗОҲЛАР

1. Лут қавмининг амали... Лут пайғамбар ва унинг қавмининг тафсилоти Қуръонда келтирилган. Лут алайҳиссалом ҳукм ва илм соҳиб бўлиб, ўз қавми томонидан тан олинмаган пайғамбар эди. Лут қавми бачабозлик амали билан шугулланганлар. Лут уларни бу амалдан қайтармоқчи бўлганда уни сургун қилмоқчи бўлдилар. Аллоҳ уларни шу гуноҳлари учун йўқ қилган. Муфассал қар: Қуръони Карим. Аъроф сураси, 78-80, 82-84-оятлар; Худ сураси 70-73; 82-84; Ҳожир сураси 57-77; Шуаро сураси, 160-173; Ва-з-зориёт сураси, 33-38-оятлар ва бошқалари.
2. Нафсини ўзи қондирса... Ҳозирги тиб илмида онанизм
3. Қуръони Карим, Бақара сураси, 223-оят.
4. Анас разийаллоҳ... (Анас ибн Молик) Муҳаммад Пайғамбарнинг саҳобаларидан, лақаби Абу Ҳамза, Тахминан 710 милодий йил 100 ёшида вафот этган.
5. Абу Хурайра разийаллоҳ... Тўлиқ исми Абдурахмон ибн Саҳр Аъдий. Саҳоба, 676 йилда 78 ёшда вафот этган.
6. Зино. Шарият ҳукми бўйича никоҳсиз, номаҳрам аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Ислолда зино оғир гуноҳлардан ҳисобланади.
7. Нутфа... Эркакнинг уруғи.
8. Абдулло ибн Масъуд. Саҳоба, 652 йил вафот этган.
9. Пол Демар-француз социологи ва иқтисодчиси.
10. Ҳазрати шорейи карим, яъни пайғамбар Муҳаммад салаллоҳи алайҳи васаллам (С.А.В.).
11. Саид Абу Ҳилал. Саҳобалардан.
12. Аёз ибн Ғаним. Пайғамбар саҳобаларидан.
13. Абдуллоҳ ибн Амру. Саҳобалардан.
14. Қуръони Карим, Нисо сураси, 3-оят.
15. “Ал-жомий ус-сағир”. Муҳаммад ат-Термизий (892 йили вафот этган)нинг “Ал-Жомий ал-кабир” номли ҳадислар тўпламининг мухтасар нусхаси.
16. Тафсироти Аҳмадия. Шарқ асарларидан.
17. Балоеъ ус-саноеъ фи тартиби шароеъ. Фиқҳ илмига оид асар.
18. Ойша разийаллоҳо анҳо (р.а.) бинти Абу Бакр. Муҳаммад пайғамбарнинг хотинлари, 676 йили 65 ёшда вафот этган.
19. Тафсифи Табарий, асарининг асл номи “Жамий ал-байон ан таъвил ал-Қуръон” бўлиб муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарир ат-Табарийдир. У 923 йил Боғдода вафот этган. Арабча матни 1903 йили Қоҳирада нашр этилган. Сомоний амири Абу Солиҳ Мансур бин Нуҳ фармони билан араб тилидаги матни бухорода тожик тилига ўгирилди. Тафсири Табарий шу таржима орқали Марказий Осиёда шухрат топган. Муфассал қар: Стори И.А. “Персидская литература”. Библиографический обзор. Переработал и дополнил Ю. Э. Бренгель-М., т. II, с. 99-102.
20. Ал-Мағират бинни Шазъба. Саҳобалардан, 660 йилда вафот этган.
21. Саҳл бинни Саъд. Асл номи Саҳл ибн-Саъд ас-Съидий. Саҳоба, 88 ҳижрий йилда 96 ёшда вафот этган.
22. Имом Ғаззолий. Абу Ҳамид бин Муҳаммад ат-Туси, 1058-1111 йилларда яшаган. Буюк Ислол олими, файласуф ва фақиҳ, имом Шафъе мазҳабида бўлган.
23. Хансаъ Саҳоба. Саҳобалардан.
24. Саид бинни ал-Масиб. Саъид ибн-Мусаййаб. Машхур фақиҳ, 712 йили вафот этган.
25. Муаққал билан Исор. Пайғамбаримиз саҳобаларидан.
26. Абу Давуд. Тўлиқ номи Абу Довуд Сулаймон ибн-Ашғас ассижистоний. Машхур муҳаддис, 817-888 милодий йиллари яшаган.
27. Қуръони Карим, Нисо сураси, 4-оят.
28. 19-изоҳга қаранг.
29. Қози Байзавий-Нисируддин Абдуллоҳ бинни Умар ал-Байлавий. Шерозда қози бўлган, 1286 йили Шерозда вафот этган. Уни Замаҳшарийнинг “Кашшоф” асарига асослашиб, “Анвар ут-танзил ва асрор ут-таъвил” номли асари мавжуд.
30. Имом Бухорий, Муҳаммад бинни Исмоил Абу Абдуллоҳ ал-Жуъфи, 810-870 йилларда яшаган. Машхур муҳаддис “Жомеъ ус-Саҳих” асарининг муаллифи.
31. Имом Муслим. Тўлиқ номи Муслим бинни ал-Ҳажжож Абул Ҳусайн ал-Қушайри ан-Нисобурий, 817-875 йилларда яшаган. Буюк муҳаддис олим, “Ас-саҳих” номли ҳадислар тўпламининг муаллифи.
32. Ҳазрати Умар. Умар ибн ал-Хаттоб. Хулафои Рошидининг иккинчиси, 634-644 йилларда халифа бўлган.
33. Уқия — пул воҳиди. 12 дирҳамга тенг. (1 дирҳам -3,12 гр. кумуш танга)
34. Анас ибн Молик, 4-изоҳга қаранг.
35. Ибн Масъуд яъни Абдуллоҳ ибн Масъуд, 8- изоҳга қаранг.
36. Қуръони Карим, Бақара сураси, 228-оят.
37. Қуръони Карим, Рум сураси, 21-оят.
38. Қуръони Карим, Нисо сураси, 128-оят.
39. Аёс ибн Абдуллоҳ, Саҳобалардан.
40. Ҳазрат Усмон ибн Аффон. Муҳаммад алайҳиссаломнинг чорёрларидан. Улардан кейинги халифа, 655 йили вафот этганлар.
41. Бадр уруши (жанги). Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам раҳбарликларидagi Мадина мусулмонларининг Макка мушрикларини билан 624 йили март ойида қилган жанги.
42. Саъд бинни Аби Ваққос. Саҳоба, лашкарбоши, 670 йилда вафот этган.
43. Қуръони Карим, Анъом, сураси, 128-оят. Худ сураси, 106-107-оятларнинг мазмуни келтирилган.
44. Қуръони Карим, Нур сураси, 30-31-оятлар.

Давоми келгуси сонда



Абдувоҳид Ҳайит

МЕН БУ ХИСНИ
ЭЛФИЗ КЕЧИРДИМ

Дил

Мана дил сизга:

Кўхна коинотнинг ҳорғин боласи,
Кўёшдан сачраган бир журъа оташ,
Бир томири Зухро зулфин толаси,
Бири чашмингизу борлиққа туташ.

Мана дил сизга:

Кеч қолиб йўлидан адашган гўдак,
Зор йиглаб ўтмоқда манзилингиздан,
Уни тез киритинг чодирингизга,
Нур беринг гулюздан — тиласа емак.

Мана дил сизга:

Сўзласа, сўзлари ҳазиндир унинг,
Хастадир, дардига давоси йўқдир.
У азиз меҳмони вужуд уйининг,
Қушчадир, учгали маъвоси йўқдир.

Мана дил сизга:

Даврон ишларидан хоотири забун,
Бу дунё илмидан саводи йўқдир.
На бир мол тилаги дунёда, унинг
Ёнишдан ўзга бир муроди йўқдир.

Мана дил,

мана дил,

мана дил сизга:

Муғаннийдир, кўшиқ, куйдир дафъатан,
Бир йўлчи — келгувчи кечмиш қаъридан.
Ўтли бир оҳанглар чекиб дам-бадам,
Жон эмар аҳли ишқ сатрларидан,
Муғаннийдир.

Кўшиқ,

Куйдир

Дафъатан!

Мана дил сизга!

* * *

Йироқ энди хотирот ҳам, сен йироқсан, йўл йироқ,
Энди дилга дард яқиндир, хонумонимдир фиरोқ.

Барча олам аҳли сенга ҳамдаму мен бир ғариб,
Олам аҳли рашкидин тутдим бу оламдин қироқ.

Айрилиқ даштини Мажнундек кезиндим телбариб,
Топмадим бир гул — лабингдек, оразингдек бир чироқ.

Ҳар қадам кетдим йироқ сендин ҳаловат истабон,
Кўрмадим ғайри уқубат бу йироқликдан бироқ.

Неки ёдинг бирла пайваст — дилни этдим мосуво,
Қолмади бир гул ниҳолингдин бўлак — бу турфароқ.

Англадим, бу дашт аро дарду жунундин ўзга йўқ,
Ким бу даштга кирса, телба, чиқса, баттар телбароқ.

Мендин эрмас асли бу сўзим — жунунда қайда хўш,
Инди ишқ устозидин дил аҳлига бўйла сабоқ.

* * *

Ҳали жон айламай тортиқ, мени дил ғам била кўмди,
Дилим ўлтирмайин, жоним мени мотам била кўмди.

Бу тобут ичра ҳасрат айладим дарду фироқим-ла,
Фиरोқу ўзга ҳамдам йўқ, ажаб ҳамдам била кўмди.

Самандарман ва ё оҳим ватан этди самандарлар,
Кўзимнинг қони малҳамдир, дедим, малҳам била кўмди.

Ҳажр ўтида жон не — хонумоним таҳ-батаҳ куйди,
Ёниб дўзахни ёзгурдим, тамуғ-гулхан била кўмди.

Нечун тарк айламас тун тарки хўш кўнглум зимистонин,
Субҳ гулзорини меҳри бериб шабнам била кўмди.

Нетонг, давронни кўмса оҳи Воҳиднинг, унинг асли —
Хатоси кўп эди, шояд, ҳали бу кам била кўмди.

* * *

У тортинчоқ, жилмайишни
яноқлари унутган,
У савдойи, гулни кўриб,
танҳоликда сўзлашган,
У вафоли, вафодорин
туғилмайин ер ютган,
У ғамларга севилгандир,
азобларга севилган.
Тақдир қиши тугамайин
музлаб қолган кўзлари,
У келиндир, чимилдиқдир —
дийдасининг музлари,

Шўху шаддод, пичир-пичир
маҳалладош қизлари,
У ғамларга севилгандир,
азобларга севилган.
Кечалари ғам тўшақда
сочларини силар у,
Ўзи сўйлаб, ўзи яйраб, ўзи
хандон кулар у,
Ўкиниб не қилар у-йо,
ўз нақдини билар у —
Ахир, ғамга севилган-ку,
азобларга севилган...

Туйғулар

* * *

Кўзларинг!
Кўзларинг — бунчалар чуқур?
Мен чўкиб кетдим-ку — қалбинг тубига
ва топдим йўқотган жавоҳирларим.

* * *

“Қип-қизил ёлғон”.
Ёлғон!
Наҳот, у қонимнинг рангини олган?!

* * *

Ўтмиш қандай ширин,
келажак гўзал!
Бугуннинг мазасин туёлмадим ҳеч...

* * *

Юрак,
уммонинг қани,
осмонинг қани,
нега қафасингга қамадинг мени?!

* * *

Хукуқи бўлганми эркининг ҳеч замон,
ҳеч замон бўлганми ҳуқуқнинг эрки?

* * *

Нуқсонларин кўрсатиб ойна
ҳар кун уни қилади майна.

* * *

Мен ҳаёт ҳақида ўйладим бугун,
худди ҳали ҳеч ким ўйламагандек.

* * *

Инсон
тайёргарлик кўриб юрар
улуғ бир ишга
ўлимгача то.

* * *

Сени кўп тушундим,
ҳаддан ортиқ тушундим.
Нега нафрат билан қарайсан менга?

* * *

Сен абадийликни кўришни истайсанми,
кўриб кетмайманми ундан дафъатан?
Мана у — ҳижрон.

* * *

“Қиййиин...”
Қийналиб кетаман шу сўзни айтсам.

* * *

Мен БУ ҲИСНИ ёлғиз кечирдим.
Мен бу ҳисни ЁЛҒИЗ кечирдим.
Мен бу ҳисни ёлғиз КЕЧИРДИМ.

* * *

Барибир
инсон эртани ўйлашга мажбур.
Бугун — эртани ўйлашга имкониятдир.
Эрталарни ўйлаш учундир барча бугунлар,
деб ўйлагандим кеча.

* * *

Бағоят хурсандман мен бугун,
бирок, қувончларим шу қадар кўпки,
жуда кўплик қилар ёлғиз ўзимга.

* * *

Мана биз — сени мен курашмоқда биз,
демак, катта эмас бизнинг фарқимиз.

* * *

Яна ёлғиз келдим, ёлғиз ўзим,
бу уйга ҳам ўша юрагим билан.

Насихат

Йўлингдан адашдингми,
оломонга қўшилиб олсанг бўлди.

* * *

Умид,
Қайга етаклайсан,
Узилмаган умид?
Муаллақ турибман,
Узилиб бўлди-ку

Бари ришталар,
Нега узилмайсан, умид?
Дормисан,
Ё чиндан,
Ёрмисан, умид?!



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

“... Ана ўшалар ҳидоятга залолатни сотиб олгандирлар. Ва тижоратлари фойда келтирмади ҳамда ҳидоят топганлардан бўлмадилар. Улар мисоли бир ўт (машъала) ёқувчига ўхшайдилар. Олов энди атрофни ёритганида Оллоҳ ёруғликни кетказиб, уларни ҳеч нарсани кўрмайдиган ҳолда зулматларда қолдиради. Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Бас, улар ҳидоятга қайтмаслар...”
(Бақара сураси, 16-18-оятлар)



Тоҳир Малик

МУРДАЛАР ГАПИРМАЙДИЛАР

Қисса

МУАЛЛИФДАН

Бутун оламлар Парвардигори Оллоҳга беҳад ҳамд бўлсин ва пайғамбарларнинг охириси — саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга саловот ва саломлар бўлсин.

Албатта, ҳамд Оллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд айтамыз, ундан ёрдам сўраймыз. Ва Оллоҳдан нафсимизнинг ёмонликларидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурмыз. Кимни Оллоҳ ҳидоят этса, уни адаштиргувчи йўк. Кимни Оллоҳ адаштира, уни ҳидоят қилгувчи йўқдур.

Энг улуғ сўзлару энг билимли суҳбатлар ҳам шубҳасиз, Тангри таолога шукримизни керагича ифода эта олмайди.

Яратган Роббимизга шукрлар бўлсинким, сиз — азиз нафис адабиёт муҳҳиблари билан яна диллашиш nasib этипти. Бу сафар ҳам адашган бандалар ҳаётидан аянчли лавҳани баён этишни ният қилдим. Чунки бу синовли дунёда адашган бандалар кўп. Улуғ ва қудратли Роббимиз марҳамат қилиб дерки: “Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шахватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Оллоҳнинг ҳузурда эса хусни қайтар жой бор”. (Оли Имрон сураси, 14-оят.)

Тафсирчи уламоларнинг фикрича, “шахват” сўзи урфда алоҳида маънода ишлатилса-да, аслида ўзаги “иштаҳо” сўзидан олинган бўлиб, кўнгил тусоши, хоҳлашини билдирар экан. Шунга кўра, ояти каримада инсоннинг аёлларга, фарзандларга, бойликка *иштаҳаси* мавжудлиги, яъни шу нарсаларга муҳаббати чиройли тарзда *зийнатлангани* таъкид этилмоқда. “Демак, бу муҳаббат инсоннинг асл табиатида бор экан. Бундай ҳолатнинг бўлиши табиий бир ҳол экан. Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Оллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза этишда, унинг гўзал ва завқли кечилишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун Исломи дини мазкур нарсаларни ҳаром қилган эмас, балки *мубоҳ* қилган. Бу нарсаларни манъ қилишни эмас, *тартибга солишни* йўлга қўйган. Исломи кишиларни тарбия қилиб, шахват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шахватларнинг қули бўлиб

қолмаслиги керак. Балки уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор”¹. Ояти карима “Оллоҳнинг ҳузуринда эса ҳуснли қайтар жой бор”, деб яқунланади. Бу жой — жаннати наимдир!

Мозийда ўтган валилардан бири “Дунё — ўткинчи меҳмонхонадир. Дунёдаги энг улуг бойлик — дунёга берилмасликдир. Дунёни афзал билган киши албатта зиллатга, хорликка ҳукм этилиб, ҳалок бўлур”, деган экан. Яна ровийлар дерларки: дунё ясалган келинчакка ўхшайдир. Кўзлар унга термулган, қалблар унга муштоқ, нафслар эса унга ошиқдур. У маккор эса, барча ошиқларни шафқатсиз ҳолда бирма-бир ҳалок қиладир.

Ҳаётдаги тириклар ўлганлардан, кейингилар олдингилардан ибрат олмаслар...

Ҳисоб-китоб қилинмасдан бурун нафсини тийган киши ютади. Нафси билан гафлатда қолган эса, зарарга учрайди.

Гафлатда қолиб, надомат чекканлар қанча?

Қабристон бизга сукунат олами бўлиб кўринади. Аслида оҳу фарёдлар ўлкасидир! Биз бу фарёдларни эшитмаймиз, билмаймиз. Шу боис, биз майитларнинг кечмишидан ибрат олмаймиз. Агар тинглай олганимизда эди...

“Мурдалар гапирмайдилар”, деймиз. Бизга шундай туюлар? Балки улар гапирарлар, биз эшитмасмиз? Эшитсакми эди...

МУҚАДДИМА

Нафисани қаргадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда!

... шарманда... шарманда...

— Бўғиб ўлдирибди. Худонинг ўзи жазолабди!

... ўзи жазолабди... жазолабди...

Нафисага ачиндилар:

— Тирноққа зор ўтди, бечора...

... бечора... бечора...

Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишиб юрган экан, йигит ўлгур!

... йигит ўлгур... йигит ўлгур...

— Тўрт боласи кўзига кўринмабди-да, ҳаромхўрга!

... ҳаромхўрга... ҳаромхўрга...

Санжарга ачиндилар:

— Қўй оғзидан чўп олмаган бола эди, бечора!

... бечора... бечора...

— Ўзи покиза эди, шайтон йўлдан урган!

... покиза эди... шайтон урмаган... урмаган... бошқа нарса!

Икки мурда ўликхонада текширувчиларнинг ўткир тифини кутиб ётибди. Ҳадемай ўткир тиф уларнинг қорни, кўкраги, бошини ёради. Ўлик ҳужайраларда яширинган ҳақиқатни ўқимоқчи бўлгандай титкилашади. Сўнг “бошига катта нарса билан урилиб, ҳушсизлан-тирилган, кейин эса, бўғиб ўлдирилган”, деган ҳақиқатни кашф этиб, ёрилган ерларини тикиб, мурдаларни эгаларига берадилар.

Нима учун ўлим топганларидан беҳабар қолган икки одам эса, қиёматни кутиб ётмоғи учун қоронғу лаҳадга қўйилади.

Сўнг пичир-пичирлар:

“Хотинларга аралашадиган одати йўқ эди-ку?..”

“Фарқўз эди бу жувон...”

“Ким ўлдирган экан?”

“Эри аввал ҳам бир-икки ушлаб, кечирган экан. Лаллайган бир эркак-да! Бу сафар чидолмабди, бояқиш...”

Биринчи баён: Яшаш ҳуқуқи АРРАЛАНГАН ДАРАХТ

Ўзини осмон тирговичи, деб фараз қилувчи кеккайган дарахт жазосини арра берди: у ўзидан олдинги оғочлар қисматига етди — жон томири узилиб, ерга узала тушди.

Турсунали бу манзарани дастлаб кўрганида ўзининг кечмишини шу дарахт қисматига ўхшатган эди. Унинг қадди ҳам шу оғоч каби адл эди. У макон топган дарахтзор, назарида

1. “Тафсири ҳилол” дан кўчирма.

дахлсиз эди. Бу дарахтзорда истаганича қуёшдан нур эмиши, ҳузурланиб чайқалиши мумкин эди. Томирлари тобора кучлироқ қудрат касб этиб борарди. Аммо кутилмаганда унинг дарахтзорига болта оралади: бир чеккадан чопа бошлади. Навбат ўзига етганида унутилаётган ривоятни эслади. Эмишки, бир ўрмонда болта пайдо бўлиб, дарахтларга қирғиш келтирибди. Оғочлар унга қарши чора тополмай, қари Эмандан маслаҳат сўрашибди. "Болта деганларнинг нима ўзи? У нимадан ишланган?" деб сўрабди Эман. "Болта — темирдан ясалган бир матоҳдир", деб жавоб берибдилар. "Ўзи-ку, темир экан, дастасичи? Дастаси ҳам темирданми?" деб сўрабди Эман. "Йўқ, — дебдилар, — дастаси — оғочдан, ўзимиздан". "Дастаси ўзимиздан бўлса, унга чора йўқ", деган экан Эман.

Турсунали макон топган "дарахтзорда" "болта" пайдо бўлиши билан унга даста бўлишга ошиқувчилар кўпайди. Оқибатда Турсуналининг иддизлари чопилди-ю, совхоз директорлигидан райком саркотиблигига ўтаман, деб ният қилиб турган одам эгнига пахталик калта чопон кийиб, узоқ совуқ ўлкадаги дарахт кесувчилар сафида ўзини кўрди. Уйқусиз кечаларда бу баалога мубтало бўлиш сабабларини кўп ўйлади. Тузини еб тузлигига тупурганларни лаънатлади. Дўст либосидаги илонлар бошини бирма-бир янчишни дилига тугди.

Худонинг қарғиши теккан бу жойларга келгунича бўлган ўтмиш кунларини эсласа, кўз оддини зулумот пардаси қоплайверади. Бу зулумотни гоҳи-гоҳида фақатгина бир нур ёритарди. Бу нур Нафисанинг чеҳрасидан тараларди. Шундай пайтда Нафисанинг димоғидан таралган илиқ нафас унга тириклик шуурини берарди. Азобли кечаларда ҳам кўз очиб кўргани, фарзандларининг онаси, ҳалол жуфтига нисбатан шу Нафисани кўпроқ ўйларди, уни кўмсарди. Бунга баъзан ўзи ҳам ажабланарди. "Нима бу? Шунчалик қаттиқ севармидим?" деб ўйларди. Турсунали шаҳвоний ҳирс билан севги фарқини ажрата олувчи ақлга эга эмасди. Буни синamoқ учун Нафисага нисбатан ёшроқ, гўзалроқ, ишвалари ширинроқ қиз рўпара қилинса, бас эди. У "севги" деб ўйлаб юрган туйғу ўларди-қоларди. Ҳозирча, Нафисанинг биринчи тунда шивирлаб айтган "Мунчалар яхши экансиз", деган гапи қулоғи остида турибди. Ўзга илиқ нафас билан айтилиши мумкин бўлган шундай сўз ўтмиш тотли кечалар юзига қора парда тортмоғи мумкин эди. "Аҳмоқ бўлиб шу жувонга илакишиб юрган эканман. Дунёнинг лаззати бу ёқда экан-ку?" демоғи ҳам аниқ эди.

Аммо ҳозир, у буларни ўйламайди, орзу қилмайди. Унинг дарди ҳам, нияти ҳам бир — тезроқ бу ўлакзордан қутулиш! Қачон, қандай қутулади — бандасига қоронғу. Юртида унинг учун куйиб-еладиган, пул сарф қилиб озодликка чиқариш учун ташвиш чекадиган одами йўқ. Демак, яна ўн тўрт йил маҳбуслик либосида юрмоғи ростга ўхшаб турибди. Турсунали ана шу оғир дард тоғини елкасига ортган ҳолда ўринга чўзилади, саҳар чоғи шу билан қаддини ростлайди. Баъзи эркаклар йиғлайдилар. Баъзилари дардларини айтиб, ҳасрат қиладилар. Турсунали дардини кимга айтсин, кимга йиғласин, кимга ҳасрат дастурхонини очсин?

Бир йигит келиб эди. Истарали бу йигитнинг покиза одам эканини юзидан ёғилиб турган нур ошкор этиб турибди. Турсунали "бу йигитни менга Яратганининг ўзи етказди", деб қувонган эди. Бугун бу қувонч ҳам балчиққа қоришадиганга ўхшаб турибди. Турсунали шу хавотирда дарё томонга қараб-қараб қўяди. Йигитни соҳилдаги қўлбола чайла томонга бошлаб кетганлар. Бу ерга келган кунининг учинчи ё тўртинчи куни Турсунали ҳам шу чайладаги суҳбатга чорланган эди. Ўшанда қўлига болта олиб, арралаб йиқитилган дарахт шохларини энди бутай бошлаган эди. Пачоқбурун бир маҳбус яқинлашиб, ҳе йўқ, бе йўқ:

— Эй, чучмек, юр бу ёққа! — деб буюрди.

Турсунали у дамда осиеликларнинг "чучмек" деб аталишини билмас эди. Шу сабабли мурожаат кимга қаратилганини англамай:

— Менга айтяписизми? — деб сўради.

Пачоқбурун ҳеч бир такалуфсиз Турсунали томонга чирт этиб тупурди-да, лабини кафти билан артди:

— Сенга айтяпман! — деб тўнғиллади.

Чакалак орасидаги ёлғизоёқ йўлдан бораётганида Турсуналининг юрагига ваҳм оралади. У қамоқ лагерларидаги одам ўлдиришлар ҳақида эшитган эди. Бу Пачоқбуруннинг сўхтаси бунчалар совуқ! Онасидан туғилибоқ одамхўрликни касб қилиб олганини башарасининг ўзиёқ айтиб турибди. Ана шу башара Турсуналини қўрқувга солди. Агар ҳозир унга "бу одам қотил эмас, қулфбузарларнинг устаси" деб ҳақ гап айтилса ҳам ишонмаган бўларди.

"Ўлдиргани олиб кетяптими?" деб ўйлади Турсунали. Сўнг "Нимага ўлдиради? Энди-

гина келган бўлсам?.." деб ўзига ўзи тасалли берди. Қамалганидан бери мутелик жанда-сини эгнига илиб, соқчи "юр" деб буюрганда юриб, "ўтир!" деса ўтириб, "қўлингни орқага қил", деса қўлини орқага боғлаб туришга кўникиб қолган Турсунали бу сафар ҳам юввош қўй каби "қассоб" — Пачоқбуруннинг етовида юриб борарди. Турсуналидан қўй ҳам тузук. Қўй қассобни кўрганда маъраб кўяди. Турсунали эса, ақалли бир оғиз гап айтишга ожиз.

Чакалакзордан ўтиб, дарё соҳилига чиқишди. Шох-шаббалардан ясалган қўлбола чайлага яқинлашганда Пачоқбурун орқасига ўтирилиб:

— Шу ерда тўхта! — деб буюрди.

"Юввош, соқов қўй" амрга итоат этди.

Ҳали қуёш кўтарилиб, борлиқни илита олмаган бўлса-да, чайла хожаларидан икки киши ярим яланғоч ҳолда тамадди қилишарди. Пачоқбурун уларга яқин бориб, буйруқ адо этилганини маълум қилгач, хожалардан бири Турсунали томон қараб қўйди-ю, индамай лунжидаги таомни чайнайверди. Пачоқбурун у ерда. Турсунали йигирма қадам бери-да хода ютгандай тик туриб, уларнинг таомдан бўшашларини кутдилар. Ниҳоят, қорин тўйиб, нафс ором олгач, яқинлашмоққа ижозат бўлди.

Турсунали улардан бирини таниди: у ички кўшинлар майори кийимида юрадиган, ош-хонадаги тартибни кузатувчи одам эди. Резина таёғини кўз-кўз қилиб, ўйнатиб юрувчи бу майор тартиб бузувчининг гарданига аямай уриб қоларди. Қўли қичиб турган бўлса-ю, тартиб бузилмаса ҳам шўрвасини хўриллатиб ичаётган одамнинг гарданига тушириб қолишдан тоймасди. Майор ошхонада кимнинг ёнига яқинлашмасин, ўша одам иложи бўлса, овқатни чайнамаёқ ютишга ҳаракат қиларди. Чайналмаган овқатни ошқозон ҳазм қилиб юборар, аммо гарданининг резина таёқ зарбини ҳазм қилиши қийинроқ эди.

Турсунали яқинлашгач, майор ўрнидан туриб, икки қадам наридаги кўкатлар устига ташланган кийимлари ёнидан таёғини олиб, чап кафтига уриб-уриб қўйди-да, унинг орқасига ўтди.

"Уради шекилли?" деб ўйлади Турсунали. Орқадан зарб кутгани учун у беихтиёр букчайди. Ўтирган одам унинг бу ҳолатини кўриб кулди-да:

— Қўрқма, урмайди. — деб овутиди.

Бу одамнинг кулиши ўзига ярашарди. Тимқора кўзлари Пачоқбурунники ёки орқадан турган малла майорники каби ёвузлик билан боқмасди. Қалдирғоч мўйлаби ҳам ўзига ярашган эди. Шу сабабли Турсунали уни маҳбус эмас, шу ернинг катгаларидан деб ўйлади.

— Мен — Тенгизман, ўтир, бугун сен менга кўноқсан.

Бу исмни эшитиб, Турсунали ажабланди. Чунки у келган куниеқ ётоқдаги қўшнисидан "Бу ернинг асл хўжайини полковник эмас, ашаддий ўғрибоши Тенгиз бўлади", деган гапни эшитганди. "Тенгиз" деганлари умри қамоқда ўтган Пачоқбурун каби хунукбашара кекса одам деб ўйлаган эди. Ўздан ёшроқ бир йигитнинг "Мен — Тенгизман", дейиши шу сабабли ҳам уни ажаблантирди.

— Гапимни эшитдингми? Кел, ўтир.

Турсунали итоат билан, худди қайнонасиникига биринчи марта келган уятчан қуёв каби ўтирди. "Ол,е", деган таклифни ўринлатиб бажаролмади. Бир-икки тишлам нон еб, майдаланган гўштга қўл узатмади. Егиси келиб турган бўлса ҳам, кўнгли тортмади. Қамалгунига қадар овқатларнинг сарасини еб ўрганган одам дастурхон устидагиларни сарқит деб билиб, ирганди. Меҳмонга кечикиброқ борса, дархол дастурхон янгиланарди... Энди ўша кунларнинг садағаси кетса арзийди...

Ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирган Тенгиз нафсни енгишга нима сабаб бўлаётганини сезди:

— Ҳазар қилапсанми? Нега емаяпсан?

— Ҳазар қилаётганим йўқ. Қорним тўқ.

— Ҳозирча янгисан. Яна уч-тўрт ой ўтсин, биров чайнаб ташлаган чандирни ҳам кўзингга суртиб ейдиган бўлиб қоласан. Сен менга кўноқсан. Ол,е! Мени ранжитма!

Аввалги таклиф энди буйруққа айлангач. Турсунали беихтиёр гўштга қўл узатди. Бу буйруқдан кейин "қорни тўқ одам" дастурхонни ямлаб ютаёзди. У овқатланиб бўлгач. Тенгиз дастурхоннинг бир учини қайириб ёпди-да, Пачоқбурунга қаради. Буйруққа махтал бўлиб турган мулозим бу қарашнинг маъносини уқиб, дастурхонни йиғиб олди-да, нари кетди. Тенгиз майорга ҳам бир қараш қилганди, у кийимларини қўлтиқлаб, чайла ортига ўтди.

— Тўхтаев, гап бундай, — деди Тенгиз, холи қолишгач.

"Менинг фамилиямни қаердан била қолди?" деб ажабланди Турсунали. Сўнг "қамоқ лагери бошлиғидан устунроқ мавқега эга одамга шуни билиш қийин эканми?" деб қўйди.

— Сен албатта, тухмат билан қамалган бўлишинг керак, а?

Қора булут чоки сўкилиб, бирдан қуёш чарақлагандай бўлди: Тенгиз Турсуналининг кўнглидаги гапни топиб айтган эди.

— Ҳа, тухмат билан қамашди, — деди Турсунали ютиниб.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзини пассажир¹ деб ҳисоблайди. Сени бу ерга тухмат бошлаб келмаган. Хасислик қилгансан. Пупкарларни вақтида мойлаш керак эди.

— Кимни?

— Милисани! Нима, бунақа сўзларга тушунмайсанми?

— Уларни... роса мойлаганман. Бекорга еб кетишди.

— Етарли мойламагансан. Молнинг чанқоғини томизғи билан қондириб бўладими?

— Бизнинг иш Масковнинг қўлида эди. Уларни челақлаб ҳам сугориб бўлмас экан.

— Бўлмайдиган иш йўқ бу дунёда, Тўхтаев! Нима учун Москва сенларга ёпишди, биласанми?

— Йўқ, билмайман.

— Отам раҳматли айтиб берардилар. Уруш маҳалида иккита ўзбекка битта милтиқ беришаркан. "Биттанг ўлсанг, иккинчинг отиб кетаверасан" дейишаркан. Оталаринг шунга ҳам кўнишаверган. Сенлар ҳам оталарингга ўхшаган лақмасанлар. Аҳил эмассанлар. Бир-бирларингни сотишни яхши кўрасанлар. Козел² ҳам кўпроқ сенлардан чиқади. Сенга ўхшаган совхоз директори бошқа ерда йўқми? Муттаҳам, порохўр ҳамма ерда тўлиб ётибди. Бунақалар Арманистонда йўқми? Бе, сенлардан кўра кўпроқ у ерда. Лекин Гобелян у ёққа бормади. Ўзиникига тегмади. Сенларнинг ярмингни қириб ташласа ҳам гинг демайсанлар. Қани, Горбач арманиларга тегиб кўрсин-чи! Москвангни оёғини осмондан қилиб юборишади. Сенлар эса... Тенгиз ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. — Сенлар мишиқларингни оқизиб, "тухматдан қамалдим", деб йиғлаб юраверасанлар. Энди гап шу, билмасанг билиб ол: мен — ўғриман! Очиқда юрганингда меңдақалардан нафратланардинг, а?

— Йўқ... нега?

— Талмовсирама. Биз — ўғрилар, сенларнинг назарларингда энг пасткаш одамлармиз. Аслида эса, сенлар пасткашсанлар. Биз ўғримиз, бу билан фахрланамиз. Билиб қўй: энг ҳалол одамлар бизлармиз. Шунинг учун одамлар тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига фақатгина бизлар эгамиз.

"Честняга" деган сўзни эшитганмисан? Ана ўшалар бизлармиз. Бизда ҳалолликдан бир энлик нари-бери чекинилмайди. Дўстга хиёнат йўқ. Ким бунга журъат этса — боши кетади. Сенларда ҳалоллик борми? Садоқат борми? Йўқ! Ҳеч нарса йўқ! Олдинда икки йўл бор: агар тирик қолсанг, ўн тўрт йилдан кейин уйингга борасан. Умринг қисқа бўлса, шу ерда ўлиб кетасан. Билиб қўй, бу ерда илонлар кўп. Бир чақишда ўлдиради. Агарда хизматимизни бекаму кўст қилсанг, сени илонлардан ўзимиз қўриқлаймиз.

— Нима хизмат буюрсангиз... тайёрман!

— Нима бало, пионермисан, доим тайёрман, дейсан? Сен ўйлаб, шошилмай жавоб бер.

— Шошилсам-шошилмасам, менга суянадиган бир тоғ керак-ку?

— Тоғ дедингми? Яхши айтдинг. Сен суянадиган тоғ бор. Аммо... — Тенгиз жилмайди. Бу жиламайиш аввалгидай беғубор эмас, балки айёрлик ели бор эди унда. — Аммо, суяниш учун тоғ ҳақини тўлашинг керак. Очиқликда ҳар ой маош олармидинг? Ҳа, олардинг. Худди шунга ўхшаб, суянадиган тоғ ҳақини ҳар ойда тўлаб турасан. Сен бутун бикса³ нгга бир малява⁴ ёзасан. Ҳар ойда пул юбориб туради.

— Пул? Қанчадан?

— Буни хатни олиб борган одам айтади.

— Пулни бу ёққа юборадими?

— Бу сенинг ишинг эмас. Пулни бизга тегишли одам бориб олади. Агар шартимизни бажармасанг, аввалига трамвайга қўямиз. Кейин беспредельшик⁵ нинг эрмагига топширамиз.

Эрталабки меҳмондорчилик ана шундай "шартномани имзолаш" билан яқунланди. Шарт

1 Пассажир — тасодифан қамалган одам.

2 Козел — қамоқхона маъмуриятига фаол ёрдамчи.

3 Бикса — хотин

4 Малява — хат

5 Садизмни ҳуш кўрувчи, "қонундаги"ларнинг одатини тан олмовчи, ваҳшийсифат одам.

бажарилмаган тақдирда Турсунали ўзини қандай жазо кутишини кеч ётар маҳалида билди. Ётоқ кўшнисидан "трамвайга қўйиш" нима эканини сўраб, "сени ҳаммомга олиб кириб, йигирма-ўттизтаси галма-гал гаплашиб чиқса — трамвай бўлади", деган жавобни олганида бадани музлаб кетди.

Ҳозир, чайла томонга қараб турган чоғда ҳам шу тадбир эсига тушиб, бир сесканди.

Кеча лагерга олиб келинган йигит Турсуналига хуш ёқиб, "менинг халоскорим шу", деб ўйлаган эди. Ёши йигирма бешни қоралаган бу йигит ўзини Нуриддин деб таништирди. Беш йил муқаддам қамоққа солинган Нуриддин учун бу ер учинчи лагер эди. Бу ерга келгунига қадар аввал Украина, сўнг Туркменистон қумликларида пишган бу йигит яна ўн йил умрини шундай сарсонликда ўтказмоққа маҳқум эди.

Нуриддиннинг дарҳол Тенгиз суҳбатига чорланиши қамоқхона олами қонунларидан узоқ бўлган Турсунали учун тушунарсиз эди.

Тенгиз Нуриддинни дастурхонга таклиф этмади — тоғликлар одатига содиқ қолмай, меҳмонни иззат қилмади. Бир неча дақиқа тик турган ҳолда гаплашишгач, чайладан бақувват йигит чиқди-ю, олишув бошланиб кетди. Тепадан кузатиб турган Турсунали йигитга ачинди. Болтани кўтариб югургиси, уни ҳамоя қилгиси келди. Аммо бу хоҳиш чақмоқ умри каби қисқа эди. Хоҳиш сўниб, жони кўзига кўрингач, ўзини тийди.

— Ҳей чучмек! Сен учун мен ишлайманми?

Бу овоз Турсуналини ҳушига келтирди. Чайла томонга бошқа қарамай, дарахт шоҳларини бутай кетди.

Пастда нима воқеа юз берганини ўнг қоши ёрилган, чап билаги тилинган, бадани мушт ва тепки зарбларидан мўматалоқ бўлган Нуриддин ётар маҳалида айтиб берди.

"ИМОМ ҲАМЗАТ"

Бундай суҳбатга чорланиш Нуриддин учун янгилик эмасди. Чакалакзордан ўтиб, соҳилга яқинлашганида чайладан Тенгиз чиқди. Пачоқбуруннинг амри билан Нуриддин бериқоқда тўхтади. Тенгиз учун рўпарасида туриб олиб, бошдан-оёқ тикилди. Сўнг у томон уч-тўрт қадам қўйди.

— Сенга эш-шак деб лақаб қўйишибди. Нима учун айнан "эш-шак"? — Нуриддин Тенгиз тикилганида кўзларини олиб қочмади. "Сендан қўрқадиган одам эмасман", дегандай тик боққанча тураверди.

— Гапимга жавоб бер: нима учун сени "эш-шак" дейишди?

— Ўзларига ўхшатишмоқчи бўлишгандир.

— Шунақами? — Тенгиз истехзоли жилмайди. — Сен қайсар эмишсанми?

— Беайб Парвардигор. Менда ҳам иллат бордир, валлоҳи аълам?

— Шунақами? — Тенгиз унга янада яқинлашди. — Шеригингни нима учун отиб ташлаган эдинг?

— Аблахлиги учун.

— Кофирлиги учун эмасми?

— Кофирда ҳам виждон, инсоф бўлади. Кофирнинг ҳам ўзига яраша эътиқоди бўлади. У кофир эмас, аблах эди.

— Бубликни танийсан, а?

Танимай-чи?! Нуриддин Туркменистондаги лагерга келганидан то кетгунича у билан ит-мушук бўлиб яшади. Қошу киприкларигача малла бу одамни ҳамма "Бублик" дер, кўпчилик ундан ҳайиқиб юрарди. Нуриддин эса, унга "Маймун" деб лақаб бериб, бўйсунини истамаган эди.

— Бубликни танийсан, — деди Тенгиз ундан жавоб кутмай. — Бублик сендан хафа. Хизмагидан бўйин товлабсан. Нега хизматини қилмадинг?

— Мен унинг қули эмасман.

— Қизиқ... қизиқ.. Сен янглишма, эш... бола, кимдир кимгадир қул бўлиши керак. Бу дунё ўзи шунақа. Сенинг қулиқдан ўзга чоранг йўқ. Ё қул бўлиб яшайсан, ёки ўласан!

— Одамнинг қуллиги тўғри. Лекин сиз ҳам янглишманг. Одам фақат Яратгангагина қулдир. Банда бандога қул бўлмайди. Айниқса, мусулмон кофирга қул бўлмайди.

— Мен Тенгизман! Менинг хизматимни қиласанми?

— Йўқ.

— Ўйлаб жавоб бер.

— Бубликка нима жавоб қилсам, сизга ҳам жавобим шу.

— Мендан қўрқмайсанми?

— Нега қўрқишим керак? — Нуриддин унга тик қараганча жилмайди. — Сиз мени урарсиз, нари борса ўлдирарсиз. Одамлар ўлимдан қўрқадилар. Уларнинг нодонлиги ҳам шунда. Қўрқса-қўрқмаса барибир ўлади-ку! Мен ўлимдан қўрқмайман. Демак, сиздан ҳам қўрқмайман. Мен фақат Оллоҳдан қўрқаман.

— Дурустсан, бола! Аммо ўлимнинг ҳар хили бўлади. Ёшлиқда ўлиб кетавериш алам қилади. Мен, масалан, ҳозир ўлишни истамайман. Ҳали кўп яшашим керак. Кўп одамлар билан ҳисоб-китобим бор.

— Бу сиз билан менинг истагимга қараб бўладиган иш эмас. Бу ёғи тақдир ёзуғимизга боғлиқ. Лекин Худо сизга узоқ умр бериши мумкин.

— Нега? — Тенгиз Нуриддиннинг гапидан чиндан ажабланди.

— Оллоҳнинг ваъдаси бор. Баъзи одамлар янада кўпроқ гуноҳ қилиб олиши учун умрини узоқ қилар экан.

Бу гап Тенгизга ёқмади:

— Ўчир овозингни! — деб жеркиб берди.

— Бу менинг гапларим эмас...

— Ўчир, деяпман! Менга қара, қайсарлигинг учун сенга "эш-шак" деб лақаб беришган. Хўш, эш-шаклигингча қоласанми ё биз айтган йўлга юрасанми?

— Сиз айтган йўлга юрмайман, овора бўлманг.

— Унда ўласан.

— Буни Худо билади.

— Яхши, мардлигинг ҳам бор экан. Майли, сени итдай хорлатиб ўлдирмасман. Лекин эркакдай ўлишинг учун имконият яратиб бераман. Менинг одамим билан яккама-якка олишасан. Танла: мушт биланми ё тиф биланми?

— Танлаш ҳуқуқини сизларга бердим. Одамингизнинг чоғи нимага келса, шундай олишсин.

— Катта кетма, бола! Демак, бундай: аввал мушт билан, кейин тиф билан!

Рақибини пичоқ билан нобуд қилгудай бўлса, бошига балолар орттириши мумкинлигини билган Нуриддин тифни рад этди:

— Иккала имкониятни одамингизга бердим. Мен муштимга ишонаман.

— Катта кетяпсан, бола! Билиб қўй: бу олишувда фақат битта одам тирик қолади.

Тенгиз шундай деб уч қадам чекинди-да:

— Бифштекс! — деб чақирди.

Мушаклари ўйнаб турган баланд бўйли йигит ҳаялламади. Ҳар қандай рақибини қий-малаб ташлашга қодир бўлгани учун "Бифштекс" лақабини олган бу йигит Тенгизнинг биргина имосидан мақсадини англаб, жангга ҳозирланди. Тенгиз ҳали жанг майдонини бўшатмай туриб, кескин тарзда бир айланди-да, рақибининг жағини мўлжаллаб тепмоқчи бўлди. Нуриддин гарчи бу қадар тез ҳамлани кутмаган бўлса-да, жангга шай эди. Шу боис жағини тепки зарбига рўпара қилиб қўймади. Кескин энгашиб, шу аснода муштини ишга солишга улгурди. Бифштекс қучли зарбага мўлжаллаб ҳаволатилган оёғини идора қилишга улгурмай нозик ердан мушт еб, букчайиб қолди. Нафаси қайтиб, инграб юборди. Нуриддин унинг ўзига келиб олишини кутиб, чекинди.

— Пайти келганда уриб қол! — деди Тенгиз.

— Мен номард эмасман, — деди Нуриддин рақибидан кўз узмай.

— Унда ўзингдан кўр. У сенга меҳрибонлик қилиб ўтирмайди.

— Меҳрибонлигига зор эмасман.

— Ростдан ҳам эш-шак экансан! — Тенгиз шундай деб сигарет тутатди.

Сўнг ўзини ҳануз ўнглай олмаётган мулозимининг кетига тепди. — Бир муштлиқ ҳолинг борми, бундан кўра ўлганинг яхшимасми? Бўлдими, кетаверсинми?

— Йў-ўқ! Бу ердан битта одам кетади. Мен ҳозир уни қиймалаб ташлайман. — Бифштекс шундай деб чўнтагидан буклама пичоқ чиқариб, тугмачасини босди; дудама тиф офтобда ялтिलाб кетди.

Нуриддин учун бу биринчи олишув эмасди. Шу сабабли довдираб қолмади. Енгил ҳаракат қилганича Бифштексни чалғитиб, бирин-бирин зарбалар бера бошлади. Фақат бир марта тиф унинг чап билагини тилиб ўтди. Тилинган ердан сизиб чиққан қонни кўриб, Бифштекс мамнун жилмайди. Буни жон олғувчи асосий зарбанинг дебочаси деб ўйлади. Ҳа, чиндан ҳам бу асосий зарбаларнинг бошланмаси эди. Аммо зарбаларни у эмас, Нуриддин берди. Кетма-кет тепки зарбалари унинг ҳаёт-мамотини ҳал қилди: аввал жағи синиб, ияги узилиб учиб кетай деди. Кейинги тепки бўғзини пачоқлади. Нафаси бўғилди. Кўзига қон тўлган Нуриддин унинг бу ҳолини кўрмади. Чаққон сакради-да, иккала оёғи

билан унинг кўкрагини мўлжаллаб тепди. Тепиш асносида ўзи ҳам чалқанча йиқилиб, бир неча нафас ҳушини йўқотди. Ҳушига келгач, тепасида пичоқ санчишга тайёр турган Бифш-текс пайдо бўлишини кутди. Сакраб турмоқчи эди, бадани ўзига бўйсунмади. Яна икки-уч нафас беҳол ётиб, сўнг қадини аста кўтарди. Тўрт-беш қадам нарида узала тушган Бифштексни, тиз чўкканича унинг билагини ушлаб кўраётган Пачоқбурунни, унинг тепасида сигарет тутатиб турган Тенгизни кўриб, олишув якунланганини фаҳмлади.

— Ўлибдими? — деди Тенгиз, сигарет қолдигини нари улоқтириб. — Ўлибдими?! Нега бақага ўхшаб анграясан?

Пачоқбурун тасдиқ ишорасини қилиб ўрнидан турди. Тенгиз орқасига ўтирилиб, Нуриддин томон юрди.

— Кўрдингми? Ўлибди. Энг яхши одамимни ўлдирдинг. Хўш, энди нима қиламиз? Қолган ўн йилингни йигирма бешга айлантирамизми? Ё менга қўшилсанми?

Нуриддин ўрнидан туриб, лабидаги қонни артди.

— Сизга қўшилсам, уришиб ўтирмас эдим.

— Сен олифтагарчилик қилма, барибир синасан.

— Синишдан олдин ўзимни ўлдирман.

Тенгиз бир сўкинди-да, ўгирилиб, Пачоқбурунга бақирди:

— Нимага лалаясан?! Кўтар, дарёга ташла. Кум¹ га бориб, Бифштекс қочди, деб айт.

Кейин лепила² ни бошлаб кел.

Қамоқ лагерининг табиби муолижа қилиб кетгач, Тенгиз Нуриддинни чайлага бошлади. Эски газеталардан иборат "дастурхон" усти бетартиб эди. Пачоқбурун кириб, чала ейилган нон-гўштларни йиғиштириб чиқиб кетгач, Тенгиз алюмин кружкага тўлатиб ароқ қўйди-да, меҳмонга узатди. Нуриддин уни олиш учун қўл ҳам узатмади.

— Ҳа, — деди Тенгиз қошларини чимириб. — Ҳазар қиляпсанми?

— Ичмайман, — деди Нуриддин. Сўнг таранг вазиятни юмшатиш мақсадида қўшиб қўйди. — Шу пайтгача ичмаганман.

— Намоз ўқийсанми?

— Йўқ.

— Унда менга ўхшаган чала мусулмон экансан. Ичмайдиган одамларни ҳурмат қиламиз. Ичишни анави тўнғизларга чиқарган. Бу нима, биласанми?

— Ароқни айтяпсизми?

— Ҳа, сен билан мен буни ароқ деймиз. Аслида бу бизнинг миллатимизни қириб ташловчи атом бомба. Бу энағарлар бизларни қандай қуритишни билишган. Сен билан биз бунинг фаҳмига бормай ичаверамиз, ичаверамиз. Ичиб олиб болаларни туғдираверамиз. Бориб-бориб миллат қирилиб кетганини билмай қоламиз. Сенлар кўпсанлар, унча билинмас балки. Аммо биз каммиз. Ҳадемай қирилиб битамиз.

— Сиз... грузинмисиз?

— Йўқ... — Тенгиз мийиғида кудди: — Мен — аварман! — Тенгиз бу гапни ифтихор билан айтди. — Авар деган халқ бор бу дунёда, эшитганмисан?

Нуриддин эшитмаган эди. Бир оз хижолат бўлгани ҳолда бу ҳақиқатни тан олди.

— Сен мени гуржига ўхшатма. Улар Қофқазни сотишган. Менинг боболарим эса, Қофқазимизни бу кофир тўнғизлардан ҳимоя қилган. Имом Ҳамзат, имом Шомил, Ҳожимуродларни эшитганмисан? Ҳа, эшитмагансан.

— Мен ўқимаганман. Саккизинчини бир амаллаб битириб, далага чиқиб кетганман. Кейин ҳарбийга чақаришиб, Афғонга ташлашди. Кейин бу ерлар... қўлимга битта китоб олиб ўқимаганман сира.

— Унда сени эш-шак деганлари тўғри экан. Қайсарлигинг учун эмас. Ўқимаганинг сабабли эшшаксан. Ўқимаган одамнинг эш-шакдан нима фарқи бор? Сен менинг тарихини билмайсан. Ўзингикини биласанми? Сенинг ҳамзатларинг, шомилларинг борми? Билмайсан! Эш-шак ҳам ўзининг ота-боболарини билмайди. Гапларимга ҳайрон бўляпсанми? "Ўғридан ҳам шунақа гаплар чиқадими?" деяпсанми? Мен ўғри бўлиб туғилмаган эдим. Ота-бобом ҳам ўғри эмасди. Мен ўзимникиларнинг ушоғига ҳам хиёнат қилмаганман. Мен еримга ўғри бўлиб босиб кирганларнинг мол-жонига қирон келтирмаман. Мен ўғри эмас, қасоскор, хунхўрман! Аммо ўғри деган унвонни олганман. Мен учун қасоснинг ўзгача йўли йўқ. Биласанми, мен салкам олий маълумотли файласуфман. Ҳа... мени тўртинчи курсдалигимда ҳайдашган. Ленинградда ўқирдим. Бир профессор бор эди, — Тенгиз шундай деб истехзоли жилмайди. — Николай Александрович Цагоев деган. Қизиқ,

1. Лагер бошлиғи

2. Дўхтир

а? Исми ўрисча, насаби тоғликларники. Кейин билсам асли Назир Алиевич Цагоев экан. Тилимни тиёлмай ўшанга бир куни айтдим: "Муҳтарам профессор, майли, ўзингизнинг исмингизни ўрисча қилибсиз, отангизнинг шундай чиройли исмини нега ўзгартирасиз? Сизда тоғликлар номусидан заррача борми?" дедим. У энавар мени комсомол мажлисига кўйди. Менинг қайсарлигим тутиб, мажлисда аварча гапирдим. Ўша профессорнинг ўзи таржима қилиб турди. Ўрис деганларнинг жазавалари тутганини кўрсанг эди. Қўлларидан келгани — мени комсомолларидан ҳайдашди. Шартга туриб: "Мен аварман! Аварлигимча ўламан! Тупурдим сенларга!" дедим. Шу баҳона бўлиб ўқишдан ҳайдашди. Кейин мен бу "ўқишга" кирдим. Биринчи қилган ишим — Цагоевнинг уйини босдим. Авар князлари ҳам унчалик бой бўлишмагандир. Тоғлик йигитларни ўқишга киритиб кўяман, деб тоза шилар эди у энавар. Уйини шилиб, қолган-қутганини ёқиб юбордим. Ўн йил бадалида икки марта қўлга тушиб, пишдим. Ўн биринчи йили "қонундаги ўғри" мартабасини бериб, менга тож кийдиришди. Энди билдингми, кимлигимни? Бу тўнғизлар мени қул қилиш учун еримга бостириб киришган эди. Энди уларнинг ўзлари менинг қулим. Бифштексни ўлдирганинг учун заррача афсусланмадим. Бу энаварлар қанча кўп ўлса, шунча яхши. Сен эса... яша-шинг керак! Мен сенга "Ҳамзат" деб ном бераман. Шомил билан Ҳожимурод ҳам бизнинг қаҳрамонларимиз. Лекин мен уларни унчалик яхши кўрмайман. Улар охири синишган. Ўрисга таслим бўлишган. Ҳамзат эса, синиш уёқда турсин, ҳатто салгина эгилмади. Жой-намознинг устида боши узилди. Сенда ҳам шунга яқин фазилат кўрдим. Шунинг учун сенга меҳрим тушди. Шунинг учун бу гапларни сенга айтяпман. Аммо сен, бола, қайсарлигингни арзон баҳога сотар экансан. Сен майда-чуйда гаплардан устун тур. Сен миллат учун собит бўлишни ўрган. Шунга ақлинг етадими? Йўқ, етмайди... Афсус, афсус, етмайди. Мен ўзбеклар орасида сенга ўхшаган мардани кам кўрганман. Сенларнинг синишларинг осон. Сен бу ерлардан синмайдиган одам бўлиб чиқ. Кўзларингни очиб, одам бўлиб чиқ! Ҳамзат, бир куни келиб гапларимни эслайсан. Ана шунда бу ўғри унчалик аҳмоқ эмас экан, деб тан оласан.

Ҳаёт-мамот олишуви Нуриддин, эндиликда Ҳамзат учун қутилмаган ҳодиса эди. Қаҳрли ўғрининг бу гаплари эса, мутлақ қутилмаган ҳол бўлди. Бу гапларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилди. Кейинги учрашувларда яна шу ҳақда гап очилармикан, деб кутди. Бироқ, Тенгиз қаҳрли ўғрибоши либосини бошқа ечиб, очилиб гаплашмади. Фақат анча кейин, нохуш воқеалар сўнггида, ажралар маҳалида "Сен менинг ҳимоямдасан. Мен ўлсам, одамларим ҳимоя қиладилар. Сен ўша кунги гапларимни унутмасанг бўлди: асло сина кўрма!" деб таъкидлади.

"МУРИК"

Қамоқ олами ҳаётининг икки йўналиши бор. Биринчисига ҳуқуқ идоралари тартиб берганлар. Буниси қоғозга тушган, муҳрланган. Унга кўп ҳолда амал қилинмайди. Иккинчиси қоғозга ёзилмаган, муҳрланмаган. Аммо унга беҳато тарзда бўйсунилади. Қонундаги ўғрилар томонидан жорий этилган тартиб-қоидаларнинг бузилиши улуғ бир фожиа саналиб, бузғунчи кечирилмайди.

Қамоқхоналар, лагерлар гарчи симтўсиқлар билан ўралиб, қуролли соқчилар билан қўриқланса-да, ўғрилар турли ўлкаларга сочиб юборилган бўлса-да, уларни бир-бирларига боғлаб турувчи ботиний робита ғоят мустаҳкам эди. Белоруссиядаги лагерда бўлаётган гапларни Москвадаги генераллардан аввал Воркутадаги маҳбуслар эшитишарди. "Лагер телетайпи" деб номланувчи хабар хизмати беҳато ишларди. Генераллар ботиний занжир мавжудлигини, унинг ҳар бир ҳалқасини билишса-да, ўзларини билмаганга олишарди. Ҳалқаларни узиб ташлаш қўлларидан келса-да, ботина олишмас эди. Зеро, таъбир жоиз бўлса, ўзлари ҳам шу занжирнинг бир ҳалқаси эдилар.

Тартиб этилган қоидаларга кўра, "лагер телетайпи" Муриқнинг бу томонларга келишини ўн беш кун аввал маълум қилган эди.

Дарахт кесиладиган жой ўзгариб, дарё соҳилидаги чайла ҳам кўчирилган эди. Қуёш ёз фаслига хиёнат қилиб, кузнинг заҳарли нафаси ҳукмини ўтказга бошлагани учун чайлага жойлашган "политбюро"нинг "штаб квартира"си баракка кўчирилган эди. Бу ерларнинг бетайин ҳавоси ўзини намоиш этган — эзиб ёққан ёмғирдан сўнг оз фурсат юз очувчи офтоб баданга ҳарорат беришга улгура олмас ҳам эди. Маҳбусларни қийратиб ташлаган чивинлар келгуси ёзда учрашиш умидида иссиқ уяларига кириб кетганлар. Чивинлар азовидан қутулган маҳбуслар учун шу шилта аёзли мавсум аълороқ туюлар эди.

Эгнига пахтали тўн, бошига телпакни қийшайтириб кийиб олган Тенгиз нам тортган

хашак устида узала тушиб ётганича пинакка кетган эди. Пачоқбурун кириб, унинг оро-мини бузди.

— Нима дейсан? — Тенгиз эснаб, қаддини кўтарди.

— Находкадан ксива бор.

— Ўқи, кимдан экан?

— Гарбуздан.

— Гарбуз? — Тенгиз “ким экан у?” деб ўйлади. Ҳар қанча тиришса ҳам Гарбузнинг ким эканини эслай олмади. Унинг хотираси яхши эди. Бир кўрган одамани, бир марта эшитган исми ўн йилдан кейин ҳам қийналмай эсларди. Ленинградда ўқиб юрган кезлари у бошқа талабалар каби дафтар тутмас эди, муаллимларнинг маърузаларини ёзмас эди, хотирасида сақлаб қоларди. “Менинг дарсимни менсимайсан”, деб даъво қилган муаллимга Ленининг “Фалсафа дафтари”дан бир неча саҳифани ёддан айтиб бергач, дўстлари уни “тирик компьютер”, деб атай бошлаган эдилар. Ана шундай мукамал хотира эгаси Гарбузни эслай олмади. Пачоқбурун хатни ўқий бошлагач, масала ойдинлашди. Пачоқбуруннинг фақат бурни эмас, билими ҳам пачоққина эди. Бешинчи синфда икки йил сабот билан ўқигаг, олтинчи синфга бормай қўяқолганди. Рус алифбосидаги ўттиз уч ҳарфнинг тенг ярмидан кўпрогини, яъни нақ ўн етти ҳарфни эркин ўқий олиш мартабасига етган бу “дониш”нинг ўзига ўхшаш бир ўғри қўли билан ёзилган мактубни ҳижжалаб ўқишини тасаввур қилинг-у, Тенгизнинг чидамига қойил қолаверинг. Аммо Тенгиз ҳам темирдан эмас. Уч-тўрт жумла ўқигунча чидади, сўнг хатни Пачоқбуруннинг қўлидан юлқиб олди. Катак дафтар саҳифасининг бир бурчи йиртилиб, Пачоқбуруннинг бармоқлари орасида қолди. Хатга кўз югуртирган Тенгизнинг юраги баттар сиқилди. Бу одам қўли билан ёзилган хатми ёки сиёҳга ботириб қоғоз устига қўйиб юборилган тайга чумолисининг изларими, буни эксперт аниқлаб бермаса, оддий одамнинг фарқлаши қийин эди. Тенгиз унда-бунда ҳарфни эслатувчи белгиларни кўшиб, бир амаллаб ўқий бошлади:

“Ўғрилар омон бўлсин!

Салом, Тенгиз, салом қориндошим! Сенга етиб маълум бўлсинким, бу мен — Олег “Гарбуз” ман. Сенга ва Иркутск централдаги барча ўғриларга, “Политбюро” аъзоларига, сизларнинг елкадошларингизга биродарлик саломлари бўлсин! Қимматбаҳо саломатликлар қалай? Худо барчаларингизга узоқ йиллар омонлик берсин.

Қариндошлар, жондош ўғрилар, бизнинг Находкада мендан ташқари Валдемар “Олов”, Борис “Шамол” ҳам бор. Биз уч ўғримиз, аммо ҳалигача биронтамиз тож кийиш бахтига муяссар бўлмаганмиз. Малявмнинг дастлабки сатрларидаёқ ўз муроду мақсадимни баён қилай: мен сиз меҳрибон ўғриларнинг бирингизга ука, бирингизга дўст, улуғларга эса ўғил ёки жиян бўлиб, мўътабар ўғрилар оиласининг тенг аъзоси сифатида қаторларингизга кирмоқликни орзу қиляпман. Мен бундан буёнги ҳаётимни ўғрилик меҳробига атадим. Бундан буён сиз меҳрибон зотлар билан елкама-елка туриб, барча дарду аламларни бирга тотмоққа, тенг баҳам кўрмоққа қарор қилдим.

Қадрдоним Тенгиз! Мен қамоқда ҳали кўп ўтираман. Ўғриларнинг муқаддас оиласига аъзо бўлсам, “қонундаги ўғри” тожига лозим кўрилсам, балки қолган умримни ҳам қамоқда ўтказарман. Бу масалада сизлар нима ирода қилсангиз, шу бўлади. Мен озодликда юрганымда сизлар ҳақингизда кўп эшитганман. Сизлар томонга интилганман. Бироқ, сизлар билан юзма-юз учрашиш бахти менга nasib этмади. Хатимни ўқиб бўлгач, барча камчилигу гуноҳларимни ёзиб юборарсизлар. Сизнинг кўрсатмаларингизга амал қилиб, бундан кейинги ҳаётим масалаларини ўғрилар қоидасига хилоф қилмаган ҳолда ечиб борайин. Мен қандай оғир кунларда сизларни безовта қилаётганимни билиб турибман. Илтимосим қабул қилинган тақдирда рўпарамда қандай машаққатлар турганини ҳам ҳис этияпман. Бу сатрларни ёзиш ҳам менга осон бўлмади. Бу хат ўзимнинг ҳаётим хусусидаги бир ҳўқмдир. Сўнгги нафасимга қадар ўғриларнинг улуг оиласига содиқ қул бўлиб хизмат қиламан. Агар у дунёда ҳам ўғрилик ҳаётини давом эттириш лозим бўлса, у дунёда ҳам фақат ўғрилар оиласига қулман.

Азиз ва қондош ўғрилар! Энди ўзим ҳақимдаги маълумотни ёзай: мен тулаликман. Биринчи марта 1978 йил 2 март кунни машина ўғирлаш пайтида қўлга тушиб, олти йилга қамадим. Бир йилдан сўнг ўсмирлар қамоқ лагеридан катталарникига ўтдим. Икки йил Ярославда ўтирдим. Сўнг “Этап” билан Львовга юборилдим. Зеквагонда Серёжа “Оққуш” билан танишдим. У менга кўп нарсаларни ўргатди. Львовда эканимда ўғрилар курултойи бўлди. Саксон тўртинчи йилда озодликка чиқдим. Ўн беш кундан сўнг 212-модданинг учинчи банди билан яна беш йил беришди. Ҳали Туладаги қамоқда эканимда ўғриларнинг курултойи бўлди. Витя “Калина”, Султон Чечен билан шунда танишдим. (Султонни Худо

раҳмат қилсин, ётган ери момиқ бўлсин!) Султон мени лагердаги тартибга бошлиқ қилиб кетди. Кўп ўтмай промзона комендантга ўлдирилиб, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлди. Комендант зонада қанжиқ-мусорларнинг қурултойини ўтказмоқчи эди. Менинг бўйнимга ҳеч нима олиша олмади. Аммо Тверга боргач, яна бир ярим йилни бўйнимга олишди. Бу ерда бошқа ўғрилар бўлмагани сабабли сизларнинг биродарингиз Остап "Жанжал" бу ердаги тартиб-ингизомни бошқаришни менга топширди. Бу ишонч мен учун катта бахт эди!

Учинчи марта банкка ҳужум қилганимда қўлга тушиб, мана шу ерда ўтирибман.

Илтимосимга жавобни сабрсизлик билан кутаман.

Сиз- энг меҳрибон, энг ҳалол ўғриларга мустақкам соғлиқ ва озодлик тилайман.

Сиз улуғ зотларни ғойибона бир-бир бағрига босувчи тулалик Олег "Гарбуз". 26.08.1988.

Находка."

Тенгиз хатни ўқиб бўлгунича кўзлари тиниб, гарданида оғриқ пайдо бўлди. Аввал миждаларини енгил уқалаб, сўнг гарданини силади. "Битхат бўлса ҳам гапларни топиб ёзаркан. Агар ўзининг калласидан чиқариб ёзган бўлса, аҳмоққа ўхшамайди, — деб ўйлади Тенгиз. — Лекин... нима учун шу пайтгача у ҳақда эшитмаган эканман?" Тенгиз шу хаёл билан Пачоқбурунга қаради. У буйруққа маҳтал ҳолда сомелик ила турарди.

— "Политбюро"ни тўпла.

Эътиборли ўғриларни ярим соат ичида тўплаб келиш учун Пачоқбурунга шу қисқа буйруқнинг ўзи кифоя қилди.

"Политбюро" деганлари тождор ўғрилардаги иборат кенгаш эди. Гарчи Тенгизнинг обрўси қамоқ лагери бошлиғидан ҳам баландроқ бўлса-да, айрим масалаларда бу кенгаш ҳукмига хилоф иш кўришга ҳуқуқи йўқ эди. Бифштекс ўлдирилгандан бери "политбюро" йиғилмаган эди.

Ҳа, ўшанда Тенгиз бир адашди. У аслида Нуриддиннинг адабини бериб қўймоқчи эди, сўнг ўзи томон оғдирмоқчи эди. Ҳирсдай Бифштекснинг бир тепки билан ўлиб қолиши хаёлига ҳам келмаган эди.

Лагерда Бифштекснинг "қочгани" ҳақида хабар тарқалиши билан Валера "Қўтос" деб лақаб олган политбюро "оқсоқоли" Тенгизни чақиртирди. "Қўтос" қолган умрини қамоқ лагерига бағишлаган ўғрилардан эди. У озодликка чиқишни истамасди. Қамоқ муддати ниҳоясига етай деганда бир қилиқ чиқарарди-ю, ўзининг таъбири билан айтилганда, "курорт" мавсуми чўзиларди". Унинг асосий вазифаси — келажақда улуғ ўғри бўлиб етишиши мумкин бўлган йигитларни аниқлаб, тарбиялаш эди. Шу жиҳатдан қаралганда Нуриддиннинг тарбияси билан аввал "Қўтос" шуғулланиши лозим эди.

Қўтоснинг йўқови Тенгиз учун кутилмаган бўлмади. Бугунми-эртами барибир рўпара бўлишини билиб, жавобларни тайёрлаб қўйган эди. Аммо "Қўтос"нинг белгиланган баракда якка ўзи эмас, "политбюро" аъзолари билан биргаликда кутиб олгани Тенгиз учун кутилмаган ҳол бўлди. Хаёлига "нима бу, тўнтаришми?" деган фикр чақмоқ нуридай урилди-ю, ўша заҳоти сўнди. Чунки Тенгиз шундай бўлган тақдирда ҳам оғир аҳволда қолмаслигини биларди. Бунга ўхшаш исёнларнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйгани учун хотиржамлигини йўқотмади.

Қофқазлик тождор ўғрилар билан ҳазиллашиб бўлмаслигини билган "политбюро" аъзоларида Тенгизга қарши бир иш юритиш фикри йўқ эди. Улар фақат Бифштекс тақдирини ойдинлаштириб олмоқчи эдилар.

Тенгиз остона ҳатлаши билан Қўтос ўрнидан турди-да, унга пешвоз чиқди.

— Княз, сен хафа бўлма, фавқулодда ҳол бизни тўпланишга мажбур этди, — деди у, Тенгизга қўл узатиб.

Қофқазлик тождор ўғрилар ўзларининг келиб чиқишларини машҳур князларга боғлаганликлари учун асосий лақаблари қолиб, ҳурмат юзасидан уларга "княз" деб мурожаат қилиш ўғрилар оламида одат тусига кирган эди. Бу одат барча князлар қаторида Тенгизга ҳам ёқар эди. Етти пушти олиймақом хонадонга йўламаса ҳам у ўзини чинакам княз ҳис қиларди. Қўтоснинг "княз" деб мурожаат қилиши эса, вазиятнинг айтирли кескин эмаслигига далолат эди.

Тенгиз йиғилганлар билан бирма-бир кўришгач, тўрга ўтди. Қўтос унинг ёнига ўтирди. Тенгиз сигарет тутатгач, Қўтосга юзланди:

— Нима бўлди?

— Бизни Бифштекс қизиқтиряпти. У ҳамиша сенинг ёнингда бўларди?

— Ҳа, бўларди, — деди Тенгиз хотиржам равишда. Сўнг худди оддий бир хабарни эслагандай кўшиб қўйди: — Ўлмасидан илгарии...

— Ўлдими? — Қўтос ажабланиб, тўпланганларга қараб олди. Улар ҳам ҳайратларини

яширмай Тенгизга тикилишди. Лагер ҳаётида бировни ўлдириш ёки итдай ўлиб кетиш айтарли ажабланиш ҳол эмас. Тождор ўғриларни ҳайратга солган нарса — яқин одамларнинг ўлими тафсилотидан вақтида хабар топмаганларида эди. Агар шерикларига бу оламга бегона кимса қасд қилган бўлса, кечиктирмай жазолашлари шарт. Тенгиз уларнинг бу фикрини ҳам уқса—да, жавобга шошилмади. Сигаретни яна икки-уч чуқур-чуқур тортиб, нафсини ором топтиргандан кейингина жавоб берди:

— Ҳа, ўлди. Бир мишиқини эплай олмади. Адабини бериб қўй, дөвдим, бир тепкини кўтара олмай, ўлди. Бола бало экан.

— Ким? Сен уни ўлдирдингми? — Бу сафар Қўтоснинг овозида таҳдид сезилди.

— Айб у болада эмас.

— Кимлигини айт бизга!

— Билишга қизиқаётган бўлсаларинг айтаман: “Эш-шак”, Бубликка эгилмаган бола.

— Уни менга қўйиб беришинг керак эди?

— Бўлар иш бўлди энди. Мен синаб кўрдим — мард бола экан. Яхшилаб тарбия қилсанг зўр ўғри чиқади ундан. Аммо у энди “эш-шак” эмас, номи “Ҳамзат” бўлди.

— Нега?

— Мен шуни хоҳладим.

— Княз, сен ҳақдиндан ошма! — Украина томонларда Кошак номи билан машҳур бўлган ўғри Тенгизнинг сўзини дағаллик билан узди. — Сен мусулмонингни ҳимоя қилиб, зўр йигитни ўлдиртириб юбординг!

Тенгиз сигаретни тутатиб, унга тутун орасидан кўзини сал қисиброқ қаради:

— Кошак, билмасанг билиб қўй: менинг диним ҳам, миллатим ҳам — ўғри! Қўтос, сен бунга тушунтириб қўй, — Тенгиз шундай деб ўрнидан турди. Остонага еганида тўхтаб, орқасига ўтирибди: — Кошак, билиб қўй, бу оламда фақат биттагина ЎФРИ деган миллат бор. Бу миллат олдида бошқалари сариқ чақа. Агар шунга ақлинг етмаса, сен ўғри эмассан, мужиксан! — Тенгиз эшикни бир тепиб очди—да, ташқарига чиқди. Уч-тўрт қадам юриб тўхтади. Унинг фикрича, ҳозир ордидан Қўтос чиқиб келиши лозим эди — янглишмади.

— Княз, сен хафа бўлма. Кошакка етадиган аҳмоқ бу дунёда кам топилади. Аҳмоқона гапларни кўп гапиради—ю, аммо юраги тоза бола. Кўнглида кири йўқ. Сенинг нима учун аччиқланганингни тушунмай ўтирибди, у аҳмоқ! Тушунганидан сўнг ўзи келиб сендан кечирим сўрайди.

— Хафа эмасман, — Тенгиз шундай деб жилмайди, — оиламизга бир-иккита шунақа довдир ҳам керак. Бўлмаса, яшашнинг қизиги қолмайди.

— Тўғри айтасан. Унга шу ерларда чидаш мумкин. Озодликда бунга шерик бўлганнинг шўри қурийд.

Қўтос тўғри айтган эди — Кошак икки кундан сўнг Тенгиздан узр сўради. Ўзининг ҳам дунёда ягона ЎФРИ миллатидан эканини баён қилди.

Ана ўша воқеадан бери “политбюро” энди расмий кенгашга чорланган эди. Олег “Гарбуз”нинг илтимосномасини ўқишдан аввалроқ Тенгиз “политбюро”ни қақришни режа қилиб қўйган эди. Кеча оқшомда қўлига етиб келган бир хабар уни “политбюро” билан маслаҳатлашишга ундаган эди.

“Политбюро” тўплангач, Тенгиз ўтирган ерида уларга бир-бир қараб чиқди.

— Князларим, — гарчи қоғқазликлардан бошқалар бу номга даъво қилмасалар—да, Тенгиз уларга бўлган ҳурматининг баланд эканини билдириб қўйиш учун гапини шундай бошлади, — князларим, бутун биз икки муҳим масалада ягона қарорга келишимиз керак.

Тенгиз биринчи масала деб Олег “Гарбуз” илтимосини баён қилди. У гапини тутатмаёқ Кошак эътироз билдирди:

— Онаси ўн марта қайта турса ҳам ундан ўғри чиқмайди, — деди у столга кафти билан уриб—уриб қўйиб, — Козел у! Бошқа гап йўқ! Тулада нима учун сувдан қуруқ чиққан? Козел эди! Промзона коменданти бизнинг одам эди. Ҳеч қанақанги қанжиқ—мусорларга алоқаси йўқ эди.

— Аниқ биласанми? — деб сўради Қўтос.

— Ўшанда мен Курскда эдим. Аниқ биламан.

— Мен “Гарбуз” деганини энди эшитяпман. Козел нима учун шу пайтгача жазосиз юрибди?

— Тутқич бермаётгандир—да. Агар унга тож кийдирсак, ҳаммамиз расво бўлаемиз.

— Агар козел бўлса... агар айёр бўлса... — Тенгиз ўйланиб қолди, — бошқа лагерларга ҳам шунақа хат ёзгандир? Тезда аниқлаш керак. Қўтос, ўзинг шуғуллан бу иш билан.

Агар шундай қилган бўлса, бошига тож ўрнига сиртмоқ илиш керак. Илинганда ҳам пинҳона эмас, шов-шув билан осиб ўлдириш керак. Бошқа козеллар ўзларини нима кутаётганини билиб қўйишсин. Биринчи масала — тамом. Энди иккинчиси — биз томонларга "Мурик" келаётган эмиш, — Тенгиз шундай деб ўтирганларга савол назари билан боқди.

— Мурик? Ким у? — деб сўради Қўтос.

— Билмайсизларми? — Тенгиз истеҳзоли жилмайиб, ён чўнтагидан бир варақ қоғоз олди: — "Чўмич" — Слава Галиулин. Мур! га хизмат қила бошлагани учун лақабини ўзгартириб, "Мурик" деб қўйишибди. Ма, ўқи, — у шундай деб, хатни Қўтосга узатди.

Қўтос мактубга кўз югуртириб, бош чайқади-да, сўнг овоз чиқариб ўқий бошлади:

— "Иркутск централидаги ҳалол биродарларимизга саломлар бўлсин. Салом йўлловчилар — Псков лагеридаги ўғрилар — сизларга омонлик тилайдилар. Қадрдон ўғрилар, бу шошқич хатимиз билан сизларни огоҳ этамиз: биз билан "Чўмич" — Галиулин бирга бўлди. Билиб қўйингларки, у бизнинг пок ва муқаддас номимиз — ўғри номи билан яшириниб юрган бир қанжиқдир. Ҳа, у билиб қўйинг, У ЎҒРИ эмас, у қанжиқдир! Ўғри номига иснод келтиргани учун уни фақат қанжиқ ёки АБЛАҲ деб аташ мумкин. Ўзини ҳурмат қилувчи ҳар бир ўғри, ҳар бир маҳбус у билан шу номига яраша муомалада бўлиши керак. Шу билан бирга барча қанжиқликлари учун жазосини олиши шарт! Яна билиб қўйингларки, Москвада ўғрилар қурултойи бўлиб ўтди ва Чўмичга нисбатан қарор қабул қилинди. Қарорга биноан, у ҚАНЖИҚ деб эълон қилинди. Москва пупкарларига хизмат қилгани учун унга "Мурик" деб ном берилди. Уни қабул қилганларингда шу қарор ёддан кўтарилмасин.

Псковда биз олти ўғримиз: Като, Куёв, Йўлбарс, Сибир, Авлиё ва Олов барчаларингизга озодлик тилаб қоладилар."

Қўтос ўқишни яқунламай, Кошак стол устига мушт уриб, тўнғиллади:

— Чўмич келиши билан менга берасанлар. У билан озгина ҳисоб-китобим бор.

Бу гапни эшитиб, Тенгиз унга тикилиб қолди. Сўнг кенгаш аъзоларига савол назари билан бир-бир қаради:

— Хўш, Муриқни Кошакка берамизми? — Тенгиз шу саволни ўртага ташлаб, сукут қилди. Ўтирганлардан садо чиқмагач, давом қилди; — Биз ўғриларнинг бир аҳмоқлигимиз бор. Фақат ўзимизнинг ҳисоб-китобимиз билан қизиқамиз. Ўғриларнинг муқаддас олами билан эса ишимиз йўқ. Оиламиз қанжиқлар билан тўлиб кетяптими, ириб кетяптими, сасиб кетяптими — ишимиз йўқ. Хўш, Кошак, Муриқ сеники. Нима қиласан, ўлдирсанми?

— Қийнаб ўлдираман.

— Ана шу-да! Нима учун қанжиқлик қилган, нима учун қамалиб бу ёқларга юборилди? Билиш керакми? Гап шу: Муриқ келаверсин. Юраверсин.

Биз эса, гўё ҳеч нима билмаймиз. Биладиганимизни билиб олайлик, ана ундан кейин у Кошакники. Истаса хомича есин, истаса пишириб есин. Бошқа гап йўқ. Таклифларинг бўлса айтларинг.

— Таклиф бор, — деди Кошак тиржайиб. У мажлис қароридан мамнун эди, шу боис бир ҳазил қилгиси келди. Сўзлашга ижозат берилгач, ўрнидан туриб, ёқасини тузатган бўлди: — Ўртоқ коммунистлар, мажлисимиз номидан КПСС бош котиби Горбачга табрик телеграммаси юборсак.

Бу ҳазил тўмтоқ болта билан ўтин ёришни эслатса-да, ўтирганлар Кошакка қараб жилмайиб қўйишди. Тенгиз ҳам кулимсираб, унинг бу ҳазилига яқун ясади:

— Яхши таклиф. Телеграмма ёз-да, юмалоқ муҳр ўрнига нозик ерингни боса қол.

"Политбюро" мажлиси шу тарзда кулгу билан яқунланди. Орадан тўрт кун ўтиб, Муриқ ташриф буюрди. Унга қадар "лагер телетайпи" орқали Тенгиз муҳим маълумотлар олди.

ХИЁНАТ

Матлуба эридан хат олиб келган йигитга бошдан-оёқ разм солди. Аввалига "қамоқда бирга ўтирганмикин?" деб ўйлади. Аммо хушрўй йигитнинг жилмайиб қарашида, рангирўйида қамоқнинг совуқ нафасидан асорат йўқ эди. Йигит "ичкарига кириш", деган таклифдан сўнг таранг қилмай, жувонга эргашди. Турсунали қамалишидан илгари, амал оти-

ни суриб, жавлон ураётган маҳалларда бу уйни кўрган одам орадан бир йил ўтиб-ўтмай яна остона ҳатлаб ичкари қадам қўйгудай бўлса, "ёпирай, кеча ўғри уриб, шип-шийдам қилган шекилли", деб ёқа ушлаши тайин эди. Кўзни қамаштирувчи гиламлар, қандиллару жавонлар энди йўқ. Матлуба эри қамоққа олинб, мол-мулки хатта тушганига қадар яширишга улгурганини яширди. Қолгани эса, мусодара қилинди. Уй хўжалик ихтиёрида бўлгани, Матлубанинг ўзи шу хўжалиқда ишлаётгани учун тортиб олинмади. Янги директор инсоф қилиб, уларга "уйни бўшат", деб тиқилинч қилмай, янгисига жойлаша қолди.

Матлуба дардини айтишни билмай, тўрт девор орасида тўрт боласи билан кун кечиб юрган эди. Давлат бойликни тортиб олгани билан Худо болаларининг ризқини қиймас экан. Гиламсиз, биллур қандилсиз уйда ҳам яшаш мумкин экан. Дунёда тирик бева фақат у эмас экан. Тирик етимлар ҳам кўп экан. Эри қамалган хотиннинг жони чиқиб кета қолмас экан. Отаси қамалган болалар тақдирга тан бериб яшайверар экан улғаяверар экан...

Қамоқ — жиноятчи учун жазо. Бу дунёда жиноятга дахли йўқ одамлар учун ҳам жазо бор экан. Балки ҳаром луқмага шерик бўлгани учун бундай жазо жоиздир? Матлуба буни билмайди. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган. Бунга кейинроқ ақли етади. Ҳозир билгани — қўлидаги хатда ёзилган гаплар... Яъни ҳар ойда "солиқ" тўлаб туриш.

Матлуба хатни тўрт марта ўқиб чиқса ҳам тушунмади. Йигитга савол назари билан тикилиб қолди.

— Чексам майлими? — деб йигит хотиржам равишда. У жувоннинг ҳайрат исканжасида эканини билиб турса-да, парво қилмади. Уй бекаси бош ирғаб "чекаверинг" дегаҳ, лабига сигарет қистирди. Аммо ўт олдирмай туриб сўради: — Тинчликми? Нима деб ёзибдилар?

— Нима деб ёзганларини... билмайсизми?

— Мен бировнинг хатини ўқимайман, — йигит шундай деб сигаретини тутатди.

— Хатни ўз қўллари билан ёзиб сизга бердиларми?

— Йўқ. Менга биродарларим келтиришди. Мен эрингизни танимайман. Менинг вази-фам — холис хизмат.

— Солиқни... сизга тўлайманми?

— Ҳа, солиқними? — Йигит жилмайди. — Ҳозирча менга. Мен келолмасам бошқа одамни юборишади.

— Юборишади? Ким юборади?

— Буни билишингиз шарт эмас.

— Мен... тушунолмаяпман?

— Тушунолмаяпман? Майли, яхши хотинга ўхшайсиз, сизга тушунтириб бера қолай: сизга эр керакми? Ҳа, албатта керак. Сизга эр керак бўлмаса ҳам болаларингизга ота керак. Демак, у қамоқдан соғ-саломат қайтиши шарт. Қамоқда эса, опагинам, кўп одамлар бекордан бекорга ўлиб кетади. Бировлар битта кичкинагина тошга қоқилиб ҳам ўлиб кетар экан. Бахтсиз ҳодисалар кўп-да. Қамоқдаги биродарларимиз эрингизни ҳимоя қилишади. Унинг битта туки ҳам бекорга тўкилмайди. Сиз "солиқ" деяпсиз-у, аслида ундай эмас. Бу хизмат ҳақи. Ҳукумат қоровуларга ҳам маош тўлайди-ку, тўғрими? Ана, сиз ҳам шунақа тўлайсиз-да.

— Қанчадан тўлайман?

Йигит дарров жавоб бермади. Тутатиб бўлгач, кулдон ўрнига қўйилган ликопчага сигарет қолдиргани босиб эди-да, тўланажак хизмат ҳақи миқдорини айтди. Буни эшитиб, Матлуба бир сесқанди. "Хато эшитмадимми?" деб сўради.

— Бир йилгами?

— Эрингизнинг жонини ҳурмат қилмас экансиз, опагинам. Ҳар ойда тўлайсиз. Балки уч ойлигини, балки ярим йиллигини қўшиб олдиндан тўларсиз. Олдиндан тўласангиз, бир оз камайтирамиз, буни ўзаро келишиб оламиз.

— Менда бунча пул йўқ... Топганим болаларим...

— Опагинам, сиз топган пулингизни болаларингизга ишлатаверинг. Сиз бизга эрингиздан қолганидан чўтал бериб турсангиз етади.

— Эримдан... ҳеч нарса қолмаган... Бори шу — кўриб турганингиз. Давлат ҳаммасини тортиб олди.

— Давлатга туҳмат қилманг. Бизнинг давлат, опагинам, одил давлат! Билмасангиз билиб олинг. Ҳеч қачон ҳаммасини тортиб олмайди. У-буни яшириб олишга имкон беради. Тўртта болангиз бор, а?

— Ҳа... — Матлубанинг кўнглига ёмон фикр келиб, қўрқиб кетди:— Нимага сўраяп-сиз?

— Шунчаки қизиқдим. Улар ҳам оталари қайтгунича соғ-саломат юришлари шарт. Ота қамолдан қайтса-ю...

— Болаларимга тегман! — Матлуба беихтиёр шундай деб бақириб юборди. Муштла-ри ўз-ўзидан тугилди.

— Опагинам, ўзингизни босинг. Бизлар одамхўр эмасмиз. Биз сиз берган хизмат ҳақи эвазига ўзингизни ҳам, болаларингизни ҳам ҳимоя қиламиз. Пул кетса кетсин, жон кет-масин. Менинг яна ярим соат вақтим бор. Биринчи хизмат ҳақини бугун олиб кетишим керак.

— Ҳозир йўқ менда бунақа пул.

— Сиздан ҳозирроқ талаб қилаётганим йўқ. Ярим соат вақтим бор, деяпман-ку? Бўла қолинг, қимирланг.

Бу гапдан кейин ҳам Матлуба бир неча дақиқа ҳаракатсиз турди. Йигит эса, бошқа гапга ҳожат йўқ, дегандай индамасдан ўтираверди. Матлуба "Ярим соат вақти бўлса кўчага чиқиб, машинасида ўтира қолмайдими?" деган фикрда унга қараб-қараб қўйди.

У "уйда пулим йўқ" деб ёлгон сўзлаган эди. Аслида эса, "бирор кунимга асқотар" деган умидда яшириб қўйгани бор эди. Аммо бу йигит шундай ялпайиб ўтираверса, у қандай қилиб олади? Ундан ташқари бу йигитнинг айтганлари шунчаки пўписами ё жид-дийми — ҳали тўла фарқига боролгани йўқ. Дастлаб бу йигит кўзига хушрўй кўриниб эди. Эндиги ўтириши эса... "Ҳе, гўлаймай ўл!" деб ичида қарғади.

— Ярим соат... Бировдан сўраб топгунимча... Бир-икки кундан кейин келсангиз... то-пиб қўярдим.

— Келиб-кетиш осон эканми? Мен аммангизнинг қишлоғидан келганим йўқ. Хўп, майли, бир-икки кундан кейин мен келмайман. Ўзингиз борасиз.

— Ўзим бораман. Қаёққа?

— Баҳонада адангизни кўриб келарсиз?

— Адамни... биласизми?

Йигит истеҳзо билан кулди.

— Лақма хотин экансиз. Уйингизни тўғри топиб келган одам адангизнинг икки йилдан бери палаж бўлиб ётганини билмайдими? Хуллас, икки кундан кейин адангизникида кўри-шамиз. Исми Хурсанали, сиз ишлаётган совхознинг ҳисобчисиман. Тушундингизми? Бизнинг сиз билан бўладиган ҳисоб-китобмизни биров билмаса фақат ўзингизга фойда. Милисадан умид қилманг. Милиса сизга эмас, бизга хизмат қилади. Биз сизга ўхшаган-лардан хизмат ҳақи тўплаб, ҳатто ўша Масковдаги генералларгача боқамиз. Шунинг унут-масангиз бўлган. Сиз билан биз энди бегона эмасмиз. Ҳа, айтмоқчи, бизда "бир-икки кун сабр қилинг", деган гап бўлмайди. Бир сафар майли, кечираман. Бундан кейин ҳар кун учун юз қўшилади. Ақл билан иш юритсангиз ҳамёнингиз зарар кўрмайди. Эрингиз унда тинч, сиз бунда бола-чақаларингиз билан тинчсиз. Худо бераман деса шу-да!

Йигит ўрнидан туриб, эшик сари юрди. Остонага етгач, орқасига ўтирилди:

— Меҳмондўст эмас экансиз. Майли, хафа бўлмайман. Ош-чойга қарздорсиз, унут-манг, — ўзини Хурсанали деб атаган йигит бир жилмайиб қўйгач, ташқарига чиқди.

Матлуба унга хайр ҳам демади, кузатиш учун остона ҳам ҳатламади.

Йигитнинг худди бало чақинидай келиб-кетиши унинг ҳушини олди. "Турсунали акам-дан хат олиб келдим", деб жилмайганида истаралигина бўлиб кўринган эди. "Ош-чойга қарздорсиз", деб чиқаётганида кўзига исқирт бир суллоҳ бўлиб кўринди. "Ким ўзи бу? — деб ўйлади Матлуба.

Ўғри десам, ўғрига ўхшамайди. Башараси бип-бинойи. Балки чўнтаккесардир ё кал-лакесармикин? Унақага ҳам ўхшамайди. Ё адаси мени синаб кўрмоқчи бўлиб бирор та-нишини ишга солдимикан? Э, йўқ. Шунақасига синайдими? Синагиси келса, "менга вафо қиладими-йўқми?" деб синар. Ўзига ўхшаган бирорта шилқимни юборар. Менга илмоқ ташлатиб кўрар... Э йў-ўқ... Қоранг ўчгур Нафисаси билан шармандаси чиққанидан ке-йин мандан вафо талаб қилиб гўрга борсинми?.."

Нафисанинг номи эсига тушиб, баттар туюқиб кетди. Стол устида турган пиёлани олиб деворга қарата отди. Пиёла деворга тегиб ҳам, тахта устига тушиб ҳам синмади.

— Ҳу кўзларинг гўрда чирисин!

Бу қарғишни овоз чиқариб айтди. Назаридан Нафиса ишвали кўзларини сўзиб қараб тургандай бўлди. Бир қарғиш билан юрагидаги дард кўтарилмай, иккинчисини айтди:

— Афт-башаранг гўрда илон-чаёнларга ем бўлмаса, рози эмасман!

О, аёл қалби! Дунёда мавжуд барча фожиалар сел бўлиб ёпирилса чидар-у, аммо эрининг хиёнатига сира-сира чидай олмас! Айниқса, бу хиёнат ўз уйида, ўз тўшагида содир этилса, юракда ёна бошлаган оловни ҳеч нима ўчира олмас.

Эрининг хиёнаткор, бузуқ экани Матлубага кўндан маълум эди. Ҳали бў "қоранг ўчгур Нафиса" пайдо бўлмаёк, бир унга, бир мунга шўнғиб юришидан гумон қиларди. Гумони исбот топганида жанжал кўтарман, дедию, эспай олмади. "Чидасанг шу, — деди эри. — Мен сенга ялиниб уйланмаганман, ўзинг хуштор бўлиб теккансан. Мен битта хотинга қаноат қиладиган эркаклардан эмасман. Кўнглинг совутган бўлса, ана, орани очиқ қилгину отангникига жўнайвер. Райкомга дод-вой деб борасанми, ундан наригами, менга барибир. Мендан олса амалини олади. Сен эса, эрдан айрилсан. Иккита бола билан сени биров олармикин? Менга тегишда отангнинг розилигини олмагансан. Кетсанг, отангникига ҳам сизмайсан. Ундан кўра нафасингни чиқармай яшайвер... Сен хотинимсан. Улар бир ўйнаш. Сен билан улар орасида катта фарқ бор. Шуни тушунсанг бўлди"

Эри ҳақ гапни айтган эди.

Матлубанинг Турсуналига ошиқ бўлгани рост. Хатлар ёзгани, шеърлар тўқигани ҳам рост. Келишган, чиройли йигитни ундан бошқалар ҳам яхши кўришар эди. Йигит чиройли бўлса, устига устак амалдор отаси чўнтагидаги пулни аритмай турса, хушторлар сановига етиш мушкул. Аммо Матлубанинг юрагидаги олов ҳамманикидан кучлироқ эди. Кейин-кейин Матлуба ўша дамларни эслаганида "юрагим ёнмай, чирибгина кетса бўлмасмиди, уни яхши кўрмай ўлиб қўя қолсам минг марта яхши эди-я!" дейдиган бўлди.

Тақдир қалами ёзуғини ёзиб бўлганидан кейин бундай надоматлардан не фойда? Юраги ёнса, ўша кезлари Одам Ато билан Момо Ҳавонинг нима сабабдан жаннатдан ҳайдалганларини билмасми эди, эс-ҳушини сал йиғиштириб олармиди...

Олдингалари, эри айтганидай, нафс балосини қондирувчи вақтинчалик ўйнашлар экан. Эри уларга қаттиқ боғланмаган эди. "Фар кўзинг гўрда чиригур Нафиса" ёмон чиқди. Эрини ўзига тамомила қарам қилиб олди. Эри авваллари ўйнашга боргани билан уни унутмасди, кўнглини овлаб турарди. Эрининг хиёнаткорлиги ошкор бўлганидан кейин ҳам Матлуба икки фарзанд кўрди. Аммо "жувонмарг бўлгур Нафиса"га илакишгач, эр экани тамоман эсидан чиқди. Матлубанинг ўриндаги ноз-карашмаларига ҳам эътибор бермай кўйди. Бир куни "ёшинга қараб қилиқ қил", деб туриб кетгач, Матлуба тирик бева бўлиб қолганини англади.

"Ёшинга қараб қилиқ қил... "Ўшанда Матлуба ҳали ўттиз учга кирмаган эди... Ҳозир қирқнинг остонасида. Ўшандан бери эр нималигини унутаёзган.

Дарди зўр... Аммо дардкаши йўқ... Дарди ичида.

Фақат бир нарса "портлади". Портламаса бўлмас эди...

Шаҳарга бориши лозим эди. Бироқ оёғи тортмай, кўнгли хижил бўлиб район марказиданоқ изига қайтди. Қарасаки, куппа-кундузи эри "қон қусгур Нафиса" билан бир аҳволда... Болалар мактабдан келиб қолади, деб хавотир ҳам олишмабди...

Матлуба ҳали-ҳали тушунмайди: совхознинг номи "меҳмонхона", аслида эса, фоҳишахона вазифасини бажарувчи жойи бор. Эри нима номаъқул нарса еса, ўша ерда ерди. Уйга олиб келгани нимаси, ювиқсизни?! Эри жанжаллашиб ўтирмади. Нафисани юлдиришга ҳам кўймади. "Унингни ўчир", дедию ўйнашини олиб чиқиб кетди.

Матлуба эса... ўйлай-ўйлай, ахийри улар ётган ўрин-тўшакни ҳовли ўртасига уйиб ёқди. Бу билан ҳам ҳовури босилмагач, каравотни ҳам ёқди.

Болалар қўрқувда жовдирашади.

Қўшнилари ҳайрон...

Фақат Турсунали ҳайрон бўлмади. Эртасига югурдаклари юк машинасида яп-янги каравот ташлаб кетиши.

Ҳаромдан қайтмайдиган ана шу эр қамалиб, пешонаси деворга теккач, кўзи очилганмикин? Оиладан кўра ўйнашнинг карашмасини афзал билган эр "хотиним менга вафо қиляптими?" деб ўйлаяптимикин? Шундай деб ўйлашга ҳаққи борми?

Вафо қилмайдиган хотин эрининг қамалиб кетишини кутиб ўтирармиди? Эрининг бузуқлик дарёсига шўнғиганини билгани ҳамон бу дарёга ўзини отмасмиди?

Хатида "вафодорим" дебди...

Вафодорим?

Матлубанинг хаёлига бир фикр урилиб, чангалида ғижимланиб турган қоғозни шошиб текислади:

"Ҳа, "вафодорим" дебди, Қизик, исмиمنى ёзмабди. Менга ҳеч бундай демаган. Яхши кунларда ҳам демаган. Анави ер юткурни айтган бўлиши мумкин. Тўхта, тўхта... Балки бу

хат ўшанга ёзилгандир, у ҳароми эса, менга жўнатган бўлса-чи! Бояги турқи совуқ унинг хушторидир балки?.."

Шунга ўхшаш фикрлар қуйилиб келавериб, Матлубанинг боши оғриқдан зириллай бошлади. Сўнг шу оғриқ баҳона бўлиб, хўнграб йиглаб юборди. У эрини ҳибсга олишган-да ҳам, суд ҳукми ўқилганда ҳам йиғламаган эди. Тўғри, юраги ёмон увишиб кетди. Аммо дўст-душман унинг кўзларида нам кўрмаган эди. Биров "душманлар олдида паст кетмади, йиғламагани яхши бўлди", деса, бошқалар "Бунчалар без экан бу хотин? Ҳеч бўлмаса кипригини тупурги билан ҳўлласа-чи, энди эрини яна кўрадим-йўқми?" дейишган эди.

Юраги фарёд чекмаса, кўзларига ёш келмаса, нима қилсин? Йиғининг фурсати шу кунга белгиланган экан, астойдил йиғлаш учун эрининг қамалиши баҳона бўлолмас экан, хотин киши ўзининг хорланганини ҳис қилса, бас экан. Айни дамда Матлуба хорланиш қуйининг авж пардага кўтарилганини фаҳмлади. Дақиқалар ўтгани сайин у "мактуб" кўзгинанг тешилгур Нафиса"га йўлланган-у, у жувонмарг макр ишлатиб, хушторини бу ёққа жўнатган", деган фикрга астойдил ишона бошлади. Бу фикр тез орада мутлақ ҳокимлик шоҳсупасини эгаллаб, қолган барча хаёлларни қува кетди.

Ягона фикрга маҳқум бўлгач, бу зуғумдан қутулиш, қутулишгина эмас қарши ҳужумга ўтиб, ғанимини яксон қилиш чораларини излай бошлади. Донишманд аҳлининг "жоҳилга ҳилм ила муносабатда бўл", деган насиҳатларига эркаклар амал қиларлар-у, бироқ ўч олиш қасдида ёнаётган аёл икки дунёда қулоқ солмас. Бу соҳада аёлларнинг ягона шиори — "макрга макр қиличи билан ҳамла қилмоқ керак"!

Алам ўтида ёнаётган Матлуба макр бобида кундошидан орқада эканини тан олди. Бировнинг эрини ўзига ром қилган маккорога пул ундириб олиш қийин иш эканми? Матлуба "уйинг куйгур Нафиса" ишлатган ёки режа қилаётган ҳийлалар ҳақида ўйлай бошлади.

Қамоқда эрининг Тенгиз деган ўғрибошига йўлиққанини у бечора қайдан билсин? Яхшики, у кундошининг кўз очиб кўрганини соғиниб Сибирга отланаётганини, эрини лақиллатиб кетиш учун баҳона ахтараётганини билмайди. Билсами, ҳозирги аҳволини туташ десак, гуриллаб ёна бошлаш қандай бўлишини тасаввур қилаверинг. Яхшики, Тангри, бандаларини кўп нарсалардан беҳабар қилиб яратган. Акси бўлганидами эди, дунё хотинларнинг ғалвасидан бўшамай қолармиди, валлоҳи аълам!

Матлуба оғриқ зўриданми ё қоронғу халтақўчада милт этган нур тополмай гангиб эзилганиданми, бошини чангалаб ўтирди. Мактабдан қайтган катта қизи бу аҳволдаги онасини чўчитиб юбормаслик учун паст овозда салом берди. Онаси алик олмагач, елкасидан кучоқлади. Матлуба уни кучиб, энди унсиз фарёд чекди. Эрининг хурмача қилиқларидан безган дамларига баъзан "бу дунёда яшаб нима қилдим?" деган хаёлга ҳам борарди. Ана шу бадбинлик кўчасида ивирсиб қолганида Худонинг ўзи ёмон йўлдан қайтарарди — кўзига болалари кўринарди. Уч йил муқаддам ўнгида қилолмаган иши тушида содир бўлди — ўзини ёқди! Ана шунда бўзлаётган болаларини кўриб, ўзи ҳам бақириб юборди. Бор овози билан бақиргани учун ўзининг овозидан кўрқиб, уйғониб кетди. Ўшанда тўнғич қизи ҳам уйғониб онасини кучоқлаб олган эди. Бу дунёда уни ушлаб турган занжир шу фарзандлари. Шу топгача оталик меҳрини бермаган "зорманда эр" касрига энди булар ҳам азоб чекишлари керакми?

Қизини кучоқлаб ўтирган Матлуба шуни ўйлаб, юраги эзилиб "бундан кўра отиб ташлаганлари минг марта яхши эди", деб ўйлади. Қизи эса, онаси маъюсланиб қолганида "адамларни ўйлаб сиқиллаптилар" деб ўйлаб, хафалик сабабларини сира сўрамасди. Ўн тўртга етиб қолган қизи Матлубанинг бахтига ғоят ақли эди. У ҳатто кўчада отаси ҳақида миш-мишларни эшитганида ҳам дардини ичига ютарди-ю, онасига бидирмасди. Кўрпачаклар нима сабабдан ёқилганига фаҳми етгани учун ҳам бу хонадонда яшаш онаси учун ғоят азобли эканини биларди. Билгани учун ҳам онасига суянчиқ бўлишга интиларди. Лекин онасига қандай суянчиқ бўла олишига болаларча ақли етмасди. Ҳозир ҳам онасини кучган ҳолда нимадир деб уни юпатгиси келди. Аммо ўша "нимадир"ни тополмасди, айтолмасди.

Қизининг шу тарзда кучоқлаши ҳам Матлуба учун зўр далда эди. У чуқур нафас олиб, хўрсиниқни нари ҳайдади. Қизининг пешонасидан ўпди-да:

— Насиба, жон қизим, Зилолани боғчадан вақтлироқ олиб кела қол. Майдонга қараб ўт: Шоҳруҳ тўп тепгани чиқиб кетувди. Ҳаммаёғини расво қилмасин. Фарруҳ қани, нима учун биргалашиб келмадиларинг? — деди.

— Фарруҳ ўртоғидан китоб олиши керак экан, ҳозир келади.

Насиба шундай деб онаси буюрган вазифани бажариш учун чиқди. Қизи чиқиши

билан Матлуба аввалга ҳолатига қайтди. Орадан беш-олти дақиқа ўтмай, ўгли эшиқдан аста мўралади. Китоб-дафтарини қўйиб, кўчани мўлжаллаганида Матлуба уни чақириб, "Вали акангни айтиб кел", деб буюрди.

Валижон — беш уй нарида турувчи йигит. Билганлар уни "Турсуналининг мулозими", дейди, билмаганлар эса "директорнинг шопури" дейишади. Ким нима деса десин, аммо Валижон хожасига бағоят содиқ эди. Турсуналига қўшиб уч кун қамаб қўйишганда ҳам хожасининг сирларини очмади. Суддан кейин эса, хотини билан биргаликда чиқиб, Матлуба янгасига далда берган, "Нима хизмат бўлса, тортинмай айтаверинг. Акам қайтгунларича сизга укаман", деган эди.

Матлубанинг унга буюрадиган хизмати йўқ эди. Шу боис кўчада рўпара келганида саломлашарди-ю, ортиқча гап айтмас эди. Шу сабабли янгасининг йўқлови Валижонни шошириб қўйди. Томорқадаги ишини йиғиштириб, қўл-бетини чала-ярим ювгач, хожасининг уйига шошиди. Ичкари кириб ҳол-аҳвол сўрашга улгурмай, янгасидан кутилмаган саволни эшитиб, довдираб қолди.

— Аканг бойликларини қаерга яширган?

Бундай саволни терговчи қайта-қайта сўраган, ҳар сафар "билмайман" деган жавобни эшитавергач, ахйир тутақиб, роса дўппослаган эди. Энди эса, янгаси худди ўша терговчига ўхшаб сўраяпти. Ёлгон пўписа қиялптимикин, деса, оҳанги анча жиддий.

— Сиз билмасангиз... мен билмайман, опа.

— Сен гўрни ҳам биласан, айт.

— Ахир опа, мен оддий бир шопур бўлсам...

— Сен шопур эмас, қўшмачисан! Акангга қўшиб сени ҳам қўшмозор қилиш керак эди.

— Унақа деманг, опа, болаларим бор.

— Сенда бор бола, бошқаларда йўқми? Ма, ўқи! Аммо бировга ғинг дея кўрма.

Матлуба шундай деб хатни узатди. Валижон ўқиб чиққач, "мен нима қилай?" дегандай савол назари билан қаради.

— Мен ҳар ойда бунча пулни қаердан оламан? Сен қўшмачи ҳамма балони биласан. Аканг топганининг юздан бирини уйга олиб келарди. Қолгани қаерда? Ё топасан, ё болаларингни гаровга қўйдираман. Қамоқдан битта каллакесар келган. Унга сени рўпара қилману ҳолингни кўриб туравераман.

— Худо хайрингизни берсин, жон опа! Ундай қилманг, опажон! Менда нима гуноҳ? Тўғри, маишатларини билардим. Аммо пулга кўзим тушмаган сира. Алдаётган бўлсам— Худо урсин! — Валижон шундай деб йиғламсирай бошлади.

— Пиқиллама, эркак ҳам йиғлайдимиз? Менга анави бузуқнинг қаердалигини айт ҳозир.

— Қайси... бузуқ?

— Ўзингни гўликка солма! Жувонмарг Нафисани айтяпман!

— У шаҳарда яшайди-да.

— Шаҳардалигини биламан. Қайси кўчада, қайси уйда? Тирик бўлса, уйини айт, ўлган бўлса, гўрини айт.

— Кўчасининг номини билмайман, опа. Метронинг охирига етгандан кейин озгина юрилса, меҳмонхона келади. Кейин ўнгга. Тўрт қаватли иморат. Бурчагида пивоҳона бор.

— Мени бошлаб борасан ўша ишратхонага.

— Хўп, опажон, эртага ишдан сўраб келаман.

— Ҳозир жўнаймиз.

— Ие, ахир...

— Сенга "ҳозир жўнаймиз", дедим. Бор, чорак соатда тайёр бўлиб чиқ.

Валижонни чақиртиришидан асл мақсади ҳам шу эди. "Акангнинг бойлиги қаерда?" деб сўроққа тутиши йигитни эгиб олиш учунгина эди. Шундай қилмаса, у ё Нафисанинг турар жойини яширарди, ё олиб кўрсатишни пайсалга соларди. Ёки "акасининг севимли ёш хотинини" огоҳлантириб қўйиши ҳам мумкин эди. Шуларни назарда тутиб, Матлуба у билан ўзига хос бўлмаган дағал оҳангда гаплашди. Янгасидан бундай муомалани кутмаган Валижон чиндан ҳам кўрқди. Айниқса, "болаларингни гаровга қўйдираман", деган гапига ишониб, эси тескари бўлиб кетай деди. Йиғиси ҳам ёлгон эмас, рост эди. Бир томонда қама-қама авжига чиққан, яна бир томонда машина ўғирлаш тиш қавагини кавлашдай осон бўлиб қолган, одамлар эса, тўппа-тўсатдан йўқолаётган замонда оддий пўписа ҳам ҳақиқат кўринишини олади. У хожасининг баъзи сирларини билади. Бироқ пул бор-йўқлиги, яширилган-яширилмаганидан беҳабар эди. Билганида ҳозирги пўписадан сўнг шарт айтворарди. Тўғри, у калтафаҳм эмас, хожасининг айрим ҳаракатларидан бир нар-

сани сезгандай бўларди. Айниқса, қама-қамалар довули бошланган, вилоятларига етмай турибоқ, хожаси гимирлаб қолган эди. Уч-тўрт марта заргарлик дўконларига кириб чиққанида "ўйнашларга совға-салом оялтилар, акагинам", деб ўйлаган эди. Идорада ўтирган "акагинаси" нинг қўлларига кишан солиб олиб чиқишгандан сўнг совға-салом олинмагани, қоғоз пуллар тиллага айлантирилганини англаб етди.

КУНДОШЛАР

Дунё ажойиботларга бой. "Яхши бузоқ икки онани эмади", деганларидек айрим мам-лакатларнинг бир эмас, иккита раҳбари бўлади. Бирини "қонуний президент", дейдилар. Ҳаломи, фирром йўл биланми — ҳарҳолда сайланади. Бу раҳбарни ёқғирмаганлар ўзларини "муҳолифот", деб эълон қиладилару биронта хориж юртга бориб, ўзларига ёққан одамни "муваққат тахтга" ўтқазадилар. Бу энди "норасмий президент" бўлади. Бу ҳолат кичикроқ доирага келтирилса, яъни оила деб аталиш ўзига хос "мамлакат"га қиёсланса, кундошларни эслатади. Шунга кўра, Матлуба "қонуний президент" дейилса, Нафисани "норасмий бошлиқ" деб аташ мумкин бўлар? Баъзан холис бир куч уларни муросага келгиришга уринади. Ўртада тахт масаласи турганда уларнинг муросага келмоқлари ит ила мушукнинг иттифоқини эслатади, холос.

Матлуба билан Нафиса орасида тахт муаммоси йўқ. Бироқ, орада тахтдан ҳам муҳимроқ масала, талашса арзигулик нарса бор. Одамга нисбатан "нарса" сўзини ишлатиш ноўрин, лекин икки аёл — бири "қонуний", иккинчиси "норасмий" хотин бир эркакни худди "нарса" каби талашадилар. Агар холис бир куч — жаллод ўртага чиқиб, "унга ҳам бўлмасин, сенга ҳам бўлмасин, калласини узиб ташлай қолай", деса иккала хотиннинг бу таклифга кўниши тайин. Эр ўлса-ўлиб кетаверсин, бирови эгалик қилиб олмаса, бас. Эр бировнинг тўшагидан кўра лаҳадда ётса минг карра аъло! "Майли, шу эрим кундошимга бўлсин", дейдиган хотин топилгудек бўлса, дунёдаги қаҳрамон аёллардан бири бўлади. Шоирлар унга бағишлаб қасидалар ёзадилар. Бунақа хотин шоир зотига ҳам ёқади-да...

Матлуба "холис куч" — Валижон ҳамроҳлигида кундоши билан иттифоқ тузиш учун эмас, юзма-юз "жангга" борар эди. Вилоят марказига етганларида Тошкентга борувчи сўнги автобус ҳам жўнаб кетган экан. Ортага қайтишни маъқул кўрмай, чиқим сал кўпроқ бўлса ҳам, йўловчи машинага ўтирдилар. Йўл-йўлакай чурқ этмасдан кетдилар. Иккови ҳам гаплашадиган аҳволда эмас эди. Матлубанинг хаёли бўлажак "олишув" режалари билан банд эди. Валижон эса, кутилмаган бу офатдан қутулиш чораларини изларди.

Нафисанинг уйига етиб боришганда шаҳар қоронғулик чодиреда ором олишга ҳозир эди. Тўрт қаватли бино яқинида тўхтаган Валижон:

— Ухлаб қолишмаганмикин? — деб Матлубага юзланди.

— Ухласа ухлам, ўлиб қолишмагандир? — деди Матлуба зарда билан.

Валижон гапим ёқмади шекилли", деб ўйлади. Аслида эса, Матлуба бўлажак учрашувни ўйлаб, асабийлашиб турган эди. Валижоннинг бу саволи қизиби, чўққа айланган темир устига сув сачратгандек бўлди.

Эшикни Нафисанинг эри Самандар очди. Матлубани кўриб, аввалига ажабланди. Бир неча сониялик тараддуддан сўнг эса, орзиқиб кутган меҳмонига етишган бахтиёр мезбон қиёфасига кириб, жилмайди.

— О, Матлубахоним! Саломлар, саломларим бўлсин! Қаранг, ниятнинг холислигини, бугун ўйлаб турувдим. Аслида бизлар одам эмас, бемехр динозаврлармиз. Сизни бир йўқлаб қўйишга арзимадик. Лекин сиз ҳаминша биз билан биргасиз.

Матлуба қошу киприкларигача малла бўлган Самандарнинг гапларига эътибор бермай, белига боғлаб олган гудор пешбандга ажабланиб қараб олди. Самандар бу қарашнинг маъносини англаб, хижолатлик билан изоҳ берди:

— Ошхонада... озгина хизмат бор эди.

— Хотинингиз... йўқми уйда? — деди Матлуба, ичкарига ўғринча назар ташлаб.

-- Бор. Уйда... Ие, нега остонада турибсизлар? Қани, Матлубахоним, ичкарига марҳамат, — Самандар шундай дегач, орқасига чекиниб, йўл бўшатди-да, бошини буриб, хотинини чақирди:

- - Нафис, жоним, бу ёққа қаранг. Азиз меҳмонлар келишди.

Матлуба дахлизга ўтиб, пойафзалини ечишга шошилмади. Довдираган Валижон эса, киришни ҳам, орқасига қайтиб кетишни ҳам билмай остона остида гураверди. У вазифасини адо этиб бўлган эди. Аммо "болаларини гаровга қўйишга" қодир бу хотиндан ижозатсиз кета олмасди.

Эрининг ҳаяжонли овозини эшитган Нафиса ҳаялламади. Ичкари хонага олиб кирувчи эшикни очди-ю, дахлизда турган кундошини кўриб топдек қотди. Улар уйдаги ўша шармандали учрашувдан сўнг юзма-юз учрашишмаган эди. Нафиса ўйнаши қамалганидан сўнг кундоши билан бу ҳолда, ўз уйида учрашиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. "Нимага келди экан, бу хотин", деган саволга жавоб излаб, остонада шумшайиб турган Валижонга қараб олди. Валижон бу қарашнинг маъносини уқиб "Худо урсин, билмайман", дегандай елка қисди.

Матлуба уларнинг бу ишораларини сезиб, кундошидан кўз узмаган ҳолда:

— Вали, сен кетавер, — деди.

Бу ижозат Валижоннинг юзига урилган тарсакидай бўлди. Оҳ, шу пайтда хожасининг қадри ўтди-я! Хожаси бунақа пайтда ҳотамтой бўлиб ичкарига олиб кирарди, қорнини тўйғизарди-да, "фалон пайтгача бўшсан", дерди. Ана шунда Валижон ҳам айшини суриб оларди. Хўжайиннинг ўйнашидай бўлмаса-да, унда ҳам ўзига яраша эркалагувчилари бор эди. Э, у доруламон замонлар беқарор шамолдай ўтдию кетди. Энди хўжайин қамоқда, у эса, остонада эгасиз қолган итдай шумшайиб турибди.

"Кетавер", дейди. "Бу бегона шаҳарда қоронғуда қайга ҳам боради", демайди". Валижон шу аламли фикр билан бурилганда "норасмий янгаси" жонига оро кирди:

— Валижон ака, киринг, овқат тайёр-а...

— Вали, боравер, болаларинг кутиб қолди.

Аввалгиси таклиф эди, буниси эса буйруқ. Буйруқдан эса кўрқулик. Валижон турган ерида "норасмий янгасига" енгил таъзим қилди-да, орқасига ўгирилди.

— Валижон ака, киринг...

Кириш у ёқда турсин, энди тўхтаса, орқасига ўгирилса, балога қолиши тайин эди, шу сабабли таклифни эшитмагандай зинапоя томон шошилди.

Самандар буларнинг кундош эканини билса-да, дардини ичига ютиб, ўзини гўё ҳеч нимадан хабари йўқдай кўрсатишга интиларди. Ошнасининг марҳамат қилиб, ўз ўйнашига уйлантириб қўйганини тўйдан кейин фаҳмлаган. Ўшанда Нафисани ташлаб кетай ҳам деган, аммо "Энди менга ким ҳам тегарди, деб тақдирга тан берган эди. Айниқса, бу уйнинг инъом этгилиши унинг кўп муаммоларини ҳал этган эди. У илмий сафарларда кўп бўларди. Баъзан икки-уч ҳафталаб қолиб кетарди. Уйда йўқлигида ошнасининг серқатнов бўлишини сезиб бир қайнарди-ю, сўнг совурди.

Ҳозир Матлубанинг ташрифни замирида нохушлик ётганини сезди. Кундошларнинг бир-бирларига тикилиб қолишганини вулқон арафасидаги сукунат деб билиб, портлаш юз бермасдан ўзини четга олишни маъқул кўрди. Қайси эркак икки хотиннинг (айниқса кундошларнинг) орасига тушиб, барака топибдики, Самандар топсин? Бир куни юраги сиқилиб кетган Нафиса "Сиз илмдан бошқа нарсани ҳам биласизми?" деб зорланганида Самандар "Мен ҳаётни ҳам биламан", деб жавоб қайтарган эди. Мана айни дамда ўзи билган ҳаёт қондасига амал қилиб, сузишмоққа шайланаётган икки кундошдан нари бўлишни истади:

— Ҳа, Нафис, сиз меҳмонга қаранг, мен ишларимни тугата қолай, — деб ошхонага кирди.

Шу онда Нафисанинг оргида отаси кўринди. Мана шуниси Матлуба учун кутилмаган, айни чоғда нохуш ҳол бўлди. Асли исми Тошболта бўлган бу одам совхоз директорига ошпазлик қилгани учун кўпчилик уни "Ошболта" дер эди. Матлуба эса "фоҳишахона ити" деб ундан нафратланарди. Айниқса, қизининг номусини ҳам хожасига инъом этгач, Матлуба у билан саломлашмай ҳам қўйган эди.

— Ҳа, ким келибди? — деди Тошболта менсимаган бир оҳанг билан. Сўнг эса пичинг қилди: — Ие, азиз меҳмонми? Ҳа, келинг, келинпошша?

Унинг "ҳа, келинг..." дегани замирида "Нега келдинг, кет!" деган маънони уқиб, Матлуба ичида "Турқинг курсин сенинг!" деб қарғади.

— Ҳа, гапир, илг-пиш билан келдингми ё эрингни қидириб келдингми? Эринг йўқ бу ерда. У ҳов... Сибирда айшини суриб юргандир.

— Дада! — Нафиса шундай деб отасига ўгирилди.

— Нима "дада!" — деб ўшқирди Тошболта. — Нима бор унга бу уйда? Гаплашиб ўзингни пастга урма. Уйга ҳам қўйма. Бу уй эридан қолган матоҳ эмас.

Матлуба бу уй остонасини босиб ўтиши билан "ҳужум"га ташланишни режа қилиб, айтадиган гапларини йўл-йўлакай пишитиб олган эди. Матлубанинг хом хаёли бўйича эшикни "итдан тарқаган Нафиса" очардию уни кўриб кўрқиб кетарди, орқасига тисарилиб, титрай бошларди... Ана шунда Матлуба ҳужумга ўтарди. Юлмас эди-ю, аммо ундан

баттар қиларди... ўйлаганлари амалга ошмади. Устига устак "фоҳишахона ити" вовуллаб турибди.

— Эримнинг... — Матлуба "эримнинг" деган сўзга урғу бермоқчи эди, аммо овози титраб чиқиб, сўзини ямлаб юборди. Овози титрагани учун ўзидан ўзи нафратланди. "Бу маҳлуқлар олдида паст кетишим мутлақо мумкинмас", деб ўзига далда берди. Бир неча нафас сукут сақлаб, сўнг гапини қайтадан бошлади: — Эримнинг Сибирда эканликларини яхши биламан. Лекин бу ерга итларини боғлаб кетганларини билмапман.

— Нима дединг, вай энагар?

— Дада! — Нафиса отасининг кўкрагидан енгил итарди. — Дада, ичкари киринг, ара-лашманг.

— Сен!.. — Тошболта унга ҳам икки оғиз "ширин" гапларидан айтмоқчи эди, қизининг кўзларига кўзи тушиб, шаштидан қайтди.

— Бу сафар сиз "хўп" денг...

— Яхши, омма, гапни калта қил. Сен унинг эрини билмайсан, танимайсан... Ҳеч қанақа қорозига қўл қўйма, — шундай деб изига қайтгач, Нафиса эшикни ёпди.

Матлуба кундошини ўша шармандали кунда бир мартагина кўрган, ғазаб оловида ёна-ётган дамда унга тузукроқ қарамаган ҳам эди. Ҳозир ўғринча эмас, дабдурустан тикилиб қаради. Хушбичим, хушрўй эканини тан олгиси келмади. "Эрим бекорга илашмаган экан, менга "ёшинга ярашадиган қилиқ қил", деб бежиз айтмаган экан. Бу ишва қилиб турганида мен ёқармидим", деган фикрни хаёлидан қувди.

Нафиса "майли, тўйгунича қараб олсин", деб индамади. Ахийри сабри чидамади:

— Келинг, опа...

— Опа? — Матлуба заҳарли илжайди. — Мен қачондан бери сенга опа бўлиб қолдим? Мен сендақа сингилни биласанми, нима қиламан?

Нафиса қайдан билсин буни. Тўғриси айтилса, Матлубанинг ўзи ҳам билмайди. Ҳозир Нафиса "хуш, нима қилардингиз?" деб сўраса доводираши тайин эди.

— Синглингиз эмасман. Ёшингизни ҳурмат қилиб айтувдим. Бошқа демайман. Менга бир нима демоқчимисиз?

— "Бир нима демоқчимисиз?.." — Матлуба кундошига ўтли нигоҳини қадади. — Сен менга қайси хушторингни юбординг?

— Нима деяпсиз? — Нафиса ажабланиб, кафтини юзига босди.

— Эримни канадай сўрганларинг етмагандай энди менга ёпишмоқчимисанлар?

— Тушунмаяпман, нимага унақа деяпсиз?

— Сен ўзингни меровликка солма. Билиб қўй, ўша хушторингни ҳам, ўзингни ҳам ўлдиртириб юбораман!

Бу гапдан кейин ошхона эшиги қия очилиб, Самандарнинг боши кўринди:

— Қизлар, нима гап, тинчликми?

— Эшикни ёпинг! — деди Нафиса зарда билан. Амри шу заҳоти бажарилгач, Матлубага қаради. Энди унинг кўзларида ҳам ғазаб учқунлари кўринди. — Қўлингиздан келса ўлдиринг, лекин менга тўхмат қилманг.

— Тўхматми? Мана бу ҳам тўхматми? — Матлуба шундай деб сумкачасидан хатни чиқариб отди. Нафиса хатни ўқиётганда ундан кўзини узмади.

— Бу... Турсунали акамнинг хатлари-ку? — деди Нафиса ажабланиб. — Сизга ким берди?

— Хушторинг.

— Тўхмат қилманг, дедим сизга! Худо урсин, бу хатни энди кўриб турибман.

Матлуба "рост айтяптими ё тоняптими?" деган фикрда унга тикилиб қолди. Мўлжалидаги "ҳужум" кучи заиф бўлди. Натижаси эса, унданда заиф бўладиганга ўхшаб турибди.

Нафиса ўйлаб бир тўхтамга келиши учун кундошига шароит яратиб берди. Ичкаридан эса Тошболта ёлгон йўтали билан қизини шоширди. "Дадам ҳам баъзида ошириб юборадилар-да", деб гижинди Нафиса. Матлуба ҳам йўталнинг маъносини тушунди. "Ҳе, ўпкагинангга қурт тушсин, илойим шу йўтал олиб кетсина..." деб қарғади.

— Агар ишонмасангиз, — деди Нафиса кундошига тик қараб, — турмага бориб келамиз. Ўзларидан сўраймиз.

— Нима? — Матлуба бунақанги таклифни сира кутмаган эди.

— Сибирга бориб келамиз! — Нафиса шундай деб таклифига аниқлик киритгач ошхона эшигини очди. — Самандар ака, Иркутска иккита билет олиб келасиз.

— Ҳозирми? — деди Самандар ажабланиб.

— Эртага... эрталаб. Бориш-келишга оласиз. У ёқда сарсон бўлиб юрмайлик.
— Тўхта, — деди Матлуба. — Сенга "Сибирга бораман" дедимми? Менга қара, сен эримнинг Иркутскда эканини қаердан биласан? — Матлуба саволни Нафисага бериб, "кўриб қўй, хотинингни" дегандай Самандарга қаради.

Нафисани бу савол доводиратмади:

— Одамлардан эшитдим, — деди хотиржам равишда.

— Одамлар қаердан эшитишибди? Радиода айтибдими? Ё газетда чиқибдими?

— Энди майдалашмай қўяқолинг. Аввал манавини ҳал этайлик, — Нафиса шундай деб хатни эрига узатди. — Ўқинг, ўртоғингиздан.

Самандар хатни ўқиб, бошини қашиди. Малла киприклари пирпиради.

— Матлубахоним... Мен билмадим—у, аммо Нафисдан бекор гумонсираяпсиз. Ҳоҳласангиз Турсуналининг олдига ўзим бориб келаман. Агар янглишмасам, бу хатни ўз хоҳиши билан ёзмаган. Аниқлаш керак. Турмаларда ҳар хил воқеалар бўлиб туради.

— Аниқладингиз нимаю аниқламадингиз нима?

— Қанчадан тўлаш керак экан?

Матлуба айтди.

— Ҳар ойдами? — деди Самандар ажабланиб. — Бу бутун бир капитал-ку? Биласизми, Матлубахоним, бундай қиламиз: биринчи взносни биз берамиз.

— Йўқ!

— Рад этишга шошилманг. Ахир Турсунали менга бегона эмас. Биз ака-укадаймиз, ахир.

"Ака-укадаймисан ё кундошмисан?" деб ўйлади Матлуба. Бу ерда ортиқ тўхтагиси келмади. Буларга учрашгани учун ўзидан ўзи нафратланди. Худди тиланиб келгандай ҳис қилиб, ўзини ўзи юлиб ташлашни истади. Шарт бурилиб, эшик тутқичига қўл юборганида Самандар уни елкасидан ушлаб тўхтатди.

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ. Менда пул бор. Бу йил барибир курортга бормаймиз. Ишдан менга ижозат йўқ. Ундан ташқари биз пулдан сира қийналмаймиз. Дўстим учун мен ҳам нимадир қилишим керак.

— Сиз дўстингиз учун жуда кўп иш қилиб қўйгансиз, хайр, — деди Матлуба эшикни очиб. Сўнг остона ҳатлаб, орқасига ўгирилди: — Билиб қўйинг, мен тиланчи эмасман. Эримни ҳам, номусимни ҳам ўзим ҳимоя қила оламан.

Матлуба шундай деб эшикни ёпди—да, тез-тез юриб зинапоядан туша бошлади. Самандар ҳам, Нафиса ҳам унинг ортидан бормадилар. Самандар "Эрини ҳимоя қилиши тушунарли, аммо номусни нима учун аралаштиради? деган хаёл билан хотинига қаради. Номус масаласи бекорга эсланмаганини тушунган Нафиса эридан кўзини олиб қочиб, "йўтали босилиб қолган" отаси ҳузурига юрди.

ЎЛИМНИНГ БАҲОСИ

Матлуба зинапоялардан тушиб, ташқарига чиққунича худди нажасхонадан ўтаётгандек нафаси қайтди. То сўнгги зинапояни босгунича ҳар ташлаган қадамда ўзини лаънатлади. Дастлабки сонияларда бу ерга келиб хато қилганини англаб, пушаймон еди. Унинг ўзига бўлган нафрати бу пушаймондан туғилмади. Кўнгилга таскин бера олгувчи "олишув" бўлмагани, улардан балеанд келиш у ёқда турсин, ҳатто теппа-тенг гаплашишга журъати етмагани, энг муҳими — бу хонадондан бесамар кетаётгани унинг газабини қўзғотган эди. Баъзан одам аччиқланса, газаб тошларини бировга отиб, хуморидан чиқади. Ҳозирги ҳолатда эса, Матлуба газаб тошларини фақат ўзигагина ота оларди.

Алҳол, Матлубани дарда солган яна бир сабаб бор: Матлуба кундошининг яйраб-яшаётганини англаб, аввал ичи куйди, сўнг рашк қилди. Йўқ, эрига нисбатан эмас, ўша қошу киприкларигача малла Самандарга рашк қилди. Эри дўстини "зўр олим, фақат Москов билан гаплашади", деган эди. Ана шундай зўр одамни бир бузукнинг қулига айланишига Матлуба тоқат қила олмади. "Бу итдан тарқаган ғаркўзга эр хайф. Нима қилиб бўлса ҳам ажратиб юбораман. Юрсин менга ўхшаб бева бўлиб! Матлуба хаёлидан бир ярқ этиб ўтган бу фикрни чуқурлаштиради. Ҳатто қандай қилиб ажратиб юборишни ўйламади ҳам. Буни кейинроқ мулоҳаза қилади. "Самандарга бориб ҳаммасини айтаман. Қиз олмани билиб қўйсин..." деб қарор қилади—ю, аҳдини амалга оширишни галга солаверади. Бу галга солиши ҳам бебабаб эмас. Аввалига ажратиб юборишни ўйлаган бўлса, кейинчалик "жувонмарг Нафиса бу дунёда яшамаслиги керак" деган фикрга кўпроқ ёпишиб олади.

Бу ўй-қарорлар кейинроқ туғилади. Ҳозир эса...

Матлуба беш-ўн қадам юргач, болалар ўйнайдиган майдонча қаршисида тўхтади. "Тепадан кузатишаётгандир", деган фикрда ўгирилиб, уларнинг деразаларига қаради. Ўнлаб деразалардан қайси бири уларники эканини аниқ билмасди. Унинг мўлжалидаги биронта дераза ортида ҳам шарпа сезилмади. "Эр жонивор идиш-товоқ ювётгандир. Анави бузуқ эса, отасига ҳисоб бераётгандир. Ҳамма гапларни эшитиб турди у ит! Яна йўталади-я! Ҳе ўпкаларинг ириб кетсин сенинг!" Матлуба ноаниқ деразага шу қарғиш тошини отгач, сал ҳовури босилгандай бўлди.

Нимқоронғи муюлишда тўхтаб турган одамнинг ўзи томон юра бошлаганини кўриб, чўчиди. Юрагига қўрқув оралаб, тисланган маҳалида таниш овозни эшитди:

— Опа, бу менман.

— Вали, нима қилиб турувдинг?

— Кечқурун ёлғиз юрманг, дедим. Ҳарҳолда бу ерда ётиб қолмасангиз керак, деб ўйладим.

Матлубага Валижоннинг бу иши маъқул бўлди. Аммо сир бой бермаслик учун:

— Мени бўри ермиди? — деб тўнғиллаб қўйди.

Катта кўчага чиқишганда Валижон:

— Опа, мен бир мошин тўхтатайин. Адангизникига борасизми? — деб сўради.

— Йўқ, — деди Матлуба, — укамникига бораман. Сен ҳам юра қол, жойи бемалол.

— Раҳмат опа, менинг борадиган ерим бор.

Матлуба "борадиган ери бўлмагани учун мени пойлаб тургандир", деб ўйлаган эди. Валижоннинг бу гапидан сўнг ўша фикри учун ўзи уялди.

— Юравер, сени танишади, — деди мулойимлик билан.

— Йўқ, опа, баҳонаи сабаб билан қариндошларни кўриб кетайин. Яна қачон тушаман бу шаҳарга...

Валижон Матлубани машинада кузатгач, ўзи темир йўл бекатига кетди. У Матлубага ёлғон сўзлади: шаҳарда унинг қариндошлари йўқ эди. Хожасининг даврида орттирган ўйнашлариникига боришнинг маъноси йўқ. У хотинлар "Валижон акагинам қачон бағримга келаркинлар?" деб кўз тикиб ўтирмайди. Аллақачон бошқа ушторлар топиб, машиатларини давом эттираётганлари аниқ.

Валижон ёмон бир ўйинга беихтиёр аралашиб қолаётганидан кўнгли хижил бўлиб, турли ўйлар чангалида тонг оттирди. Яхши кунлар тугаб, ташвишли машмашалар бошланганидан дарак берувчи бу шаҳардан тезроқ қочгиси келди. Тонгда биринчи автобусга ўтирдию уйига жўнади. Ҳалқа йўлдан узилгач, худди ташвишлари орта қолгандай сал энгил тортди.

Матлуба эса, машинадан тушгач, укаси яшайдиган ҳовли дарвозасига яқинлашди-ю, аммо кўнғироқ тугмасини босишга шошилмади. Ҳозир у ҳеч ким билан кўришишни, гаплашишни истамаётган эди. Тўғри, укаси уни кўриб, "нега бемаҳалда келдингиз?" демайди. Билъакс, қувонади. Ораларидаги фарқ бир ёш бўлгани сабабли улар Фотима-Ҳусан каби яқин, айтиш мумкинки, маълум маънода ҳатто сирдош ҳам эдилар. Ёшдаги фарқ оз бўлгани сабабли укаси уни "опа" ҳам демасди, сизламасди ҳам. Матлуба эрга текканидан сўнг "опа" деб сизлай бошлади. Бу Матлубага ҳам эриш туюлди. Укаси билан узоқлашиб кетгандай бўлди. Укасига ҳам шундай туюлиб, яна эски одатига қайтди.

Эрга текканидан сўнг ота-она ҳузурига келиб-кетиш унинг учун ўлим чиғирғидан ўтиш каби азоб эди. Отаси Матлубани эътиборли бир одамнинг ўғлига беришни мўлжал қилиб қўйган экан. Мўлжалнинг ўзигина бўлса кошки эди. Дўсти вакилигида тўзал, оқила қизи борлигини маълум қилибди. У одам эса, қадрдонларидан бирида ўғлига мос қиз борлигидан "хабар топиб" совчи ҳам юборган эди. Қулфат булути ёпирилиб, бало ёмғирлари ана ўшандан сўнг ёға бошлади. Отасига қўшилиб онаси аввал ялинди, сўнг пўписа қилди. Пўписа қилишда акаси ҳаммадан ошиб тушди. Гапира туриб, бир-икки марта дўппослашдан ҳам қайтмади. Онаси сўнгги чора — кўз ёшларини ишга солганида Матлуба чидай олмади. Онасига қўшилиб йиғлаб туриб, бир йигитни "жуда яхши кўришини" айтди. "Бўлмаган гап, — деди онаси, — яхши кўрганингни эрга текканингда кейин унутиб юборасан". "Унутолмайман, ойижон", — деди йиғидан тўхтамай Матлуба. "Агар ўша яхши кўрганиннга тегаман, десанг менинг ўлигимни ҳатлаб ўтиб чиқасан бу уйдан", деди онаси қатъий тарзда. "Ойижон, сизнинг бир томчи ёшингиз учун ундан кечсам кечворар эдим, лекин... тўйнинг эртасига куёв томон мени изимга қайтариб юборса иснодга чидай олмайсизлар.." Онаси беихтиёр "нега?" деб сўради-ю, нима воқеа бўлганини англаб, лабини тишлади, юзини юлди.

Матлуба тўғри айтган эди — иснодга чидай олишмас эди. Бўлиб ўтган шармандали воқеадан хабар топишгач, дардларини ичларига ютмоқдан ўзга чора бўлмади. Агар бу уятдан одамлар хабар топишсами?! Худо кўрсатмасин!

Матлуба хоҳлагани — Турсуналига теғди. Унга дабдабали тўй насиб этмади. У аламли, азобли ҳаётни ўзига раво кўрди. Отаси эса, “озик-овқат савдоси бошқарма” сига раҳбарлик қилиш ниятига етолмади. Сир уч кишининг орасида қолди. Матлубанинг акаси, укаси унинг Турсуналига тегишини ўжарлигидан, деб баҳоладилар. Отаси Матлубани расман оқ қилмаган бўлса-да, гаплашмай қўйди. Саломларига ҳам алиқ олмади. Фақат тилсиз, ҳаракатсиз қолганидан кейин қизига қараб бир нималар демоқчи бўлиб ғудранарди, кўзлари ёшланарди.

Отасини иснод эмас, пул гами йиқитди. Улардан икки уй нарида қиморбоз қўшнилари бўларди. Бир куни чиқиб “қиморни ташламоқчиман. Аммо бу шаҳарда яшаб туриб, ташлай олмайман. Самарқанддан жой топдим. Ота юртимга жўнайман, жой бегона бўлмасин. Сиз бизга кўп яхшилик қилгансиз. Уйимни сотиб олинг, сизга арзонроқ қилиб бераман”, дебди. Отаси ҳам қизик, уйга муҳтожлиги йўқ эди. Катта ўғли ўзи билан қолиб, кичиги жой қилиб чиқиб кетган эди. Лекин нафс курғур “арзонроқ олу у ер-бу ерини тузатиб, икки барабар ортиққа пулла”, деб қутқу қилаверганми, ҳарҳолда маҳалладан уч-тўртта одам чақирилди, савдо пишди. Пул тўланди. Қўшни икки ойдан сўнг кўчишга ижозат сўради. Орадан икки ой эмас, ярим йил ўтса ҳам у жойидан жилмади. Саккиз ойдан сўнг кўчиши лозимлиги эслатилганда у “нега кўчаман?” деб “ажабланди”. Уйни сотганини айтишганда эса, “Қачон сотибман? Шундай уйни нимага сотаман?” деб яна “ажабланди”. Гувоҳлар чақириди. Бири “эслай олмади”, бошқаси “бунақа гап бўлмаганини” айтди. Гувоҳлар чиқиб кетишгач, отаси йиқилди, тилсиз, ҳаракатсиз бўлиб қолди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас онаси уйқусидан уйғонмади. Мўъмина аёл эди, омонатини ҳам осонгина топширди.

Оналар ҳеч маҳал фарзандларидан норози бўлиб кетмайдилар. Шундай бўлса ҳам Матлуба “онамдан розилик ололмадим”, деб армонда қолди.

Онаси ўтганидан бери ота уйига боргиси келмайди. Акаси билан янгасини кўришга тобу тоқати йўқ. Акасини ўша урганлари учун сира-сира кечиролмайди. Ҳатто онасини беҳурмат қилганида ҳам хотинини чертмайдиган инсоннинг сингисини дўппослаши чиндан ҳам кечириш мумкин бўлган ҳол эмасди.

Жанозадан кейин қайси бир куни укаси ёлгон йиғисини авжга чиқараётган янгасига қараб туриб, “онам бояқиш ўддиару бу дунёдаги дўзах азобидан қутулдилар”, деган эди. Ёмон келиндан Яратганнинг ўзи асрамаса, қийин экан. Қайинсингилар турмушга чиқиб кетишар, қайининилар кўчиб кетишар, ота билан она эса, бу дунё азобига дош бериб, яшашдан ўзга чоралари йўқ. Уларни бу азобдан фақат ўлимгина қутқаради.

Матлуба шаҳарга тушганида “отамниқига борайми ё ўканикигами?” деб иккиланиб ўтирмасди. Тўғри отасини бориб кўрарди, аммо у ерда узок ўтирмасди. Янгасининг “қиз деган отасига қараб ўтириши керак”, деган фасод гапларига жавоб бермай изига қайтарди. Эрининг иши судда кўрилаётганда болаларини олиб, укасиникига кўчиб келди, дейилса ҳам бўлади.

Матлуба укасининг дарвозаси қаршисида туриб, юраги увишиб кетди.

Бир қарасанг атрофинга меҳрибон одамлар кўп. Улар сенга яхшилик қилгиси келади-ю, аммо нима учундир қилмайди. Дардингга малҳам қўйгиси келади-ю, аммо нимагадир қўймайди. Сенга қўшилиб йиғлагиси келади-ю, аммо нимагадир йиғламайди. Бошинг узра бахт қуёши чарақлаб қолса, унинг нуридан сен билан бирга баҳра олишга шошилишди. Бу бахт қуёши юзини абри бало қопагудай бўлса, пана-панага қочадилар. Ўша панада туриб, сенга бўлган садоқатларини изҳор этадилар. Матлуба эри қамалғунича буни билмас эди. Бало булутти ҳамма ёқни зулматга ўрагани билан ҳаётни яхши-ёмонга ажратиб, одамнинг рафлат уйқусидаги кўзини очар экан.

Шаҳарда қариндошлари кўп, танишлари ундан-да кўп. Аммо уларга бахти кулган Матлуба керак. Бир олам дард исканжасидаги бахти қаро Матлубани улар бошларига урадиларми? Уларни ҳам айблаш қийин, чунки дард масаласида уларнинг бошқалардан кам ери йўқ. Матлуба қайси бирлариникига ҳасратдош излаб борсин? Укаси... меҳрибон, аммо Матлуба айрим масалаларда унга ёрила олмайди.

Тўғри, шаҳарда биттаси бор... Лекин у ҳам ҳасратдош эмас. Аммо агар гапи рост бўлса, Матлуба учун жонини беришга тайёр одам. Дорилфунунга қабул имтиҳонлари пайтида ишқи тушиб, то Матлуба эрга теккунича тинч қўймади. Исми Рамзиддин бўлган бу йигитни ошиқлиги сабабли ҳамкурслари Ромео деб кулишарди. Бу исм унинг ўзига

ҳам ёқиб, Матлубани бир-икки "Жульетта" деганида эшитадиганини — "ширин" гапларини эшитиб олган эди. Бу Ромео тушмагур мулоҳаза, одоб, муомала кўчаларидан ўтмаган соддагина йигит эди. Матлубага бўлган муҳаббатини ҳеч кимдан яширмас, муҳаббат ширин туйғулар меваси эканига фаҳми етмас эди. Май байрамида намоишга кетишаётганда Қизил Майдонга етмай, анча вақт тўхтаб қолишди. Шунда бу Ромео тушмагур даб-дурустан "шу йил имтиҳонлардан сўнг уйингизга совчи юбораман, йўқ десангиз уволимга қоласиз", деди. Матлубанинг қитмирлиги тугиб, "чиндан яхши кўрасизми?" деб кулди. Унга дугонаси қўшилиб "яхши кўрсангиз ҳозир ҳамманинг олдида исбот қилинг", деди. "Қандай исбот қилишим керак, айтинг?" деди Ромео ажабланиб. "Матлубанинг қаршисида ҳозирок тиз чўкинг!" деди дугонаси шаддодлик билан. "Тиз чўкайми?" деб сўради Ромео Матлубадан "йўқ" деган жавобни кутиб. "Нега Матлубадан сўрайсиз. Яхши кўрсангиз тиз чўкинг дарров! Америкаликлар шундай қилишаркан. Замонавий йигитлар Америкага эргашишлари керак", деди дугонаси бўш келмай. Ромео яна Матлубага қаради. Нажот бўлмагач, чўнтагидан танга пулларини олиб қизнинг оёқлари остига сочди-да, уларни териб олиш баҳонасида тиз чўқди. Унинг бу топқирлигидан қойил қолган қизлар кўчани бошларига қўтариб, шарақлаб кулиб юборишди. "Матлу, шундан бошқага тегсанг хор бўласан", деб ҳазиллашишди. Ушанда фаришталар "омин" деган эканми, бошқага тегдию хор бўлди...

Ўша кезлари эса, Матлубанинг кўз олдидан Турсунали кетмас эди. Бошқа барча йигитлар унинг учун арзимас бир одамчалар эди.

Ромео билан турли тасодиф туфайли кейин ҳам учрашдилар. Ҳар гал учрашишганда у уйланмаганини, Матлубанинг эридан чиқишини кутаётганини айтарди. "Совуқ нафас қилма, нега эрдан чиқарканман?" дерди Матлуба. "Сен у билан бахтли бўлолмайсан. Ё ажрласан, ё сиқилиб ўлиб кетасан. Бошқа йўл йўқ сенга. Менинг ҳам битта йўлим бор — сени кутаман. Қариганингда бўлса ҳам сенга уйланаман. Уйланмагунимча ўлмайман", дерди у.

Турсунали қамалгач, яна учрашишди. Бу сафарги учрашув тасодифий бўлмади. Ромео-нинг ўзи қишлоққа қидириб борди. Яна ўша гапни айтди. "Уни ўн беш йил кутмоқчимисан? Кутма", деди. "Аҳмоқ экансан, — деди Матлуба. — Бошқа келма, мен эрсираб қолмаганман." "Бошқа келмайман, ўзинг борасан", деди у ишонч билан. Сўнг ён дафтарчасининг бир варағига турар жойини ёзиб берди. Матлуба бу қоғозниғижимлади-ю, аммо ташлаб юборолмади.

Ҳозир укасининг дарвозаси қаршисида шуни эслаб, бир энтиқди. Бу ёмон хаёл домига тушмаслик учун кўнғироқ тугмасини босди. Эри қамалганидан бери дам ярим тунда, дам эрта саҳарда келиб юргани учун эшикни очган келини бу ташрифдан ажабланмади. "Келинг, опа", деб сўрашди.

— Сарвар уйдами? — деди Матлуба, остона ҳатлаб ичкари киргач.

— Уйдалар, футбол кўряптилар. Одатларини биласиз-ку, футбол деса ўзларини томдан ташлайдилар.

Сарвар чиқиб, опаси билан саломлашди-да, "чай-пой ичиб тур, ҳозир тамом бўлади", деб яна кириб кетмоқчи эди, хотини тўхтатди:

— Одамни иснодларга ўлдириб юборасиз-а, футбол ўлгуригизни бир марта кўрсангиз нима қилибди?

Бу гапларни эшитиб, Сарвар қошларини чимирди:

— Яна бир марта "футбол ўлгур" десанг, жийда-халтангни қўлтиқлагину онангникига жўнаб қол.

— Ахир опам...

— Опам бўлса, ўзимнинг минг йиллик опам. Менсиз ярим соат чидаб ўтиришга қурби етади. Сен калангни ишлат: бунақа ўйин тўрт йилда бир марта бўлади. Тўрт йил кутаман мен бунақа ўйинни.

— Менинг келин деган номим бор. Ҳар қанақасига ким ёмон — келин ёмон.

Матлуба эр-хотиннинг "олишуви"ни эшитиб, маъюс жилмайди.

— Сарвар, бор, киравер, футболнингдан қолма.

Шу пайт ичкаридаги телевизордан мухлисларнинг ҳайқириви эшитилди. Нимадир де-моқчи бўлган Сарварнинг гапи оғзида қолиб, сапчиганича ичкари кирди.

— Назмихон, қўйинг, одатини биласиз-ку. Ўзининг тўйида футболдан кечмаган одам шу пайтда кечадими?

— Ҳе, қурибгина кетсин, шу футболлари, — Назми шундай деб қайин эгачисини меҳмонхонага бошлади.

Бу хонадондаги эр-хотин ечиши мушкул бўлаётган асосий муаммо футбол масаласи

эди. Сарвар бу ўйиннинг ашаддий мухлиси бўлса, Назми ашаддий душмани эди. “Футбол — санъат! Сочи узун, ақли калта одам бу ўйиннинг гаштини билмайди.” “Футбол — йигирма иккита аҳмоқнинг битта тўп кетидан ҳалокунинг итидай ҳаллослаб югуриши”. Эр-хотиннинг бу борадаги “фалсафаси” шундан иборат. Ўн йилнинг нари-берисида давом этаётган “илмий” баҳсда ҳали томонларнинг келишувидан дарак йўқ. Ҳозирги бу бир “чўқишиб” олиш ҳам Матлуба учун янгилик эмас. Ҳар сафар “қозилик” қилишга тўғри келса, келинга тўйларини эслатади. Бу эслатув Назмига ёқади. Аслида Назми бу воқеани сира унутмайди. Чунки бу унутадиган воқеа эмас. Бирон ҳажвчининг қулоғига чалинса, ёзиб юбориши турган гап. Тасаввур қилинг: никоҳ базми авжида. Табрикнинг бири-иккинчисига уланади. Ширакайф меҳмонлар келиннинг ярим соатдан бери ёлғиз ўтирганини сезишмайди. Аммо бунақа ҳолат аёлларнинг назаридан қочмайди. Табиийки, энг аввало келинпошша безовталанадилар. “Ҳозир келаман”, деган куёвтўра қаёққа гойиб бўлишлари мумкин? Янгаси биқинига аста туртиб, “Қани куёв?” деб сўрайди. Назми қаердан билсин?

Хотинларнинг шивир-шивири тавонхонагача етиб боради. “Опоқи, қудалар хавотирланишяпти, ўғлингиз бир соатдан бери йўқ эмишлар”. “Ярим соат” тавонхонагача “бир соат” бўлиб етиб борди. Бу гап хотинлар тили воситасида кўчага чиққудай бўлса, “икки соат”га етиши тайин. Ўғлининг қаердалигини она билмай, ким билсин? Тўғри, бу гапни эшитиб, аввалига юраги “шув” этиб кетди. Ҳарҳолда дўстдан душман кўп. Онанинг зийрак фаҳми бу хавотирни дарров қувди. “Вой, шўргинам, бугун футбол борида-я! Тўйни эртага кўчиринг, деганида қудалар кўнишмовди”. Хуллас, Сарвар яна ўн беш дақиқадан сўнг “топида”. Ўша куни у умрида ягона зўр “жасорат” кўрсатди; футбол ўйинининг фақат иккинчи бўлимини кўрди. Биринчи бўлимини эса, “умрида бир марта бўладиган тантана” — тўй учун қурбон қилди. Табиийки, Назми бундан ўша пайтда беҳабар эди.

Куёвтўра хушнуд ҳолда жойларини эгаллаганларида келинпошша аразлагандай бир чимирилиб қўйдилар-у, тергамадилар. Турмушнинг дастлабки дақиқаларидаёқ тергашни ўзларига эп кўрмадилар. Бу ҳам ўзига яраша бир жасорат бўлдики, зикр этилмоғи албатта, ўринлидир. Ўйин кўнгилдагидай тутагани учун куёвтуранинг кайфиятлари яхши эди. Бармоқларининг учи билан келинпошшанинг юмшоқ жойларини ўғринча силаб, қулоқларига шивирладилар:

— Сизга битта шеър айтиб берайми?

Келинпошша ажабланиб, “шеър ёзгани кетган эдингизми?” деган савол назари билан қараб қўйдилару бош ирғаб, шеърни ўқимоққа ижозат бердилар.

Куёвтўра яна қулоққа шивирладилар:

— Экин экадиган еринг бўламан, бугундан бошлаб эринг бўламан.

Келинпошша “пиқ” этиб кулиб қўйдилар. Бу кулгу куёвтуранинг гуноҳлари кечирилганига бир ишорат эди. Қадаҳ кўтариб табрик сўзи айтаётган меҳмон гўё куёв туранинг ҳозиргинада шеър айтганларини сезгандай “мушоира”ни давом эттирди:

“Сарварбек! — деб хитоб қилди у. — Тўй тўйлашиб келдик элингизга, Худо қувват берсин белингизга!” Тўйхонани қийқириқ босиб, хотинларнинг фаразларга бой “шивир-шивири”га юкун ясалди. Мана шу қисқа вақт давомида Сарвар хотинлар тили билан ясалган “учар гилам” да яхши кўрган қизи билан учрашиб қайтишга улгурди.

Назми ҳар сафар шу воқеани эслганида бир энтикиб қўяди. Ҳозирги энтикиш эрига бўлган аразни нари сурди. Қайинэгачисига меҳрибонлик кўрсатиб, Матлубанинг қаршилигига қарамай, дастурхон тузади. Чой дамлаб келгач, қўни-қўшнилар, қавму қариндошлар ҳаётидан қисқа-қисқа ахборот берди. Матлуба келинининг бу одатини ҳам яхши кўради, ҳам ранжийди. Яхши кўрганининг боиси — Назми билан беш дақиқа бирга бўлса бас, барча янгиликлардан хабардор бўлади. Ранжиганининг боиси — унинг ташрифиди ҳақидаги маълумот ҳам эртасигаёқ “хотинлар телеграфи” орқали тарқайди. Турсунали қамалганидан бери бу “телеграф” тўла қувват билан ишлайди. Матлуба баъзан “гап шу ерда қолсин”, деб келинига қаттиқ тайинлайди. Келиннинг “оғзи маҳкам”. Матлуба кетгунича қадар бу гап остона ҳатламайди. Матлуба тушган автобус шаҳарни тарк этмай, сир сақламоғи лозим бўлган янгилик озгина қўшилган, безалган ҳолда “хотинлар телеграфи”га уланади.

Назми маҳалла янгилигини тутатиб, қариндошларга ўтганда Матлуба унинг гапини бўлди:

— Вазирикка ҳисобот олиб тушган эдим. Қоғоз ўлгур бирам кўп. Битта-битта текшириб олгунича кеч бўлиб кетди.

Матлуба бу гапни “хотинлар телеграфи” учун атай айтди. “Ҳисобот оладиган кўнғиз

мўйлов опамга бир-икки илмоқ ташлаш учун атай кечгача олиб ўтирибди", деган қўшимчадан, шубҳасиз, Матлуба беҳабар қолади.

Футбол тугаб, Сарвар чиқиб келди.

— Вой опа, қаранг, бир қаранг, — деди Назми масхара оҳангида.

— Шохлари чиқибди!

— Боя нима дединг? — деди Сарвар унинг пичингини тушунмагандай, "Одамни иснодга қолдирасиз" дедингми? Мен футболни кўрмай шу гапингни ўйлаб ўтирдим.

— Гапимга нима бўпти?

— Қизиқ-да. Одам иснодга қолса, сенга нима?

— Вой, савил, опа, укангизнинг гапларини эшитяпсизми? Мен одам эмас эмишман...

— Мен унақа демадим, — Сарвар шундай деб чой хўплади, — чойни янгила, совубди.

Назми опа-укага бир-бир қараб чимирилди-да, жаҳл билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

— Баъзан жуда ошириб юборасан-да. Чой иссиқ эди-ку? — деди Матлуба укасига норози қиёфада боқиб.

— Шунақа демасам, вайсаб ўтираверади. Ҳа, нима бўлди, тинчликми?

— Вазирликка ҳисобот олиб тушувдим...

— Бўладиган гапни гапирсанг-чи.

Матлуба укасидан сир сақламас эди. Аммо бўлиб ўтган гапларни ҳозир айтгиси келмади. Эрининг ўйнаши олдида, ўзи "шалтоқ, исқирт", деб ҳисоблаган бир аёл қаршисида паст кетгани, аниқроқ айтилса, мағлуб бўлганини тан олгиси келмади. Шу сабабли "бўладиган гапинг нимаси?" деб укасидан нигоҳини олиб қочди. Зийрак Сарварга шунинг ўзи кифоя қилди.

— Бўлди, тўқ дардингни, яна ёрилиб кетмагин, — деди у опасига тикилиб.

Матлуба бу қарашга бардош бера олмади. Бир соат аввалги воқеа, мағлубиятдан тошган дарду алам дарёси кўзларидан ёш бўлиб қуйила бошлади.

— Ёриласан, дедим-ку! Айт, нима бўлди?

Матлуба рўмолчаси билан бурнини чимдим қўйиб, "ҳеч нарса" деди-да, сумкачасидан эрининг хатини олиб, узатди.

Сарвар хатни ўқиб, бир оз ўйланди. Сўнг "хато ўқимадимми" дегандай сатрларга яна кўз югуртирди.

— Ҳа... тушибдилар, акагинам... — деди ўзига ўзи гапиргандай.

— Нимага тушади?

— Ўғриларнинг қўлига тушибди эринг.

— Қанақа ўғрилар? — Матлуба бу янгиликдан ажабланиб, йиғини ҳам унутди.

— Қанақа бўларди, оддий совет ўғрилари, — деб пичинг қилди Сарвар. Сўнг жиддийлашди: — Уларга солиқ тўланмаса эрсиз қоласан.

— Сен бунга қаердан биласан?

— Биладан-да.

— Йўқ, айт, қаердан биласан?

— Мен билан бирга ўқиган Ҳабиб эсингдами? "Золотой" дердик. Ўнинчида ўқиётганда қамалиб кетувди. Эсингда йўқми? Хўп, унда Турсунали аканг билан банд эди. Хуллас, шу бола икки марта ўтириб чиққан. Салкам "вор в законе".

— Бу нима дегани?

— Ўғриларнинг зўри, дегани. Ўша гапириб беради менга бунақа гапларни.

— Учрашиб турасанми? Ўғри билан-а?

— Ўғри бўлса кўчада ўғри. Уйда менинг ошнам.

— Бу хатни унга кўрсатайлик.

— Фойдаси йўқ.

— Нега?

— Таниш-билишлик, илтимос деган нарса бизларда бўлади. Ўғриларда бунақаси йўқ. Эрингни шунга ҳукм қилишибдими — тамом. Давлатнинг хазинасига ўхшаб, уларнинг ҳам хазинаси бўлади. Томиб турмаса, қурийдди бу хазина. Улар эса хазиналарининг қуришига сира йўл қўйишмайди.

— Хазинасига ўт кетсин!

— Қарғама. Уларнинг иши тўғри. Улар дуч келган одамни туширишмайди. Поччагинамга ўхшаган фирромларни ўмаришади. Ўзинг ўйлаб кўр, ишчидан ё деҳқондан нимани ўмаришади?

— Поччангдан ҳеч нима қолмади? У уйга ташимас эди.

— Бу билан уларнинг ишлари йўқ.

— Мен қаёқдан топаман шунча пулни?! — Матлубанинг титроқ овози бир неча парда кўтарилди. Ошхонада ивирсиб юрган: қўли ишда, қулоғи меҳмонхонада бўлган Назми ҳам бу овозни эшитди.

— Эр керак бўлса, топасан, — деди Сарвар хотиржам тарзда.

— Бермасам ўлдиришадими?

— Билмайман. Агар шунақа шарт қўйилган бўлса — ўлдиришади.

— Болаларимга-чи? Тегишмайдими?

— Билмайман... Агар болаларни гаровга қўйган бўлса...

— Нега гаровга қўйarkan? Болаларда нима ҳаққи бор унинг?! Вой Худойим, қаёқданам шу ҳайвонга тегдим!

— Бўлди, гингшима. Энди ҳайит ўтган, хинани хоҳлаган жойингга қўясан.

— “Хотинлар телеграфи” учун қизиқ маълумот бера олувчи гапга шошган Назми кириб келиб, икковлари ҳам жим қолишди.

— Болаларнинг ўқишига қаттиқ турганинг яхши, — деди Савар гапни буриб. Матлуба аввалига укасининг муддаосини тушунмай ажабланди. Сўнг келинига бир қараб олиб:

— Ҳозир ўйинқароқ пайти. Отаси бўлганидаям ҳайиқиб турармиди... деб қўйди.

— Онаси, эрталаб вақтли кетаман. Кийимларимга дазмол уриб қўй, деди Сарвар, хотини узатган чойни олиб.

Назми “кийимларингиз тап-тайёр” дейишга оғиз жуфтлади-ю, ўзининг бу суҳбатга ортиқчалигини англаб, ўрнидан тура қолди.

— Менам вақтли кетаман, — деди Матлуба. — эртага келаман. Пул олладиган йигит адамларникини тайин қилган.

— Мен ҳам адамларникида бўламан. Ўша йигитни бир кўриб қўйай.

— Кўрмаганинг яхшимикин. “Биров билмасин” деган.


— Айтаверади. Бу биров билмайдиган иш эканми? Сен кўп сиқилаверма. Ёлғиз бўлганинда бошқа гап эди. Аҳмоқ бўлса ҳам, ҳайвон бўлса ҳам ўша пешонангга битган эринг. Ўн беш йил берган бўлса, ўн беш йил ўтирмайди. Ўн беш йилгача ё подшо ўлади, ё эшак. Сарвар шундай деб ўрнидан турди.

— Ростдан ҳам вақтли кетишим керак. Сен ҳам дамингни ол.

Матлуба бу хонадонга ҳар келганида келини ҳурмат юзасидан меҳмонхонада ётмоқчи бўларди. Ҳар сафар ҳам Матлуба уни ётоқхонасига чиқариб юборарди. Одат бу гал ҳам қанда бўлмади. Меҳмонхонада ёлғиз қолгач, Матлуба ўрнига ёнбошлади. Бир неча нафасдан сўнг юраги безовталаниб, қадини кўтарди. Хаёллари чўл шамолидай бевош бўлиб кетди. Турсунали акасини илк бор кўрган кунини ҳам эслади. Эслай туриб, ўша кунни лаънатлади. Асаддай тотли туюлган дамлар заҳарга тўла турмушнинг алдамчи дебочаси эканини кеч англади. Юмуқ кўзлар очилган дамда заҳарга тўла ҳаёт қўйнига кириб бўлган, энди ортга йўл йўқ эди. Ҳозир ҳам турмушнинг заҳарли ниши юрагига санчилиб, безовта қила бошлади. Юраги қаттиқроқ санчганда беихтиёр “ойижон!” деб юборди.

Она — фарзандига ёпирилажак дарду аламлар сели йўлидаги бир тўғондир. Она яратган Оллоҳ ҳузурига қайтгач, бу тўғон ўз-ўзидан емирилади. Матлуба буни ҳам кеч англади. Фақат Матлуба эмас, кўпгина фарзандлар шундайдириллар. Охир-оқибат “Вой, онажоним!” дейдилар, нолаю фарёд денгизига фарқ бўладилар. Сўнг эса, тўғон бўлишни Онанинг руҳидан умид қилдилар. Жоҳил бандалар... офатлардан Онанинг руҳи эмас, Яратганининг ўзигина сақлашига ақллари етмайди... Яна Худо билади, оналарнинг руҳига бирон-бир қудрат касб этилса, борини ҳаётда қолган фарзандлари ҳимоясига бахш этарми эдилар... Бу шунчаки ожиз бир фараз. Аслида эса, Оналарнинг руҳлари фарзандлар дуосига муҳтождирлар...

Давоми келгуси сонда.



Гўзал Бегим

КЎЗЛАРИНИНГИ КЎЛИБ

ЧАРЧАМАС КЎЗИМ

* * *

Мен деразадан бахтни кузатаяпман
бошимга кўтаргим келару
афсус

мен деразадан бахтни кузатаяпман
туғилиб қарамаган бахтни
кулиб қарамаган бахтни

* * *

Вақт севги олдида тўхтайтиди фақат.
Имант Зиедонис.

Пиёланинг учган лабига
муҳрланар ўтмай қолган вақт
кўтарилиб туради ундан
ўтмаётган вақтнинг ҳовури
пешонамга танғиб кўяман
вақтнинг товушин

япроқлар титрайди тун бўйи
япроқларим менинг
тип-тиниқ жимлик
қалтирашиб туради улар
мангуга осилиб қолишдан чўчиб
юрагимда ёзилмаган қоғоз парчасин
титкилайди синиққан ранглар
лабларимиз кўмсар бир умр
пиёланинг учган лабини

* * *

Сен жимсан
мен жимман
кўзимизда сирғалади
учқур изтироб
ўша жимлик орасида оғир бир тош бор
юрақ ва ақлнинг мувозанати

* * *

Сахарда
тонг адоғига етмай
айнан шу эшикнинг
ғийқиллаган товуши
ҳаловатим
бузгунга қадар

ўша қалин товуш
жаранглаган сас
мудроқ туйғуларга урилғунича

гудраниб яшадим
уммон ва томчи оралиғида
қалтираган бир товуш бўлиб

сукунат эса
оппоқ унсурлардан
ранг олган эди

* * *

Кўзларингни ўқиб чарчамас кўзим
менга куч беради
ундаги жило

бир чимдим бер изтиробингдан
сен каби қийналай
сен каби

ориятли тиланчи бўлиб
ийманиб чертаман
юрак қопқасин

кўзларингни ўқийман
сирлар денгизига
шўнғийман аста-а-а.

* * *

Ҳорғин нигоҳ билан
нени-да тушунтириб бўларди
англади бўларди нени ҳам

аммо кўп нарсани
сўйлаши мумкин
гапирмай толиққан кўзлар
оқшом чоғ

мен сизни тинимсиз
кўраман
юрагимга термулиб
томоша қиламан ўзимни

ойга чиққан каби
завқланиб кетаман
юракда акс этган
сиймони кўрсам.

Гўзал Бегим (Матёқубова) Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманига қарашли Ўзбекёп қишлоғида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Дорилфунунининг филология куллийетида ўқиган. Айни пайтда, республика радиосида ишлайди. Журналда илк бор чиқиши.

МУНДАРИЖА

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ЮБИЛЕЙИГА	
Усмон Азим. Алпомиш. Кинодостон.....	3
НАЗМ	
Шукур Содик. Ватан тупроғига жонбаста.....	17
Шавкат Ҳасан. Қачонким, ёмғирлар қўшиқ айтдилар.....	24
Чўлпон Эргаш. Кўзгудаги қиз. Хаёлий-кечмиш достон.....	73
Мадина Саййидзода. Юлдузлар пойингда мисли кўзмунчоқ.....	92
Абдувоҳид Ҳайит. Мен бу ҳисни ёлғиз кечирдим.....	127
МУБОРАКЛИКЛАР МЕҲМОНИМИЗ	
Тўракул Ҳўжакулов. Шеърлар.....	19
Илёс Ойтуғдиев. Шеърлар.....	20
Юсуф Сиддиқов. Макр. Ҳикоя.....	21
НАСР	
Омон Мухтор. Майдон. Роман-ҳангома.....	26
Маҳкам Маҳмуд. Ҳикоялар.....	84
Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар. Қисса.....	130
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Сафтер Нагаев. Адолат — руҳият манзили.....	94
МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ	
Ҳамидулла Болтабоев. 80 йилда эскирмаган рисола.....	112
Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари.....	114
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Гўзал Бегим. Кўзларингни ўқиб чарчамас кўзим.....	158

Безовчи рассом Р. Қўнғирова

Мусаҳҳиҳ М. Йўлдошев

• Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. • Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. • Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. • Обунага монетлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 25.12.98 й. Босишга руҳсат этилди 28.01.99 й. Қоғоз формати 70×108 $\frac{1}{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 4000 нусха. Буюртма 3574.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.